

М. Г. Эсанов
М. Р. Ходжаев

ТЕРГОВ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2009

Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси
Б.Б.Валиевнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида

Тақризчилар:

Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси
М.А.Мирзаев;

Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси
Ш.П.Алаев;

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университетининг юридик факультети декани,
юридик фанлари доктори, профессор
Б. Б. Самархўжаев;

Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим
бошлиғи, адлия маслаҳатчиси
Р. Т. Ҳакимов.

Эсанов, Малик Ганиевич.

Тергов/ М.Г. Эсанов, М.Р. Ходжаев. — Тошкент: Фафур Фулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. — 208 б.

1. Ходжаев, Музаффар Рустамович.

Мамлакатимизда одилсудловнинг таъминланишида жиноятларни сифатли ва
малакали тергов қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан ушбу амалий қўлланмада тергов амалиётида кўпроқ тергов
қилинадиган баъзи жиноятларни тергов қилиш усуллари, ҳозирда амалда бўлган
Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига сўнгги йилларда киритилган
қўшимча ва ўзгартиришлар инобатга олинган ҳолда тайёрланди.

Мазкур қўлланма прокуратура, ички ишлар органлари ва МХХ органларининг
терговчилари амалиётда қўллашлари учун мўлжалланган. Бундан ташқари, ушбу
қўлланма ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тергов устидан назоратни амалга
ошириш вазифалари юклатилган прокурорлар, тергов маҳкамаларининг бошлиқлари,
шунингдек, ундан судьялар ва юридик олий ўқув юртлари талабалар ҳам амалиётда
ва илмий соҳада фойдаланишлари мумкин.

ББК 67.52я7

Э.х. 1203021200-57
М352(04)-2009 қатъий буюртма, 2009

ISBN 978-9943-03-221-7

© М. Эсанов, М.Ходжаев,
Фафур Фулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2009 йил.

КИРИШ

Жамият ва давлат ҳаётининг, ундаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб борилиши мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдига янги ва янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатимиз изчиллик билан, босқичма-босқич ижтимоий адолатли жамият ва ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш йўлидан бораётган бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, одилсудловни амалга оширишда фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида тергов фаолияти етакчи соҳалардан эканлигини қайд этиш лозим.

Шу сабабли бу муҳим талаблар ва улар асосида тергов маҳкамалари олдига юксак ва машаққатли, шу билан бирга шарафли, катта вазифалар қўйилаётганлигини ҳамда бу вазифалардан келиб чиқиб, дастлабки тергов фаолиятига жиддий эътибор қаратилиб, унинг жараёнида қонунийликни мустаҳкамлаш ва таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан қўйилаётган бундай юқори талабларни тўла бажариш учун тергов сифатини янада ошириш, криминалистик техника ва илмий-техник воситаларни терговга кенг ва самарали жорий қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, суриштирув ва тергов устидан прокурор назоратини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар мунтазам кўриб борилмоқда.

Бунда дастлабки терговни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган қонунийликни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Тергов органларининг аксарият ходимлари, ўзларининг давлат ва жамият олдидаги масъулиятини тўла англаган ҳолда хизмат бурчларини бажаришга виждонан ёндашмоқдалар. Тергов жараёнида қонунийлик мустаҳкамланиб, тергов органларининг фаолияти устидан раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга оширишда қонун талабларига аниқ ва ғишмай риоя қилинишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки тергов жараёнларида баъзан тергов ҳаракатларининг тўла ва сифатли ўтказилиши таъминланмаслиги оқибатида жиноятлар, шу жумладан ўта оғир жиноятлар фош этилмасдан қолиш ҳоллари ҳам амалиётда мавжуд.

Дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлиги, алоҳида жиноят ишлари терговининг муваффақияти, энг аввало, содир қилинган жиноятнинг терговчилар томонидан ўзига хос томонлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси ва бошқа омилларни назарга олган ҳолда энг тўғри ва мақбул бўлган тергов усулларининг танланиши, тергов ҳаракатларининг сифатли ва пухта тузилган режа асосида юқори малакада ва фаол ташкил этилишига боғлиқдир.

Зеро, қонун меъёрлари ва талабларидан ҳар қандай чекиниш фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишини, терговнинг эса қийинлашувини келтириб чиқаради.

Жиноят-процессуал қонун талабларидан чекиниш, тергов устидан назорат етарли даражада таъминланмаслиги айрим ҳолларда терговнинг узоқ чўзилиб кетишига ва асоссиз қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Айрим терговчилар фаолиятидаги камчиликлар қаторида аниқланган далилларни аниқ ва тўла қайд этмасликни, тергов ҳаракатининг бориши ва натижасини жиноят иши материалларида аниқ ва тўла акс эттирмасликни кўрсатиш мумкин. Амалиётдан маълумки, терговда аниқланган ҳолатларни ва ашёвий далилларни процессуал жиҳатдан нотўғри расмийлаштирилиши жиноятчининг айбдорлигини исбот қилиб бўлмас даражага олиб келади.

Тергов амалиётида фош этилмасдан қолган жиноятларга оид жиноят ишларини ўрганишдан кўринадики, бунга терговчининг ҳодиса содир бўлган жойга ўз вақтида ҳозир бўлмаслиги ва уни сифатли кўздан кечирилмаслиги, кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги ва ташкил этилмаслиги, жабрланувчининг шахси ва аниқланган ҳолатлар ҳамда тўпланган тезкор маълумотлар асосида ҳақиқатга яқин бўлган гумонлар илгари сурилмаслиги, шунингдек, уларнинг ҳар бирини чуқур текширилишини таъминловчи режалар ишлаб чиқилмаслиги, тергов олиб борилишида тактик усул ва услубиятлар тўғри қўлланилмаслиги сабаб бўлади.

Жиноятларни тергов қилишда криминалистик техникалар ва илмий-техник воситалар, шунингдек, фан ва техниканинг илғор ютуқларидан фойдаланилган ҳолда терговнинг дастлабки босқичиданоқ тергов йўналишларининг услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши жиноятларни фош этиш ва тергов сифатини яхшилашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Амалиётдан маълумки, терговнинг сифати ва самарадорлигининг ошиши, жиноятни тезда фош этилишида терговчиларнинг маълум бир тоифадаги жиноятларга оид жиноят ишларининг тергов қилиш усул ва услубиятларини, шундай ишлар юзасидан ўтказилган муваффақиятли тергов тажрибаларини яхши билишлари жуда муҳимдир.

Шу сабабли ҳам, терговчилар учун маълум бир тоифалардаги жиноят ишларини тергов қилинишининг усул ва услубиятларига оид ушбу қўлланмаларнинг тайёрланиб, чоп этилиши ва уларнинг ҳар бир терговчи қўлига етиб бориши ҳамда амалиётда муваффақиятли қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга.

1-§. ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Шахсга қарши қаратилган жиноий тажовузлар ичида қасддан одам ўлдириш жамият учун алоҳида ижтимоий хавfli ҳисобланади.

Тергов ва суд органларининг бу ва шунга ўхшаш ўта оғир жиноятларга қарши кураш фаолияти қонунийликка қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилмоғи ва бунда, қотиллик содир этган ҳар бир шахс тўла фош этилмоғи ва адолатли жазога тортилмоғи, шу билан бирга айбсиз бўлган бирорта ҳам шахс асоссиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигига эришиш зарур.

Статистик маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон ҳар 100000 кишига содир этиладиган ўртача қасддан одам ўлдириш жиноятлари сони бўйича ҳам, содир этилган бундай жиноятларнинг фош этилиши даражаси бўйича ҳам жаҳон миқёсида энг яхши кўрсаткичлардан бирига эгалдир. Бинобарин, бунинг замирида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, қолаверса, терговчиларнинг оғир ва машаққатли меҳнати ётади.

Қуйида қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш амалиётининг айрим муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш одатда ўта мураккаб ва машаққатли бўлади.

Қасддан одам ўлдириш усуллари ҳам турлича ва турли хил ҳолатларга боғлиқ бўлади. Инсон ҳаётдан жиноятчилар томонидан асосан ўқотар ёки совуқ қурол, портлаш механизми, электр токидан фойдаланиш, қўл, оёқ ва ўтмас жисм билан уриб, бўғиб, чўктириб, ёқиб, баландликдан ва ҳаракатдаги транспортдан ташлаб юбориш, узоқ вақт сувсиз ва оч қолдириш йўли билан маҳрум қилинади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг изини яшириш усулларига жасадни ёки унинг қисмларини йўқ қилиш, жасадни қотиллик жойидан бошқа жойга ўтказиш, бўлакларга бўлиш ёки таниб бўлмас даражага келтириш, жиноят қуролини, жабрланувчининг кийим-бошларини яшириш, қотиллик жойида изларни йўқотиш, қотилликни ўз жонига суиқасд қилган сифатида талқин (инсценировка) қилиш ёки бахтсиз ҳодиса, ўз ажали билан тўсатдан вафот этган сифатида кўрсатишни киритиш мумкин.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг кенг тарқалган сабаблари (мотиви) сифатида шахсий келишмовчилик муносабатлари, қасд, рашк, рақобат, безорилик туйғуларини, бошқа бир жиноят изини яшириш, гараз мақсадларни келтириш мумкин.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 25 фоизи уй, хонадон, сарой ва дала ҳовлиларда, 15 фоизи кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида, 10 фоиздан кўпроғи кўча, хиёбон, боғ ва бошқа жамоат жойларида, 5 фоизи шаҳар ташқарисидаги йўлларда, 5 фоизи темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти бекатлари ҳамда транспортда содир этилади.

Қотилликларнинг 35 фоизи шанба, якшанба ва байрам кунлари, 40 фоизи соат 19дан 24 гача, 20 фоизи соат 00 дан 06 гача содир этилади.

Тергов бошланғич босқичининг ўзига хос томонлари.

Қасддан одам ўлдириш жинояти аломатларини аниқлашнинг мураккаб ҳолатларидан бири жабрланувчининг жасади йўқлиги ҳисобланади. Бундай ҳолларда қотилликнинг алдоматлари бўлиши мумкин: атрофдагилар учун жабрланувчининг тўсатдан йўқолиб қолиши; қариндошлари билан муносабати яхши бўлмаган жабрланувчининг ўлиmidан, уларнинг манфаатдорлиги; киши бирор ёққа кетишида ўзида бўлиши шарт бўлган нарса, буюм ва ҳужжатларнинг мавжудлиги; шахснинг йўқолиб қолганлиги юзасидан ҳақиқатга яқин бўлмаган ва қарама-қарши гап-сўзларнинг тарқалиши; жабрланувчининг катта миқдордаги пул ёки транспорт воситаси билан бедарак йўқолганлиги ҳолатлари.

Терговнинг бошланғич босқичида қуйидаги типик гумонлар илгари сурилиши мумкин: қотиллик содир бўлган, суиқасд содир бўлган, ўзининг эҳтиётсизлиги натижасида бахтсиз ҳодиса юз берган, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида бахтсиз ҳодиса содир бўлган, ўзини-ўзи ўлдириш инсценировка қилинган, бахтсиз ҳодиса ёки тўсатдан вафот этган.

Ҳар бир қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича эса, содир этилган жиноятнинг аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлари: усули, жойи, вақти, сабаби (мотиви) ҳақида, жиноятчи ва жабрланувчи тўғрисида, жиноят содир этилишига сабаб бўлган ва имкон яратган шарт-шароитлар ҳақида хусусий гумонлар илгари сурилади ва уларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида босқичма-босқич изчиллик билан текширилишини таъминлаш учун гумоноти йўналишлар белгиланган ҳолда кенг қамровли ҳамкорликдаги тергов ва тезкор-қидирув режаси тузилади.

Масалан, тадбиркорлик билан шуғилланувчи фуқаро Б. жасади ўз уйидан, номаълум жиноятчи(лар) томонидан танасига пичоқ билан етказилган кўплаб жароҳатлари билан топилган ҳамда уйидан кўп

миқдордаги қимматбаҳо нарса ва буюмлари ҳамда пули жиноятчи(лар) томонидан олиб кетилган. Юқорида қайд этилган ҳолатлар ва маълумотлар асосида жиноятни фош этишга қаратилган ҳақиқатга энг яқинлари сифатида қуйидаги гумонлар илгари сурилиб, уларни тўла ва сифатли текшириш учун қуйидаги гумоноти йўналишлари белгиланиши мумкин.

1. Жиноят жабрланувчи ва оила аъзоларига тегишли бўлган мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар ва пулга эга бўлиш учун ғараз мақсадларда содир этилган:

а) жиноят ғараз мақсадларда жабрланувчининг қариндошлари томонидан содир этилган;

б) жиноят ғараз мақсадларда жабрланувчи билан қўшни бўлиб яшовчи, муқаддам судланган ва жиноятга мойил шахслар томонидан содир этилган;

в) жиноят ғараз мақсадларда жабрланувчи ва оила аъзоларини яхши биладиган ва турли хил муносабат ҳамда мулоқотларда бўлиб юрган танишлари томонидан содир этилган;

г) жиноят ғараз мақсадларда «саёҳатчи» жиноятчи ва жиноятчилар ёки жиноий гуруҳ томонидан содир этилган.

2. Жиноят жабрланувчидан қасд олиш мақсадида содир этилган:

а) жиноят жабрланувчидан қасд олиш мақсадида қариндошлари томонидан содир этилган;

б) жиноят жабрланувчидан қасд олиш мақсадида қўшни бўлиб яшовчи шахслар томонидан содир этилган;

в) жиноят жабрланувчидан қасд олиш мақсадида уни яхши биладиган ва турли хил муносабат ҳамда мулоқотларда бўлиб юрган ва қасдлашиб қолган танишлари томонидан содир этилган;

г) жиноят жабрланувчининг интим муносабатлари юзасидан келиб чиққан қасд орқасида содир этилган.

3. Жиноят «саёҳатчи» жиноятчи ва жиноятчилар ёки жиноий гуруҳ томонидан жиноят объекти адаштирилган ҳолда содир этилган.

4. Жиноят руҳий касал шахс томонидан содир этилган.

5. Жиноят аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш ёки шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини обрўсизлантириш мақсадида жиноий гуруҳ томонидан содир этилган.

6. Жиноят содир этилган бошқа бир жиноятнинг изини йўқотиш мақсадида жиноий гуруҳ томонидан содир этилган.

Амалиётда қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан тергов ҳаракатларини олиб боровчи прокуратура органлари ва тезкор-қидирув ҳамда суриштирув фаолиятини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўйича уни тез ва тўла

фош этиш мақсадида махсус тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи ташкил этилади.

Мазкур гуруҳ жиноятни фош этиш бўйича жиноят ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатга яқин бўлган гумонлар илгари сурилиб, уларнинг барчасини бир вақтнинг ўзida босқичма-босқич изчиллик билан текширилишини таъминлаш учун гумононости йўналишлар белгиланган ҳолда тузилган кенг қамровли ҳамкорликдаги тергов ва тезкор-қидирув режаси асосида ишларни ташкил этади.

Агарда жабрланувчилар бир неча киши бўлса ёки жиноят кўпчиликнинг ҳаётига жиддий хавф соладиган усулларда ёки террористик акт жараёнларида содир этилса, прокуратура, ички ишлар ва МХХ органлари раҳбарияти томонидан юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда тергов ва тезкор-қидирув гуруҳига қўшимча терговчи ва тезкор ходимлар жалб қилиниши амалиётда кўп учрайди.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўйича терговнинг бошланғич босқичида қуйидаги типик тергов вазиятлари содир бўлади.

1. Шахси маълум бўлган жасад қотиллик аломатлари билан топилган, қотиллик содир этилиш ҳолатлари ва уни содир этганлар аниқ эмас.

Бундай вазиятда жиноятни фош этиш ва гумонланувчиларни ушлашга қаратилган комплекс тергов ҳаракатлари: яъни ҳодиса содир бўлган жойни ва жасадни кўздан кечириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ушлаш, шахсий тинтув, гувоҳлантириш, гумонланувчиларни сўроқ қилиш, яшаш ва иш жойларида тинтувлар ўтказиш, судга оид турли экспертизалар ўтказилади.

2. Номаълум шахс жасади ёки жасаднинг бўлаклари топилган. Терговнинг дастлабки босқичидаги асосий вазифа жабрланувчининг шахсини аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жой ва жасад кўздан кечирилиб, бу жараёнлар видеотасвирга, суратга олинади ва дактолоскопик тадбирлар амалга оширилади. Тезкор-ахборот, ҳисобот-ахборот марказлари бўйича бедарак йўқолган шахслар, муқаддам судланганларни текшириш ташкил этилади. Қўшни туманлар, вилоятларга жабрланувчининг жасади, унинг ўзига хос аломатлари ва белгилари акс эттирилган фотосуратлар илова қилинган ҳолда унинг ёши, жинси, бўйи, ташқи кўриниши, эғнидаги кийим-бошлари ва бошқа белгилари тўлиқ кўрсатилган ҳолда топшириқлар ҳамда ҳаракат мўлжаллари (ориентировкалар) юборилади ва ижроси назоратга олинади. Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги аризалар ўрганилади, меҳмонхоналарда яшовчи ва қайтиб келмаганлар, хизмат сафарига ва бошқа мақсадда уйдан чиқиб кетиб, келиши керак бўлган муддатларда ҳам қайтиб келмаганликлари сабаблари текширилади. Жабрланувчининг жасади ҳодиса содир бўлган жойга яқин жойлашган ҳудудларда яшовчи

аҳолига таниб олиш учун тезкор тартибда кўрсатилади. Кўшимча гувоҳларни аниқлаш ва сўроқ қилиш чоралари кўрилади. Жиноят фош этилганидан сўнг, биринчи вазиятда қайд этилган ҳамда ЖПКда белгилаб қўйилган терговни тамомлашга қаратилган тергов ҳаракатлари ўтказилади.

3. Қасддан одам ўлдириш жиноятини ёки фактини яшириш мақсадида суиқасд инсценировка қилинган. Бундай вазиятда суиқасд инсценировка қилинганлигини исботлашга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилади. Суиқасд инсценировка қилинганлигини жабрланувчида суиқасд учун сабаб бўлмаганлиги, бўйнидаги жароҳатлар ва танасидаги ўлимига сабаб бўлган жароҳатларнинг жойлашуви, характери, пайдо бўлиш механизми, танасидаги жароҳатлари билан кийимларидаги шикастларнинг мувофиқ эмаслиги, жароҳатларнинг ўлимга сабаб бўла олмаслиги ва сабаб бўлиши мумкин бўлган жароҳатлари ўлиmidан сўнг етказилганлиги, ўқотар қуролдан етказилган жароҳат яқин масофадан ўқ узишга хос эмаслиги ва кийимларида ўқ яқиндан узилганда қолиши мумкин бўлган изларнинг мавжуд эмаслиги ва шунга ўхшаш каби бошқа ҳолатлар кўрсатиши мумкин.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан дастлабки терговнинг бошқа тоифадаги жиноятлардан қийинлиги, аввало, бу ўта оғир жиноят бўлибгина қолмасдан, жиноятчилар унинг изини йўқотиш учун турли хил усуллар ва воситалардан фойдаланиши билан ҳам изоҳланади.

Бу эса терговчидан юқори малака, махсус билимлар, криминалистик техника ва илмий-техник воситаларни самарали қўллай олиш қобилиятини, шунингдек, бундай жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос томонларидан келиб чиқадиган бошқа қоидаларга риоя этишни талаб қилади.

Бундай оғир жиноятни тергов қилишда қуйидаги муҳим шартларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Ҳодиса содир бўлган жой ва жасадни ўз вақтида ва малакали кўздан кечириш, кечиктириб бўлмайдиган дастлабки тергов ҳаракатларини сифатли ўтказишни фаол ташкил этиш.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳодиса жойи ва жасадда инсон танаси бутунлигининг бузилиши ёки ҳаёт фаолиятининг тугаши билан боғлиқ бўлган ашёвий далиллар, излар, жиноят қуроли ёки унинг ҳаракати излари доимо қолади. Ҳаттоки, қотил қанчалик жиноят изини йўқотиш ва яшириш чораларини кўрмасин, барибир, у, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўпинча, унинг шахси ва жиноят содир этиш усулини кўрсатиб берувчи моддий изларни қолдиради. Бу хусусиятлар эса, терговнинг илмий усул ва услубиятлари, криминалистик техника ва илмий-техник воситаларнинг кенг қўлланилиши учун катта имконият яратади.

Кўпинча бу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш жасад топилиши билан бошланиши сабабли, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Терговни режалаштириш, гумонларни илгари суриш, тезкор-қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижаларига боғлиқ бўлади. Амалиётдан маълумки, агарда ҳодиса содир бўлган жой тактик жиҳатдан тўғри ва малакали кўздан кечирилган бўлса, албатта ижобий натижаларга эришилади.

Бундай жиноятларга оид тергов ҳаракатининг сифатли ўтказилиши эса, терговчининг тажрибаси, малакасига, унинг ҳолатлар ва вазиятни тўғри баҳолай олишига ва уларни кўздан кечириш баённомасида тўла ва аниқ акс эттира олиш қобилиятига боғлиқдир.

Бунда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўз вақтида ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки, унга фақатгина ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолатнинг қандай бўлса шундай ҳолда, шунингдек, тез йўқоладиган ва узоқ турмайдиган айрим из ва ашёвий далилларнинг ўзгармаганлиги ва сақланганлигини эмас, балки терговчининг кечиктириб бўлмайдиган дастлабки тергов ҳаракатлари ва қидирув тадбирларини ўтказиши ҳам ўта муҳим бўлади.

Терговчиларнинг касб-маҳоратини ошириш, илмий-техник воситалардан ва экспертизалар имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тезда фош этиш энг аввало, терговчининг малакаси, мураккаб ишларни тергов қилиш услубларини билиши, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда илмий-техник воситаларни оқилона қўллай олишига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида терговчиларнинг касб-маҳоратини оширишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда, улар қасддан одам ўлдириш жиноятларига оид ишларни тергов қилиш борасида старли малака ва тажрибага эгадирлар. Бундай тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда терговчилар томонидан криминалистик техника ва илмий-техник воситалар кенг қўлланилиб, йилдан-йилга улар янгиланмоқда, фан-техниканинг илғор ютуқлари босқичма-босқич жорий қилиб борилмоқда.

Масалан, бугунги кунда деярли барча тергов ҳаракатларида видеокамера кенг қўлланилмоқда, булардан ташқари судга оид турли экспертизаларнинг имкониятлари ҳам кенгайиб, шу пайтга қадар мумкин бўлмаган кўплаб муаммолар экспертлар томонидан ўта замонавий жиҳозлар ва воситалар ёрдамида ечилмоқда.

Тергов ҳаракатларини, суриштирув органлари ўтказаятган тадбирлар билан оқилона мувофиқлаштириш ҳамда бу ишларни тўғри режалаштириш ва гумонларни чуқур текшириш.

Амалиётдан маълумки, қотиллик жиноятларини муваффақиятли фош этиш ва ҳар томонлама тергов қилишнинг муҳим шартларидан бири— прокуратура терговчилари ва ички ишлар органларининг тезкор-қидирув маҳкамаси ишларини оқилона мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Терговчининг процессуал ҳаракатларини суриштирув органи ўтказаятган тадбирлар билан уларнинг ваколатлари ва фаолият шакллари инобатга олинган ҳолда уйғунлигини таъминлаш, бу органлар ҳар бирининг имкониятларидан тўла фойдаланиш учун асос яратади.

Қотиллик жиноятларини тергов қилишда, суриштирув органлари терговчидан олган топшириқлар асосида, тезкор воситалар ва қидирув имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим.

Жиноят-процессуал қонунига кўра суриштирув органига жиноят аломатлари, белгилари ва изларини ҳамда уни содир этган шахсларни аниқлаш ва топиш мақсадида тезкор-қидирув чораларини кўриш юклатилган.

Шу боисдан суриштирув органлари: қотиллик жинояти содир этилган ёки жасад қотиллик аломатлари билан топилган бўлса, бу ҳақда дарҳол прокурор ёки терговчига маълум қилиши; жабрланувчига ёрдам кўрсатиши; содир этилаётган жиноятнинг бартараф этиши ёки тайёрланаётган жиноятнинг олдини олиш чораларини кўриши; қотилнинг шахсини аниқлаш, уни қидириш ва ушлаш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириши шарт.

Суриштирув органи ходимлари терговчига ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ёрдам кўрсатади; унинг жабрланувчининг шахсини ва қариндошларини аниқлаш, гумондор ва бошқаларнинг турмуш тарзини тавсифловчи маълумотларни тўплаш, жиноят қуролини излаш, ашёвий далилларни топиш юзасидан топшириқларини бажаради. Терговчининг топшириғи асосида тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказadi.

Суриштирув органи ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда терговчининг топшириғига асосан жиноятчини қидиради ва ушлайди, муайян шахслар ва объектлар устидан кузатувни амалга оширади, тергов жараёнларини режалаштиришда ўз фикрлари ва таклифлари билан иштирок этиб, гумонларни илгари суриш ва текширишда қатнашади.

Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув тадбирлари расмий процессуал фаолият ҳисобланмайди ва шу сабабли ҳам уларни ўтказиш шакли ва тартибини ички ишлар органлари ходимларининг ўзлари белгилайди, терговчи эса уларга ўз топшириғини қандай қилиб бажарилиши тўғрисида кўрсатма бериши мумкин эмас.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилишда амалиётда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар.

Сўнгги йилларда қотиллик жиноятларининг фош этилиши яхшиланиши, тергов сифатининг ошиши ва тергов муддатларининг қисқариши билан бирга прокуратура органларининг терговчилари томонидан бу тоифадаги жиноятларни тергов қилишда жиддий хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилиши кузатилмоқда ва улар қуйидагилардир:

1. Ҳодиса содир бўлган жой ва жасадни ўз вақтида ва малакали кўздан кечирмаслик, кечиктириб бўлмайдиган дастлабки тергов ҳаракатларининг сифатсиз ўтказилиши.

Қотиллик жиноятларини тергов қилишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш алоҳида муҳим аҳамият касб этишига қарамасдан, айрим терговчилар бу тергов ҳаракатининг қанчалик муҳимлигини тушуниб етмайдилар.

Кўпинча кўздан кечириш юзаки ва тартибсиз ўтказилади, бунда шу жойдаги ҳолат ва вазият, жасаднинг, унинг танасидаги ҳамда эғнидаги кийимларининг аҳволи, мавжуд бўлган жароҳатлари баённомада аниқ қайд этилмайди, криминалистик техника ва илмий-техник воситалар самарали қўлланилмаслиги натижасида жиноят излари, ашёвий далиллар аниқланмасдан ва топилмасдан қолинади, айрим ҳолларда эса йўқотилади ёки уларнинг бузилишига йўл қўйилади.

Амалиётда эса қотиллик жинояти содир этилган бўлишига қарамасдан, туман (шаҳар) прокурорининг масъулиятсизлиги ва терговчилари навбатчи эмаслигини ёки бошқа сабабларни баҳона қилишлари оқибатида, ҳодиса содир бўлган жойнинг прокурор ёрдамчилари ёки иш ўрганувчилар томонидан кўздан кечирилиши ҳолатлари ҳам учраб туради.

Айрим ҳолларда терговчи гўёки ҳодиса содир бўлган жойни жуда синчковлик билан кўздан кечирилишини таъминлашга ҳаракат қилаётгандек бўлиб, узоқ муддат уни давом эттиради ва бунинг давомида шу жойдаги вазият, аниқланган ҳолатлар ва тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, ички ишлар органларига тезда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан тегишли топшириқ ва кўрсатма берилишини унутиб қўядилар.

2. Терговнинг нотўғри режалаштирилиши ва тўлиқ ўтказилмаслиги ҳамда сўроқларнинг юзаки амалга оширилиши.

Қотиллик жиноятларини тергов қилишдаги асосий камчиликлардан бири—тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини нотўғри режалаштириш ҳисобланади. Амалиётдан кўринадики, баъзи терговчилар қотиллик жойидаги вазият, ҳолат, вақт, унинг содир этилиши усули, мақсади, жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқур

ўрганмайди, текширмайди ва таҳлил қилмайди. Жабрланувчи, гумонланувчи ва айбланувчиларнинг шахсига оид маълумотлар текширилмайди. Жиноятни ва жиноятчини фош этишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган ва билвосита (тўғридан-тўғри бўлмаган) далилларни тўплашга эътиборсизлик кўрсатилади.

Жиноятни фош этишга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув режаси ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолати, нима сабабдан айнан шу жойдалиги, жиноят содир этилиш куни, вақти ва соати, жасаднинг ва кийимлари, унинг ҳолати ва аҳволи, жабрланувчининг шахси ва унинг танасидаги жароҳатларнинг характери, жиноят содир этилиш усули ва мақсадлари тўла назарга олинмасдан, қайд этилган бу ҳолатларнинг ҳар бири чуқур таҳлил қилинмасдан тузилади ва бунинг оқибатида лозим бўлган ҳақиқатга яқин гумонлар илгари сурилмайди. Бунинг ўрнига терговчи юзаки режа тузиб, унда ҳақиқатга яқин бўлган барча гумонларни илгари сурмасдан, ўзига ҳақиқатдек туюлган бир-иккита гумонни текшириш билан чекланади. Ёки, илгари сурилган барча гумонларни бир вақтнинг ўзida чуқур текширилишини таъминлай оладиган тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини белгиламайди.

Бунинг оқибатида эса, терговчи илгари сурган—пухта ўйланмаган гумонни текширишга берилиб кетади ва у тасдиқланмасдан қолганида катта хато ва камчиликка йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолади, аммо, уларни бартараф этиш ҳаммавақт ҳам мумкин бўлавермайди. Натижада ўта оғир жиноят фош этилмасдан қолади ёки жиноят иши бўйича сансалорликка йўл қўйилади, у суд томонидан қўшимча терговга қайтарилади.

Худди шунингдек, терговнинг тўла, ҳар томонлама ва сифатли бўлишини таъминланмаслиги ҳам сансалорликни келтириб чиқаради ва жиноят учун жазони ўз вақтида қўлланишини кечиктиради.

Қотиллик жиноятини фош этиш ёки жиноятчининг айбини узил-кесил исботлашда муҳим далиллар гувоҳ, жабрланувчи, гумонланувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда олинади ва унинг асослари ЖПКнинг 96–121-моддаларида кўрсатилган. Уларни муваффақиятли ва самарали сўроқ қилишни пухта тайёргарликсиз, режасиз тасаввур қилиш қийин. Аммо, амалиётда баъзи терговчилар бу тергов ҳаракатини ўтказишга жиддий эътибор қаратмасдан сўроқни юзаки, жиноят иш материалларини чуқур ўрганмасдан, етарли тайёргарликсиз, лозим бўлган барча ҳолатларни аниқламасдан, тўлиқ бўлмаган ва шарт бўлган ҳолатлар аниқланмасдан амалга оширадilar, табиийки, бунинг оқибатида уларни такроран сўроқ қилиш зарурияти келиб чиқади. Энг ёмони эса, сўроқ қилинувчининг вазиятга қараб кўргазмасини ўзгартиришига ёки нотўғри кўргазма беришига ҳам олиб келади.

Масалан, фош этилмаган қотиллик жинояти юзасидан гумонланувчи терговчи томонидан сўроқ қилинаётганида унинг хонасига туман

прокурори, ички ишлар органи бошлиғи ва суриштирув маҳкамаси ходимлари шу вақт мобайнида кириб-чиқиб туришса-да ва терговчи улар билан жиноятнинг фош этилишини, қандай далиллар мавжудлиги ҳамда қандай тадбирлар ўтказилаётганлигини муҳокама қилса, шундай ҳолатда ҳам жиноятни ёки жиноятчини фош этиш мумкинми?

Шу сабабли фош этилмаган қотиллик жинояти бўйича гумонланувчилар сўроқ қилинишида қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши мақсадга мувофиқдир:

— терговчи гумонланувчининг ҳузурида бошқа бирорта шахс билан ҳам юзма-юз ёки телефон орқали сўзлашмаслиги ва бутун диққат эътиборини шу тергов ҳаракати ўтказилишига қаратмоғи лозим (ўзининг ҳам, гумонланувчининг ҳам фикри бўлинмаслиги, у берилган саволларга тўқима важлар (алиби) ўйлаб олмаслиги учун ҳам);

— терговчи гумонланувчини сўроқ қилишдан аввал, сўроқнинг режасини пухта ўйлаб, тузиб қўйиши керак, бунда эса режада босқичма-босқич аниқланадиган ҳолатлар, яъни гумонланувчининг шахси, турмуш тарзи, характери, кишилар билан муносабатларини ойдинлаштиришни, жиноят содир этилиши арафасида, шу куни ва ундан кейинги кунлари ҳақида (икир-чикиригача), жабрланувчи билан муносабатлари ҳақида, илгари сурилган ҳар бир гумон талабидан келиб чиқилган ҳолда аниқланиши шарт бўлган ҳолатлар белгиланиши лозим. Сўроқ давомида фақатгина режага таяниб қолмасдан, унинг давомида аниқланган ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда уларга ойдинлик киритиш мақсадида мазмунли саволлар бериб борилмоғи лозим.

— терговчи гумонланувчини сўроқ қилишда ўзини гўёки у шу жиноятни содир этганлигини, қачон, қандай ҳолатда ва кимлар билан нима мақсадда содир этганлигини жуда яхши биладигандек тутиши, ортиқча бир огиз ҳам сўз айтмаслиги керак. Тасаввур қилинг, гумонланувчи ҳақиқатан ҳам қотилликни Эшматов ва Тошматов билан бирга 1 май куни содир этган бўлгани ҳолда, ўз айбига иқрорлик билдирмасдан барчасини инкор этиб ҳамда тўпланган далиллар ва руҳий босим остида барча ҳолатларни айтиб бериш масаласида иккиланиб турган бир пайтда терговчи ўйламасдан унга қарата жиноятни 5 май куни Кузнецов билан содир этгансизлар, деб гапириб қўйса, гумонланувчи дарҳол, демак, терговчида мени жиноятга алоқадорлигимни тасдиқловчи ҳеч қандай далил ва исбот йўқ экан, деган хулосага келади ҳамда жиноятга алоқадорлигини инкор этишда давом этади.

Айрим терговчилар, ЖПКнинг 122–124-моддалари талабларига зид равишда юзлаштиришни сўроқ қилмасдан ҳам туриб ўтказадилар. Шунингдек, юзлаштиришларда доимо ҳам уни ўтказиш тартибини, яъни аввал кимни сўроқ қилишдан бошлашни тўғри белгилай олмайдилар,

натижада жиноятнинг фош этилмаслигидан манфаатдор бўлган юзлашаётган шахсга у айнан шу пайтда билиши мумкин бўлмаган маълумот ошкор этиб қўйилиб, унинг ўзига алиби яратишига имкон берилади.

Таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказишда ҳам ЖПКнинг 125–131-моддалари талабларини бузиш ҳолатлари амалиётда кўп учрайди.

Чунончи, таниб оладиган ва таниб олинадиган шахслар дастлаб атрофлича сўроқ қилиниши ва бунда таниб олинадиган шахснинг ташқи кўриниши (бўйи, ёши, гавда тузилиши, ранги, юз тузилиши, сочи, соқол-мўйлови, сўзлашиши ва бошқалар) ва улар бири-бирини кўрган вақтдаги ҳолатлар (масофа, ёруғлик аҳволи ва бошқалар) муфассал аниқланиши лозим бўлса-да, бу ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан сўроқ қилинади ёки сўроқ ҳам қилинмасдан таниб олиш тергов ҳаракати ўтказилади. Бунинг натижасида, жиноятнинг фош этилишида ўта муҳим далил бўлиши мумкин бўлган ҳолат шубҳа остида қолдирилади.

Шахсларни таниб олиш учун кўрсатишда ЖПКнинг 127-моддасида белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга ҳаммавақт ҳам амал қилмаслик ҳолатлари мавжуд. Бунда қонунда кўрсатилганидек, таниб олиш учун ёши деярли тенг, ташқи кўринишлари ва эғнидаги кийимлари ўхшаш бўлган 3 та шахслар таниб олиш учун кўрсатилиши шарт бўлса-да, қонуннинг бу талаблари бузилишига йўл қўйилади. Бундай салбий ҳолатлар ашъвий далилларни таниб олиш учун кўрсатишда ҳам мавжуд.

3. Экспертизаларга етарли аҳамият бермаслик.

Терговнинг дастлабки босқичида, жумладан, ҳодиса содир бўлган жойнинг сифатсиз кўздан кечирилиши, унда криминалистик техника ва илмий-техник воситалар самарали қўлланилмаслиги турли хил экспертизалар ўтказилишида объектларни тўла текшириш ва улар юзасидан узил-кесил ҳамда аниқ хулосалар берилиш имкониятларини пасайтириб юборади.

Амалиётда терговчилар томонидан экспертизалар тайинлашда асослантирилмаган қарорлар чиқариш ва уларда мутахассислар олдига аниқланиши ва тўла жавоб берилиши шарт бўлган саволлар қўйилмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Масалан, судга оид тиббий экспертиза тайинлашда, ўлим вақти ва сабабини, тан жароҳатларини аниқлаш бўйича доимий шарт бўлган саволлар қўйилади ва шу билан бирга жасад ва кийимдаги жароҳатларнинг характерини, кураш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш аломатларининг мавжудлигини, унинг ёшини, қон гуруҳини, мастлиги ва унинг даражасини, заҳарланиш аломатлари бор-йўқлиги ва айнан нима билан заҳарланганлигини, тириклигида ўлимга олиб келувчи касалликларини, мавжуд жароҳатлари билан ҳаракатлана олиш имкониятларини, тан жароҳатлари ўлимигача ёки ўлимидан сўнг

етказилган ёки олган бўлиши мумкинлигини ва бошқа ҳолатларни аниқлаш юзасидан саволлар қўйилмасдан қолади.

Кўпинча терговчилар қотиллик жиноятлари бўйича судга оид экспертизалар хулосаларини олганидан сўнг, унинг фақатгина хулоса қисми билан танишиб чиқадилар ва келгуси тергов ҳаракатларини ўтказишда уларни асос қилиб оладилар. Аммо, улар хулосасининг баён қисмини ўқимайдилар ва таҳлил қилмайдилар, ваҳоланки, эксперт хулосасининг баён қисмида айнан шундай тўхтамларга келиш учун нималарга асосланганлигини ва асоснинг илмийлиги аниқ кўрсатилади. Аммо, улар ҳеч қачон хато ва камчиликка йўл қўймаслигига ёки ҳар бир ҳолатнинг етарли даражада талқин этилганлигига ҳамда ўз тўхтамлари мутлақ тўғри ва илмий асослилигига кафолат бера олмайдилар.

Шу сабабли ҳам терговчи экспертиза хулосасини олганидан сўнг уни бошдан охиригача синчковлик билан ўрганиши ва бунда экспертнинг олдида қўйилган барча саволларга тўла ва узил-кесил жавоб берилганлигига, тўхтамлари илмий асослантилганлигига баҳо бермоғи лозим бўлади, чунки тўла бўлмаган экспертиза хулосаси қўшимча, қайта ва комиссиян экспертизалар тайинлашга, баъзи ҳолларда эса бундай экспертизалар тайинланганида жасад ва бошқа текшириш объектлари батамом ўзгариб ва хусусиятлари йўқолиб, экспертиза аниқ бўлмаслигига ёки умуман хулоса бера олмай қолишига ҳам олиб келади.

4. Терговчининг ҳаракатлари ва суриштирув органлари ўтказадиган тезкор-қидирув тадбирларнинг бири-бирига мувофиқ олиб борилмаслиги.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тезда фош этиш ва сифатли тергов қилишнинг яна бир муҳим шарти бўлиб, терговчи ва ички ишлар органлари тезкор қидирув маҳкамаси ишларининг ишчан ва яқин ҳамкорликда ташкил этилиши ҳисобланади.

Қотиллик жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хослиги терговчи ва суриштирув органидан жасад топилганидан бошлаб, жиноят ишининг судга юборилишига қадар мунтазам шахсий мулоқотларда бўлиб туриш, ўзаро ахборотлар алмашиш ва барча ҳаракатларни келишилган ҳолда уйғунлигини таъминлашни талаб қилади.

Айниқса, терговнинг дастлабки босқичида, кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг амалга оширилишида ҳамда терговни режалаштириш, гумонларни ишлаб чиқиш, илгари суриш ва текширишда бу масала муҳим аҳамият касб этади.

Амалиёт, терговчи жиноятни фош этиш учун қанчалик фаоллик билан самарали фаолият кўрсатмасин ёки худди шунингдек, ички ишлар органлари тезкор-қидирув маҳкамаси жиноятчини аниқлаш ва фош этиш борасида қанчалик жонбозлик кўрсатмасин, улар ўртасида ҳаракатларининг уйғунлиги, яқин, ишчан ва амалий ҳамкорлик йўлга

қўйилмаса, қутилган ижобий натижага эришиб бўлмаслигини ва кўпинча барча ҳаракатлар самарасиз бўлиб қолишини кўрсатади.

Амалиётда эса, ички ишлар органларининг терговчи билан, терговчининг ички ишлар органлари тезкор-қидирув маҳкамаси билан ҳамкорлиги йўлга қўйилмаганлиги натижасида улар бир-бирида бўлган муҳим ахборотлардан хабарсиз қолганлиги, жиноятни фош этишнинг аниқ имкониятлари йўқотилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

5. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш устидан прокурор назоратининг етарли даражада таъминланмаслиги.

Қотиллик жиноятларининг фош этилиши ва тергов қилинишида йўл қўйиладиган хато ва камчиликларга маълум даражада прокурор назоратининг етарли даражада таъминланмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Айрим туман (шаҳар) прокурорлари, тергов бошқармаси (бўлими, бўлинмаси) бошлиқлари қотиллик жиноятлари содир этилганида ҳодиса содир бўлган жойга доимо ҳам чиқавермайдилар, терговнинг дастлабки босқичида ўтказилиши шарт бўлган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг амалга оширилишида ёрдам кўрсатмайдилар, муҳим тергов ҳаракатлари ўтказилишида қатнашмайдилар, жиноят иш материалларини терговнинг турли босқичларида ўрганмайдилар ва улар бўйича терговни йўналтириш юзасидан мазмунли ёзма кўрсатмалар бермайдилар, терговчи ва суриштирув органлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш чораларини кўрмайдилар.

Бунинг натижасида эса, жиноятнинг фош этилиши қийинлашади, терговнинг сифатли, тўла ва ҳар томонламалиги таъминланмай қолади, муддатлари бузилиб, сансалорликка йўл қўйилади ҳамда жиноят ишлари судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилади.

Баъзида прокурорлар гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш юзасидан судга илтимоснома киритилишида жиноят иш материалларини чуқур ўрганмайдилар, шахсан ўзлари уларни сўроқ қилмайдилар.

Бундай тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда прокурор назоратининг етарли даражада таъминланмаслиги оқибатида эса, терговчи томонидан жиноятни фош этиш ва жиноятчининг айбини исботлаш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилмасдан қолади ва пировардида тергов сифатсиз ўтказилади, айрим ҳолларда жиноятлар фош этилмасдан қолади.

2-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ БЕДАРАК ЙЎҚОЛИБ, ЖАБРЛАНУВЧИ ТОПИЛМАГАН ҲОЛАТЛАРДА ҚЎЗГАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилиб, содир этилган ҳар бир жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Шундай бўлса-да, ҳамон айрим турдаги оғир жиноятлар, шу жумладан қасддан одам ўлдириш жиноятларининг жуда кам бўлса-да, фош этилмасдан қолаётганлари ҳам мавжуд.

Шу сабабли, терговчилар жиноят ҳар қанча усталик билан излари яширилган ҳолда содир этилмасин, уларни очиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш даражасидаги билим ва тажрибага эга бўлиши ҳамда аниқ турдаги жиноятларни тергов қилиш усул ва услубиятини яхши эгаллаган бўлишлари лозим.

Фош этилиши қийинроқ бўлган шундай ўта оғир жиноят турларидан бири бўлиб, жабрланувчиларнинг бедарак йўқолганлиги ҳодисаси бўйича қўзғатилган жиноят ишлари ҳисобланади.

Амалиётда бундай ҳолатлар юзасидан одатда, қасддан одам ўлдиришга оид жиноят ишлари қўзғатилади.

Бундай жиноят ишларини тергов қилиш қасддан одам ўлдиришга оид бошқа тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишдан жиддий фарқ қилади. Чунки, бундай жиноят ишларини қўзғатиш даврида жиноий ҳаракатнинг ўзи содир этилганми-йўқми тўла аниқ бўлмайди.

Шунинг учун амалиётда кўпинча, шундай ҳолатларда жиноят иши қўзғатиш масаласи, бундай ҳодисалар бўйича текширишлар давомида тўпланган ҳужжатларга баҳо беришнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқилган ҳолда тезкорлик билан ҳал қилинмаслиги ва ички ишлар идоралари томонидан «қидирув ишлари» узоқ чўзилиши, бу тоифадаги жиноятларни «иссиғида» фош этиш имкониятларининг пасайишига олиб келади.

Мана шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, амалиётда шахсларнинг бедарак йўқолганлиги ҳодисалари бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишнинг ўзига хос томонлари ва усуллари мавжуд.

Амалиётдан маълумки, қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилганида кўпинча, жиноятчилар содир этилган жиноятнинг изларини

йўқотишга ҳаракат қиладилар. Аммо, содир этилган қотилликларда жабрланувчи жасади топилмаган ҳолатларда эса жиноятчилар томонидан бундай қотилликлар илгаридан пухта ўйлаб тузилган режа асосида амалга оширилиб, унга кўра, жиноят изларини йўқотиш, жабрланувчининг жасади эса умуман топилмаслиги чоралари кўрилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бунда, жабрланувчи билан жиноятчи ўртасидаги барча алоқалар ҳам қотиллик жиноятини содир этиш усулига ва унинг яширилишига сабаб бўлавермасдан, қуйидаги ҳолатларгина бунга сабаб бўлиши мумкин;

- а) тўғридан-тўғри қариндош бўлса;
- б) маиший ёки шахсий характерга эга бўлса;
- в) атрофдагиларга маълум бўлса (бу ҳақда жиноятчининг ўзи ҳам билса).

Шундай алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, жиноятчи жасад топилса, фош этилиши мумкинлигидан қўпроқ хавотир қилади.

Вазиятга кўра, жиноятчилар ўзига таниш ёки яқин кишилар бедарак йўқолгани тўғрисида ўзича қуйидаги сабабларни, яъни тушунтиришларни рўкач қиладилар:

- а) ўз ажали билан (касаллиги ёки бевақт) ўлганлиги;
- б) ўз-ўзини ўлдирганлиги;
- в) бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги;
- г) қотиллик номаълум шахслар томонидан содир этилганлиги;
- д) эҳтиётсизлик оқасида ўлдирилганлиги.

Жиноятчилар кўпинча, жабрланувчининг ўлганлигини инкор этадилар ва унинг бедарак йўқолганлигини исботлашга уриниб, имкон қадар жасад топилишига тўсқинлик қиладилар.

Кўпчилик ҳолларда жиноятчилар жабрланувчиларнинг таниб олинмаслик чораларини кўрадилар. Масалан, уни кўмади, сувга ташлайди, бошини танасидан кесиб алоҳида яширади, юзи ва танасига кислота қуяди, жасадини ёқиб юборади ва ҳ.к.

Шунингдек, жиноятчи жабрланувчи жасадини аввал кўмган жойидан олиб бошқа жойга кўмади, агарда жиноятни аҳоли кўп яшайдиган шаҳарларда содир этса, аввал жасадни бўлаклаб, кейин қисмларини шаҳардан ташқарига чиқариб, ариқ-зовурларга ва сув ҳавзаларига ташлайди ҳамда бирор хилват ерга кўмади.

Тергов амалиётида, жиноятчилар томонидан бармоқ излари, баданининг ўзига хос белгиларидан ёки татуировкаларидан таниб олишдан қўрқиб бармоқ учларини, холларини, чандиқларини ва татуировкаларини кесиб олиш ҳоллари ҳам учрайди.

Шу сабабли кишиларнинг бедарак йўқолганлиги ҳодисаси бўйича қўзғатилган жиноятларни тергов қилишда, шу жиноятлар аввало жабрланувчининг қариндошлари ва яқинлари томонидан содир этилган

бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги гумон биринчи навбатда атрофлича текширилмоғи лозим. Чунки, жиноятчи, жабрланувчи ўзига нотаниш бўлса, унинг жасади топилишидан хавотир қилмайди, бундан ташқари жиноят содир этгач, тезроқ шу жойдан кетишга ҳаракат қилиб, жиноят изини ва жасадни йўқотиш учун вақт кетказишни истамайди.

Жиноят иши қўзғатишнинг асос ва сабаблари

Кишиларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги тергов идораларига келиб тушадиган хабарлар мазмуни манбаи бўйича гуруҳларга бўлинади.

Кўпинча, манбаи бедарак йўқолган шахснинг оила аъзолари ва қариндошлари бўлади. Амалиётда эса кўпинча, ариза берганларнинг ўзлари жиноятчи бўлиб чиқадилар ва жабрланувчи билан яқин бўлмаган ёки алоҳида яшовчи аризачиларнинг жиноятга алоқадорлиги жуда кам учрайди.

Мазмунига кўра бундай аризалар уч гуруҳга бўлинади:

а) жабрланувчининг бедарак йўқолганлиги, унинг сабаблари кўрсатилмасдан маълум қилинади;

б) жабрланувчининг жиноят қурбони бўлиши эҳтимоли мумкинлиги умумий шаклларда баён қилинади;

в) жабрланувчининг ўлдирилишига гумондор шахс тўғридан-тўғри кўрсатилади.

Аксарият аризалар бирор гумон билдирилмасдан берилади ва улар асосан жабрланувчининг яқинларидан келиб тушади.

Агарда аризалар жабрланувчи билан бирга яшамайдиган ва қариндошлиги бўлмаган шахслар томонидан берилиб, унда жиноятга алоқадор гумондор шахслар кўрсатилса, аризачиларнинг ўзлари шу жиноятга алоқадорлиги чуқур текширилиши лозим.

Амалиётда шахсларнинг бедарак йўқолганлиги ҳодисаси бўйича, етарли асос бўлмагани ёки тўлиқ текширилмаган аризалар асосида жиноят иши қўзғатилганлиги, ҳаттоки жабрланувчи тирик бўлгани ҳолда, айбсиз кишилар асоссиз жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд.

Шу сабабли бундай ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатиш масаласига жиддий аҳамият берилмоғи зарур.

Бунда фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги аризаларни ўз вақтида ва сифатли текшириш, қидирув ҳаракатларини малакали ташкил этишга кўп нарса боғлиқ. Айрим ҳолларда фуқаронинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги ариза ёки хабарда шу шахснинг жиноят қурбони бўлиши мумкинлигини тасдиқловчи ишончли

маълумот ва ҳолатлар келтирилган бўлади. Бундай ҳолда дарҳол жиноят иши қўзғатилиб, терговга киришилиши лозим, акс ҳолда жиноят очилмасдан қолиши ёки жиноятчи терговдан яшириниши мумкин.

Шахсларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарларнинг ўзига хос томони шундаки, бунда жиноий ҳодиса фақатгина эгри яъни билвосита далиллар билан исботланади.

Текшириш давомида шундай далиллар тўпланган ҳолда ҳам жиноят иши қўзғатилади.

Ариза ва хабарларни текширишда одатдагидек тушунтириш хатлари олиш, ҳужжатларни ўрганиш ва олиш, улар билан жойида танишиш, шунингдек, айти пайтда тегишли махфий тезкор-қидирув ҳаракатларини самарали ўтказиш тақозо этилади. Чунки, шахснинг бедарак йўқолишида ёки унга нисбатан содир этилган жиноятга алоқадор бўлган шахслар атайин бошқача мазмунда тушунтиришлар бералилар.

Текшириш давомида бедарак йўқолган шахс жиноят қурбони бўлганлиги тўғрисида ишончли хулосага келиш учун унинг бошқача ҳолатларда йўқолиши ҳам мумкинлиги чуқур текширилмоғи шартдир.

Шундай қилиб, текшириш мазмунини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:

а) бедарак йўқолиш ҳолатини аниқлаш;

б) бу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда бедарак йўқолиш сабаблари тўғрисида гумонларни илгари суриш;

в) шу гумонларни текшириш.

Булардан ташқари, текширишда йўқолган шахснинг сўнгги маротаба кимлар билан учрашганлиги, нималар тўғрисида гаплашганлиги, қандай режалари борлиги, ўзи билан қандай ҳужжатлар (паспорт, гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар) олиб чиқиб кетганлиги, қандай кийимдалигини аниқлаш, унинг шахсини (турмуш тарзи, дўстлари, қариндошлари, мулкӣ муносабатлари, иш фаолияти ва ҳ.к) чуқур ўрганиш, текшириш натижалари бўйича тўғри хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу маълумотлар одатда ариза ва хабар берувчилар, йўқолган шахснинг оила аъзолари, қариндошлари, яқин дўстлари, қўшнилари, бирга ишловчилар ва уларни яхши билувчи шахслардан тушунтириш хатлари олиш билан ва унинг ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор бўлган ташкилот ҳамда муассасаларга сўровнома юборилиб, жавобларини олиш билан аниқланади.

Бу тадбирлар натижасида бедарак йўқолган шахсга нима бўлган бўлиши мумкинлиги тўғрисида тўғри тахминлар юритиш учун етарли маълумотлар тўплаш мумкин.

Шу маълумотлар асосида бедарак йўқолган шахсни тирик эканлиги ёки у ўлганлиги тўғрисида гумонлар юритиш мумкин бўлади.

Унинг тириклиги тўғрисидаги тахмин текширилишида, у ихтиёрий равишда кетиб қолганлиги юзасидан гумон ҳақиқатга яқин бўлади. Масалан, у қариндошлари, танишлариникига кетганлиги, бошқа жойга ишга борганлиги, ўқишга кетганлигини қариндошларидан ёки ҳокимият идораларидан яширган бўлиши мумкин.

Шунингдек, у ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда касалхонага тушган бўлиши, адашиши, йўқолиб қолиши (руҳий касал ёки ёш бола бўлса), ички ишлар ёки бошқа давлат органлари томонидан ушланган ва қамоққа олинган бўлиши ҳам мумкинлиги назарга олинади керак.

Шунинг учун текшириш давомида маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар бериш билан бедарак йўқолган шахс тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ кўрсатган ҳолда қидириш ҳам ижобий натижа беради.

Шундай қилиб юқорида қайд этилганлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Тергов идораларига келган аризаларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилганлиги ҳолатида шахс бедарак йўқолганлиги кўрсатилса, уни қидириш тўғрисидаги хабар сифатида эмас, оғир жиноят содир этилган бўлиши мумкин, деб қараш керак.

2. Шахснинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида берилган хабарда шахс жиноят қурбони бўлганлиги кўриниб турса, текшириш ўтказмасдан ҳам дарҳол жиноят иши қўзғатилиши керак.

3. Агарда шахснинг бедарак йўқолганлиги ҳолатида унинг тирик эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлса ва унинг жиноят қурбони бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, бу шахсни қидириб топиш юзасидан текширишни давом эттириш керак.

4. Шахснинг бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан текшириш ўтказилиши зарур бўлса, уни лозим бўлган зарур чора-тадбирлар белгиланган режа асосида барча чораларни кўрган ҳолда самарали усуллардан фойдаланиб ўтказиш керак. Бунда асосий иш шахсни қаердалигини аниқлашга қаратилмоғи, агарда бу ҳолат тасдиқланмаса дарҳол жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал этилиши керак.

5. Текшириш давомида бедарак йўқолган шахснинг ўлимига бирор шахснинг алоқадорлигини кўрсатувчи асосли гумон пайдо бўлса ва уни тергов ўтказиш билангина аниқлаш мумкин бўлса, жиноят иши қўзғатилиши шарт.

Дастлабки тергов ҳаракатлари

Шахсларнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш жасад топилганлик ҳолатига оид жиноят ишидан ўз мазмуни ва характери жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Бунда одатдагидек, ҳодиса содир бўлган жой ва жасадни қўздан кечириш ўрнига, аввало бедарак йўқолган шахснинг оила аъзолари, қариндошлари, бирга ишловчилар, иш фаолияти билан боғлиқ қўшнилари ва яқин дўстлари сўроқ қилинади. Шундан сўнг жиноят содир этилган бўлиши мумкин бўлган жой қўздан кечирилади ва тинтув қилинади.

Шахснинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза берган ва йўқолган шахсни яхши биладиган бошқа шахсларни сўроқ қилишга асосий мақсад қуйидагилар бўлиши керак:

- а) жабрланувчининг бедарак йўқолиши ҳолати ва сабабларини муфассал аниқлаш;
- б) йўқолган шахснинг ўзини ёки жасадни топишни енгиллаштириши мумкин бўлган қўшимча маълумотларни тўплаш;
- в) жиноий ҳодисани ва шу жиноятга алоқадор шахсларни кўрсатувчи ҳолатларни аниқлаш.

Бу мақсадга эришиш учун сўроқ қилинувчиларга бериладиган саволларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Жабрланувчининг йўқолиш ҳолати.
2. Жабрланувчининг ташқи кўриниши ва ҳаётига оид муҳим маълумотлар.
3. Жабрланувчининг йўқолган кундаги ўзида бўлган кийимлари, ҳужжатлари, қимматбаҳо буюмлари.
4. Йўқолган шахснинг турмуш тарзи, унга тавсифлар, атрофдаги кишилар билан алоқаси ва ўзаро муносабати.
5. Йўқолишнинг мумкин бўлган сабаблари.
6. Сўроқ қилинувчининг аниқ бир шахсдан гумони.
7. Ариза берган шахснинг ва жабрланувчининг қариндошларининг, унинг йўқолиши муносабати билан ўзларини тутишлари.

Жабрланувчининг йўқолиши ҳолати бўйича биринчи навбатда унинг йўқолган вақтини аниқлаш керак. Бунинг учун сўроқларда жабрланувчини охириги марта ким, қачон ва қаерда қўрганлиги, қачондан бошлаб уни ҳеч ким қўрмаганлиги ва унинг йўқолиб қолганлигига ким ва қачон эътибор берганлиги ойдинлаштирилиши лозим.

Кейин эса жабрланувчининг ҳақиқатан ҳам уйдан чиқиб кетганми-йўқми эканлиги аниқланмоғи лозим, бунда сўроқ қилинувчига йўқолган

шахсининг уйидан чиқиб кетганини ўзи кўрганми, кўрмаган бўлса ким кўрган ва у бу ҳақда қандай билган, яна кимлар уйидан чиқиб кетганлигини кўрганлиги тўғрисида саволлар берилиши керак.

Жабрланувчи уйидан чиқиб кетганлиги тўғрисидаги маълумот кимдан олинганлиги аниқланиши, кейинчалик шу шахсининг ўзи жиноятга алоқадор бўлиб, атайин ёлғон маълумот берган бўлиши мумкинлигини текшириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, сўроқларда жабрланувчи уйидан чиқиб кетмоқчи бўлганми-йўқми, агарда кетмоқчи бўлган бўлса, қачон, қаерга, нима мақсадда ва қайси вақтда кетмоқчи бўлганлиги ёки унинг кетиб қолиши атрофидагилар учун кутилмаган ҳол бўлганми, ундан бирор шахс бирор жойга боришни сўраганми ёки ўз ихтиёри билан кетганми, у мўлжалидан олдин кетмаганми аниқлаш зарурдир.

Шу билан бирга сўроқларда жабрланувчининг йўқолишидан олдин кайфияти қандай бўлгани, ўзини қандай тутгани, бирор хавотири бўлганми, бирор ишни бажариш ёки кимникигадир бормоқчи бўлиб, кирмай қолганлиги, бирон нарса бермоқчи бўлиб, бермай қолганлиги, қариндошлари билан хайрлашганми-йўқми каби ҳолатлар ҳам ойдинлаштирилиши керак.

Жабрланувчи уйидан ёки ишхонасидан чиқиб кетишда ўзи билан бирга қандай буюмлар, нарсалар ва ҳужжатларни олиб кетганлигини аниқлаш зарурдир.

Агарда жабрланувчи бошқа шахслар билан чиқиб кетган бўлса, уларнинг кимлиги, ўзаро муносабатлари, қаерга, қандай мақсадда кетмоқчи бўлганлиги, уларнинг бирга ким ва қаерда, қандай ҳолатда кўрганлиги, улар нималар тўғрисида гаплашганлиги, шунингдек, ёнидаги шахсни танимаса, унинг ташқи кўриниши, кийимлари, миллати ва ёши тўғрисида саволлар бериш билан аниқланиши шарт.

Амалиётда бедарак йўқолган шахслар номидан хатлар, шошилинчномалар, жўнатмалар юборилади ёки телефон қилинади. Шундай ҳолатлар юз берган бўлса, улар кўздан кечирилиши, бунда қачон, қаердан, ким томонидан, кимга нималар жўнатилганлиги, ёзиб юборилганларнинг мазмуни, шунингдек қаердан, қачон, ким томонидан, кимга ва нима мақсадда телефон қилинганлиги ва сўзлашувнинг мазмуни баённомада кўрсатилиб, тегишли тарзда текширилиши керак.

Сўроқлар давомида бедарак йўқолган шахсининг оғзаки портрети тўлиқ таърифланиши даражасида маълумотлар олиниши керак. Бунда унинг сочининг ранги, узунлиги, қандай тараши, қоши, кўзи, юз тузилиши, тишларини аҳволи (барчасининг мавжудлиги ёки айримларининг йўқлиги, металл қопламалари), баланидаги татуировкалар,

чандиқлар, холлари ва ўзига хос бошқа белгилари, бўйининг узунлиги, ориқ-семизлиги, аёл киши бўлса ҳомиладорлиги, илгари туғганми-йўқми аниқланиши зарур.

Шунингдек, сўроқларда жабрланувчи йўқолганида ундаги бўлган барча кийимлари, пойабзали, уларнинг фасони, ранги, размери, қерда ишлаб чиқарилгани, қанча вақт кийилганлиги, ўзига хос қандай белгиларга эга эканлиги (туғмалари, йиртиқ жойлари ва бошқалар) аниқланиши керак. Агарда жабрланувчи йўқолган пайтдаги кийимлари билан суратга тушган бўлса, суратни ҳам ашёвий далил сифатида олиш керак.

Шунингдек, сўроқларда жабрланувчининг ўзида бўлган тароқ, кўзойнак, қайиш, пичоқ, тақинчоқлар, соат қандай кўринишдалиги, нимадан тайёрланганлиги аниқланиб, уларнинг паспорти ёки бошқа ҳужжатлари бўлса олиниб, ишга қўшилиши керак.

Жабрланувчининг турмуш тарзини аниқлаш борасидаги сўроқларда саволлар бериш билан унинг ҳар кунлик юриш-туриши ва иш тартиби, одатлари, илгарилари ҳам огоҳлантирмасдан уйдан чиқиб кетиш одати бўлганми-йўқми, кетган бўлса қерга, нима сабабдан ва қайси вақтлари кетиб қолганлиги ойдинлаштирилиши керак. Шунингдек, жабрланувчининг характери аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга, масалан, унинг шубҳаланиши, спиртли ичимликни кўп ичиши, хотин-қизларга қизиқиши, кимлар билан қандай муносабатдалиги, айниқса, кимлар билан келишмасдан юрганлиги ва ҳоказолар ўта муҳимдир.

Сўроқ қилинувчи аниқ бир шахсдан гумон қилса, унинг сабаблари, нималарга асосланиб, шундай хулосага келганлигини атрофлича аниқлаш билан бирга, унинг ўзини жабрланувчи билан қандай муносабатда бўлганлиги, шу жиноятга алоқадорлиги ҳам чуқур текширилиши лозим.

Айниқса, терговчи, жабрланувчи йўқолганлиги тўғрисида биринчи бўлиб ариза берган шахсни сўроқ қилишга жиддий эътибор қаратиши ва бунда жуда ҳушёр бўлмоғи зарур. Чунки, амалиётда кўпчилик ҳолларда унинг ўзи жиноятчи бўлиб чиқади. Шу сабабли уни сўроқ қилишда терговчи ҳар бир саволи ва сўзининг мазмунига эътибор бериши, ўзи билмаган ҳолда шу жиноятни содир этган шахсга, у кейинчалик ўзига алиби яратишда фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни айтиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак.

Хуллас, терговнинг дастлабки босқичидаги сўроқлар қандай тартибда олиб борилиши ва уларда нималар аниқланиши лозимлигини маълум бир қолипга солиб, чегаралаб бўлмайди, бунда терговчи ҳодиса ҳолатига қараб, сўроққача тўпланган маълумотлар ва аниқланган ҳолатлар асосида унинг пухта режасини тузган ҳолда амалга ошириши лозим.

Булардан ташқари, терговчи ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ички ишлар органларига бериладиган топшириқларда,

кейинчалик терговга зарар етказиши мумкин бўлган ортиқча вази-
фаларнинг бажарилишига йўл қўймаслиги керак.

Тинтув ва жиноят содир этилган деб тахмин қилинган жойни кўздан кечириш

Шахснинг бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича қотиллик аломатлари билан қўзғатилган жиноят иши бўйича терговчи ҳодиса содир бўлган ва жасад ётган жойлар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмаса-да, бундай жойлар деб тахмин қилинган ҳолда у билан боғлиқ дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш амалиётда кенг тарқалган.

Бунга сабаб, тахмин қилиниб кўздан кечирилган ва тинтув қилинган жойлар ҳақиқатан ҳам қотиллик жинояти содир этилган ёки жасад турган жой бўлиши, у ерда жиноий ҳолатни кўрсатувчи ашёлар ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳодиса содир бўлган деб тахмин қилинган жой кўпчилик ҳолларда гумонланаётган шахснинг яшаш жойи ҳисобланади. Одатда, бу жойдаги жиноят изларини жиноятчи бутунлай йўқотиш чораларини кўради. Бу ҳолатда терговчи шу жойни кўздан кечиришда жиноятчи сезмаган, илғамаган ёки тўлиқ йўқота олмаган изларнигина аниқлаши мумкин. Шу сабабли, у жиноят қаерда, қандай ҳолатда ва қандай усул билан содир этилганлиги тўғрисидаги турли хил тахминларни тек-шириши керак.

Бундай жойларни кўздан кечиришда излар ва ашёвий далилларни топишга ҳаракат қилиш билан бирга, гумондор жиноят содир этиш, жасадни уйдан яширин чиқариб ташлаш, изларини йўқотиш юзасидан қандай имкониятларга эга бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун терговчи шу ердаги шарт-шароит ва аҳволни чуқур ўрганмоғи керак.

Аммо терговчи гумонланаётган шахснинг яшаш жойини кўздан кечириш билангина чекланиб қолиши мумкин эмас, чунки айрим масалалар борки, уларни фақат кўздан кечириш билангина ҳал этиб бўлмайди.

Буларни ҳал этиш учун қуйидагиларнинг қаердалиги аниқланиши лозим:

- 1) жабрланувчининг жасади ёки унинг қисмлари;
- 2) жиноят қуроли;
- 3) жабрланувчининг кийимлари ва буюмлари;
- 4) жабрланувчига тегишли турли хил ҳужжатлар ва буюмлар.

Буларни жиноятчи усталик билан яширган бўлиши мумкинлиги сабабли, уларни фақатгина тинтув давомидагина аниқлаш мумкин.

Шу сабабли кўздан кечириш ва тинтув бир вақтнинг ўзида қонун талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилишига йўл қўйилади.

Тинтув давомида терговчига айнан нималарни қидириш лозимлиги маълум бўлмаганлиги сабабли у жиноятга алоқадор, масалан, жиноят қуроли бўлиши мумкин бўлган жисм ва нарсаларни синчковлик билан, атрофлича излаши ва кўриб чиқиши лозим. Улар айрим ҳолларда жабрланувчининг жасадини бўлаклаш ва йўқотишда фойдаланилган бўлиши мумкин.

Фақат тинтув ўтказилганда, юқоридаги қайд этилганларга кўра, бу ҳақда тузилган баённома одатдагидан ўзгачароқ бўлиб, унда кўздан кечириш баённомасининг айрим жиҳатлари кўрсатилиши мумкин.

Жумладан, оддий тинтув бўйича тузилган баённомада пичоқ ва шунга ўхшаш буюмлар фақат қайд этилса, ушбу тинтув баённомасида уларда мавжуд бўлган қон излари, доғлар, қайрилган, синган жойлари ҳам кўрсатилади.

Қишлоқ жойларда ўтказиладиган тинтув ва кўздан кечиришда фақатгина уйнинг ўзигина эмас, шу билан бирга сарой, оғилхона, қўшимча хоналар ва ҳовли ҳам кўздан кечирилиши керак, чунки гумонланувчи одатда жасадни уйида кўп сақлаб турмайди.

Амалиётда жиноятчилар жабрланувчи жасадини печкада ёқиб юбориши ҳоллари ҳам учраб туради, бунда эса кўпинча жиноят излари қолади, масалан, тиш, соч толалари, суякларни тўлиқ ёнмай қолган қисмлари ва ҳоказолар қолиши мумкин.

Тинтув ўтказилаётган ёки кўздан кечирилаётган жойдаги жабрланувчининг кийимлари, буюмлари, пойабзали, шунингдек, шу ерда яшовчиларнинг шундай нарсалари йиртилган жойлари, қон изларини аниқлаш учун атрофлича кўрилмоғи зарур.

Бундан ташқари ёғоч, эшик, дераза, шкаф, шифонер ва потолокларда ҳам бармоқ, қон излари ёки ўқ теккан жойлар бўлиши мумкин.

Кўздан кечириш ёки тинтув давомида шундай нарсалар ҳам топилиши мумкинки, уларсиз жабрланувчи ташқарига чиқмаслиги мумкин.

Масалан: қўлтиқтаёқ, кўзойнак, доимо тақиб юрадиган зираги, узуги ва ҳоказолар. Шу сабабли бу нарсаларни аниқлаш, олиш ва синчковлик билан кўриб чиқилишига жиддий эътибор берилиши керак.

Жабрланувчи жасадини қидириш

Бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича жасаднинг топилиши терговнинг муваффақиятида катта аҳамиятга эга.

Жасад топилиши билан жабрланувчининг тирик эканлиги тўғрисидаги иккиланиш йўқолади, айти пайтда унинг тириклиги ва қайсидир жойларда юрганлиги тўғрисидаги айрим гумонланаётган шахсларнинг вазлари ҳамда бу ҳақдаги гумонлар инкор этилади.

Бундан ташқари, унинг қасдан ўлдирилмаганлигини исботлаш учун беҳуда ҳаракатлар тўхтатилиб, жасад топилган жой жиноятни фош этишда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, суд-тиббий экспертизаси ўтказиш орқали жабрланувчининг ўлими сабаби аниқланиб, у айнан жиноят қурбони бўлганми, ўз жонига қасд қилганми ёки бахтсиз ҳодиса туфайли ўлганми аниқланади.

Одатда, бедарак йўқолган шахс жасадини топишнинг учта асосий имкониятлари мавжуд:

- а) тергов ва тезкор-қидирув йўли билан жасадни фаол қидириш;
- б) жиноятчи томонидан жасадни ихтиёрий кўрсатиш;
- в) жиноят иши тергови билан боғлиқ бўлмаган ҳолда жасаднинг тасодифан топилиши.

Жабрланувчининг жасади қайси ҳудуд, жой ёки бинога яширилганлигини тахминан бўлса-да, аниқлаш учун қуйидаги маълумотлар ўрганилиши керак: жабрланувчи ва гумондор қаерда ва қандай шароитда яшаган, улар жабрланувчи йўқолган куни қаерда учрашишлари мумкин бўлган.

Агарда гумондор (ёки гумондор жабрланувчи билан бирга) қишлоқ жойларида, шаҳар атрофида, айниқса, алоҳида уйда, ҳовлида яшаса, қайд этилганидек, жасад тинтув ўтказиш йўли билан топилиши мумкин.

Жасад катта жойдан қидирилса, қидирувга кўп ходимларни жалб қилиш, хизмат итларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шахснинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза олганлиги билан терговчи барча прокуратура, ички ишлар идораларига махсус сўровнома юбориши, бунда жабрланувчига оид маълумотлар имкон даражасида тўлиқ ва кенг бўлиши керак. Бу сўровномага жабрланувчи фотосуратини илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

Терговчи ишдаги материаллардан фойдаланган ҳолда «Бедарак йўқолган шахснинг карточка»сини тўлдириб, ички ишлар идораларига юбориши зарурдир. Унда жабрланувчининг ёши, бўйи, кийимлари, танасининг тузилиши, жисмоний камчиликлари, тишларининг аҳволи ва ўзига хос бўлган барча белгилари атрофлича қайд этилмоғи лозим.

Жабрланувчининг белгиларини солиштириш

Бедарак йўқолган шахснинг жасадини топишнинг ўзи старли бўлмайди, чунки уни айнан шу шахснинг, яъни қидирилаётганнинг жасади эканлигини исботлаш зарур. Ҳаттоки, жасад айбланувчи ёки гумондор шахс кўрсатган жойдан, улар яшайдиган жойларнинг яқинидан топилган тақдирда ҳам старли исботловчи далиллар тўпланмаса, айнан шу жабрланувчининг жасади, деган хулосага келиб бўлмайди.

Шу сабабли, жабрланувчи тўғрисидаги маълумотлар унинг жасади топилгунига қадар тўпланиб борилади. Қидирилаётган шахс билан шахси

номаълум ҳолда топилган жасаднинг айнан бир киши эканлиги таққослаш билан текширилади.

Бу мақсадда терговчи жабрланувчининг бўйи, вазни, қон гуруҳи, касалликлари ва операция қилинганлиги, суяк рентгенограммаси, схемалар ва тишларининг аҳволи тўғрисида маълумотлар тўплаш учун касалхоналар, мудофаа ишлар бўлими, санаториялар, стоматологик поликлиникаларга расмий мурожаат қилиши лозим.

Суд-тиббий экспертизаси жараёнида терговчи эксперт ихтиёрига тегишли саволлар қўйиш билан, аввало умумий белгиларини аниқлаши керак, бунда: жинси, ёши, бўйи, қон гуруҳи, сочининг ранги ва кўзининг ранги муҳим жиҳатлардир.

Жабрланувчи аёл киши бўлса илгари туғганми, ҳомиладорми, ҳомиладорлик муддати ва туғишдан кейинги аҳволи ҳам текширилиши керак.

Терисида, қўл ва оёқларида ҳамда тишларида касбга оид белгилари бўлиши мумкин. Масалан: тикиш, бичиш, суратга олиш ва оғир меҳнат билан шуғулланишда қўл, бармоқларда ўзига хос белгилар шаклланади.

Шахсий белгиларига қуйидагилар киради: бармоқ ва кафтдаги капилляр излар, тишларининг аҳволи, холлари, татуировкалари, баданидаги ўсимталар, шишлар, кесилган жойлар, тиртиқлар, ҳар хил туғма камчиликлар, суякларнинг ўзгарган жойлари ва бошқалар.

Бармоқ ва кафт изларидан бошқалари барча шахсларда бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин, аммо кафт ва бармоқ излари ҳеч қачон мутлақ ўхшаш бўлмайди.

Солиштириш усуллари

Жабрланувчининг шахсини жасад бўйича аниқлаш асосан, таниб олиш ва суд-тиббий экспертизаси ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Таниб олишнинг қуйидаги турлари амалиётда кўп учрайди: жасадни юзидан таниб олиш; алоҳида белгиларидан таниб олиш; жасадда бўлган кийимлари ва бошқа буюмларидан таниб олиш.

Таниб олувчи жабрланувчини ҳар томонлама яхши биладиган шахс бўлиши ва у таниб олишдан аввал, жабрланувчининг ўзига хос белгилари ва айнан қандай белгилари асосида таниб олиши мумкинлиги тўғрисида атрофлича сўроқ қилиниши лозим.

Айрим ҳолларда жиноятчининг ўзи ҳам гувоҳлар билан бирга таниб олиши мумкин, агарда жиноятчи жабрланувчини жуда яхши билгани ҳолда гувоҳлар таниб (жасадни юзидан, кийимларидан, буюмларидан) олса-ю, жиноятчи танимаганлигини баён қилса, буни шу қотилликни содир этганлигини фош қилувчи ҳолат, деб баҳолаш ҳам мумкин бўлади.

Фақатгина жасаднинг юзидан таниб олинишини бир маротаба ўтказиш мумкин, буюм, жисм ва кийимларни бир неча гувоҳга таниш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Таниб олишнинг яна бир муҳим тури бу жасаднинг калла суягининг юз қисмини ҳаётлиги давридаги фотосурат билан мувофиқлигини солиштириш (фотосовмешение) ҳисобланади.

Шунингдек, бош суяги жағ қисмини бедарак йўқолган шахснинг тишларига оид маълумотлар билан солиштирилган ҳолда ўтказилган суд-тиббий экспертизаси хулосаси ҳам ишончли далил ҳисобланади.

Жасада топилган касалликлар, уларнинг аҳволи, қайси жойлиги, шунингдек, суяклари ўзгарган жойлари, операция чандиқлари ва бошқалар бедарак йўқолган шахснинг касаллик ҳужжатлари билан айнан бир хил бўлиши муҳим далил бўла олади.

Шунинг учун фақатгина битта ижобий хулосага таяниб қолмасдан бир неча, бири-бирини тўлдирувчи усуллар билан, топилган жасад айнан қидириладиган бедарак йўқолган шахс эканлигини исботлаш — энг ишончли далил ҳисобланади.

Гумонларни илгари суриш

Бу туркумдаги жиноятларни тергов қилишда илгари суриладиган гумонлар турли хил бўлади.

Чунки, бунда терговчи ишдаги материаллардан келиб чиқиб, жабрланувчини бедарак йўқолиш ҳолати юзасидан унинг шахсини инобатга олган ҳолда юритадиган гумонлардан ташқари, жабрланувчининг оила аъзолари, яқин қариндошлари ва ариза берувчи шахс томонидан ҳам гумонлар илгари сурилади.

Гумонлар мазмунига кўра, қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Жиноятчининг шахси тўғрисида.
2. Қотиллик содир этилган жой ҳақида.
3. Жиноятнинг содир этилиш усули ҳақида.
4. Жиноятни яшириш усули ҳақида.
5. Жиноятнинг мақсади ҳақида.


Шундай бўлса-да, биринчи навбатда жабрланувчининг бедарак йўқолиши сабаби тўғрисидаги гумон текширилмоғи лозим. Уларни иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жабрланувчи тириклиги тўғрисидаги тахминга асосланган гумон;
2. Жабрланувчи ўлганлиги тўғрисидаги гумон.


Бу гуруҳларнинг ҳар бири ҳам ўз навбатида бир неча аниқ гумонларни ўзида қамраб олади.

Қуйида шу гумонлар гуруҳининг жадвали илова қилинади.

1. «Жабранувчи тирик» гумонлар гуруҳи



2. «Йўқолган шахс тирик эмас» гумонлар гуруҳи



Гумонларни текшириш

Жабрланувчининг бедарак йўқолиш сабаблари ва жиноят содир этган шахс тўғрисида гумонлар илгари сурилиши—терговнинг йўналишини белгиласа, уларни текшириш—ўтказиладиган терговнинг тўғридан-тўғри вазифасидир. Чунки, гумонлар фақат тергов ўтказиш билангина текширилади, шу гумонлар аини пайтда жиноят иши бўйича тузилган режанинг асоси ҳам ҳисобланади.

Қўзгатилган бундай жиноят ишлари бўйича, амалиётда терговчилар асосий диққат-эътиборни жиноятни очишга, яъни бедарак йўқолган шахс қасддан ўлдирилганлигини фош этишга қаратадилар. Шундай бўлса-да, бир вақтнинг ўзида юқоридаги жадвалларда кўрсатилган «йўқолган шахс тирик» тахмини асосидаги биринчи гуруҳ гумонларни ҳам текшириш лозим бўлади.

Бу гумонларни текшириш жиноят иши қўзғатилишига қадар ўтказилган текшириш ва тезкор-қидирув маълумотларини такрорлашдай кўринса-да, унда тергов давомида текширишга қараганда жабрланувчи тўғрисида кўп ва кенг мазмунли маълумотлар тўплаш имконияти кўпроқдир.

Бу гуруҳдаги барча гумонларни текширишда тергов олдига асосан битта масала, яъни йўқолган шахс ҳақиқатан ҳам ўз яшаш жойидан чиқиб кетганми? — деган саволга аниқлик киритиш қўйилади.

Бу саволни ҳал этиш учун уни яхши билувчи шахсларни атрофлича сўроқ қилиш, уларнинг берган кўрсатмалари қанчалик тўғрилигини текшириш шарт бўлади.

Терговчи сўроқларда, йўқолган шахснинг режа ва мўлжалларини, кутилмаганда ва яширин равишда кетиб қолишидан бирор мақсади бор-йўқлигини аниқлагач, иш жойида унинг ҳисобида катта миқдорда моддий бойликлар борми, суриштирув ва тергов идораларида унга доир текшириш материаллари ёки жиноят иши борми, у қидирилмаяптими, унинг алиментдан ёки бирор шахсдан катта қарзи йўқми, илгари ҳам оиласини узоқ муддат ташлаб кетиш ҳоллари бўлганми, кассадан пул олганми, ўзи билан ҳужжатлари борми-йўқми, иш жойидан бўшаганми ёки таътил олганми каби ҳолатлар чуқур ўрганилгандан сўнггина унинг уйдан чиқиб кетганлиги тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бериши мумкин бўлади.

Йўқолган шахс жиноят қурбони бўлганлиги тўғрисидаги гумонларни текширишда жабрланувчининг жасади қаердалигини аниқлаш жиноятнинг очилиши, гумондорлар доирасини аниқлаш ва бошқа бир қатор гумонларни инкор этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга жабрланувчининг жасади топилган жой аниқ бир ёки бир неча

шахсни гумон қилишга асос бўлади. Масалан, жасаднинг ўз ҳовлисидан топилиши унинг оила аъзоларидан гумон қилишга, шунингдек, жабрланувчи жасади топилган жойда у билан яхши таниш бўлган ёки муносабати яхши бўлмаган шахснинг яшаши уларни асосли равишда гумон қилишга омил бўлади.

Қотиллик тўғрисида гумонларни илгари суриш ва текширишни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Жабрланувчининг оила аъзолари, қариндошлари ва уни яхши билган шахслар томонидан жиноят содир этилганлиги;

2. Унинг бегона шахслар томонидан қасддан ўлдирилганлиги.

Маълумки терговчи, терговнинг дастлабки босқичиданоқ бедарак йўқолган шахснинг яқинлари ва атрофидаги шахслар билан муносабатлари аҳволи ва мазмунини аниқлашга киришади.

Қариндошларидан ёки у билан яхши муносабатда бўлиб юрган шахслардан аниқ бири гумон қилинадиган бўлса, унинг жабрланувчи билан муносабати ҳар томонлама ва чуқур текширилмоғи керак. Чунки, қотиллик оила аъзолари, жазмани ва яхши таниш бўлган шахс томонидан содир этилса, шахсий муносабатларидаги мақсад қотиллик учун асосий ягона сабаб бўлиши мумкин.

Кўпинча, мақсад турмуш ўрғовидан ёки фарзандидан қутулиш, рашк, жанжал оқибатидаги қасд ва жиноий фаолият фош этилишининг олдини олиш бўлади. Шунинг учун жиноятчи қотилликка тайёргарлик кўриш жараёнида ўзидан гумонни соқит қилиш учун атрофдагиларни чалғитиш мақсадида атайин жабрланувчи билан муносабатини жуда яхши қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

Шу сабабли гумон қилинаётган шахс билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатнинг қандайлигига, илгаридан қандай бўлиб келганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Тергов давомида гумон қилинувчи шахснинг жабрланувчи йўқолиб қолганидан сўнг ўзини қандай тутишини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда жиноятчи жабрланувчи йўқолганидан сўнг ўзини одатдагидан бошқача тутди. Масалан: у кўп спиртли ичимлик ичадиган, ўйчан, сержаҳл, ҳар нарсадан хавотирланадиган, айрим ўз фикрларини ишончли тарзда тасдиқлашга уринадиган ва ҳаддан ташқари фаол равишда жабрланувчини топишга ҳаракат қиладиган ёки ўзини шундай қилиб кўрсатадиган бўлиб қолади.

Амалиётда, бедарак йўқолган шахснинг оила аъзолари ташвиш билдирсалар-да, бу ҳақда ички ишлар органларига мурожаат қилмаганлик-лари ёки ўзлари уни қидириб топишга астойдил уринмаганликлари, уларнинг ўзи шу жиноятга алоқадор эканлиги тўғрисида гумон юритишга ва жиноятнинг очилишига олиб келганлиги маълум.

Агарда жабрланувчининг яқинлари шу жиноятга алоқадорлиги тўғрисида бирор бегона шахс ариза берса, сўроқда кўрсатса ёки кишилар ўртасида шундай гап тарқатса шу шахс ўзининг ҳам мазкур жиноятга алоқадорлигини чуқур текшириш лозим бўлади.

Жабрланувчи бегона шахс томонидан қасддан ўлдирилганлиги тўғрисидаги гумонни текширишда, энг аввало, жиноят гараз мақсадда содир этилган бўлиши мумкинлигига диққат эътиборни қаратиш лозим.

Бунда жабрланувчининг мол-мулкани эгаллаш, бирор жиноят содир этишни осонлаштириш, агар мулкдор тижоратчи бўлса, бошқа тижоратчиларни кўрқитиш йўли билан ўз жинойи ниятига эришишни мақсад қилган ҳолда қасддан ўлдириш жинояти содир этилган бўлиши мумкин.

Шу сабабли, терговчи бу гумонларни текширишда жабрланувчи яшайдиган ва ишлайдиган жойларга яқин яшовчи жиноят содир этишга мойил шахслар, жиноят олами билан боғлиқ шахслар, рэкётчилар, муқаддам судланган шахсларнинг алоқадорлиги тўғрисидаги гумонларни илгари суриши ва текшириши лозим бўлади.

Тергов давомида жабрланувчига бегона бўлган шахс шу жиноятни содир этганликда гумонланса, терговчи унинг айбдорлиги тўғрисидаги гумонни текширишга киришади.

Агарда жабрланувчининг жасади топилгунига қадар гумондор аниқланган бўлса, у яшайдиган ҳовли-жойни кўздан кечириш ва у ерда тинтув ўтказиш лозим.

Тергов давомида гумонланаётган шахс шу жиноятни содир этганлигини бўйнига олиб кўрсатма бера бошласа, иш бўйича тўпланган материаллардан келиб чиққан ҳолда сўроқ режаси ишлаб чиқилиб, уни атрофлича сўроқ қилиш лозим.

Бунда жиноятчи ва жабрланувчининг ўзаро муносабатлари, жиноятни келтириб чиқарувчи сабаблар, улардан мақсадлар, жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш ва изини яшириш ҳолатларини атрофлича аниқлаш керак. Шунингдек, тегишли саволлар бериш билан жиноят содир этилиши ҳолати, жиноят қуроли, қандай тарзда нима билан, жабрланувчининг қаерларига неча маротаба жароҳат етказилганлиги, жасадни, жиноят изларини ва қуролини яшириш тафсилоти, жиноятчининг шундан кейинги ҳаракатлари тўла ойдинлаштирилиши керак.

Аниқланган бу ҳолатлар асосида, текширувни аввало жабрланувчи жасадини, жиноят изларини, жиноят қуролини, унинг кийимлари ва ҳужжатларини, жиноятчининг шу тўғрисидаги кўрсатмасини жойида текшириш йўли билан тегишли криминалистик техника ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказиш зарур.

Жабрланувчининг жасади, кийимлари ва жиноят қуроли топилган тақдирда, айбланувчининг берган кўрсатмаларидаги ҳолатлар инobatга олинган ҳолда суд-тиббий экспертизаси тайинланмоғи ва экспертлар ихтиёрига айбланувчи кўрсатган ҳолатларни тасдиқлаши ёки инкор этиши мумкин бўлган саволлар қўйилиши лозим. Бунда, одатда айбланувчининг жиноятни ўзини ҳимоя қилиш мақсадида, эҳтиётсизлик натижасида содир этганлиги тўғрисидаги важдари ҳам инobatга олиниши керак.

Жабрланувчининг жасади, кийимлари, ҳужжатлари ва жиноят қуролни излаш, топиш, кўздан кечиришда айбланувчининг ўзи иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, айбланувчининг ўзи томонидан шу жойлар кўрсатилиб аниқланса, буни жиноятни содир этганлигини исботловчи муҳим далил деб ҳисобланади.

Амалиётда айбланувчи кўрсатган жойдан жасад, жиноят қуроли ва бошқа ашёвий далиллар топилмаслиги ҳам учраб туради ва бунга эса уларнинг ёниб ёки сув оқизиб кетиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун айбланувчининг кўрсатмаларини текширишда бу ҳолатларга эътибор қаратилиши лозим. Акс ҳолда жиноятчи бу ҳолатлардан тегишли хулоса чиқариб, ўзининг айбдорлигини инкор қила бошлаши ҳам мумкин.

Одатда айбланувчилар атайин жасад, жиноят қуроли ва бошқа ашёвий далилларни топиш қийин бўладиган ёки мумкин бўлмайдиган жойларни кўрсатадилар. Масалан, жабрланувчи жасадини дарё ёки каналларга ташлаб юборганлигини кўрсатади. Шу сабабли уларнинг бу важдари атрофлича текширилмоғи лозим, шу билан бирга жасадни топиш учун тергов ва тезкор-қидирув ишлари фаол давом эттирилиши керак. Жасад топилмаган тақдирда ҳам терговчи ишдаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда жиноят айнан шу гумонланувчи томонидан содир этилган бўлса, унинг айбини узил-кесил исботловчи бевосита ва билвосита далилларни тўплашга қаратилган ишларни давом эттириши, пировард натижада бири иккичисини тўлдирадиган яхлит далиллар йиғиндисини тўплаши зарур. Бу далиллар айбини бўйнига олган айбланувчининг иқдорлик кўрсатмалари билан бир хилда бўлиб, унинг ҳолисона ва тўғри эканлигига шубҳа қолдирмаслиги керак.

Жабрланувчи жасади топилмаган шароитда жиноятни фош этиш

Бу туркумдаги жиноят ишларини тергов қилишда жабрланувчининг жасади топилмаган ҳолатларда шу жиноятни содир этган шахсларни фош этиш ва уларнинг айбдорлик масаласини ҳал этиш терговчи олдида турадиган машаққатли ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Бундай пайтда

жиноятчилар фақат билвосита далиллар ёрдамида фош этилади. Бу ишнинг масъулиятлилиги шундан иборатки, бирор шахс айбланаётган бўлса «тирик бўлган одамни» «ўлдирганликда» айбланмаётганмикан?» – деган савол кўндаланг туради. Шу сабабли терговчи бундай жиноят ишини тергов қилишда ҳар бир ҳолатни чуқур текширмоғи, уларга танқидий баҳо берган ҳолда қарамоғи, аниқланган ҳар бир ҳолат ва далилга ҳолисона ёндашмоғи, далиллар йиғиндиси жабрланувчи айнан шу айбланувчи томонидан қасддан ўлдирилганлигини ишончли тарзда исботлаганидан сўнггина шу жиноятга алоқадорлиги тўғрисида ҳулоса чиқармоғи лозим бўлади.

Амалиётда жабрланувчи жасади топилмаган ҳолда ҳам жиноят ишлари бўйича терговни тугаллаб, судга юбориш ва улар бўйича суд томонидан қотиллик судланувчи(лар) томонидан содир этилганлиги исботланган, деб топилиб, айблов ҳукми чиқарилганлиги ҳолатлари кўп.

Шу билан бирга жасад топилмаса-да, билвосита далиллар билан жиноят содир этган шахс фош этилгани ҳолда, жасад топилмаганлиги ва суд-тиббий экспертизаси ҳулосаси йўқлиги рўқач қилиниб, терговни асоссиз равишда тўхтатиш ёки жиноят ишини қонунсиз тугатиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Жасад топилмаганлиги учун жиноят ишларини тўхтатиш ёки тугатишга кўпинча қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Жабрланувчининг бедарак йўқолиш сабаблари тўла аниқланмаганлиги.
2. Айбланувчининг айбдорлигини исботловчи етарли далиллар бўлгани ҳолда жасад топилмаганлиги учун жиноят ишини судга юборилмаслиги.
3. Жасад топилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда тергов тўла олиб борилмаганлиги ва унда қўпол хатоликларга йўл қўйилиши.
4. Жиноят ишининг ҳодиса содир этилганидан кўп вақт ўтгандан сўнг қўзғатилиши.

Жасад топилмаганда ва жиноятчи ўз айбдорлигини инкор этган ҳолатларда уни фош этувчи билвосита далиллар йиғиндисини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, бу айбланувчининг ҳулқи билан боғлиқ бўлмаган билвосита далиллар.

Бунга асосан жабрланувчининг йўқолишига унинг ўлдирилганлиги сабаб бўлганлигини исботловчи қуйидаги ҳолатлар киради:

1. Бедарак йўқолган шахснинг яширин равишда бирор жойга кетиб қолишига асос бўлувчи сабабларнинг йўқлиги, шунингдек, уни йўқолганидан сўнг ҳеч ким, ҳеч қаерда кўрмаганлиги ва тириклиги тўғрисида ўзидан ёки бошқа шахсдан хабар бўлмаганлиги;

2. Бедарак йўқолган шахс йўқолишидан олдин ўзи билан олиб юрган ва олиб юриши шарт бўлган ҳужжатларнинг у йўқолганидан сўнг топилиши;

3. Кўздан кечириш ва тинтув давомида жиноят содир этилганлигини ёки яширилганлигини кўрсатувчи изларнинг топилиши;

Иккинчи гуруҳга айбланувчининг қотиллик содир этганлигини кўрсатувчи қуйидаги далиллар киради:

1. Айбланувчи жабрланувчи йўқолишидан олдин у билан яккама-якка қолганлиги.

2. Айбланувчи жабрланувчининг ўлиmidан манфаатдор эканлиги ва уни ўлдиришга шахсий ва ғараз мақсадлари бўлганлиги.

Иккинчи гуруҳ далилларини ўз навбатида яна қуйидаги майда гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Айбланувчининг жиноят ишини айрим ҳолатларига тааллуқли ёки текширилаётган аниқ бир гумон бўйича ёлғон кўрсатувлари, тушунтиришлари ва бошқа билдиришлари.

2. Айбланувчи томонидан ўзининг айбсиз эканлигини исботлашга қаратилган сунъий далилларни яратишга уриниш.

3. Айбланувчининг ашёвий далилларни ва жиноят изларини яшириши ёки йўқотиши.

4. Айбланувчининг (гумонланувчи) атайин терговдан бош тортиши.

5. Айбланувчининг ўзи бедарак йўқолган шахсни тириклиги тўғрисида гумон келтирса-да, унинг ўлганлигидан хабардорлиги (унинг ўлими фақат қотилгагина маълум бўлиши мумкин бўлган ҳолатда).

6. Айбланувчининг жабрланувчи йўқолганига қадар унинг ўлишидан хабардорлиги.

Юқорида қайд этилган билвосита ёки эгри далиллар иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан бирга бир бутун далиллар йиғиндисини, яъни айбланувчи шу жиноятни содир этганлигини узи-кесил исботлаши унинг айбдорлигига шубҳа қолдирмайди.

3-§. НОМУСГА ТЕГИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қимматига қарши қаратилган номусга тегиш, катта ижтимоий хавф касб этувчи ўта оғир жиноятлардан бири ҳисобланади.

Бу жиноят хотин-қизларга нисбатан ўтакетган беҳаёлик, сурбетлик, қадр-қимматни оёғости қилиб уларнинг жинсий дахлсизлигини поймол этишда намоён бўлади.

Номусга тегиш жинояти юзасидан тергов ўтказиш, жазо муқаррарлигини таъминлашнинг ўзига хос махсус ва мураккаб томонлари мавжудки, тергов ва суд амалиётида шу томонларга эътибор бермаслик, айрим ҳолларда масалани тўғри ҳал қилинмаслигига, қонуннинг бузилишига, сансалорликка, айбдор шахснинг жазодан қутулиб қолишига, баъзида эса қонун нуқтаи назаридан айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилишига, судланишига сабаб бўлиши мумкин.

Номусга тегиш жиноятлари бўйича дастлабки терговни ҳаракатдан тўхтатиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳоллари ҳам амалиётда учраб туради.

Бундай ҳолатларга бир томондан номусга тегиш жиноятининг мураккаблиги, шахснинг ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри, ҳолисона баҳоланмаслиги сабаб бўлса, бошқа томондан тергов ходимлари малакасининг етарли даражада эмаслиги, номусга тегиш жиноятининг тергови усулларини яхши билмасликлари ҳам сабаб бўлади.

Зўрлаб номусга тегиш содир этилиши жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ўзаро муносабатлари табиатидан келиб чиқилган ҳолда қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- а) жабрланувчига нотаниш шахс томонидан;
- б) номаълум жиноятчи томонидан.

Жабрланувчининг қаршилигини синдириб содир этилиши усулига қараб:

- а) жисмоний куч ишлатиб;
- б) руҳий куч ишлатиб;
- в) жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, содир этилган бўлиши мумкин. Зўрлаб номусга тегиш баъзида қаторасига содир этиладиган жиноятлар тоифасига ҳам киради.

Зўрлаб номусга тегиш жиноятининг содир этилиши ўйланган мақсадни тўсиқсиз амалга ошириш, жабрланувчига жисмоний ва руҳий таъсир ўтказиш, кейинчалик жиноят изини ва ўзининг иштироки изини йўқотиш имкониятини яратиш ва ҳодиса жойидан яшириниш учун муайян тайёргарлик кўришдан иборат бўлади.

Зўрлаб номусга тегиш жиноятини содир этишда, ўзига хос бўлган, яъни, ҳаракатни зўрлик ишлатилганлигидан ва унинг айрим ҳолатларидан далолат берувчи излар пайдо бўлади.

Буларга қуйидагилар киради:

- ҳодиса содир бўлган жойда кураш изларининг мавжудлиги (ағанаб ётган мебель, синган идишлар, кийимларнинг узилган қисмлари ва ҳоказолар.);

- жабрланувчи танасида жароҳатлар бўлиши;

- жиноятчи томонидан ҳодиса содир бўлган жойда қолдирилган нарса, буюм ва ҳужжатлар;

- жабрланувчининг кийимларида шикастларнинг бўлиши;

- биологик характердаги излар (қон, сперма, тупук, сочлар ва бошқалар);

- жиноятчи танасида қоладиган жабрланувчи томонидан қаршилиқ кўрсатишда етказилган, тиш ва тирноқ излари;

- жабрланувчи ва жиноятчининг кийимлари бир-бири билан ишқаланиши (контакт бўлиши натижасида қоладиган майда заррачалар (микрочастицалар).

Булардан ташқари, очиқ жойда содир этилган номусга тегиш жиноятларидан сўнг тупроқда тизза ва тирсак излари пайдо бўлади. Жиноятчининг номусга тегишни яшириш усуллари унинг жабрланувчи билан муносабатларининг характери ва ҳодиса содир бўлган жой ҳам таъсир кўрсатади.

Агарда, жиноятчи ва жабрланувчи таниш бўлмасалар ёки уларнинг танишуви тасодикий характерга эга бўлса, жиноятчи имкон даражасида тезроқ шу жойдан яширинишга ҳаракат қилади. Бунгача у, яшириниш вақтига эга бўлиш учун жабрланувчини ожиз аҳволга солишга ҳаракат қилади ҳамда бир вақтнинг ўзида танасидан, кийимидан содир этилган жиноят изларини йўқотиш чораларини кўради (тан жароҳатларининг кўринмаслиги чораларини кўради, кийимларини алмаштиради ёки йиртиқларини яширади ёки ямайди, қон изларини ювади ва ҳоказолар).

Жиноят изларини йўқотиш билан бирга жиноятчи ўзини ҳимоя қилиш учун у ўша пайтда ким билан қаерда бўлганлиги, жабрланувчи билан қачон, қаерда ва қандай ҳолатда танишганлиги ва бошқалар ҳақида ёлғон алиби тўқийди.

Жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган ҳолатлар

Номусга тегиш жиноятларини содир қилган шахсларга нисбатан жазо Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси (ЖК)нинг 118-моддасида батафсил кўрсатилган. ЖПКнинг 325-моддасида жабрланувчининг аризасига асосан қўзғатилиши лозим бўлган жиноятлар кўрсатилиб, оғир оқибатларга олиб келмаган номусга тегиш жинояти ҳам назарда тутилган, яъни ЖКнинг 118-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят содир этилган бўлса, фақат жабрланувчининг аризасига мувофиқ жиноят иши қўзғатилиши кўрсатилган.

Аризада айбдор шахсни жавобгарликка тортиш кўрсатилган бўлиши керак. Агар жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда жабрланувчининг аризаси бўлмаса ҳам жиноят иши қўзғатилиши шарт. Бу қонунда батафсил кўрсатилган.

ЖКнинг 118-моддаси 1-қисмида назарда тутилган номусга тегиш жиноятининг содир қилинганлиги ҳақида жабрланувчининг шахсан ўзидан ариза талаб қилинади. Бошқа шахслардан тушган ариза бўлса, шу аризани берган шахсларга қонун талаблари тушунтирилиши лозим. Чунки, фақат жабрланувчининг ўзига бу воқеа тафсилоти аён бўлади. Номусга тегиш юз бердими ёки ҳар икки томоннинг розилиги билан жинсий алоқа бўлганми, фақат жабрланувчининг ўзи билади. Қонун жабрланувчига унинг билан жинсий алоқада бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки тортмаслик масаласини ечишга имкон беради.

Шу сабабли ҳам ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми бўйича жиноят иши қўзғатишдан олдин жабрланувчининг аризаси кўриб чиқирилиши лозим. Ариза қисқа ёзилган бўлса, ундан тушунтириш олишда ҳодиса тафсилотини кенг ёритишга эришиш лозим. ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми билан жиноят иши, жабрланувчининг аризасисиз қўзғатилган бўлса, терговнинг барча босқичларида, жиноят иши ҳаракатдан тугатирилиши лозим. Шу билан бирга жабрланувчининг аризаси асосида ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят ишининг ҳар иккала томоннинг бир-бири билан ярашганлиги сабабли тугатилишига йўл қўйилмайди.

Аризани кўриб чиқишда терговчи унинг мазмунида баён этилганларга ниҳоятда синчковлик билан қараши зарур, чунки ариза заминида бошқа ҳолатлар, бошқа мақсадлар назарда тутилган, номусга тегиш жиноятининг аломатлари мутлақо бўлмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, ҳар иккала томоннинг розилиги билан жинсий алоқа қилинган бўлса-да, аёл жинсидаги шахс, эркак кишининг унга уйланиш

тўғрисидаги берган ваъдасини бажаришга мажбур қилиш мақсадини кўзлаб ҳам ариза бериши мумкин.

Амалиётда бундай ҳоллар учраб туради, ариза мазмунидан номусга текканлик тўғрисида сўз юритилса-да, мақсад эркак кишини жавобгар қилиш эмас, балки биргаликда турмуш қуришга ёхуд ўрталаридаги алоқани узмасликка қаратилган бўлиши мумкин. Шу сабабли жиноят ишини қўзғатишдан олдин бу муҳим томонларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Номусга тегиш жинояти ҳақида аризалар аксарият ҳолларда ички ишлар, шунингдек, прокуратура идораларига келиб тушади. Лекин айрим ҳолларда шу мазмундаги ариза бошқа муассаса ёки ташкилотга ҳам жабрланувчи томонидан берилган бўлиши мумкин. Бундай вазиятда ариза шу ташкилот, муассасадан келиб тушиб, тегишли чора кўриш сўралган бўлса, албатта жабрланувчини таклиф қилиб, ундан шу воқеа тафсилоти юзасидан батафсил ариза олиш зарур.

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, жабрланувчи номусига теккан шахсни жиноий жавобгарликка тортиб, қилмишига яраша жазо олишини истайди, лекин ариза ёки шикоят ёзишдан бош тортади.

Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин. Улардан бири суриштирув ва тергов идораларининг айрим ходимлари жабрланувчини турли йўллар билан аврайди, номусга тегиш жиноятини тасдиқлаш қийинлигини ва бошқа вазларни келтириб, ариза бермасликка ундайди.

Номусга тегиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан тушган аризаларни синчковлик билан, унда баён этилганларни чуқур ўрганиш, мазмун жиҳатидан қанчалик ишонарли эканлигига эътиборни алоҳида қаратиш талаб этилади. Агар номусга тегиш ҳодисаси тўлиқ, ишонарли ва ариза бериш ҳолати ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган бўлса, дарҳол жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал этилиши зарур. Чунки бундай ҳолларда вақтни қўлдан бой бермаслик керак.

Номусга тегиш жинояти содир қилинганлиги ҳар қандай шубҳадан ҳоли бўлса-ю, жиноят иши ўз вақтида қўзғатилмаса, бу ҳолат фақат зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмайди, вақтни беҳуда чўзиш келгусида тергов ўтказиш, ҳақиқатни аниқлаш, қонуний хулосага келишни мушкуллаштиради.

Айрим ҳолларда аризада номусга тегиш тўғрисида сўз юритилган бўлса-да, аризанинг мазмунидан мақсад бошқача эканлиги кўриниб туради. Бундай ҳолларда алоҳида синчковлик талаб қилинади. Чунки ариза берган шахс, у билан жинсий алоқа қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортишни сўрамаган. Аризадан мақсад бошқа нарсага қаратилган. Бунда ариза муаллифидан тергов идорасига мурожаат этишга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаб олиш лозим бўлади. Номусга тегиш

жинояти содир этилганлиги шубҳа туғдирадиган ҳолларда текшириш ўтказилиб, унинг натижасига кўра, бирор тўхтамга келиш зарур.

Текширишларда номусга тегиш жинояти ҳақида маълумотлар йиғилади. Ҳақиқатан ҳам номусга тегиш жинояти содир бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа қолмаганда, ҳодиса ҳолатини тўла аниқлаш терговнинг вазифаси ҳисобланади.

Ариза муаллифидан ариза олишда имкони борича номусга тегиш ҳолатини кенгроқ ёритишга ва шунга сабаб бўлган бошқа ҳолатларни ҳам аниқлашга ҳаракат қилиш лозим. Номусга теккан шахс билан жабрланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг келиб чиқиши ибтидосига эътибор бериш, уни аниқлаш, аризачи, жиноятни содир этган шахснинг исм-шарифини биладими, агар билмаса илгари бирор жойда уни кўрган-кўрмаганлигини, балки лақабини билиши мумкинлигини аниқлаш зарур.

Мадомики, бундай ҳолатлар дарҳол аниқланмаса, жиноят ишининг асоссиз қўзғатилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айнан шундай муҳим ҳолатлар дастлабки текшириш давомида аниқланмасдан шошма-шошарлик билан қўзғатилган жиноят ишларининг кейинчалик тугатилиши амалиётда учраб келмоқда.

Агар номусга тегиш жинояти ҳақида аризачидан тушунтириш хати олишда ҳодиса содир бўлган жой хусусида бирор-бир шубҳа туғилса, жиноят иши қўзғатишдан олдин, шу жойни кўздан кечириш лозим. Албатта, бу ҳаракат фақатгина ариза муаллифини тушунтириш хатида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳаққонийлигини текшириш билан кифояланмаслиги лозим. Ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилар экан, номусга тегиш жинояти билан боғлиқ барча бошқа ҳолатлар ҳам аниқланиши талаб этилади.

Лозим ҳолларда ариза муаллифи томонидан тилга олинган, жиноий ҳодисадан хабардор шахслардан ҳам тушунтириш олишлари зарур. Лекин суриштирувчи ва терговчи томонидан ўз ташаббуси билан гувоҳлар доирасини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча гувоҳларни аниқлашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Чунки номусига тегилган шахснинг шаъни, қадр-қимматига тегадиган ҳолатлар, унинг номусига тажовуз қилинганлиги ошкора бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга гувоҳлардан тушунтириш хати олишда нафақат содир бўлган воқеа тўғрисида, балки ариза берган жабрланувчининг шахсини, номусга текканнинг шахси маълум бўлса, унинг хулқ-атвори ва бошқа муҳим томонларини таърифловчи маълумотлар аниқланиши зарур. Агар жиноят содир қилганнинг шахси номаълум бўлса, унинг шахсини аниқлашга қаратилган барча маълумотлар зарур ҳисобланади.

Ариза муаллифи (жабрланувчи) ўз аризаси ва тушунтириш хатида кўрсатган, номусига теккан шахсдан имкони бориचा текшириш охирида тушунтириш олингани маъқул. Бундай усул биринчидан, барча бошқа манбалардан тегишли маълумотларни олгандан кейин, ундан ҳодиса ҳолатлари билан боғлиқ барча тафсилотларни аниқлаш имконини беради. Иккинчидан эса, текшириш аризада баён этилган ҳолатларни тасдиқласа-да, жинойт содир қилган шахсдан тушунтириш хати олгандан сўнг дарҳол жинойт иши қўзғатишга замин яратади.

Аризачи номаълум шахс номусига текканлиги ҳақида баён қилган бўлса, мақсади ўзини башқа шахсдан ҳомиладорлигини қариндош ва яқин кишилардан яшириш бўлиб, шу сабабли аризаси ўзини оқлаш учун гўёки номаълум шахс унинг номусига текканлиги ҳақида уйдирмалардан иборат бўлиши мумкинлиги сабабли бундай ҳолатларга ҳам эътибор бериш лозим.

Шунингдек, жинойт иши қонунсиз қўзғатилишининг олдини олиш учун биринчи навбатда ариза берган шахсдан аризада кўрсатилган шахснинг ҳақиқатан ҳам номусга тегиш жинойтини содир этганликда жиноий жавобгарликка тортилишини иташ-истамаслиги (ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми) аниқланиши зарур. Ариза бергандан сўнг, унда кўрсатилган ҳолатлардан воз кечилиши, аризани янглишиб берганман, деб важ келтирилиши, қонунни билмаганман, деб баҳоналар қилинишининг олдини олиш мақсадида, ариза олаётганда қуйидагиларни аризачига тушунтириш лозим бўлади:

— номусга тегиш каби оғир жинойтларни содир қилганлик тўғрисида ёлгон, уйдирма хабар қилганлик учун ариза берган шахсга нисбатан жинойт қонунида жиноий жавобгарлик назарда тутилган;

— номусга тегиш жинойтини содир қилганликда аризада кўрсатилган шахсга ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми бўйича узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш, шу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган аломатлар аниқлангани тақдирда 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазо-чоралари қўлланилиши қонунда кўрсатилган;

— ЖПКнинг 325-моддасида айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга тегиш жинойтини содир қилганлик учун жинойт иши, жабрланувчи уни номусига теккан шахсни жиноий жавобгарликка тортиш истагини билдириб берган аризасига асосан қўзғатилади, лекин ҳар иккала тарафнинг ўзаро ярашиши ёхуд кечириш ҳолларида жинойт иши тугатилмайди.

Ариза муаллифига бундай ҳолатларни тушунтириш, кейинчалик ўз аризасидан воз кечиш, — “янглишганман, аслида номусга тегиш бўлмаган», деб ёлгон важларни келтирмаслик учун жиддий огоҳлантириш тарзида бўлиши зарур.

Айрим ҳолларда текшириш жараёнида аризачи қарши ариза билан мурожаат қилиб, илгари берган аризасини инобатга олинмаслигини, номусга теккан шахсни кечирганлигини ёки унга турмушга чиқаётганлигини, номусга тегиш аслида юз бермаганлигини, жинсий алоқа ўз хоҳиши билан бўлганлигини баён этади. Бундай вазиятда қарши аризада келтирилган вазларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини текшириб, жиноят иши қўзғатиш-қўзғатмаслик масаласини ҳал этиш зарур.

Агар муқаддам берган ариза ҳақиқатан ҳам уйдирма ва ёлғон хабарларни ўз ичига олганлиги тасдиқланадиган бўлса, ариза муаллифларининг ўзига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси асосида жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш талаб қилинади.

Жиноятни исботлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Номусга тегиш ҳодисаси ҳақиқатан ҳам содир этилганлигини исботлаш учун жинсий алоқа жабрланувчининг эркига қарши ёки унинг эркини поймол қилиш йўллари билан амалга оширилганлиги ҳолатлари аниқланиши лозим. Биринчисида, жабрланувчи жинсий алоқа қилишни истамагани ҳолда жиноятчи унга нисбатан жисмоний куч ишлатади ёки қўрқитиб унинг қаршилигини енгади. Иккинчи ҳолатда жиноятчи жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлигидан фойдаланади. Жабрланувчи бундай ҳолда унинг номусига тегилаётганлигининг маъносини англамайди ёки тушунса-да, қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Жисмоний куч ишлатилган ёки кўрсатилган бўлса, унинг нималарда ифодасини топганлиги, жабрланувчининг ожиз аҳволи нималарда ифодаланганлигини аниқлаш лозим.

Рухий томондан таъсир кўрсатиш, яъни қўрқитиш қандай бўлганлигини аниқлаш учун жиноятчининг бундай ҳаракати дарҳол ижро этиш мазмунига эга эканлиги кўришиб турган бўлиши керак. Масалан, «Ҳозир шу ернинг ўзида бўғиб ўлдираман, ёки кўзингнинг олдида болангни ўлдираман», деган маънодаги қўрқитиш ҳақиқатга яқин бўлиши керак.

Жабрланувчининг ожиз аҳволда бўлганлиги аниқланиб, тўғри баҳоланмоғи лозим. 7-8 ёшдаги қизчанинг номусига тегилган бўлса, албатта, бу ҳаракатнинг маъносига у тушунмайди. 9—12 ёшдаги қизчага нисбатан бу жиноят содир этилган бўлса, бундай ҳолларда терговчи ҳақиқатан ҳам жабрланувчи ожиз аҳволда бўлганлиги масалаларига жиддий ёндашиб, аниқлаши зарур.

Жабрланувчи маст ҳолатда бўлганлиги туфайли қаршилиқ кўрсата олмаган, яъни у ожиз аҳволда бўлган, деб хулоса қилишда ҳам айрим муҳим томонларга эътиборни қаратиш зарур.

Бундай ҳолларда жабрланувчининг мастлик даражаси қандай бўлганлиги аниқланиши керак.

Маст ҳолатда бўлган аёл билан унга жисмоний куч ишлатмасдан ёки қўрқитмасдан жинсий алоқа қилишни ҳамма вақт ҳам жиноий ҳаракат, деб баҳолаш нотўғри бўлади.

Бундай ҳулосага келиш учун мастлик ҳолати жабрланувчи ҳақиқатан ҳам ожиз аҳволда бўлиб, қаршилик кўрсатишга қодир эмаслигида намоён бўлиши керак.

Агар жабрланувчининг мастлик даражаси ўрта ёки енгил бўлса, у қаршилик кўрсата олишга қодирмиди, йўқми аниқлаш лозим. Амалиётда оғир даражадаги мастлик қаршилик кўрсата олмаслик аломатлари сифатида талқин қилинади.

Номусга тегишга суиқасд қилиш ҳолатларини аниқлашда ҳам жуда синчковлик ва ҳар томонлама текшириш талаб этилади.

Айрим ҳолларда муқаллам жинсий алоқала бўлмаган шахслар ўртасида, айниқса, аёл жинсидаги шахс айрим қаршиликларни намоён қилиши мумкин. У эркак киши билан жинсий алоқага мойиллик билдирса-да, уялиш аломатлари устун келиб, баъзи бир суёт қаршилик ҳаракатларини қилиши, эркак киши эса буни енгил учун ҳаракат қилиши мумкин. Масалан: аёлни ечинтириш, жинсий аъъосини яланғочлаш, жуфт ҳолатдаги оёқларини ҳар икки томонга очиш ва ҳоказо ҳаракатларни эркак киши намоён қилиши мумкин. Бундай ҳолларда унинг ҳаракатини номусга тегишга суиқасд қилиш, деб ҳулоса қилишга шошилмаслик лозим. Ҳар иккала томоннинг бу ҳолатга муносабатини аниқлаш, жинсий алоқа қилишга олиб келган ўзаро муносабатларга, шарт-шароитларга баҳо бергандан сўнг ҳулоса қилиш лозим.

Эркак кишининг ҳаракатлари фақат жинсий алоқа қилишга қаратилган ва ашаддий зўрлик аломатлари мавжуд бўлгандагина номусга тегишга суиқасд жинояти тўғрисида сўз юритилиши керак.

Агар аёлни қучоқлаш, ўпиш, кўкрагини ушлаш ҳаракатлари бўлса, номусга тегишга суиқасд қилиш, деб баҳолаш нотўғри бўлади.

Номусга тегишга суиқасд қилиш жиноятини тўғри баҳолаб, малакалаш учун воқеа ҳолатини синчковлик билан текшириш, мазмун жиҳатидан «нозик» саволларни бериш йўли билан аниқлаш талаб этилади.

Номусга тегишга суиқасд қилишни тўғри баҳолаш учун нима сабабдан, яъни эркак кишида барвақт эакуляция ҳолати юз берганлиги ёки номусга тегишдан ўзи воз кечганлиги сабабли жиноят охирига етказилмаганлиги аниқланиши зарур.

Номусга тегишдан ўз хоҳиши билан воз кечишни ҳодиса ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш лозим. Агар шахс номусга тегишни тўлиқ

охирига етказишга имкони бўлатуриб, жавобгарликдан қўрқиб бу ҳаракатдан воз кечган бўлса, объектив баҳо берган ҳолда, қонун доирасида ҳал қилиниши зарур.

Мадомики, шахс номусга тегиш жиноятдан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда воз кечса, масалан, битта-иккита одамни оёқ товуши ёки сўзлашиб келаётганлигини эшитиб, ўзини фош қилинишидан қўрқиб, жиноятдан воз кечса бу ҳолат ўз ихтиёри билан бўлган деб ҳисобланмайди.

Бундай ҳолларда номусга тегишга суиқасд қилган шахснинг ҳаракати ишнинг ҳолатига қараб, қонун доирасида ҳал этилиши лозим.

Номусга тегишдан ихтиёрий равишда бош тортганлиги аниқ бўлса, бу тўлиқ тасдиқланса, ҳаракатнинг мазмунига қараб бошқа жиноятнинг аломатлари мавжуд бўлгани тақдирда, унинг ЖКнинг тегишли моддаси билан жиной жавобгарлик масаласи ҳал этилиши зарур. Масалан, тан жароҳати етказиш, безорилик, ҳақорат қилиш каби жиноятларнинг таркиби бўлиши мумкин.

Жиноят процессуал қонун номусга тегиш жиноятининг содир бўлган-бўлмаганлигини тўғри баҳолаш учун ҳодиса содир бўлган жой, вақт, шароитларни ҳам ҳар томонлама тўлиқ аниқлашни талаб этади.

Номусга тегиш вақтини аниқлаш нафақат жабрланувчининг кўргазмасини текширишга ёрдам беради, балки муҳим гувоҳларни аниқлашга ҳам замин яратади, ҳодиса жойини аниқлаш эса, у ердан ашёвий далилларни топиш, жиноят изларини ва бошқа муҳим ҳолатларни аниқлашнинг омили бўлади.

Номусга тегиш жиноятини тергов қилишда шахснинг ҳаракатлари, мақсади айнан зўрлаб жинсий алоқа қилишга қаратилганлиги аниқланиши зарур. Эркак билан аёл муқаддам таниш бўлмаган ҳолларда номусга тегишга қаратилган ҳаракатлар содир этилган бўлса, айнан шу жиноят хусусида сўз юритиш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларда тўғри номусга тегиш жинояти ўч олиш мақсадини кўзлаб ҳам содир этилади. Ўч олиш аёл кишининг ташаббуси билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Аёл киши ўзи билан рақобатда бўлган иккинчи аёлни шарманда қилиш, ундан ўч олиш мақсадида, эркак кишини ёллаб, номусга тегиш жиноятини ташкиллаштириши мумкин.

Бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш жинояти содир қилинганда жиноят мақсадини аниқлашнинг аҳамияти каттадир. Чунки, жинойий гуруҳ барча аъзоларининг жинойий мақсади бир-бирига мос келмаслиги мумкин.

Номусга тегиш жиноятини тергов қилишда барча бошқа жиноятлар сингари, айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланиши зарур. Номусга тегиш жиноятларида енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири вояга етмаган шахс томонидан содир этилган ва чин

кўнгилдан пушаймон бўлиб айбини бўйнига олганлик, шунингдек, жиноятни очишга фаол ёрдам берганлик ҳолатлари ҳисобланади.

Жиноят содир қилган шахснинг 14 ёшга тўлган ёки тўлмаганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, номусга тегиш жинояти учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишга ёрдам беради. Шунингдек, жиноят содир қилган кунда шахснинг 18 ёшга тўлган-тўлмаганлигини аниқлаш ҳам ниҳоятда зарур.

Айбни енгиллаштирувчи ҳолатларидан бири бўлган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, айбини бўйнига олишнинг қайси вақтда юзага келганлигини аниқлаш лозим. Айбни бўйнига олиш қанчалик тез ва эртароқ рўй берган бўлса, шунчалик яхши бўлиб, айбни енгиллаштиришга замин яратган ҳисобланади. Шунингдек, айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар қонунда кўрсатилган йўналишларнинг барча аломатлари шахс (шахслар) ҳаракатида мавжудлиги тўлиқ ва ҳар томонлама аниқланиши талаб этилади.

Айбланувчининг шахсини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу айбланувчининг ахлоқи, жиноятда тутган ўрни ва ҳоказо хулқ-атворини тўлиқ билиб олишга замин яратса, иккинчидан эса, жабрланувчининг бу шахс тўғрисида берган кўргазмаларини тўғри баҳолаш учун зарурдир.

Айбланувчи билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, илгари улар бир-бирларини қандай даражада таниганлиги, қариндошлилиги бор-йўқлиги, уларнинг бир оилага мансуб одамларми ёки мансуб эмаслиги каби ҳолатларга эътибор бериш зарур. Жабрланувчи айбланувчининг фақат исмини айтиб, фамилиясини билмаслигини баён қилган ҳолларда, улар ҳақиқатан ҳам нотаниш бўлган-бўлмаганлиги, илгари бир-бирлари билан учрашган ёки учрашмаганлиги каби ҳолатлар аниқланиши лозим. Амалиётдан маълумки, гарчи жабрланувчи айбланувчининг фамилиясини билмаса-да, исмини, қаерда яшагини билиб, илгари бир неча маротаба учрашган, ҳаттоки жинсий алоқа қилган бўлиши мумкин.

Шунингдек, жабрланувчи тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун унинг шахсини ифодалайдиган маълумотларни чуқур ўрганиш талаб этилади.

Зарур ҳолларда жабрланувчининг ҳаёт йўли, ўсмирлик, ҳаттоки болалик даври ҳам ўрганилиши тергов ва суд томонидан унинг шахсига тўғри баҳо беришга асос бўлади.

Гумон қилинувчининг жабрланувчи билан унинг хоҳишига биноан жинсий алоқа содир қилинганлиги тўғрисидаги вазларининг асоссизлиги қуйидагича аниқланиши мумкин:

а) ҳодиса содир бўлган жой ва жабрланувчининг жароҳатлари бўлган кийимларини кўздан кечириш йўли билан;

б) жабрланувчини жиноят содир этилганидан сўнг кўп вақт ўтмасдан кўрган, унинг ёрдамга чиқирганлигини ва шу жойдаги қаттиқ товушларни эшитган гувоҳларни ва жабрланувчини ўзини сўроқ қилиш билан;

в) жабрланувчи билан гумон қилинувчи ўртасида юзлаштириш ўтказиш билан;

г) суд- тиббий экспертизаси ўтказиш билан;

д) жабрланувчига тегишли бўлган ва у кўргазмасида баён қилган нарса ва буюмларнинг, жабрланувчи тан жароҳати етказишда ва уни кўрқитишда намоиш қилган нарсаларнинг, шунингдек, жабрланувчини ожиз аҳволга солишда фойдаланилган воситанинг гумон қилинувчидан ҳамда тинтув пайтида топилиши.

Жабрланувчи ва гумон қилинувчи узоқ муддат бири-бирини яхши таниган, учрашиб юрган ва интим муносабатларда бўлиб юрган ҳолатларда терговчи ҳар иккаласининг шахсини чуқур ўрганиши, муносабатларининг характери ва жабрланувчида бирор ғараз мақсад бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳолатларни аниқлаганидан сўнг зўрлаб номусга тегиш жинояти содир этилганлиги ёки этилмаганлиги юзасидан хулосага келиши мумкин.

Номусга тегишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар

Зўрлаб номусга тегишни тергов қилишда терговчи томонидан жиноятнинг ўзига хослигини белгиловчи қуйидаги ҳолатлар аниқланиши керак:

— содир этилган жиноятнинг аниқ вақти ва жойи (манзил, уй, хонадон, ёки жойнинг қаердалиги, кун, соат, секунд, шунингдек, жиноятнинг қанча давом этганлиги);

— айбдорнинг жиноятга тайёргарлик кўришдаги ҳаракатлари:

— жиноятни содир этиш усули;

— жиноятчининг жиноят изини йўқотишга қаратилган ҳаракатлари;

— гуруҳ бўлиб жиноят содир этишда гуруҳ аъзолари ҳар бирининг аниқ ҳаракатлари;

— жиноятчининг шахси, уни тавсифловчи маълумотлар;

— жабрланувчининг шахси, уни тавсифловчи маълумотлар.

Дастлабки тергов ҳаракатлари

Терговчи бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан терговга киришар экан, аввало гумонларни илгари суриши, бунинг учун эса жиноятни, қуйидагиларга асосан таснифлаши лозим бўлади:

— жабрланувчи билан жинсий алоқа жисмоний ёки руҳий куч ишлатилган ҳолда ёки унинг ожизлигидан фойланиб содир этилганми;

– ёш қизчаларга ёки вояга етмаганларга нисбатан куч ишлатилмаганми;

– зўрлаш очиқ жойда ёки бино ичида содир этилганми.

Шу асосларда эса, тергов гумонлари ишлаб чиқилади ва илгари сурилади ва улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

– зўрлаб номусга тегиш жабрланувчи кўрсатаётган ҳолатларда содир этилган;

– зўрлаб номусга тегиш содир этилмаган, ихтиёрий жинсий алоқа бўлган, жабрланувчи эса бу ҳолатга баҳо беришда ғарзсиз адашмоқда;

– зўрлаб номусга тегиш содир этилмаган, атайин жиноят содир бўлгандек қилиб кўрсатилган.

Сўроқ қилиш

Зўрлаб номусга тегиш жиноятлари бўйича аввало жабрланувчининг ўзи, ҳодисанинг гувоҳлари сифатида жабрланувчининг қариндошлари, яқин дугоналари, бирга ишлайдиган ёки ўқийдиган шахслар, гумон қилинувчининг қариндошлари, дўстлари ва бирга ишлайдиган ёки ўқийдиган шахслар сўроқ қилинади.

Уларни сўроқ қилишдан асосий мақсад содир этилган жиноят ҳолати, жабрланувчи ва гумон қилинувчи(лар) шахси (характери, турмуш тарзи ва бошқалар) тўғрисида кенгроқ маълумот тўплашдан иборат бўлади. Жабрланувчининг қариндошлари ва уни яхши билганларни сўроқ қилишда, унинг характери, қизиқиши, кимлар билан яхши муносабатда бўлиб юрганлиги, сўнгги пайтларда қайси эркаклар билан гаплашиб ёки телефон орқали сўзлашиб юрганлиги, хуллас, унинг шахсини тўлиқ тавсифловчи маълумотларга эга бўлиш кўзда тутилади.

Жабрланувчини сўроқ қилишда эса, асосий мақсад жинойий ҳолатни, унга ва ундан сўнгги ҳолатларни (жиноят содир этилган куни нима билан шуғулланганлиги, кимлар билан гаплашган ва сўзлашганлиги, учрашганлиги, бунда нималар тўғрисида гап бўлганлиги, қачон, қаерда ва қандай ҳолатларда жиноятчи билан танишганлиги, қаерга, қачон, қайси вақтда ва нима билан боришганлиги, шу куни ўзининг ва жиноятчининг эғнида қандай кийимлар бўлганлиги, жиноятчининг таниш-танимаслиги, қачондан буён танишлиги, гаплашиб юрган бўлса, нималар ҳақида гаплашганлиги) аниқлашга қаратилади.

Бундан ташқари, жабрланувчини сўроқ қилишда бевосита жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолатлар, яъни, жиноятчига қандай тарзда қаршилиқ кўрсатганлиги, унинг бирор жойига юлиш, тирнаш, тишлаб олиш ёки бошқача тарзда жароҳат етказганлиги, ўзини ва жиноятчининг кийимлари йиртилганми ёки йиртилмаганлиги, қандай сўзлар билан

қўрқитганлиги ва қандай тарзда куч ишлатиб, қаршилигини синдирганлиги, бу ҳолатларни бирор шахс кўриши мумкинлиги, кишиларни ёрдамга чақирганми-йўқми, шу ҳодисадан сўнг дарҳол ички ишлар ёки прокуратура органларига мурожаат қилганлиги, ўзини тартибга солганлиги, кийимларини ювганлиги ва ўзи ҳам ювинганлиги, воқеадан сўнг кимлар билан учрашганлиги ва уларга бу ҳақида айтганлиги каби ҳолатлар аниқланмоғи лозим.

Булардан ташқари, жиноятчининг шахси номаълум бўлса, жабрланувчини сўроқ қилишда, биринчи навбатда унинг аризасида кўрсатилган ҳолатларни тўлдириши ва мустаҳкамлаши, кейин эса жиноятчининг шахсини аниқлаш мақсадида, унинг ташқи кўриниши, ўзига хос белгилари, сўзлашиш манераси, талаффузи, шеvasи, ёши, гавда тузилиши, бирор жисмоний нуқсони борлиги, ўзига хос одатлари, эғнидаги кийимлари, унда бўлган нарса ва буюмлар, гапирганида бирор исм-шарифни, шаҳар, қишлоқ, кўча ёки маҳаллани, корхона ва ташкилотни тилга олганлиги ва бошқалар аниқланмоғи лозим. Шунингдек, жабрланувчининг берган кўргазмасидан ва ҳолат тақозосидан келиб чиқилган ҳолда аниқланадиган масалалар кенгайиши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишни режалаштириш ва амалга ошириш тергов қилинаётган жиноят ҳолати, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари, шу вақтга қадар иш юзасидан тўпланган далиллар, гумон қилинувчи ва айбланувчининг терговда тутган йўли (иқдор ёки иқдормаслиги), уларнинг шахсидан келиб чиқилган ҳолда белгиланади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи содир этган жиноятини инкор қилган тақдирда, албатта бирор алибини (масалан, жабрланувчи билан ихтиёрий жинсий алоқада бўлганлиги ёки ўша пайтда бошқа жойда бўлганлиги тўғрисида) илгари суради, бундай пайтда терговчи, сўроқ давомида тезкор ходимларга унинг алибисини текшириш тўғрисида топшириқ бериш билан бир вақтнинг ўзида терговда аниқланган ҳолатлар ва тўпланган далиллардан усталик билан фойдаланган ҳолда унинг алибиси асоссиз эканлигини исботлаш чораларини кўриши керак, бунда у терговчининг оғзидан чиққан ҳар бир гапдан ўз фойдасига фойдаланиб қолиши мумкинлиги ёдда тутилиши зарур.

Иш бўйича аниқ ҳолатлардан ва гумон қилинувчининг шахсидан келиб чиқилган ҳолда терговчи сўроқ қилишнинг ўзига хос тактикасини белгилаб олиши лозим. Кўпинча, гумон қилинувчи ва айбланувчидан ҳодиса ҳолати юзасидан ҳақиқий тўғри кўргазма олиш учун терговчи пухта режалаштирилган бир неча сўроқларни амалга ошириши, юзлаштириш, таниб олиш ва тергов эксперименти каби тергов ҳаракатларини ўтказиши ҳам мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи содир этган жиноятига иқдорлик билдириб кўргазма берганида, асосий эътибор фақат уларнинг ўзи биладиган ҳолатларни атрофлича қайд этишга қаратилмоғи керак, шу билан бирга терговчи доимо уларнинг иқдорлик кўргазмаси йўқ, деган фикрда бўлиши ва имкон даражасида айбини бошқа далиллар билан тўла исботлаш чораларини кўрмоғи керак.

Бу тоифадаги жиноятларни тергов қилишда терговчи жабрланувчи ва гумон қилинувчининг (айбланувчи) шу ҳодиса вақтида эғнида бўлган кийимларини тўла аниқлаш ва уларни олиш ҳамда кўздан кечириш, сўнг алоҳида-алоҳида ўраб қўйиш чораларини кўриши керак. Бу мақсадда зарур ҳолларда кечиктирмасдан тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширмоғи лозим. Чунки, уларнинг кийимларида мавжуд бўлган микрозаррачаларнинг ишқаланиши, қон ва сперма излари бўлиши мумкин ва бу ҳолатларнинг экспертиза воситасида аниқланиши, жиноят иши юзасидан энг ишончли далиллар ҳисобланади.

Бундай жиноятлар мавҳум ҳолатларда содир этилганида уларни фош этиш учун жабрланувчининг ҳодиса ҳолати юзасидан кўргазмаси асос қилиб олинган ҳолда, биринчи навбатда мазмунли тергов ва тезкор-қидирув режаси ишлаб чиқилмоғи ҳамда унда ҳақиқатга яқин бўлган гумонлар илгари сурилиб, ҳар бир гумонни тўла ўрганилишини таъминлайдиган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари белгиланиши, барча гумонлар бир вақтнинг ўзида изчиллик билан текширилиши керак.

Бунда, жиноятнинг содир этилиш усули ўхшаш бўлган яқин ҳудудлардаги ички ишлар органларида тергов қилинаётган ва тергови тўхтатилган жиноят ишларини, шунингдек, жиноят иши қўзғатиш рад этилган шу мазмундаги материалларни ўрганиш кўпинча ижобий натижа беради.

Зўрлаб номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда, одатда гумон қилинувчи қуйидаги кўргазмаларни беради:

1) жабрланувчини танимайди, у билан учрашмаган ва шу жиноятни содир этмаган;

2) жинсий алоқа аризачининг хоҳиши билан бўлган;

3) жабрланувчи томонидан шахсий мақсадларни кўзлаб атайин жиноят ҳақида ариза берилган.

Гумон қилинувчининг жабрланувчини танимаслиги, у билан учрашмаганлиги ва шу жиноятни содир этмаганлиги тўғрисидаги важлари ушбу асосларда инкор этилиши мумкин:

а) гумон қилинувчини жабрланувчи таниб олиш учун кўрсатилганида таниб олиши билан;

б) жабрланувчи ва гумон қилинувчининг бири-бирини таниши ва учрашиб юрганлигини гувоҳлар сўроқларда тасдиқлаши билан;

в) жабрланувчига тегишли бўлган ёки у ўз кўргазмасида баён қилган нарса ва буюмларнинг гумон қилинувчида бўлиши ёки тинтувда топилиши билан;

г) экспертиза хулосалари билан.

Гумон қилинувчининг жабрланувчи билан унинг хоҳиши билан жинсий алоқа содир қилинганлиги тўғрисидаги вазаларининг асоссизлиги қуйидагича аниқланиши мумкин:

а) ҳодиса содир бўлган жой ва жабрланувчининг жароҳатлари бўлган кийимларини кўздан кечириш билан;

б) жабрланувчини жиноят содир этилганидан сўнг қўп вақт ўтмасдан кўрган, унинг ёрдамга чақирганлигини ва шу жойдаги қаттиқ товушларни эшитган гувоҳларни ва жабрланувчининг ўзини сўроқ қилиш билан;

в) жабрланувчи билан гумон қилинувчи ўртасида юзлаштириш ўтказиш билан;

г) суд- тиббий экспертизаси ўтказиш билан;

д) жабрланувчига тегишли бўлган ва у кўргазмасида баён қилган нарса ва буюмларнинг, жабрланувчи тан жароҳати етказишда ва уни кўрқитишда намоёиш қилган нарсаларнинг, шунингдек, жабрланувчини ожиз аҳволга солишда фойдаланилган воситанинг гумон қилинувчидан ҳамда тинтув пайтида топилиши билан.

Жабрланувчи ва гумон қилинувчи узоқ муддат бири-бирини яхши таниган, учрашиб юрган ва интим муносабатларда бўлиб юрган ҳолатларда терговчи ҳар иккаласининг шахсини чуқур ўрганиши, муносабатларининг характери ва жабрланувчида бирор қарама-қарши мақсад бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳолатларни аниқлаганидан сўнг зўрлаб номусга тегиш жинояти содир этилганлиги ёки этилмаганлиги юзасидан хулосага келиши мумкин.

Номусга тегиш жинояти содир бўлганлиги ҳақида ариза берган аёлни сўроқ қилишнинг аҳамияти, бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан тергов ўтказишда беқийсдир. Аксарият ҳолларда номусга тегиш пайтида гувоҳларнинг бўлмаслиги сабабли, жабрланувчини сўроқ қилиш далил ва исбот қилишнинг асосий манбалардан бири ҳисобланиб, жиноят ким томонидан, қачон, қаерда, қайси ҳолатда содир этилганлигини кенг билиб олиш учун замин яратади.

Шу сабабли сўроқ услубининг аҳамияти каттадир. Жабрланувчи олдида қўйиладиган саволлар чуқур ўйланган, эҳтиёткорлик билан берилган ва воқеа тафсилотини ҳар томонлама ёритишга қаратилган бўлиши лозим. Бунда, жабрланувчининг кўргазмаларини текшириш ва жиноят содир қилган шахсни фош қилишда катта аҳамият касб этувчи айрим муҳим томонларни аниқлашни унутмаслик зарур.

Номусга тегиш ҳолати бўйича берилган ариза ҳақиқий бўлган воқеага тўғри келмаслиги амалиётда тез-тез учраб туради. Айниқса, номусга тегишга суиқасд қилиш юзасидан жабрланувчи адашиши мумкин. Яъни, шахсни унга нисбатан намоён қилган ҳаракатларини номусга тегишга қаратилган, деб нотўғри тушуниши мумкин. Шуларни инobatга олиб, терговчи сўроқ пайтида имкони борича воқеа хусусида кўпроқ ҳолатларни аниқлашга ҳаракат қилиши лозимки, бу ҳолатларни бошқа манбалар ёрдамида текшириб кўрилишига замин яратсин.

Агар сўроқ давомида ариза берган шахснинг кўргазмасининг ҳаққоний эканлигига шубҳа туғилса, терговчи унинг сўзини бўлмаслиги, кўргазмасининг нотўғрилиги бўйича сир бой бермаслиги, буни сезиб қолганлигини ошкора намоён қилмаслиги лозим. Берилаётган савол мазмунида ҳам, савол оҳангида ҳам ўзгариш сезилмаслиги зарур. Фақатгина терговчи алоҳида қоғозга шахс бераётган кўргазманинг шубҳали, ҳақиқатга зид томонларини белгилаб қўйиб, сўроқ қилинувчи сўзларини тўлиқ тугатгандан сўнг, юзага келган шубҳа ва зиддиятларни аниқлаб олиши керак. Шу билан бирга кўргазмадаги қарама-қаршиликларни терговчи текшириб кўриши лозим.

Жабрланувчи кўргазмаларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар ўз вақтида бартараф қилинмаганлиги, жиноят иши юзасидан судларнинг оқлов ҳукми чиқаришига сабаб бўлган ҳоллар амалиётда учраб туради.

Айрим ҳолларда номусга тегиш жараёнини тергов учун муҳим томонлари хусусида терговчи қўядиган саволларга жабрланувчи имкон борича тўла жавоб бермасликка, ҳатто умуман индамасликка ҳаракат қилади. Кўпчилик ҳолларда аёл кишининг уятчанлиги ҳам бунга сабаб бўлади.

Шу сабабли терговчи савол беришда эҳтиёткор ва синчков бўлиши, сўзларни танлаши билан бирга жабрланувчининг шахсиятига тегадиган сўзларни ишлатмаслиги лозим.

Мабодо жабрланувчи айрим саволларга оғзаки жавоб беришга уялса, ёзма равишда ёзиб беришни терговчи таклиф қилиши зарур.

Сўроқни шундай олиб бориш лозимки, сўроқ қилинувчи шахс масаланинг туб моҳиятига тўлиқ ва аниқ тушунсин. Айрим муҳим ҳолатларни аниқлаш ҳақиқатни ҳолисона юзага чиқариш учун, айбланувчини тўлиқ фош қилиш, терговнинг самарали ва қонун доирасида бўлиши учун зарурлигини жабрланувчига тушунтириш лозим. Жабрланувчига, шунингдек, терговдаги маълумотлар ошкор қилинмаслигини, суд жараёни эса ёпиқ ҳолда олиб борилишини маълум қилиш керак.

Шу билан бирга тўғри ва ҳақиқий кўргазма бериш фуқаролик ва ҳуқуқий бурч эканлигини, унинг шахсий иши эмаслигини ҳам тушунтириш зарур.

Модомики, жабрланувчи бўлиб ўтган воқеа туфайли ниҳоятда хафа, руҳан синиққан, ҳаяжонланиш ҳолатида бўлса, унинг бундай ҳолатдан чиқишига фурсат бериб, сўнгра сўроқ қилиш керак.

Жабрланувчини сўроқ қилганда бошқа шахсларнинг, шу жумладан, тергов идорасининг бошқа ходимларининг ҳам иштирок этишига йўл қўйилмаслиги лозим. Вояга етмагани сўроқ қилиш жараёни бундан мустасно.

Одатда сўроқни воқеа тафсилотини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Воқеа содир бўлган жой, вақт, ой, кун, соат тўлиқ аниқланиши зарур.

Жабрланувчи ҳодиса содир бўлган жойга қандай бориб қолганлиги, уйда, ишда, ўқишда бўлгани ёки ўша жойга тасодифан ва тўсатдан бориб қолганми, ёхуд жиноятчи томонидан турли алдаш, куч ишлатиш ва бошқа йўллар билан олиб келинганлиги аниқланиши керак. Кузатиб қўйишни баҳона қилганми, автомашина, велосипед, мотоциклга ёки бошқа транспортга миндирганми, ишончини қозонганми ва ҳоказо ҳолатлар аниқланиши керак. Жиноятчи номусга теккунга қадар ва ундан кейин ўзини қандай тутганлиги, нималар тўғрисида гапирганлиги, қандай ҳаракатларни намоён қилганлиги жабрланувчидан аниқланиб, баённомада кўрсатилиши керак.

Шундан сўнг, номусга тегиш жараёни қандай усуллар билан амалга оширилганлиги, жисмоний куч ишлатилган бўлса, бу нималарда ифодаланиши, урган бўлса, баданининг қайси жойларига тан-жароҳати етказганлиги, жабрланувчининг кийимларини куч ишлатиб ечганми, қўрқитган бўлса бу нималарда намоён бўлиши, бирорта қурол ишлатганми ёки бундай қурол аввалдан ўзида бор эдими ва ҳоказо ҳолатлар жабрланувчини сўроқ қилиш билан аниқланиши лозим.

Агар номусга тегиш жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этилган бўлса, унинг ожизлигини ифодаловчи ҳолатлар аниқланиши талаб этилади. Ожизлик жабрланувчининг маст ҳолатда бўлганлиги билан ифодаланса, қачон, қаерда, қандай ҳолатда, қанча миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, ўз хоҳиши билан ичганми ёки жиноятчи ёхуд бошқа шахс ичишга мажбур қилдими, илгари ҳам спиртли ичимликлар истеъмол қилганми ва шунга ўхшаш ҳолатлар аниқланиши зарур.

Шу билан бирга сўроқ қилинаётган шахс (жабрланувчи) воқеа тафсилотини аниқ тасаввур қила оладими, номусга тегиш жараёнини яхши эслай оладими, агар у маст ҳолатда бўлса, ўзини қандай ҳис қилган, нималар тўғрисида гапирган ва номусга теккан шахс нималарни гапирганлигини эслайдими каби ҳолатлар ҳам сўроқ пайтида аниқланиши зарур. Буларнинг барчаси жабрланувчини қандай даражада мастлигини,

ҳақиқатан ҳам ожиз аҳволда бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга имкон беради.

Агар жиноят тамом бўлмаган бўлса, жиноятчи жиноятни охирига етказа олмаслигига нима ҳалақит берганлиги, унинг фаол қаршилиқ кўрсатишими, одамларнинг яқинлашиб келишими ёки номусга тажовуз қилаётган шахс жинсий алоқа қила олмаганлиги сабаб бўлганми, каби ҳолатлар жабрланувчининг ўзини сўроқ қилиш билан аниқланмоғи лозим.

Агар жиноятчининг жиноятни охирига етказишига ҳеч нарса ёки ҳеч ким ҳалақит бермаган бўлса, нима учун жиноятни охирига етказмаганлиги, балки жабрланувчига раҳм қилганлигидан ёки жавобгарликдан қўрққанлиги сабабли жиноятдан воз кечган бўлиши мумкинлиги хусусида жабрланувчининг фикри аниқланиши керак.

Жабрланувчи қаршилиқ кўрсатган бўлса, бу қаршилиқлар нималарда ўз ифодасини топганлиги, номусга тажовуз қилган шахсни жабрланувчи урдими, тишлаб олдими, жиноятчининг баданининг қайси қисмига жабрланувчи қандай жароҳат етказган, ёрдамга чақириб бақирдими, йиғладими, жиноятчига ёлвордими каби жиҳатлар, ундаги жароҳатларни етказиш ҳолатлари аниқланиши керак.

Шундан сўнг, жабрланувчи танасининг қайси жойларида жароҳатлари мавжудлиги, кийимида йиртилган, кесилган жойлари бор-йўқлиги ҳақида унинг ўзидан сўралиши керак.

Жабрланувчини сўроқ қилишда, шунингдек, номусга тегиш натижасида унинг қизлик иффати бузилганми ёки у муқаддам жинсий алоқада бўлиб юрганми, агар жинсий яқинлик қилиб юрган бўлса, қачон охирги маротаба жинсий алоқа қилганлиги баённомада қайд этилиши лозим.

Номусга тегиш пайтида унда касаллик аломатлари бор-йўқлиги, ҳайиз кўргани ёхуд ҳомиладорлик ҳолати, шунингдек, абортдан, туғишдан кейинги ҳолатларда бўлган бўлмаганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Номусга теккан пайтдан маълум бир вақт (тахминан бир ой, бир ярим ой, балки ундан кўпроқ вақт) ўтгандан сўнг жабрланувчи сўроқ қилинаётган бўлса, номусга тегиш натижасида ҳомиладор бўлмаганми, мабодо бирор касалликка дучор бўлмаганми (таносил касаллигига) ҳолатлар аниқланиши керак.

Номусга тегиш вақтида жабрланувчи қандай кийимларда, шу жумладан, ички кийимларда бўлганлиги, бу кийимлар ҳозир қаерда ва қандай аҳволда (ювилганми) эканлиги аниқланиши зарур. Шу билан бирга номусга теккан шахсни қандай кийимда бўлганлигини, айниқса, унинг ички кийимлари ҳақидаги маълумотларни жабрланувчидан сўроқда аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Жабрланувчидан, шунингдек, номусга тегилганлик ҳақида аризани ўз ташаббуси билан бердими ёки қариндош-уруғларининг қистови ёхуд босими билан бердими ва ниҳоят, ариза воқеа содир этилган кундан эътиборан анча кечикиб берилган бўлса, бунинг асосий сабаблари аниқланиши лозим.

Сўроқ ниҳоясида жабрланувчига, фақат уни кўрсатмасигина номусга теккан шахсни айблаш учун кифоя қилмаслиги мумкинлиги, унинг кўрсатмаси яна бошқа ҳолисона далиллар билан исботланиши лозимлиги, шу сабабли терговчига яна бошқа далиллар манбаларини айтиши, кўрсатиши зарур эканлиги тушунтирилиши керак.

Воқеадан хабардор бўлган, жиноятчини воқеагача ёки ундан кейин кўрган шахсларни жабрланувчи билиши мумкин. Номусга тегиш жинояти тўғрисида жабрланувчи биринчи бўлиб айтган шахс бўлса, улар тўғрисида маълумот беришни таклиф қилиш керак. Шу билан бирга, номусга теккан шахсни яхши биладиган, унинг хулқ-атвори хусусида батафсил ахборот бера оладиган шахсларнинг исм-шарифи тўғрисида гапириб беришни жабрланувчига таклиф этиш керак. -

Шахси номаълум бўлган жиноятчи томонидан номусга текканлик ҳолатлари бўйича жабрланувчини сўроқ қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бундай ҳолларда жабрланувчига номусга теккан шахсни илгари кўрган-кўрмаганлигини, бирор жойда унинг билан бирга бўлган-бўлмаганлигини, юз тузилишидан, бирор-бир лақабидан билиши мумкинлиги каби ҳолатлар хусусида саволлар қўйиб, сўроқни бошлаш лозим. Жиноятчининг гавда тузилиши, ташқи кўриниши, ўзига хос белгилари, юришидаги бирор-бир ўзига хослик аломатлари, сўзлаш манераси, имо-ишоралари, шеваси, кийим-кечаклари, қўлида жисмлар бўлган-бўлмаганлиги каби жиҳатларни аниқлаш зарур.

Жабрланувчи бирор муҳим кўринишларни адаштириб юбормаслиги учун, имкони борича саволлар навбатма-навбат берилгани маъқул. Масалан, жиноятчи сочининг ранги, ўсган-ўсмаганлиги, қалинлиги, унинг кал ёки тепакаллиги, пешонаси қанақалиги (кенг пешона ва ҳоказо), бош кийими бор-йўқлиги (дўппи, телпак ва ҳоказо), агар бор бўлса, нима, белгилари қандай, (телпак бўлса — ондатра, нутрия, норка, қоракўл ёки сунъий мўйна, дўппи бўлса — Чуст, Андижон, Марғилон дўпписи ва ҳоказо).

Номусга теккан шахс транспорт воситасида бўлса, машина, унинг русуми, рақами ва бошқа белгилари аниқланиши зарур.

Жабрланувчини сўроқ қилиш давомида шу тариқа тўпланган маълумотлар йиғиндиси, жиноятчини аниқлашга ва гумон қилинаётган шахснинг фош этилишига замин яратadi.

Сўроқ давомида, шунингдек, жиноятчи жабрланувчининг бирор буюмини олиб кетган-кетмаганлигини (соати, узук, тақинчоқ, рўмол ва ҳоказо) аниқлаш ҳам аҳамиятга эгадир.

Номусга текканнинг шахси жабрланувчига маълум бўлган ҳолларда, сўроқ қилишининг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, бундай ҳолларда жабрланувчини сўроқ қилиш, номусга теккан шахс билан уларнинг ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада эканлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

Биринчи навбатда, номусга теккан шахсининг исми, шарифи, ёши, яшаш, иш ва ўқиш жойи, мансаби, улар ўртасидаги муносабатлар тарихи, келиб чиқиши, қаерда, қандай ҳолатда уларнинг танишганлиги, кимдир таништирганми, ёки ўзлари танишганми, тез-тез учрашиб туришганми, муқаддам жинсий алоқа қилганмилар, қаерда, қачон, қандай ҳолатда, эркак киши уйланишга ваъда берганми, бу ҳақда жабрланувчининг ўзи талаб қилганми, ариза бериш вақтида улар ўртасидаги муносабатлар қай даражада эканлигини бир-бирига душманлик аломатлари ўч олиш ёки рашк аломатлари бўлганми, ўзаро келишмовчиликлар юзага келган бўлса, қачондан эътиборан каби масаларни аниқлаш зарур.

Сўроқ қилинаётган жабрланувчидан агар у эркак киши билан илгари таниш бўлиб, учрашиб юрган бўлса, эркак кишининг ундаги бирор-бир расми, хати, телеграммаси ёки бошқа буюмлари бор-йўқлигини аниқлаш лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш давомида, шунингдек, номусга тегиш жараёни тўсатдан, кутилмаганда юз бердими ёки улар ўртасида бир жойда учрашиш илгаридан келишилган ҳолда юз берганми; учрашиш тасодифан бўлдими ёки гумондор ўша куни уни чақирдими, ёхуд жабрланувчи ўз ташаббуси билан гумондор билан учрашдими, учрашиш мақсади нималарда ифодаланганлиги ҳам аниқланиши керак.

Жабрланувчига гумондор жинсий алоқа тўғрисида дастлаб ўз хоҳиши билан бўлишини таклиф қилдими, бу таклифга жабрланувчи қандай қараган, қучоқлаш, ўпиш жараёнлари қандай юз берганлиги, жабрланувчининг кийимларини ечиш жараёни қандай амалга оширилганлиги, агар гумондор унинг кийимларини ечган бўлса, бунга қандай эришган, қаршилиқ кўрсатиш нималарда намоён бўлган, агар жабрланувчининг ўзи кийимларини ечган бўлса, нима сабабдан эканлиги аниқланиши лозим.

Ҳар иккала томоннинг ўзаро муносабатлари ва жабрланувчининг ўзини тутиш ҳолатларидан келиб чиқиб, гумондор жабрланувчи аслида жинсий алоқа қилишга қарши эмаслигини, унинг кўрсатган қаршилиги астойдил эмаслигини намоён қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган-бўлмаганлиги хусусида алоҳида саволлар қўйилиб ҳам жабрланувчи сўроқ қилиниши лозим.

Жабрланувчи, гумондор шахс билан жинсий алоқадан кейин қандай ҳолатда хайрлашганлиги, гумондор уни кузатиб қўйган-қўймаганлиги, қайтадан учрашишга келишиб олган-олмаганлиги, агар ваъда берилган бўлса, қаерда ва қачон учрашишликлари ва шунга ўхшаш каби ҳолатлар жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида аниқланиши керак.

Воқеа содир бўлгандан кейин ўтган давр мобайнида гумондорни хулқ-атвори, ўзини тутиши, муносабатлари қандай бўлганлиги, жабрланувчи олдига келган-келмаганлиги, унинг билан учрашишга ҳаракат қилган-қилмаганлиги, ўзининг ота-онаси ёки бирор кишисини жабрланувчи олдига жўнатган-жўнатмаганлиги, агар жўнатган бўлса нима мақсадда эканлиги, аризани қайтиб олишга ундаганми, бу учун бирор-бир совға берганми ёки ваъда қилганми, аризани қайтариб олмаса ўч олиш билан қўрқитганми ва ниҳоят, гумондорнинг бундай ҳаракатларига жабрланувчи қандай муносабатда бўлганлиги ҳам сўроқ давомида аниқланиши зарур.

Сўроқ ниҳоясида гумондорни танийдиган одамлар бор-йўқлиги масаласи, воқеа содир бўлган куни уларнинг иккаласини кўрган шахслар бор-йўқлиги ҳам аниқлаб олиниши лозим.

Тергов ва суд амалиётидан маълумки, жабрланувчини сўроқ қилишда йўл қўйилган камчиликлар, айниқса, ўз вақтида сўроқ қилинмасдан пайсалга солиниши ҳақиқатни тўла аниқлашга жиддий путур етказди. Бу эса ўз навбатида жиноят ишини суд томонидан қўшимча терговга қайтарилишига, тугатилишига ва пировардида жиноятчининг жазодан қутулиб қолишига ҳам олиб келиши мумкин.

Гумондорни сўроқ қилиш одатда тезда, бошқа кунларга қолдирилмасдан амалга оширилади. Лекин, айрим ҳолларда гумондорни сўроқ қилишни бир оз кечиктиришга тўғри келади, чунки унга нисбатан тезкор-қидирув йўли билан аниқланиши лозим бўлган маълумотлар етарли бўлмаслиги мумкин. Гумондорнинг шу жиноятни содир қилганлиги ёки қилмаганлигини исботловчи етарли далиллар тўпланиши лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш давомида тўпланган маълумотлар асосида гумондор сўроқ қилинар экан, унинг ўзини қай даражада тутиши, далилларга муносабатини ўрганиш талаб этилади. Гумондор берган кўргазма билан жабрланувчи кўргазмаси бир-бирига таққосланиши зарур. Гумондорнинг дастлабки сўроғи кўпчилик ҳолларда табиий равишда жабрланувчининг дастлабки сўроғидан фарқ қилади. Чунки, жабрланувчи илгари терговга номаълум бўлган ҳолатларни баён қилиб кўргазма беради. Гумондорни сўроқ қилиш эса терговчига, асосий ҳолатлар жабрланувчининг кўргазмаси ва бошқа тергов ҳаракатлари давомида йиғилган далиллардан кўп нарса аён бўлган тарзда олиб борилади.

Гумондорнинг биринчи сўроғи, унинг ўзига ҳавола қилинган ҳолда, воқеа тафсилоти ҳақида эркин равишда гапириб бериш тарзида олиб борилиши лозим. Гумондор воқеа тўғрисида гапириб берар экан, унинг кўргазмасини эркин ҳолда баённомада акс эттириш зарур, унинг кўргазмалари терговда йиғилган далилларга мос келиш-келмаслиги юзасидан сир бой бермаслик керак.

Терговчи гумондорни сўроқ қилишда, унга жабрланувчининг исми-шарифи ва унинг нимада гумонланаётганини айтади. Сўроқ шундай услубда олиб борилиши керакки, ундан сўроқ қилинувчининг тутган позициясини билиб олиш, иккинчидан ундан терговга ҳали маълум бўлмаган ҳолатларни аниқлаб олиш мумкин бўлиши лозим.

Гумондорни қайта сўроқ қилганда ҳам воқеа тафсилоти тўғрисида, жабрланувчининг унга нисбатан берган кўргазмалари тўғрисида сўроқ қилиш лозим. Шунда гумондор ўзининг илгариги кўрсатмаларини яна тасдиқлаётгани ёки кўрсатмаси ўзгаргани терговчи билиб олади. Фақат шундан кейингина терговчи гумондорни фош қилишга қаратилган, унга нисбатан йиғилган далиллар асосида сўроқ қилишга ўтади. Бундай усул, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Ҳодиса тўғрисида гумондорни сўроқ қилишда, бу жараён унинг жабрланувчи кўрсатаётган вақт, жой ва ҳолатда у билан учрашган ёки учрашмаганлигига қараб режалаштирилиши зарур. Агар гумондор жабрланувчи билан шу вақтда учрашганлигини инкор қилса, уни ўша пайтда қаерда бўлганлиги ва нима иш билан шуғулланганлиги ҳақида сўраш керак. Агар гумондор жабрланувчи билан ўша пайтда учрашганлигини инкор қилмаса, жинсий алоқа қилган-қилмаганлиги хусусида сўраш лозим. Ижобий жавоб олинган тақдирда, жинсий алоқа ҳар иккала томоннинг хоҳиши билан бўлганлиги ёки жисмоний куч ишлатиш билан содир этилганлиги аниқланиши зарур.

Агар у жинсий алоқа розилик билан бўлганлиги тўғрисида кўргазма берса, розилик аломатлари нималардан иборатлиги аниқланиши керак. Агар гумондор номуста тегиш зўрлик ишлатиш билан бўлганлигини бўйнига олса, зўрлик ишлатиш айнан нималарда намоён бўлганлиги, жабрланувчининг қаршилик кўрсатганлиги ундан аниқлаб олинishi даркор. Шунингдек, жинсий алоқа бўлганлигини гумондор умуман инкор қилса, жабрланувчи билан қачон, қаерда, қандай ҳолатда, нима мақсадда учрашганлиги, учрашиш олдиндан келишилган ёки келишилмаганлиги, қанча вақт давомида улар бирга бўлишганлиги, нима қилишганлиги, нималар тўғрисида гаплашишганлиги, жабрланувчи ўзини қандай тутганлиги, учрашиш нима билан тугаганлиги, улар қандай ва қайси ҳолатда ажрашишганликлари, ким қайси томонга кетганлиги, уларни бирга юрганларини кўрган одамлар бор-йўқлиги каби ҳолатлар сўроқ давомида аниқланиши зарур.

Гумондор номусга тегишни умуман инкор қилганда, нима сабабдан жабрланувчи уни бундай оғир жиноятни содир қилганликда айблаб, ариза берганлиги тўғрисида гумондордан сўраш лозим. Шунингдек, сўроқ давомида жабрланувчи кўрсатиб турган ҳолатда гумондорни қандай кийимда бўлганлиги, йиртилган, ифлос бўлган кийимлари бор-йўқлиги, кийимлари қаердалиги, қанча пойафзали, бошқа кийимлари борлиги, кийимларини таъмирлашга берган-бермаганлиги, қон доғлари ва бошқа доғлар бор-йўқлиги аниқланиши лозим.

Гумондорни сўроқ қилишда, унинг баданида бирор жароҳат бор-йўқлиги, қачон бошқа аёл билан жинсий яқинлик қилганлиги ҳам тегишли саволлар орқали аниқланиши керак.

Шахси номаълум бўлган жиноятчини аниқлаш ва ушлаш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш

Шахси номаълум жиноятчи тўғрисида дастлабки маълумотларга эга бўлгандан эътиборан уни қидириш ва ушлаш тадбирларига киришиш лозим. Бу ҳаракатлар қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик яхши натижа беради.

Терговчи, ички ишлар идоралари ходимларига, жабрланувчининг сўроғи ва бошқа тергов ҳаракатлари натижасида аниқланган ҳолатлар ва тўпланган маълумотлар асосида топшириқ бериб, жиноятчини ушлашга қаратилган барча чораларни кўриши лозим. Шу билан бирга терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши ва бошқа далиллар тўплашга қаратилган ҳаракатларни бажариши ҳам зарур.

Жиноятчини ушлаб келтирилишидан қатъи назар, бошқа кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажариш лозимдир. Жиноятчи маълум бир томонга қочиб яширинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, унинг қочиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Номусга тегиш жинояти содир бўлгандан сўнг жабрланувчи дарҳол бу ҳақида ариза бермаган, яъни, бироз кечикиб ариза берганида ҳам, номаълум жиноятчини аниқлаш ва ушлаш чоралари зудлик билан кўрилиши лозим. Жабрланувчини сўроқ қилгач, терговчи имкон даражасида мутахассис ёрдамида унинг фотороботини чиздириши ҳамда дарҳол шу жиноятчининг ташқи қиёфаси ҳақидаги маълумотларни фоторобот илова қилинган ҳолда ички ишлар идораларига юбориб, тегишли топшириқ бериши лозим.

Жиноятчининг яшаш ёки иш, ёҳуд ўқиш жойи ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, терговчи уни ушлаш чораларини кўриш юзасидан ички ишлар органларига топшириқларни кечиктирмасдан бериши талаб этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бошқа жиноятлар сингари, номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қуйидаги ҳолатлар текширилиши ва уларга ойдинлик киритилиши лозим:

- ҳодиса содир бўлган жойдаги аҳвол ва вазият;
- жиноятнинг зўрлик ишлатиш ва унинг айрим ҳолатларидан далолат берувчи кураш излари (қаршилиқ кўрсатиш) ва бошқа излар;
- биологик характердаги излар;
- жабрланувчи ва жиноятчига тегишли бўлган ҳамда ҳодиса жойида бўлган нарсалар.

Бундай жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жой очикда бўлса, кўздан кечиришни четдан марказга қараб ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бундай ҳолда жиноятга тааллуқли барча излар ва ашёвий далиллар (қон, сперма, тупук, соч ва бошқа) аниқланади ва олинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ўзида микрозаррачаларни мужассамлантирган нарса ва буюмларнинг аниқланиши ва олинишига алоҳида эътибор қаратилмоғи керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бир томондан жабрланувчи кўрсатмаларининг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини текшириб кўришга ёрдам берса, иккинчидан, ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далилларни топиш, олиш, мустаҳкамлаш, жиноятчини фош қилишга алоқадор излар ва ҳоказо ҳолатларни аниқлашга имкон беради.

Номусга тегиш жиноятини содир этган шахс, қилмишига иқдор бўлмаган ҳолатда, ҳодиса содир бўлган жойда умуман бўлмаганлигини кўрсатса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, шу жойдан жиноят излари, айнан шу шахсга тааллуқли ва тегишли бошқа жисм ва нарсалар топилиши, унинг айбдорлигини исботлашда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Номусга тегиш билан боғлиқ жиноят иши ҳодиса содир бўлгандан сўнг қанча вақт ўтиб тергов қилинаётган бўлишига қарамасдан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш зарурдир.

Айрим ҳолларда ариза берган шахс билан бирга ҳодиса содир бўлган жойга келиб, шу ерни кўздан кечириш, аризада кўрсатилган ҳолатларнинг мутлақо нотўғри эканлигини тасдиқлаши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири, жабрланувчидан ҳодиса қаерда, қандай ҳолатда содир

бўлганлиги ҳақида маълумот олинганидан сўнг, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришнинг кечиктирилмасдан ўтказилиши ҳисобланади. Жабрланувчи ўз аризаси, тушунтириш хати ва кўргазмасида ҳодиса содир этилган жойни, яъни бу жойнинг қаердалиги, аҳоли яшаётган ердан ўзоқ-яқинлиги, хилват жой эканлиги ва шунга ўхшаш ҳолатларни таърифлаши лозим. Шундан сўнг терговчи ўзига, шу ерда номусга тегиш жинояти содир қилиниши мумкинми? — деган савол бериб, жабрланувчининг шу жой тўғрисидаги кўрсатмасида кўрсатилган ҳолатлар билан таққослаб, саволига жавоб ахтариши ҳамда хулоса чиқариши керак.

Агар аризада номусга тегиш бирор бино, уйда ва шунга ўхшаган жойларда содир этилганлиги баён қилинган бўлса, бинонинг жойлашиши, эшик, деразаларнинг аҳволи, унинг кимга қарашлилиги, кулф-калитлари бўлган-бўлмаганлиги, қаровсиз аҳволдалиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар аниқланиши зарур. Сўнгра, бу ҳолатлар, жабрланувчи кўргазмаси билан таққосланиши керак. Терговчи ўзига савол қўйиб, бу уй-жой, бинога жиноятчи ва жабрланувчи қандай кирганлиги, мажбуран келтирилдими, куч ишлатиш юз бердими, шу жойдан бақриқ-чақриқ эшитилдими, шу масалаларга эътибор қаратиши керак бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг марказий масалаларидан бири жиноят содир бўлганлигини кўрсатиб турувчи жиноят изларини аниқлашдир. Хона, бинонинг ичидан ташқари жойлар кўздан кечириляётган бўлса, ердаги бўлган ўзгаришлар, чуқурчаларнинг пайдо бўлиши, ўсимликлар, ўт-ўланларнинг одатий ҳолатининг бузилиши, дарахт шохлари, новдаларининг синганлигига эътибор бериш лозим. Агар хона, бино ичкараси кўздан кечириляётган бўлса, ичкаридаги тартибсизликлар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларининг ўзгариши, идиш-товоқларнинг синганлиги, кўрпа-ёстиқларнинг бетартиблиги каби ҳолатларга эътибор бериш керак. Айрим ҳолларда ҳодиса жойидан аёл кишининг тушиб қолган тақинчоқлари, рўмолчаси, атир-упа ва помада излари қолиб кетган бўлиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойда оёқ изларини аниқлаш катта аҳамиятга эга, қанча оёқ излари аниқланса, имкони борича барчасини тегишли тартибда олиш чоралари кўрилиши зарур.

Айрим ҳолларда ернинг юмшоқ жойларида тирсак, тизза излари қолиб кетган бўлиши, чуқурчалар ҳосил бўлиши мумкинлиги сабабли, бу ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилиши керак.

Бирор транспорт воситасининг излари мавжуд бўлса, бу излар ҳам оlinиши лозим, чунки улар жиноятчига тегишли автомашинанинг излари ҳам бўлиши мумкин.

Жиноятчига тегишли бўлган ва ҳодиса содир бўлган жойга тушиб қолган бўлиши мумкин бўлган тугма, тароқ, гугурт, зажигалка, сигарет

қолдиги, кўзойнак ёки унинг шишаси, дўппи, телпак, шунингдек, стакан, пиёла, шиша ва бошқа нарсалар диққат-эътибор билан изланиши, топилган тақдирда муҳим ашёвий далил сифатида расмийлаштирилган ҳолда олиниши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойдан топилган барча нарсалар, аниқланган барча ҳолатлар, келгусида терговнинг тўла ва ҳар томонлама бўлишини таъминлайди ва жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун замин яратеди.

Номусга тегиш жиноятлари юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечиришда жабрланувчининг иштирок этиши воқеа тафсилотидан келиб чиқиб, катта аҳамият касб этади.

Агар жабрланувчининг аҳволи ва соғлиги имкон берса, ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришда иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Ҳодисани қандай содир бўлганлиги, қаерда, қайси ҳолатда, улар қаердан келган, қайси томонга кетган ва ҳоказоларни айнан жабрланувчи батафсил кўрсатиб бериши мумкин.

Жиноятчи жабрланувчини ҳодиса жойига ўзи билан бирга олиб келган бўлса, жабрланувчи ҳар иккаласининг келган йўлини кўрсатиши ва йўлда оёқ излари яхши сақланиб қолган бўлиш мумкин.

Жабрланувчининг воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этишининг яна бир муҳим томони шундаки, номусга тегиш жинояти содир бўлмаган тақдирда, бу ҳолатда жабрланувчи ёлғон гапиришни эплай олмай, унинг кўрсатмалари ҳақиқатга тўғри келмасдан, у аслида номусга тегиш жинояти содир бўлмаганлигини айтишга мажбур бўлиши ҳам мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришда аниқланган ҳолатларни видеотасвирга олиш, фотосуратга тушириш билан бирга, тегишли чизмалар тузишнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳодиса содир бўлган жойдан топилган ва олинган ашё ва предметларни процессуал расмийлаштириш, тегишли тартибда ўраш, пакет шаклига келтириб, устига ёзиш лозимлиги келгусидаги тергов ҳаракатлари, экспертиза текширишлари ўтказишга ижобий замин яратеди.

Жабрланувчини суд тиббиёт кўригидан ўтказишнинг асосий мақсади — жабрланувчининг танаси ва ички аъзоларида номусга тегиш билан боғлиқ жароҳатларнинг бор-йўқлигини, зўрлик аломатлари, у венерик— тери-таносил касалликларини юқтирганми-йўқми ва шунга ўхшаш маълумотларга эга бўлишдир.

Суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш ҳақиқатан ҳам зўрлаб номусга тегиш жинояти содир бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш учун терговчига катта имкон яратиб беради.

Эксперт хулосасини тезда олиш терговчи учун зарур бўлиб, кейинги тергов ҳаракатларини белгилаш учун изн беради.

Экспертиза фақат сўроқ қилинган шахсга (жабрланувчига) нисбатан тайинланмоғи ва юборилмоғи лозим, чунки воқеа тафсилоти тўғрисида турли, бир-бирига зид ҳолатлар юзага келиши мумкин. Масалан, жабрланувчи воқеа ҳақида терговчига ва экспертга мазмунан фарқ қиладиган бошқача кўрсатма бериши мумкин. Шу сабабли уни дастлаб сўроқ қилиб, сўнгра экспертизага жўнатиш лозим.

Дастлабки терговда учраб турадиган, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорни жабрланувчининг ўзи орқали экспертиза муассасасига бериб юбориш амалиётидан воз кечиш керак.

Эксперт олдига қўйилиши лозим бўлган саволлар ҳар бир ҳодисанинг тафсилоти ҳамда ўзига хослигидан келиб чиқади.

Жабрланувчининг дастлабки сўроғи ва бошқа маълумотлар экспертга қандай саволлар қўйилиши лозимлигини белгилайди.

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан судга оид тиббий экспертиза тайинланганида, экспертлар олдига қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Жабрланувчининг қизлик иффати бузилганми ва бузилган бўлса, қачон бузилган?

2. Жабрланувчининг жинсий органи ўзининг морфологик тузилишига кўра, қизлик иффати бузилмасдан ҳам туриб жинсий алоқа қилиш мумкинми?

3. Жабрланувчи жинсий ҳаёт кечириб келганми?

4. Жабрланувчи ҳомиладор эмасми, агарда ҳомиладор бўлса, ҳомиланинг муддати қандай?

5. Жабрланувчининг танасида жароҳатлар мавжудми, улар қачон ва қандай ҳолатларда етказилган бўлиши мумкин ва жароҳатлар зўрлаб номусга тегишга хосми?

6. Текширилаётган шахсда жинсий алоқа қилганлик излари мавжудми, оддий ёки бузуқ йўллар билан жинсий алоқа қилиш излари борми, жинсий аъзоси ва баданида сперма қолдиқлари мавжудми, уларнинг қайси гуруҳга мансублиги?

Булардан ташқари, терговчи жиноят иши юзасидан ҳолатларга қараб эксперт олдига қўшимча бошқа саволларни (масалан, бирор касаллик мавжудлиги, тан жароҳатларини шу шахснинг ўзи-ўзига етказиши мумкинми-йўқми ва ҳоказоларни) ҳам қўйиши мумкин.

Суд-тиббий экспертизасининг хулосаси, экспертизага қўйилган саволларнинг барчасига жавоб борми, улар тўлиқми, илмий асосланганми, эксперт ўз ваколати доирасидан чиқмаганми каби

ҳолатлар инобатга олинган ҳолда терговда тўпланган бошқа далиллар солиштириб кўрилиши билан баҳоланади.

Зудлик билан экслертиза ўтказиш имконияти бўлмаган ҳолларда, одатда жабрланувчини гувоҳлантириш зарур бўлади. Бу жабрланувчида мавжуд бўлган ва тезда йўқолиши мумкин бўлган изларни аниқлаб, мустаҳкамлашга имкон беради.

Гувоҳлантириш асосан Жиноят процессуал кодекси (ЖПК) талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи баданидаги қонталаш, кўкарган, шилинган жойларни аниқлаш ва расмийлаштиришдан иборат. Гувоҳлантиришда суд-фотографияси ишлатилса, янада мақсадга мувофиқ бўлиб, келгусида экспертиза ўтказишда ва ниҳоят, суд учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Гувоҳлантириш, шунингдек, жабрланувчи баданида мавжуд бўлган қон, тупик, сперма излари, тирноқ остида ўрнашиб қолган нарсалар ва шунга ўхшаганларни аниқлаб олишга имкон беради. Гувоҳлантириш одатда тиббиёт ходимлари ёки суд-тиббий экспертизаси томонидан ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш, суд-тиббий экспертизасидан фарқ қилишини, барибир суд-тиббий экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиши шартлигини унутмаслик керак.

Жабрланувчининг кийимларини олиш ва кўздан кечиришнинг мақсади ва аҳамияти шундан иборатки, номусга тегиш жиноятларида кўпчилик ҳолларда жабрланувчи кийимларида қон доғлари, сперма, йиртилган жойлар ва ҳоказо излар топилади. Жиноят содир бўлган пайтда жабрланувчи қандай кийимда бўлган бўлса, шу кийимларни олиш ва кўздан кечириш бажарилиши шарт бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Жабрланувчининг кийимларини олиш ва кўздан кечириш тергов ҳаракатининг аҳамияти шундаки, ҳақиқатан ҳам номусга тегиш жинояти юз берган-бермаганлиги, жабрланувчининг берган кўргазмалари ҳақиқатга қанчалик яқинлиги каби ҳолатларни тўғри баҳолашга замин яратади.

Жабрланувчининг кийимлари ҳодиса содир бўлган жойда қолган бўлса, у ердан олиш лозим бўлади. Агар кийимлар жабрланувчининг эғнида бўлса, уларни жабрланувчидан процессуал расмийлаштирилган ҳолда олиниш чоралари кўрилиши керак.

Агар кийимлар жабрланувчининг уйида ёки бошқа яшаш жойида бўлса, терговчи бевосита ўзи ҳолислар иштирокида уларга жабрланувчи бирор ўзгаришлар киритмасдан олдин олиши лозим.

Гумондорни суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Номусга тегиш жиноятларида бу текшириш айниқса зарурдир. Гумондорнинг танасида жароҳатлар, номусга тегиш аломатлари, гумондорни жинсий алоқа қилиш қобиляти, унда бирор таносил касаллигининг мавжудлиги каби ҳолатларни аниқлаш учун ҳам суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши лозим.

Гумондорга нисбатан суд-тиббий экспертизаси гарчи, у номусга тегиш жиноятини бўйнига олган ҳолларда ҳам ўтказилиши шарт. Гумондорнинг баданида бирор излар, жароҳатлар қолганлигини жабрланувчи билмаслиги мумкин. Кўпчилик ҳолатларда гумондор танасида қон излари, жабрланувчининг жинсий аъзосидан чиққан суюқлик, соч толалари, кийим толалари ва ҳоказолар топилади.

Гумондорга нисбатан суд-тиббий экспертизаси унинг ўзи сўроқ қилингандан сўнг дарҳол тайинланиб, ўтказилиши талаб этилади. Чунки бундай жиноят излари вақт ўтиши билан йўқолиши, ўз хусусиятини йўқотиши ёки гумондор томонидан атайлаб йўқ қилиниши мумкин. Бундай салбий ҳолатларни юзага келтирмаслик, гумондорга бундай жиноят изларини йўқотишга имкон бермаслик учун экспертиза дарҳол ўтказилиши шарт.

Эксперт олдига қўйилиши лозим бўлган саволлар воқеа тафсилотидан келиб чиқиб амалга оширилиши даркор.

Гумондорни тинтув қилиш ва кийимларини кўздан кечириш, уни дастлаб сўроқ қилингандан сўнг, терговни қизиқтираётган ашё, нарсаларни ўз розилиги билан бериш ёки шу нарсаларнинг турган жойларини айтиш ёхуд кўрсатиш унга таклиф қилинади. Агар гумондор бу таклифга рад жавобини берса ёки жабрланувчи айтган, терговга маълум бўлган нарсалардан бошқасини берса, дастлаб гумондорнинг ўзини шахсий тинтув қилиб, унинг турар- жойида, иш жойида, агар зарурат бўлса, қариндошлари уйида ҳам тинтув ўтказилади. Шахсий тинтув гумондорни ушлаган пайтнинг ўзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ ёки жабрланувчи кўрсатган важлар асосида келтирилган гумондор сўроқ қилингандан сўнг дарҳол ўтказилади.

Шахсий тинтув давомида бир йўла гумондорнинг кийимлари ҳам у жиноят изларини йўқотишга улгурмасдан кўздан кечирилади. Жиноят иши материалларида у ёки бу далилий ашё тўғрисида сўз юритилган бўлса, аксарият ҳолларда тинтув пайтида биринчи навбатда шу ашёларни ахтариб топиш чоралари кўрилиши лозим.

Агар жабрланувчи (ариза берган шахс) аризасида гумондорда ўша куни бўлган ашё хусусида кўрсатилган бўлса (қурол, кийим, ички кийим ва бошқа ашёлар) айнан шу нарсаларни ахтариш ва топиш чоралари кўрилиши зарур. Шу нарса ва ашёлар топилса, улар гумондорни фош қилиш учун хизмат этиши мумкин. Аксинча, шу нарсалар топилмасая, гувоҳлар муқаддам гумондорда айнан шу ашёлар борлигини тасдиқлаб турсалар, демак гумондор яширган ёки йўқотган ёхуд бошқа йўл билан фош қилинмаслик чораларини кўрган бўлади.

Агарда жабрланувчи ўз кўргазмаларида «гумондор қора пальтода, қора мўйна телпакда ва кўзойнак таққан ҳолда эди», деган бўлса-ю, гумондорда бундай кийимлар умуман йўқлиги аниқланса, бу гумондорни

бу жиноятда иштирок этганлигига шубҳа туғдирувчи ҳолатлардан ҳисобланади.

Номусга тегиш жиноятлари юзасидан тергов ўтказишда турли экспертизалар (судга оид психологик, психиатрия, биологик, майда заррачалар контакти бўйича ва бошқалар) тайинланиши ва уларнинг аҳамияти хусусида алоҳида адабиёт ва қўлланмаларга мурожаат этилиши тавсия қилинади.

Номусга тегиш жиноятлари бўйича гувоҳларни аниқлаш ва сўроқ қилиш

Номусга тегиш жиноятлари бўйича гувоҳ сифатида одатда гумондор ёки жабрланувчини ҳодиса содир бўлган жойда кўрган шахслар, шунингдек, айрим ҳолларда тўғридан-тўғри номусга тегиш жараёнини ёки шу билан боғлиқ ҳолатларни бевосита кўрган шахслар ёки гумондор, жабрланувчининг сўзларидан уларга аён бўлган шахслар ёхуд жабрланувчи билан гумондор ўртасидаги ўзаро муносабатлардан хабардор бўлган шахслар сўроқ қилинади.

Деярли кўпчилик ҳолатларда номусга тегиш жиноятларининг бевосита гувоҳлари бўлмайди. Улар тўсатдан ва тасодифан ҳодиса жойига бориб қолган шахслар бўлиши мумкин. Умуман бундай жиноятлар бўйича гувоҳларни аниқлаш машаққатли меҳнат талаб қиладиган жараёндир.

Гувоҳларни аниқлаш учун терговчи ва ички ишлар идораларининг ходимлари, биринчи навбатда шу ҳодиса тўғрисида, у содир бўлган жойга яқин бўлган уйларда яшовчи аҳолидан суриштиришлари лозим, ҳодиса жойига кетаётган ёки у ердан қайтиб келаётган шубҳали шахсни кўрган одамларни ёки ёрдам сўралган чақириқ товушини эшитган шахсларни аниқлаш чоралари кўрилиши зарур.

Гумондор ва жабрланувчининг шахсини тавсифлайдиган ҳолатлар бўйича уларни яхши биладиган танишлари, бирга ишловчи, ўқувчи ошна-оғайнилари гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

Гувоҳларни сўроқ қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар турли-туман ва кўп қирралидир. Воқеа тафсилотининг у ёки бу ҳолатларини биладиган гувоҳларни сўроқ қилиш билан терговчи улар қачон, қаерда, қайси ҳолатда нимани кўргани, нимани эшитганлиги ҳақида сўз юритиш ва шу тариқа сўроқни бошлаши лозим.

Воқеа тафсилотини ўз кўзи билан кўргани ёки эшитган шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилинар экан, бунга жиддий эътибор қаратилиб, ҳар бир ҳаракат хусусида ойдинлаштириш талаб этилади. Гувоҳнинг кўрсатмаси қанчалик ҳақиқат эканлигини текшириш учун унинг ўзи

ҳодиса жойидан қанчалик масофада бўлганлигини ва нима билан шуғулланганлигини аниқлаш зарур.

Агар воқеа тўғрисидаги хабар — маълумотни гувоҳ жабрланувчи ёки гумондорнинг ўзидан эшитганлигини баён этса, терговчи қаерда ва қачон бу воқеа тўғрисида ва нима сабабдан гумондор, жабрланувчи бу тўғрисида гапирганлигини аниқлаши катта аҳамиятга эгадир.

Модомики, номусига тегилган шахсни ҳодиса содир бўлгандан кўп фурсат ўтмасдан кўрган шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилинадиган бўлса, жабрланувчининг шу пайтдаги аҳволи, кўриниши, кайфияти, кийим-кечакларининг аҳволи, ўзини тутиши каби ҳолатлар аниқланиши зарурдир. Шунингдек, гумон қилинаётган шахсни воқеадан кейин кўрган таниш, билиш ва яқин кишилари гувоҳ тариқасида сўроқ қилинаётган бўлса ҳам айнан шу масалалар бўйича сўз юритилиши лозим. Яъни, уларнинг қачон, қаерда, қайси ҳолатда, қандай аҳволда гумондорни кўрганликлари, у ўзини қандай тутганлиги ва ҳоказо ҳолатлар аниқланиши зарурдир.

Сўроқ ниҳоясида сўроқ қилинаётган гувоҳдан унинг кўрсатмаларини яна кимлар тасдиқлаши мумкинлиги хусусида ҳам сўраш лозим.

Номусга тегиш жиноятларида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадиган шахсларнинг кўпчилиги жабрланувчи ёки гумондорни таниш билишлари, қариндош-уруғлари бўлиши мумкин. Шу сабабли терговчи бу шахсларни сўроқ қилишда синчков бўлмоғи, уларнинг кўрсатмалари қанчалик ҳақиқатга яқинлигига танқидий қараши талаб этилади.

Номусга тегиш жиноятини тергов қилишда ўзаро жинсий муносабатлар, ошкор қилиб бўлмайдиган ҳолатлар хусусида сўз юритишга тўғри келади. Шу сабабли, гувоҳ олдига саволлар қўйишда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Айниқса, вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда саволлар олдиндан ўйланилиб ва эҳтиёткорлик билан берилиши лозим.

Шахси номаълум жиноятчини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар

Содир этилган номусга тегиш жиноятлари бўйича тергов олдида турган асосий масалалардан бири жиноятчининг шахсини аниқлашдир. Ушбу вазифа бажарилгандан сўнггина унинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш вазифаси туради.

Кўпгина ҳолатлар билан жабрланувчига маълум бўлган, лекин унинг кимлиги аниқ бўлмаган жиноятчининг шахсини аниқлашда кўпчилик ҳолатларда жабрланувчининг кўрсатмаларидан келиб чиққан маъқул.

Шахси терговда маълум бўлмаган жиноятчини қидириб топишга қаратилган турли гумонлар илгари сурилади. Агар қидирилаётган жиноятчи муқаддам шу хилдаги жиноятни содир қилган бўлиши мумкин, деган тахмин илгари сурилса, шу туман, айрим ҳолларда шу шаҳар, вилоятда номусга тегиш жинояти билан боғлиқ бўлган, тугатилган, судланиб ва жазони ўтаб чиққан шахсга нисбатан, ҳаракатдан тўхтатилган ва тергов қилинаётган жиноят ишлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят ишларини ўрганишда, шахсий аломатларнинг бир-бирига ўхшашлигига, шундан сўнг, жиноятлар содир қилиниши усулларига алоҳида эътибор қаратилиши талаб қиланади. Шунингдек, номусга тегиш жинояти бирор-бир шахсга нисбатан тергов қилинган-у, лекин унинг айбини тасдиқловчи етарли далиллар тўпланмаганлиги сабабли жиноят иши тугатилган жиноят ишини ўрганишда, ҳар иккала жиноятнинг содир қилиниш усуллари, гумондорнинг ташқи қиёфаси ва бошқа ҳолатлар қиёсланиши, фақатгина шу шахсга хос алоҳида қилиқлар ҳақидаги маълумотга эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Номусга тегиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича текширилаётган аризаларга оид ҳужжатларни ва жиноят иши қўзғатишнинг рад қилинганлиги ҳақидаги текшириш материалларини ўрганиб чиқиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойдан топилган айрим излар, ашёлар жиноятчининг шахсини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Жиноятчини жабрланувчи билан келганлигини кўрган гувоҳларни сўроқ қилишда, улар орасида жиноятчининг исм-шарифини, қаерда яшаши, ишлаши, ўқиш жойларини биладиган ёхуд унинг лақаби ёки шахсига доир бошқа ҳолатлардан хабардорлар бўлиши мумкин.

Ҳодиса жойида қолдирилган автотранспорт воситасининг гилдирак изларини синчиклаб текшириш (агар шундай излар мавжуд бўлса), транспорт изи йўналиши бўйича ҳаракат қилиш, йўл-йўлакай гувоҳлар ёрдамидан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

Шахси номаълум жиноятчини аниқлаш ва ушлаш учун жабрланувчининг кўргазмалари алоҳида аҳамиятга моликдир. Терговчи имкони борича ўша жиноятчи тўғрисида кўпроқ маълумотлар йиғиши, унинг ташқи қиёфаси, ўзига хос юриш-туриши, сўзлаши, шеваси, юз тусилишидаги алоҳида жиҳатлар, чандиқ ва ҳоказо ҳолатлар тўғрисида қанча кўп маълумот тўпласа шунча яхши бўлади.

Қишлоқ жойларда аҳоли одатда бир-бирларини яхши танийди. Қўшни қишлоқдагиларнинг ҳам айримлари билан борди-келди қилинади. Бундай жойларда жиноятчини ахтариш бирмунча осон кечади. Унча катта бўлмаган ёки катта шаҳарларда эса бу иш бир оз

қийинчиликлар туғдиради. Жиноятчи тўғрисида бой маълумотлар тўпланса, бу муаммонинг ечилиши ҳам осонлашиши мумкин. Аввало, маълум бир қиёфадаги шахслар аниқланиб, бора-бора бу доира қисқариб, шундай қиёфага эга бўлган бир-икки шахс қолади, шунда улар устида ишлаш лозим бўлади.

Агар жабрланувчи жиноятчига тан-жароҳати етказган бўлса, шу маълумотга эга бўлган терговчи тиббий муассасалардан тегишли маълумотлар олиши зарур. Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахс даволаш муассасасига мурожаат қилган бўлиши мумкин. Тиббий муассасада унинг исми, шарифи ва ҳоказо маълумотлар бўлиши мумкин. Агар жиноятчининг ташқи қиёфаси ҳақида, юриш-туриши, сўзлаш манераси, усуллари ҳақида маълумотлар бўлса, жамоатчилик, кафе, ресторан, дўкон ва бошқа жойларда суриштириш ишларини олиб бориш зарур. Худди шундай маълумотлар мавжуд бўлса, туман, шаҳар прокуратуралари, ички ишлар идораларига жиноятчининг қиёфаси баён этилган маълумотларнинг кўпайтириб юборилиши ҳам ишнинг самарасини таъминлаши мумкин.

Айрим ҳолларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида жиноятчининг қиёфаси кўрсатилиб, сурати чоп этилса, жамоатчиликка шу тариқа мурожаат этилса, қутилган натижаларни бериши мумкин.

Номусга текканлик ҳақида ариза берган шахс кўрсатган гумондорнинг жиноятга алоқаси бор-йўқлиги тўғрисида илгари суриладиган гумонлар терговчидан алоҳида маҳоратни талаб этади.

Кўпчилик ҳолларда гумондорнинг жиноят содир қилганлиги ариза мазмунидан яққол кўриниб турса-да, бу етарли бўлмайди. Жабрланувчи кўрсатмасини кенгайтириш, аниқликлар киритиш ва ҳолатларни ойдинлаштириш лозим бўлади. Шундагина гумондор шахс ҳақиқатан ҳам номусга тегиш жиноятини содир қилганлиги ёки номусга тегиш ҳар иккала томоннинг розилиги билан бўлганлигига ҳар томонлама баҳо бериш мумкин.

Ариза берган шахс томонидан гумондорнинг номусга текканликда айбдор эканлиги кўрсатилади. Терговчи олдида эса биринчидан аризада ёзилганлар қанчалик ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини тасдиқлаш вазифаси қўндаланг бўлиб туради.

Номусга текканлик ҳақида ариза кечикиб берилган бўлса, кўпчилик ҳолларда воқеанинг ҳақиқатлигига шубҳа туғдиради. Айниқса, ариза берган шахсга таниш, яқин одам бу жиноятни содир этганлиги тўғрисида сўз юритилаётган бўлса, бу масалага эҳтиёткорлик билан қараш талаб этилади. Жуда кечикиб берилган ариза кўпчилик ҳолларда жабрланувчининг ўз сўзидан воз кечишига олиб келади.

Номусга текканлик ҳақида аризанинг кечиктириб берилиши турли-туман мотивларни ўз ичига олиши мумкин. Улар орасида номусга тегиш

ҳолатини яқин кишиларидан яшириш, вояга етмаган шахснинг номусига тегилганлиги ҳақида унинг ота-онаси, қариндошларининг ариза беришни хоҳламаслиги бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда аёл киши, ўз вақтида ариза бермаслигининг сабаби аслида номусга тегиш жинояти содир қилинмаганлиги бўлиши ҳам мумкин. Ариза беришдан мақсади эса ўзига таниш эркакни жавобгарликка тортилишини кўзлаши, ундан шу тариқа ўч олишни истаганлиги бўлиши мумкин. Хуллас, гумонларни илгари суришда ҳар томонлама тўлиқ ўйланилган ва воқеа тафсилотидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш лозим.

Гумондорнинг жиноятга алоқаси бор-йўқлиги ҳақидаги гумонни текширишда биринчидан номусга тегиш умуман содир бўлганми, иккинчидан гумон қилинаётган шахс шу жиноятни содир этганми каби масалалар аниқланиши зарур.

Тергов ва суд амалиётидан маълумки, аксарият ҳолларда гумондорлар номусга тегиш ҳолатини инкор қиладилар, жинсий алоқа аёл ёки қизнинг ўз розилиги билан бўлганлигини баён қилиб кўрсатма берадилар.

Бундай ҳолларда юзага келган қарама-қаршилиқлар юзлаштириш ўтказишни тақозо этади.

Лекин юзлаштириш ўтказиш масаласини ҳал этишда терговчидан ҳушёрлик талаб қилинади. Чунки, юзлаштириш айрим ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.

Гумондорнинг қамоқда сақланиб турилишини кўрган жабрланувчи, унга раҳми келиб, ўзини илгари берган кўрсатмаси ва аризасидан воз кечиши, оқибатда масала янада чигаллашиб, айрим ҳолларда ҳатто жабрланувчининг ўзи жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Кўпчилик ҳолларда эса юзлаштириш тергов ҳаракатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Айбланувчининг кўргазмасини жойида текшириш тергов ҳаракати фақат гумондор, айбланувчи содир қилган жиноятига иқрор бўлиб, батафсил кўрсатма берган тақдирдагина ўтказилиши лозим. Шунда ҳам айбланувчи бу тергов ҳаракатини ўтказишга рози бўлса, ўзи воқеа тафсилотини кўрсатиб бериш истагини билдирса, ўтказилади. Бу тергов ҳаракатининг аҳамияти шундаки, у орқали биринчидан, воқеа тафсилоти тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлинади, иккинчидан эса айбланувчининг кўргазмасининг қанчалик ҳақиқат эканлиги ойдинлашади.

Айбланувчи кўргазмасини жойида текширишда, имкони борича воқеани очиқ-ойдин ифодалашга эришиш лозим. Ҳодиса жойига айбланувчи қаердан, қайси йўл билан бориб қолганлиги, жабрланувчи билан қаерда учрашганлиги ёки тасодифан у билан учрашган жойи,

номусга тегиш содир қилинган жойнинг ифодаси, батафсил аниқлаб олиниши зарур.

Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда **тергов эксперименти** ўтказиш зарурати ҳам туғилади.

Кўпчилик ҳолатларда тергов эксперименти жабрланувчи кўргазмаларини текшириш мақсадида ўтказилади, мисол учун жабрланувчи ён-атрофдагиларни ёрдамга чақириб, бақирганлигининг қанчалик ҳақиқат эканлигини текшириш зарурати туғилади. Тергов экспериментини ўтказишда эҳтиёткорлик талаб этилиб, унда бирор ҳолат иккинчи даражали деб қаралмаслиги лозим. Акс ҳолда терговга жиддий путур етиши, сансалорликка йўл қўйилиши, ҳолатлар ҳолисона аниқланмасдан, кўтарилган масала қонуний ҳал бўлмасдан қолиб кетиши мумкин.

Айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган номусга тегиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос томонлари

Бундай ҳолатларда номусга тегиш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олиниб, жиноят иши кўзғатиш учун, жабрланувчининг аризаси бўлиш-бўлмаслигининг аҳамияти йўқдир. Аризада баён қилинишича жабрланувчининг номусига бир гуруҳ шахслар текканлиги, вояга етмаган шахснинг номусига тегилганлиги хусусида кўрсатилган бўлса-да, ҳақиқатан ҳам жиноят шу тарзда содир этилганлиги масаласи фақат тергов жараёнидагина узил-кесил ҳал қилинади. Вояга етмаганнинг номусига тегилганлик ҳолати бўйича, жиноят иши кўзғатиш учун жабрланувчининг ариза бериши талаб этилмайди. Шу жумладан унинг қонуний вакилининг ҳам аризаси талаб этилмайди. Шу билан бирга жиноят иши кўзғатиш учун тўлиқ асослар мавжудлиги текшириш натижаларидан очикдан-очик кўриниб турган бўлиши талаб этилади.

Агар вояга етмаганнинг номусига суиқасд этилганлиги хусусида сўз юритилаётган бўлса, унинг ахлоқини бузишга қаратилган ҳаракатларгина юз берган бўлиши ҳам мумкин.

Вояга етмаганнинг номусига тегиш жиноятини тергов қилишнинг қонунда кўрсатилган умумий томонларидан ташқари, ўзига хос бошқа муҳим жиҳатлари ҳам мавжуд. Маълумки, вояга етмаганлар воқеликни тўғри тасаввур қилишда доим ҳам бирдек эмас. Улар бўлиб ўтган воқеани ўзича талқин қилишга, айрим ҳолларда бўрттириб юборишга қодир бўлишади. Шунингдек, вояга етмаганлар катталар таъсирига тезда берилиши мумкин, шу сабабли уларнинг кўрсатмалари ҳаққонийлигига жиддий эътибор берилиши зарур.

Кичик ёшдаги қизларнинг номусига тегиш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Тергов ва суд амалиётидан маълумки, кичик ёшдаги қизларнинг номусига текканда, у жиноятчига қаршилиқ кўрсатмайди. Чунки жиноятчининг ҳаракатлари нимага қаратилганлигини у билмайди. Маъносига тушунмайди. Шу сабабли кичик ёшдаги қизнинг номусига тегилган ҳолатни ва бу жиноят ким томонидан содир этилганлигини аниқлашнинг ўзи кифоядир. Лекин буни баҳолашда синчковлик талаб этилади. Амалиётда кичик ёшдаги қизнинг онаси бирор шахсдан ўч олиш, айрим ҳолларда ўзининг эридан ўч олиш мақсадида қизининг номусига тегилганлиги ҳақида ариза бериши учраб туради. Шунинг учун бундай вазиятларда номусга теккан, деб аризада кўрсатилган шахс билан қизнинг ота-онаси ўртасидаги ёки она билан унинг эри ўртасидаги ўзаро мусабатларнинг қай даражада эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўч олиш ниятида кичик ёшдаги қизининг онаси ҳаттоки қизнинг қизлик пардасини ўзи бузиб қўйиши мумкинлиги ҳам амалиётда мавжуддир.

Ҳақиқатни аниқлаш учун кичик ёшдаги қиз онаси иштирокида сўроқ қилинмаслиги тавсия этилади. Имкони борида кичик ёшдаги қизни тажрибали педагог ёки педиатр иштирокида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Кичик ёшдаги қиз билан унинг психологиясини инobatга олган ҳолда, сўроқ ўзаро суҳбат шаклида олиб борилганлиги, унинг ишончини қозониш йўсинида амалга оширилса, кутилган натижаларни бериши мумкин.

Тергов савол-жавоб тарзида олиб борилса ҳам ижобий натижага эга бўлиш мумкин. Кичик ёшдаги қизчанинг берган кўрсатмаларининг ҳақиқатга яқинлиги, тўғрилигини тасдиқлашда айрим ҳолларда эксперт-психологларнинг ёрдамидан ҳам фойдаланиш мумкин (Иш ҳолати бўйича зарурат туғилса).

Лекин терговда йиғилган барча материаллар асосида, кичик ёшдаги қизчанинг кўрсатмалари ҳақиқат эканлигига терговчининг ўзи узил-кесил баҳо беради. Номусга теккан шахс билан, кичик ёшдаги жабрланувчи қиз ўртасида юзлаштиришни фақат истисно тариқасидагина ўтказиш тавсия этилади. Юзлаштириш ўтказмасдан жиноят ишини қонуний ҳал қилишнинг имкони бўлса, бу тергов ҳаракатини ўтказмаган маъқул. Иш ҳолати бўйича юзлаштириш ўтказиш муқаррар бўлса, уни фақат врач билан маслаҳатлашилгандан сўнг, унинг тавсиялари инobatга олинган ҳолда амалга ошириш зарур. Номусга теккан жиноятчи билан кичик ёшдаги қиз ўртасида юзлаштириш ўтказилса, қизча қўрққанидан кўрсатмасини ўзгартириши ва бу ҳолат унинг асабига — руҳий ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкин. Масаланинг бу томонларини ҳам терговчи

синчковлик билан ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўйлаб, сўнгра бир хулосага келиши лозим.

Кичик ёшдаги жабрланувчи қизнинг номусига теккан шахси номаълум жиноятчини аниқлаш ўта машаққатли меҳнатни талаб этади. Чунки кичик ёшдаги жабрланувчи жиноятчининг қиёфасини тўлиқ таърифлаб беришга қодир бўлмаган ҳоллар тез-тез учрайди. Айрим ҳолларда у ҳодиса жойини ҳам кўрсата олмаслиги мумкин.

Бундай вазиятда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан, жабрланувчи, яъни кичик ёшдаги қизча билан шу яқин ўртада, айниқса, жиноят содир бўлган куни бирга юрган ёки шу куни шу ерда бир ўзи юрган кишиларни кўрган-эшитган одамларни аниқлаш чораларини кўриш лозим бўлади.

Вояга етмаганларнинг номусига тегиш жинояти бўйича судланган шахслар хусусида, тергови тўхтатилган жиноят ишларини ўрганиб чиқиб хулоса қилинса ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кичик ёшдаги қизни номаълум шахс томонидан номусига текканлик бўйича, гумондорни таниб олиш учун жабрланувчига кўрсатишнинг аҳамияти ҳам каттадир. Бу тергов ҳаракатини ўтказишда жабрланувчининг ёши, ривожланиш даражаси ва воқеа содир бўлгандан ўтган давр ҳам инобатга олинishi лозим.

Ўрта ва катта ёшдаги қизларнинг номусига текканлик жиноятлари юзасидан терговнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўрта ва катта ёшдаги қизларнинг номусига тегилганлигини тергов қилиш терговчидан айрим қўшимча ҳолатларни аниқлашни талаб этади. Биринчидан жинсий алоқа ҳақиқатан ҳам жисмоний куч ишлатиш, қўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланган ҳолда содир қилинган эканлигини аниқлаш зарур бўлади.

Бундан ташқари, катта ёшдаги қизнинг номусига тегиш билан боғлиқ бўлса, гумондор шу қизнинг вояга етмаганлигини билган-билмаганлигини аниқлаш зарурдир. Айрим ҳолларда қизнинг гавдаси ва бошқа тузилишлари, ташқи қиёфаси гумондорнинг янглишишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу масалани биринчи тергов ҳаракатларини ўтказишдаёқ аниқлаш керак. Гумондор сўроқ қилинганда ундан жабрланувчининг ёши тўғрисида, унинг ўқиши, ишлаши ҳақида илгаридан билган-билмаганлиги масалаларини терговчи аниқлаши талаб этилади. Жабрланувчи сўроқ қилинганда ҳам худди шундай унинг вояга етмаганлиги тўғрисида жиноят содир қилган шахс билармиди ёки у билан танишганда ўзининг ёшини катта қилиб кўрсатгани каби ҳолатлар аниқланиши зарур.

Ўлдириш ёки оғир шикаст етказиш билан қўрқитиб номусга тегишни тергов қилишда, жабрланувчининг дастлабки сўроғи давомида ўлдириш билан қўрқитишнинг аломатлари қандай намоён этилганлиги (реал характерга эга эканлиги) аниқланиши зарур.

Гумондор жабрланувчига нисбатан унинг ҳаётига хавф туғдирувчи қандай ҳаракатларни содир этганлиги, ўлдириш билан қўрқитиш аломатлари ҳақиқатан ҳам юз берган-бермаганлиги аниқланиб, сўнг юридик баҳоланмоғи зарур.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган номусга тегиш жиноятларини тергов қилиш, жиноятнинг такроран ёки алоҳида хавфли рецидивист томонидан содир этилиши воқеа тафсилотидан келиб чиқиб, тегишли режа асосида гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг ҳаракатларига аниқлик киритилиши, ҳар бирининг жиноятдаги ўрни ойдинлаштирилган ҳолда олиб борилиб, юридик нуқтаи назардан баҳоланиши зарур.

4-§. МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Жиноят иши қўзғатиш

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш, республика бошқарув маҳкамаларининг мустаҳкамланиши учун алоҳида аҳамият касб этади ва прокурор-тергов ва суд органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мансабдорлик жиноятларига ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, қонунсиз ҳукм, ҳал қилув қарори ёки қарор чиқариш, айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, суд қарорини бажармаслик, тақиқланган маълумотларни ошкор қилиш киради.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги ва айрим бошқа жиноятлар мансабдор шахснинг чўзилган муддатдаги фаолиятида акс этади ва ҳужжатларнинг айланиши билан боғлиқ бўлади ҳамда улар юзасидан жиноят ишлари асосан, тергов органларига муассаса ва ташкилотлардан келиб тушган тафтиш ва текшириш ҳужжатлари асосида қўзғатилади.

Мансабдор шахснинг ҳаракати юзасидан жиноят иши қўзғатиш масаласини тўғри ҳал қилиш учун, келиб тушган ҳужжатларда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:

1) воқеанинг ҳолати ва характери ҳамда унинг оқибатлари тўғрисида;
2) содир этилган шу воқеа учун масъул ва жавобгар бўлган мансабдор шахслар тўғрисида;

3) мансабдор шахснинг тушунтиришича, у ёки бу тарздаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этишига сабаб бўлган мақсадлари ҳақида.

Мансабдорлик жиноятларининг субъекти, фақатгина турли идоралар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа жамоат ташкилотларида у ёки бу маъмурий-бошқарув вазифасини амалга оширувчи шахслар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мансабдорлик жинояти ҳақида жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал этилаётган ҳужжатларда, жавобгарлик масаласи қўйи-

лаётган шахснинг лавозими, ваколат ҳамда вазифаларининг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмоғи шарт.

Содир этилган воқеа учун жавоб берадиган ходимнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар, кўпинча айтилиши шу маълумотлар шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги онгли равишда ва мунтазам ёки тажрибасизлиги оқибатида, биринчи мартаба содир этилганлиги ҳақида ҳулосага келишга асос бўлади ҳамда бу ҳолатларга кўра жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал этилади.

Текшириш материалларидаги, мансабдор шахснинг у ёки бу тарздаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этишида қўлланган мақсадлари ҳақидаги маълумотларнинг бўлиши ҳам аҳамиятга эгадир. Масалан, агарда ишлаб чиқариш жараёнида давлат ва жамоат ташкилоти ёки корхоналарга моддий зарар етказилган бўлса, бу ерда ишлаб чиқаришда хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик мавжуд бўлиб, қандайдир кутилмаган ҳолатларга кўрагина у ўзини оқламаганлиги ҳолати бор-йўқлиги масаласи, агарда, маблағлар мақсадсиз сарфланган бўлса, бундай ҳаракатлар мажбуран, муассаса ёки корхонанинг манфаатларига катта миқдордаги зиён етказилишининг олдини олиш мақсадида содир этилганлиги масаласи вужудга келиши мумкин. Маълумки, бундай ҳолатларда жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас.

Баъзида эса, жиноят иши қўзғатилганига қадар, етказилган зиён бир неча мансабдор шахсларнинг, ҳар бириникини алоҳида олганда унчалик жиддий бўлмаган нотўғри ҳаракатлари оқибатида етказилиши масаласидаги маълумотларга ҳам эга бўлиниши керак. Айниқса, масъулияти бир неча ходимларга юклатилган буюмларнинг яроқсиз аҳволга келиши, ишлаб чиқариш режаларининг барбод бўлиши, муҳим масалаларнинг ҳал этилишида сансалорликка йўл қўйилишида бундай маълумотларга эга бўлиниши, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш мақсадга мувофиқ бўлмасдан, балки интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилишини тақозо этади.

Албатта, кўрсатиб ўтилган бу масалаларнинг барчасига жиноят иши қўзғатилганига қадар тўла аниқлик киритилишини талаб қилиш ҳам мумкин эмас, чунки, уларни атрофлича аниқлаш терговнинг вазифаси ҳисобланади.

Жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилишда бошланғич ҳужжатларни мансабдор шахслардан тушунтириш хатлари, ҳужжатлар, тавсифномалар олишлар, аудиторларга ёки мутахассисларга тафтиш ёки бошқа тадбирлар ўтказиш тўғрисида топшириқлар бериш билан тўлдириш ҳам мумкин.

Агарда жиноят бир неча аниқ ҳолатлардан иборат бўлса (масалан, порахўрлик), бундай ҳолларда одатда тергов органига умумлаштирилган ҳужжатлар эмас, фақатгина қисқача ариза ёки хабар келиб тушади.

Бундай бошланғич материаллар юзасидан дастлабки текшириш ўтказилиши масаласи кўпинча пайдо бўлмайди, чунки, биринчидан бундай фактларга бевосита баҳо бериш, иккинчидан уларни фақат тергов ҳаракатлари ўтказиш билангина текшириш мумкин бўлади.

Агарда, ўз-ўзидан тергов ўтказилишини талаб қиладиган бирор ҳодиса (масалан, ошхонада оммавий заҳарланиш) содир бўлса, ёки материалларда жиноят содир этилганлиги яққол кўриниб турган бўлса (масалан, суднинг қалбаки қарори мавжудлиги) бирор текшириш ҳаракати ўтказилмасдан дарҳол жиноят иши қўзғатилиши керак.

Мансабдорлик жиноятларини тергов қилишнинг умумий масалалари

Мансабдорлик жиноятларини тергов қилишда, қоидага кўра, қуйидаги ижтимоий хавфли кўринишга эга бўлган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) аниқланиши шарт бўлади:

- а) мансабдор шахс томонидан содир этилган;
- б) унинг хизмат ваколати билан боғлиқ;
- в) хизмат зарурияти тақозо қилмаган;
- г) оғир оқибатларга олиб келган (ёки олиб келиши мумкин бўлган), мунтазам ёки шахсий (ғараз) манфаат мақсадида содир этилган.

Амалиётда, бундай тоифадаги жиноят ишлари бўйича зиён етказилганлиги (масалан, чорва молларининг нобуд бўлиши, буюм ва ускуналарнинг яроқсиз ҳолга келиши, экиш мавсумининг барбод этилиши) аниқлангач, хизмат ваколати юзасидан шу соҳа учун масъул ва жавобгар бўлган шахс (ферма мудир, омборхона мудир, муҳандис, аграрном ёки фермер) ишга айбланувчи тариқасида жалб қилиниб, унга ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилинади.

Бу албатта нотўғри, чунки, терговда мансабдор шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш ва бундаги айбнинг мавжудлиги аниқланиши лозим. Ваҳоланки, терговнинг асосий вазифаси ҳам шундан иборатдир. Мансабдорлик жиноятларининг ўзига хос томонлари шундаки, бундай жиноят таркиби аниқланган бўлса, жиноят иш материалларига асосан ким айбдор эканлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади.

Чунончи, агарда омборхонада сабзавотларнинг бузилганлиги, уларнинг сони, миқдори, сақлаш шароити ва бузилиш сабаблари (масалан, сабзавотларнинг ўз вақтида сараланмаганлиги ва уларни совуқ

уришининг олдини олиш чоралари қўрилмаганлиги) тўла аниқланган бўлса, бундай ҳол содир бўлишининг айбдори шу маҳсулотларни сақлаш учун жавобгар бўлган шахс эканлиги тўғрисида гумонни илгари суриш мумкин. Аммо, бу ҳолат шу гумонни текширгунга қадар уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, дегани эмас. Шу сабабли, дастлаб қуйидагилар аниқланиши лозим:

а) мазкур шахс, хизмат зарурати тақозо этмаса-да у ёки бу ҳаракатларни содир этган ёки жиноий ҳаракатсизликка йўл қўйган;

б) бу ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) зарарли оқибат келиб чиқишига сабаб бўлган ва юқорида қайд этилган мансабдорлик жиноятлари учун шарт бўлган тавсифловчи белгиларни ўзида мужассамлантирган.

Мансабдорлик жинояти аломатларига эга бўлган ҳолатларни тўла аниқлаш учун қуйидагилар ойдинлаштирилиши зарур бўлади: энг аввало, жиноятнинг объектив томонига тааллуқли ҳолатлари, яъни, тергов қилинаётган ҳолат қаерда (қайси муассаса, корхона, пунктда) юз берганлиги, қачон, қандай ҳолатда, қандай воситалар ёрдамида ва қандай ҳолатларда жиноий ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ҳамда у қандай оқибатларни келтириб чиқарганлиги.

Шунга мувофиқ равишда, қоида бўйича, бундай тоифадаги жиноят ишлари бўйича қуйидагилар бошланғич ҳаракатлар ҳисобланади:

1) агарда жиноят ўзидан сўнг моддий изларни қолдирган (бинонинг кулаб тушиши ёки босиб қолиши, буюмларнинг синиши) бўлса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

2) тергов қилинаётган ҳодиса юз берган жойдаги иш шароитлари, шунингдек, муассаса ёки корхонанинг тизимлари билан танишиб чиқиш;

3) тақдим этган материаллари жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлган тафтиш, кўздан кечириш ва бошқа текширишларни ўтказган шахсларни сўроқ қилиш;

4) тергов қилинаётган ҳодисага алоқадар бўлган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни олиш;

5) ҳодисанинг бевосита гувоҳи бўлган шахсларни сўроқ қилиш.

Бу тергов ҳаракатларининг кетма-кетлиги биринчи навбатда нималарни қайд этиш лозимлигига боғлиқ бўлади. Масалан, агарда манфаатдор шахслар ўзларини фош этувчи ҳужжатларни йўқ қилиши ёки яшириши мумкинлиги хавфи мавжуд бўлса, биринчи навбатда шу ҳужжатларни олиш чораларини қўриш керак.

Бундай жиноят ишлари юзасидан гумонларни илгари суриш ва атрофлича тергов режасини ишлаб чиқишда, терговнинг предмети бўлган ҳодисанинг содир этилишида жавобгар бўлган масъул ва мансабдор шахсларнинг тушунтириш хатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Одатда, бундай тушунтириш хатлари жиноят иши қўзғатилгунига қадар

текшириш материалларида мавжуд бўлади. Агарда, тушунтириш хатлари йўқ бўлса ва уларсиз иш ҳолатини аниқлаб бўлмаса, бошланғич тергов ҳаракатлари қаторига тергов қилинаётган факт учун масъул бўлган мансабдор шахсларни сўроқ қилишни ҳам киритиш керак.

Одатда, ҳаракатсизликда, йўриқнома қоидаларини бузишда, хўжасизликда ва бошқа ғаразсиз жиноятларда ифодаланган жиноятларни тергов қилишда, ҳодиса содир бўлган шу жойдаги, соҳадаги иш бўйича масъул бўлган шахсни сўроқ қилиш энг зарур бошланғич тергов ҳаракати ҳисобланади.

Мансабдор шахсларнинг тушунтириш хатларида, айниқса, улар мураккаб хўжалик муносабатларига тааллуқли бўлса, кўпинча, фактларга ва айбланувчи хулқининг мақсадларига асосланган бўлади, уларни текшириш эса кейинги терговнинг мазмунини белгилайди. Терговни жадаллаштириш мақсадида бундай тушунтиришлар терговнинг бошланишида, атрофлича ва мазмунли равишда, мансабдор шахснинг барча вазларини ўзида мужассамлантирган тарзда олиниши керак. Акс ҳолда, шу шахсни тергов жараёнида бир неча бор сўроқ қилишга тўғри келади, баъзида эса, унинг ўзига қулай бўлган алиби яратишига имкон берилади.

Амалиётда кўпинча, ғараз мақсадларда содир этилган мансабдорлик жиноятлари, масалан порахўрликда, жиноят содир этганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган мансабдор шахсни сўроқ қилиш, терговнинг боришига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун, унинг айбини исботловчи етарли далиллар тўплангунга қадар кечиктирилади.

Ҳолатга тўғри ёндашиш ва материалларни, манфаатдор шахсларнинг ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тўғри тушуниш ва баҳолаш учун терговчи корхона ва ташкилотнинг иш шароити ва тизими, шунингдек, ташкилий тизимлари билан атрофлича танишиб олиниши керак. Бу маълумотларни тергов натижасидан манфаатдор бўлган корхона ва идора раҳбарларидан олиш мумкин, шунингдек, кўздан кечириш, зарур ҳолларда ишга шу корхона ва ташкилот ҳақидаги низом ёки устав, хизмат тақсимооти ва йўриқномаларни ҳам қўшиш мумкин.

Агарда тергов қилинаётган ҳодиса ёки ҳолат ишлаб чиқариш жараёни, савдо операциялари ва қўриқлаш тизими билан боғлиқ бўлса, шу ташкилот тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун корхонанинг жойига чиққан ҳолда иш фаолияти билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Агарда мансабдорлик жинояти ўзидан сўнг моддий из қолдирган воқеа (масалан, ёнғин, фалокат) билан боғлиқ бўлса, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилиши, шу жойдаги ҳолат ҳамда излар атрофлича қайд этилиши, видеотасвир ва фотосуратга олиниши ва ашёвий далиллар олинмоғи керак.

Бир қатор ҳолатларга ойдинлик киритиш учун одатда тафтиш ўтказган ёки текширган шахсларни сўроқ қилиш катта аҳамиятга эга бўлади, чунки, улар тузган далолатнома ва бошқа ҳужжатларда тергов учун жуда зарур бўлган ҳолат ва маълумотлар киритилмаган бўлиши мумкин.

Мансабдорлик жиноятларини тергов қилишда ҳужжатлар билан ишлаш, муҳим аҳамият касб этиб, улардан тўғри ва самарали фойдаланиш мансабдор шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигида жиноят аломатлари мавжудлиги масаласининг ҳолисона ҳал этилишига имкон беради. Бунинг учун ҳужжатлар юритилиши, ҳисобга олиниши, ҳисоботлар тузилиши тартиби билан танишиб чиқиш ва улар асосида ҳолатга ойдинлик киритувчи ҳужжатларни танлаш, олиш ва баҳолаш мумкин бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, жиноятчилар кўпинча ўзларини фош қилувчи ҳужжатларни яшириш ва йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам, энг аввало, тергов қилинаётган ҳолат ёки ҳодисага боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг сақланиши чоралари кўрилмоғи даркор. Бунинг учун эса, ишга бевосита алоқадор бўлган ёки ичида шундай маълумотлар бўлиши мумкин бўлган ҳужжатларни сақлаш учун муҳрлаш, олиш ва ишончли жойга қўйиш ёки масъул шахс ихтиёрига топшириш зарур бўлади. Шундан сўнг, танлаб олинган ҳужжатларни (зарур ҳолларда мутахассис ёки эксперт иштирокида) кўздан кечириш ва етарли асослар бўлган тақдирда жиноят ишига ашъвий далил ёки ёзув ҳужжати сифатида қўшиб қўйиш керак.

Кўпгина ҳолларда мансабдорлик жиноятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳолатларга, шунингдек, ҳодиса ёки ҳолатнинг сабабига (масалан, фалокат, қурилиш ишларининг издан чиқиши, буюмларнинг нобуд бўлиши, оқибатларнинг ҳажми ва табиатига) ойдинлик киритувчи бухгалтерия, техник, иқтисодий ва бошқа экспертизалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Мансабдорлик жиноятларининг оқибатлари турли хил бўлиши мумкин. Мулкий зиён етказилганида у давлат баҳосидаги суммадаги пул билан ўлчаниши мумкин. Шунингдек, корхонанинг тўхтаб қолиши, ишчиларнинг бўш қолиши, турли хил иншоотларнинг ишга туширилиши муддатларининг бузилиши, қишлоқ хўжалик ишларининг муддатлари барбод бўлиши, таъминотдаги узилишлар ва бошқалар натижасида етказиладиган зарар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Бундай барча ҳолатларда, қоидага мувофиқ, фақатгина етказилган умумий зарар ёки зиён ҳақидаги маълумотномаларни ишга тикиб қўйиш билан чекланиб қолинмаслиги керак. Зиён ҳақидаги ҳужжатда муайян ҳисоб-китоб бўлиши ва унда зарар миқдори, ҳажми қандай йўл билан

ҳисобланганлиги, қандай мулклар йўқ бўлганлиги ва ҳисоб-китобга қайси нарх асос қилиб олинганлиги ҳамда хулоса чиқариш учун асос бўлган бошқа ҳисоб-китоблар кўрсатилган бўлиши шарт. Зарур ҳолларда эса, ҳисоб-китобни тайёрлаган, шунингдек, ўзининг кўргазмаси билан етказилган зарар миқдорини аниқлаш тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилиниши керак бўлади. Баъзи ҳолларда зарар миқдори экспертиза орқали аниқланади.

Масалан, мутахассислар ўз хизмат вазифларига совуққонлик билан қарашганликлари оқибатида улар сифатсиз тайёрлаган лойиҳа асосида қурилган сув дамбасидан сизиб чиққан сув катта майдондаги ерларни экин экиш учун яроқсиз ҳолга келтирган ва катта миқдорда зиён етказган. Терговда эса зарар миқдорига дамбани қуриш учун кетган сарф-харажатлар ҳам айблов хулосасида мутахассисларнинг жиноий совуққонлиги оқибати сифатида кўрсатилган. Аммо, суд томонидан бу ҳолат юзасидан экспертиза тайинланганида, дамбада салгина қўшимча ишлар бажарилганида, шундай оқибат келиб чиқмаслиги аниқланган ва шу асосда айбланувчиларга нисбатан қўйилган зарар миқдори жиддий камайган.

Тергов қилинаётган ҳодиса бўйича мансабдор шахслардан қайси бири ва қай даражада айбдор эканлигини аниқлаш учун, биринчи навбатда тегишли ходимларнинг мансаб ваколати ва хизмат вазифалари доираси аниқланмоғи лозим.

Бу мақсадда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

а) лавозимга тайинлаш, озод қилиш ва хизмат тақсимоти тўғрисидаги буйруқлар,

б) техник эксплуатация, хавфсизлик техникаси, ёнғинга қарши қоидалар ҳамда муайян ишларнинг бажарилиши ва айрим ходимларнинг ҳаракатларини тартибга солувчи бошқа қоидалар:

в) мансаб йўриқномалари:

г) терговни қизиқтирган соҳа бўйича у ёки бу шахснинг вазифалари кўрсатилган бўлса, вазирликлар, давлат қўмиталари, бирлашмалар, ширкат бошқарувининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳайъат қарорлари.

Айбланувчига тааллуқли бу ҳужжатларнинг нусхалари жиноят ишига қўшилмоғи керак.

Мансабдор шахслар вазифалар доирасининг аниқланиши у ёки бу ходимга муайян вазифаларни юклаш ҳақида қандай қарорлар қабул қилинганлиги, бу қарорлар ўзгарганлиги, уларга амал қилинганлиги, шу ходим ўз вазифаларини билганлиги, у лозим даражада ўқитилган ва ўргатилганлиги масалаларида гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш имкониятини яратди.

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан айблов хулосаларида, «зарур чораларни кўрмаган», «лозим даражада таъминламаган», «ўрнатилган

тартибларнинг бузилишига йўл қўйган» — деган мазмундаги сўзлар кўп учрайди, бу эса тергов давомида айбланувчи айнан қандай чораларни кўрмаганлиги, қай даражада таъминлаганлиги, ўрнатилган тартибни қандай ҳолатда ва қандай йўл билан бузганлиги ҳамда у шу тадбирларни бажара олиши мумкинлиги тўғрисида етарли маълумот ва далиллар тўпланмаганлигини кўрсатади.

Кўпгина ҳолатларда мансабдор шахснинг вазифасини амалда бажариш вақтининг аниқланиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Амалиётда айрим мансабдор шахсларга узоқ муддат давомида муайян вазифани лозим даражада бажарилишини таъминламаганлиги ҳақида айб эълон қилинади, аммо, терговда у шу муддат давомида доимий равишда ишда бўлган ё бўлмаганлиги, яъни айб эълон қилинишига асос бўлувчи нотўғри қарор ёки ҳаракат у турли сабабларга кўра ишда бўлмаган пайтда содир этилиши мумкинлиги текширилмасдан қолади.

Тергов қилинаётган ҳодиса бўйича ҳолатларга оидинлик киритилиб ва унга алоқадор бўлган мансабдор шахслар доираси аниқланганидан сўнг, мансабдор шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигига тўла ишонч ҳосил қилинмоғи зарур. Сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолда, мансабдор шахснинг ҳаракатида қасд ёки эҳтиётсизлик борми, агарда қилмиш қасддан содир этилган бўлса, у қандай мақсадда содир этилганлиги аниқланиши керак.

Айрим ҳолларда ходим тажрибасизлиги ёки малакаси етарли эмаслиги сабабли хатоликка йўл қўйган бўлиши мумкинлиги, яъни, ўзининг ҳаракатини зарарли оқибатларга олиб келишини англай олмаслиги мумкинлиги ҳам аниқланиши керак.

Мансабдор ходим виждонан ишлаб, ўзига юклатилган вазифани лозим даражада бажариб келган, содир этилган қилмиш эса истисно тариқасида ягона ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўз навбатида терговчига шу ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли ҳам терговчи мансабдор шахснинг шахсини тўла ўрганиш чораларини кўриши, бунинг учун аввало унинг ўзини, иш ва яшаш жойларида уни яхши биладиган шахсларни сўроқ қилиши, зарур бўлган тавсифномаларни унинг иш фаолияти давомида рағбатлантирилганлиги ва жазоланганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тегишли жойлардан, кадрлар хизматидан олиб, ишга қўшиши керак бўлади.

Гарчи, айб эълон қилинган айбланувчи ҳақида мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари, қоидага биноан бошланғич материалларда ёки терговнинг бошланғич қисмидан олинган бўлса-да, айб эълон қилиш босқичида уни сўроқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак,

чунки, айбланувчи ўзига эълон қилинган айб юзасидан умуман бошқа мазмундаги вазлар келтирган ҳолда кўрсатма бериши мумкин, бу вақтда эса терговчи ундан тўла ва тўғри кўрсатма олишда фойдаланиш учун етарли далилларга эга бўлади.

Бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда, жиноят содир этилишини енгиллаштирувчи ва унга шарт-шароит яратган ҳолатларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

1) иш тизимидаги камчиликлар (масалан, ҳисоб-китобнинг такомиллашмаганлиги, қўриқлашнинг яхши ташкиллаштирилмаганлиги, ишлаб чиқаришнинг эскирганлиги, ходимларга йўриқ берилмаганлиги (инструктаждан ўтказилмаганлиги) ва ҳоказо.

2) ташкилот фаолиятини тартибга солувчи қоидаларнинг бажарилиши устидан назоратнинг лозим даражада ташкил этилмаганлиги (масалан, тафтишнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаслиги, аниқланган камчиликлар юзасидан амалий чоралар кўриб борилмаслиги);

3) кадрларнинг нотўғри танланиши ва тайинланиши (моддий жавобгарлик ишига шахси чуқур текширилмасдан ишончга сазовор бўлмаган ходимнинг тайинланиши, шахсий ишини расмийлаштиришда қоидаларга тўлиқ амал қилинмаслиги).

Мансабдорлик жиноятларини тергов қилишнинг умумий ўзига хос томонлари юқорида қайд этилганлардан иборат бўлиб, уларни инобатга олган ҳолда тергов юритиш тергов қилинаётган ҳолатни тўла аниқлаш ҳамда муайян шахсларнинг айбдорлик масаласини ҳал этишда катта аҳамият касб этади.

5-§. ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Порахўрлик — тергов қилиниши ниҳоятда машаққатли бўлган жиноят ҳисобланади. Бу жиноятнинг барча қатнашчилари жиноят содир этилишидан манфаатдор бўлишиб, ўз жиноий фаолиятларининг изини йўқ қилиш юзасидан барча мумкин бўлган чораларни кўрадилар, улар ҳаммаси жавобгар бўлишларидан кўрқиб, тўғри кўрсатма беришдан бош тортадилар ва ўзларича жиноий доира ташкил этадилар.

Порахўрлик содир этилганида қонунсиз ҳаракат содир этилган-лигининг изи бўлмайди. Кўпгина ҳолларда порахўрлик давлат ва жамоат мулкани талон-тарож қилиш ва бошқа иқтисодий жиноятлар содир этган шахслар томонидан амалга оширилади. Бу эса кенг тармоқ отган ва яширин кўринишдаги жиноий гуруҳни фош этишни қийинлаштиради.

Порахўрлик жиноий-ҳуқуқий тушунча сифатида ўзида турли таркибдаги, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган жиноятлар: а) пора олиш; б) пора бериш ва порхўрликда воситачилик қилиш; в) порани атайин уюштиришни қамраб олади. Ўз навбатида пора олувчи, пора берувчи ва воситачилар жиноий жавобгарликка тортиладилар. Шу сабабли ҳам, порахўрликнинг барча иштирокчилари унинг махфийликда сақланишидан манфаатдордир ҳамда улар бу жиноятни гувоҳсиз содир этадилар.

Ҳозирги шароитда порахўрликнинг хусусиятлари ҳам ўзгарди, пора суммаси илгарига қараганда кескин ошди, пора предмети ҳам ўзгариб, пул шаклидан ташқари, қимматбаҳо буюмлар, автомашиналар, гарнитур ва мебеллар, чет эл валюталаридан ҳам иборат бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган давр мобайнида порхўрлик жиноятлари содир этилаётган соҳа ва йўналишлар сони ва таркиби ҳам ўзгара бошлади. Масалан, банкларнинг вазифалари кенгайган сайин (лицензия бериш, ссуда ва кредитлар бериш, нақд пул бериш) мулкчиликнинг турли шакл ва кўринишлари юзасидан бошқа молиявий операцияларнинг амалга оширилиши муносабати билан банк тизимидаги, шунингдек, солиқ ва божхона тизимлари ваколатлари кенгайгани сабабли бу тармоқларда шу тоифадаги жиноятлар содир этилиши ҳам кўпаймоқда.

Порахўрлик ҳақида жиноят иши қўзғатиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш масалалари, аввало келиб тушган бошланғич материаллар мазмунига боғлиқ бўлади. Ушбу материалларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга, пора олиш ва беришни тўғридан-тўғри кўрсатувчи ариза ва хабарлар (мансабдор шахснинг бирор шахс томонидан унга пора таклиф қилинганлиги ёки берилганлиги тўғрисидаги аризаси, муассаса ёки корхона мансабдор шахсининг ўзига маълум бўлган порахўрлик факти тўғрисидаги хабари, бирор шахснинг бирор мансабдор шахс пора талаб қилганлиги ёки унга пора берганлиги тўғрисидаги аризаси, пора олиш ёки беришнинг гувоҳи бўлган шахснинг аризаси) киради.

Иккинчи гуруҳга эса, порхўрлик содир этилган ёки этилаётган бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи (бирор шахснинг порахўрликдан гумони борлиги тўғрисидаги аризаси, мансабдор шахснинг бирор ҳаракатни пора эвазига бажарганлиги тўғрисида тахмин қилиш учун асос бўлган ҳаракати юзасидан тўпланган материаллар) ариза ва материаллар киради.

Пора олиш ёки бериш ҳолатларини бевосита кўрсатувчи аризалар (аноним аризалардан ташқари) жиноят иши қўзғатиш учун етарли асос ҳисобланади. Аризалар ўз мазмунига кўра, ишончга тўла сазовор бўлмаган ҳолларда жиноят иши қўзғатилганига қадар, аризачи ёлгон хабар берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган ҳолда ва бошқа тартибларда текшириш ўтказилади.

Порахўрлик жиноятларини тергов қилишнинг бошланғич босқичи одатда учта типик вазиятлардаги шароитларда амалга оширилади ва уларга мувофиқ муайян комплекс тергов ҳаракатлари ўтказилади.

1. Мансабдор шахс томонидан пора талаб қилинаётганлиги тўғрисида ариза келиб тушган, аммо ҳали пора берилмаган.

Бундай ҳолатда терговчи дарҳол аризачидан атрофлича тушунтириш хати олади ва аниқ бир шахсга нисбатан эмас (чунки, бундай ҳолда кимга нисбатан жиноят иши қўзғатилса, унга расман хабар берилиши керак бўлади), балки тайёрланаётган жиноят ҳақида жиноят иши қўзғатади. Шундан сўнг аризачини атрофлича сўроқ қилади ва пора олувчининг телефон орқали ва бошқа сўзлашувларини назорат қилиш, эшитиб туриш ва ёзиб олиш ўтказилиши тўғрисида қарор чиқаради ҳамда уни ижро этиш учун миллий хавфсизлик хизмати ёки ички ишлар органларининг махсус тармоқларига юборилади. Унинг натижалари бўйича эса, ЖПКда белгиланган тегишли тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Бу вазиятда асосий эътибор пора олувчини жиноят устида ашёвий далиллар билан қўлга олишга қаратилади.

2. Пора бериш ва олиш тўғрисидаги ахборот тезкор манбалардан олинган; ўзаро жиноий тил бириктирган пора берувчи, пора олиб-беришдаги воситачи ва пора олувчи ҳам бундан хабарсизлар. Бундай ҳолларда тезкор маълумот юзасидан бевосита қарор қабул қилишга ваколатли ходим томонидан шахсан ёки уни кўриб чиқиб, ҳал қилиниши юклатилган ходим томонидан дастлабки тергов органи раҳбарига жиноят аломатлари мавжудлиги ҳақидаги билдиргиси асосида жиноят иши қўзғатилади. Бунда ҳам кейинги босқичларда биринчи вазиятдаги каби мақсадлар қўзланган ҳолда тергов ҳаракатлари ўтказилади.

3. Пора берувчи пора олиш ва бериш факти содир бўлганлиги тўғрисидаги аризаси билан мурожаат қилади. Бундай ҳолатда икки вариант юзага қелиши мумкин. Биринчисида, порахўрлик мунтазам содир этилиб келинади ва давом этади. Бу ҳолатда юқорида қайд этилган биринчи вазиятдаги каби ҳаракат қилиниши керак. Иккинчисида, яна пора олиш-бериш ҳолати такрорланадими-йўқми аниқ бўлмайди. Бундай ҳолатларда эса, аризачи сўроқ қилиниб, пора олувчининг ҳаракатларини ҳужжатлаштиришга қаратилган ташкилий ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади, уни кейинчалик бошқа шахсдан пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш учун шахс ва унинг турмуш тарзи ўрганилади.

Порахўрлик жиноятларини тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар аниқлаштирилиши керак:

1) пора олган шахс мансабдор шахс ҳисобланадими, унинг хизмат ваколати доираси қандай;

2) пора предметини бериш ва олиш фактининг бор-йўқлиги;

3) пора предметининг пул баробари;

4) пора берувчи ва далолатчиларнинг шахси;

5) жиноят иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар характери;

6) пора талаб қилиш фактининг бор-йўқлиги;

7) пора беришнинг мақсади;

8) жиноят ҳолатлари: вақти, жойи, пора бериш усули;

9) пора учун берилган пул манбаи;

10) пора олувчи томонидан бажарилган хизмат ҳаракатларининг характери;

11) пора бериш-олиш қатнашчиларининг ҳаракатларида бошқа жиноят аломатлари мавжудлиги, шунингдек, пора берувчига нисбатан кейинчалик суд томонидан жазо тайинланишида ёки терговда жиноий жавобгарликдан озод қилинишига сабаб бўлувчи, унинг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

12) пора олиш-беришга имкон яратган шарт-шароитлар.

Тергов жараёнида гумон қилинувчининг мансабдор шахс мақомига эга эканлигини аниқлаш ва исботлаш муҳим аҳамият касб этади. Терговчи пора олувчининг ҳуқуқий мақоми ва у билан бирор хизмат ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини бажариши мумкинлигини исботлар экан, қуйидаги ҳужжатларни олиб қўйиши ва жиноят ишига қўшиши керак:

а) мансабдор шахсни ишга қабул қилиш (мансабга тайинлаш) ҳақидаги буйруқ;

б) меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки у хизмат қилган жой, лавозимлар ҳақида рўйхат (объективка);

в) мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи, унинг фаолиятини тартибга солувчи, шунингдек, вазифаларини бажариш юзасидан йўриқнома, давлат органи ҳақидаги қонун, фармойиш, низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар;

г) терговни қизиқтираётган вақт давридаги иш ҳақи ҳақидаги маълумотнома.

Пора олиш ва пора беришни тўғридан-тўғри кўрсатувчи аризалар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича бошланғич тергов ҳаракатлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) аризачини, аризада баён қилинган фактнинг барча ҳолатларига ойдинлик киритиш учун батафсил сўроқ қилиш ва аризачининг кўргазмасини тасдиқлаши мумкин бўлган гувоҳ тўғрисида маълумот олиш;

б) агарда пора берилган ва пора предметини ёки пора олинганлигидан далолат берувчи материал, ёхуд, бошқа ҳолатларни (масалан, ёзув дафтарчасида белгилар, пора берувчининг телефон рақами, манзили) топиш эҳтимоли бўлган ҳолларда пора олган шахснинг яшаш ёки иш жойида тинтув ўтказиш;

в) пора берувчи ва воситачининг яшаш ва иш жойида берилиши керак бўлган пора предметини ёки пора беришни тасдиқловчи предмет ва материалларни топиш имкониятлари мавжуд бўлган ҳолларда тинтув ўтказиш;

г) мансабдор шахс пора олишдаги ҳаракатларини расмийлаш-тирганлиги учун тузилган ҳужжатларни олиш ва кўздан кечириш.

Пораҳўрликдан тўғридан-тўғри далолат бермаган материаллар бўйича жиноят иши қўзғатилишига қоидага қўра, мансабдор шахс томонидан пора олиш учун бажарилган ҳаракатнинг қонунсизлиги, хизмат вазифасини бажаришнинг белгиланган тартиби бузилишига йўл қўйилганлиги ёки бошқа далилларнинг аниқланиши асос бўлади.

Баъзида бундай ҳолларда жиноят иши қўзғатилишига, мансабдор шахснинг ҳаракатидан манфаатдор бўлган шахсга тегишли мулк (масалан, ўй, автомашина ва ҳоказолар) қонуний бўлмаган йўл билан мансабдор шахснинг мулкӣ эгалигига ўтганлиги ҳам асос бўлади.

Бундай асосда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича бошланғич тергов ҳаракатлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) мансабдор шахс пора олиш эвазига амалга оширган ҳаракатини расмийлаштириши юзасидан ҳужжатларни олиш ва қўздан кечириш;

2) шу ҳаракатнинг қонунийлигини ва уни бажариш учун белгиланган тартибга риоя қилинганлигини текшириш;

3) пора олиши ва пора бериши мумкин бўлган шахсларнинг яшаш ва иш жойларида порадан далолат берувчи пора предметини ёки материалларини топиш учун тинтув ўтказиш;

4) пора олишда гумон қилинувчи шахснинг мансаби билан боғлиқ ва унинг учун пора берилиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажариши ҳолатлари, қонунни ва шу ҳаракатни амалга ошириш тартибини бузиш сабаблари, пора предмети бўлиши мумкин бўлган мулкнинг (агарда у топилган бўлса) унга ўтиб қолиш ҳолатлари юзасидан батафсил сўроқ қилиш;

5) пора беришда ва воситачилик қилишда гумон қилинувчи шахсни мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаати учун ҳаракатларни амалга ошириши ҳолатлари, шунингдек, мансабдор шахсга унинг шу ҳаракатларидан манфаатдор бўлган шахсга тегишли бўлган мулкнинг (агарда у топилган бўлса) берилиши ҳолатлари юзасидан батафсил сўроқ қилиш.

Жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган материаллар, шунингдек, бошланғич тергов ҳаракатлари тергов гумонларини суриш учун етарли маълумотларни беради.

Одатда, бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан, тўпланган материаллар ва далиллар асосида қуйидаги гумонларни илгари суриш мумкин бўлади:

1) мансабдор шахсга ҳақиқатан ҳам пора берилган (хизмат ҳаракати ёки ҳақ берувчи фойдасига ҳаракатсизлиги учун ҳақ бериш);

2) пора бериш ҳақидаги ариза атайин ёлғондан берилган (ҳаракат содир этилмаган ва пора предмети олинмаган);

3) мансабдор шахсга предмет берилган, ammo пора тариқасида эмас (унинг хизмат ҳаракати учун эмас);

4) мансабдор шахс хизмат ҳаракатини муайян шахснинг фойдасига ҳақ олмасдан амалга оширган.

Порахўрликни тергов қилишда пора предмети, пора учун амалга оширилган хизмат ҳаракати ва пора олиш ва беришнинг аниқ ҳолатларига ойдинлик киритилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Поранинг предмети нарса ва буюмлар (масалан, пул, қимматбаҳо тақинчоқлар, буюмлар) ёки моддий манфаат кўриш бўлиши мумкин.

Баъзида пора яширин ҳолатда, масалан, ишламаса-да иш ҳақи, мукофот берилиши ва бошқача тарзда бўлиши ҳам мумкин.

Пора предмети тергов жараёнида тўла ва аниқ аниқланиши керак. Бу, жиноят таркиби мавжудлиги фақатгина мансабдор шахс хизмат ваколати билан боғлиқ ҳолатда моддий характерга эга ҳолдаги қонунсиз ҳақ олганлиги тўла аниқлангандагина исботланиши учун зарур бўлади.

Мансабдор шахсга моддий характерга эга бўлмаган нарса берилиши ёки ҳаракат амалга оширилиши пора олиш ҳисобланмасдан, бошқа мансабдорлик жиноятини ташкил этади.

Порахўрликни тергов қилишга далилларни излаш ва тўплашнинг қуйидаги йўналишлари хосдир:

1) пора олувчи ишлаётган муассаса (идора, корхона, ташкилот ва бошқалар);

2) пора олувчининг яшаш жойи;

3) пора берувчининг иш ва яшаш жойи;

4) воситачининг иш ва яшаш жойи;

5) порахўрлик иштирокчиларининг, улар алоқаларининг манзиллари.

Баъзида, пора талаб қилинаётганлиги тўғрисидаги ариза мавжуд бўлмаган шароитда шундай жиноятлар содир этилаётганлиги ҳақидаги бошқа маълумотлар асосида порахўрларни жиноят устида қўлга олиш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда жиноят устида қўлга олишга жуда пухталиқ билан тайёргарлик кўрилиши, унинг тактик жиҳатдан тўғри амалга оширилиши ва процессуал расмийлаштирилиши ўта зарурдир.

Маълумки, айрим ҳолларда жинойий ҳаракат иштирокчилари жиноят содир этилишида турли хил ҳйллалар ишлатадилар, шу сабабли уларнинг барча ҳаракатларини қайд этиш чоралари кўрилоғи лозим. Бу тоифадаги жиноятларни фош этишда судга оид экспертизалар, суд-тезкор фотография, аудио-видеоёзув аппаратларидан кенг ва унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, пора олувчи билан пора берувчи ёки пора берувчи билан воситачи ўртасидаги шу масаладаги сўзлашувларнинг, учрашувларнинг ва пора бериш ва олиш жараёнларининг ёзиб олинishi, видеотасвирга олинishi жиноятни фош этишда ишончли далиллар ҳисобланади.

Порахўрни фош этишнинг асосий усули — уни ҳолат юзасидан тўғри кўргазма беришига эришиш учун тактик жиҳатдан далилларни тўғри тақдим этиш ҳисобланади.

Тергов жараёнида гувоҳ, пора олган ва пора берганлар пора предмети тўғрисида кўргазма берсалар, бу ҳақдаги сўроқ баённомасида пора предметининг ўзига хос белгилари (қандай пуллиги, унинг миқдори, купюралари, рақамлари, нарса ва буюмнинг ҳажми, сифати, ранги, баҳоси, қачон ва қаерда ишлаб чиқарилганлиги ва бошқа белгилари) тўлиқ кўрсатилиши керак.

Пора предмети бўлган нарса ва буюмларга тегишли бўлган ҳужжатлар уларнинг тегишлилиги ва олиниш манбаини аниқлаш учун зарур бўлади ва шу сабабли улар ҳамда шундай нарсаларнинг пора берган шахсда қолган қисмлари таққосланиши учун олиб қўйилиши ҳамда жиноят ишига кўздан кечирилган ҳолда қўшилиши керак.

Пора предметини пора олувчидан топиш учун (агарда пора предмети пул ёки буюм бўлса) тинтув ўтказиш катта аҳамиятга эга. Аммо, манфаатдор шахслар ўзидан топилган пул ёки буюмларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ёлғон кўргазмалар бериши мумкин. Шу сабабли, тинтув ўтказишдан олдин қидирилаётган пул ёки буюмлар бўлиши мумкин бўлган шахс сўроқ қилиниб, шунга ўхшаш қандай буюмлари борлиги, қаердалиги, қаерда ва кимдан олганлиги, агарда пора предмети пул бўлса, пули бор-йўқлиги, бўлса қанча суммадалиги, қандай купюралардаги ҳамда уларнинг манбаи ва қаерда сақланаётганлиги аниқланмоғи ва баённомада қайд этилмоғи лозим.

Сўроқ қилинувчи сўроқ давомида, тинтув жараёнида қидирилган ва топилган буюм ва пул ҳақида ҳеч нарса демаган бўлса, бунинг устига улар яшириб қўйилган ҳолда бўлса, бу ҳолат пора олишнинг исботларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Агарда тинтув қилинувчи ўз кўргазмасида ўзидаги нарса ва пул ҳақида яширмасдан кўргазма берса, шу нарса ва пулни келиб чиқиш манбаини аниқлаш осон бўлади. Шароит тақозосига кўра, тинтувгача бундай шахсларни сўроқ қилиш имконияти мавжуд бўлмаса, тинтув ўтказилганидан сўнг, дарҳол улар тинтувда топилган ва олинган пул ва буюмларнинг порага алоқадарлиги бўлиши мумкин бўлганлиги сабабли, уларнинг миқдори, ҳажми, купюраси ва ўзига хос бошқа белгилари ҳақида сўроқ қилиниши зарур.

Айрим ҳолларда пора олувчи ўзидан топилган ва олинган пул ва буюмларни бошқаларга тегишли эканлигини инкор қилган ҳолларда уларни махсус криминалистик техника ва воситалар ёрдамида кўздан кечириш ҳамда мавжуд бармоқ изларининг олиниши мақсадга мувофиқдир.

Барча ҳолатларда ҳам пора олиш учун амалга оширилган (ёки ваъда қилинган) ҳаракат тўла аниқланиши лозим, бусиз жиноят содир этилишини исботланган, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Пора қонунсиз ва қонуий ҳаракат (масалан, порасиз ҳам берилиши керак бўлган уй-жойнинг берилиши) учун берилади. Амалиётда эса, кўпинча, пора қонунсиз ҳаракат учун ва масалани ўрнатилган тартибни бузган ҳолда ҳал қилинганлиги учун берилади.

Хизмат ҳаракатининг қонунсизлигини ёки унинг амалга оширилиши тартиби бузилишининг аниқланиши ўз-ўзидан (пора берилишини

тасдиқловчи бошқа далиллар мавжуд бўлган ҳолда) пора олишни исботловчи далиллардан бири сифатида қаралади.

Ҳаракатнинг қонунсизлиги ва унинг амалга оширилиш тартибининг бузилиши иш тартибини белгиловчи амалдаги низом ва йўриқномаларга мувофиқ қандай амалга оширилиши зарурлиги, аслида қандай амалга оширилганлигини солиштириш йўли билан аниқланиши мумкин. Агарда, ҳаракатнинг нотўғрилигини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, ҳокимият қарори) мавжуд бўлса, шу қарор ва меъёрий ҳужжатнинг тегишли қисмидан кўчирма жиноят ишига қўшиб қўйилиши керак.

Мансабдор шахс ҳаракатининг ва масалани ҳал этиш тартибининг қонунийлигини баҳолашда юқори турувчи мансабдор шахсларнинг кўргазмалари, баъзи ҳолларда эса (махсус масалаларда) экспертиза хулосалари (масалан, бухгалтерия экспертизаси билан бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилиши ҳақида) катта аҳамиятга эга. Мансабдор шахснинг қонун ёки иш тартибининг бузилиши бўйича тушунтириши, унинг ҳаракати ҳақиқий сабабининг аниқланишида ўта муҳим бўлганлиги учун алоҳида текширилмоғи керак.

Агарда, пора берувчи ёки воситачининг кўрсатмалари пора беришнинг далили ҳисобланадиган бўлса, уларни сўроқ қилишда ҳодисанинг барча ҳолатлари батафсил аниқланиши ва баённомада қайд этилиши керак. Зеро, бу ҳолатларнинг кейинчалик текширилиши натижалари уларнинг кўрсатмаларини тасдиқловчи ёки инкор қилувчи далил ҳисобланади. Чунончи, сўроқда улар мансабдор шахс билан қачон, қаерда ва қандай ҳолатларда танишганлиги, қачон, нима сабабдан ва кимнинг ташаббуси билан пора олиш ва бериш таклифи пайдо бўлганлиги, кимнинг иштирокида ҳамда қандай шароитда суҳбат ва келишувлар бўлиб ўтганлиги, қачон, қаерда ва қандай кўринишда пора берилганлиги, уларга шу мансабдор шахс томонидан пора олинганлигининг бошқа ҳолатлари маълумлиги аниқланиб, булар баённомада тўлиқ қайд этилиши лозим.

Мансабдор шахс пора олганлигини ва пора берувчи билан танишлигини умуман инкор қилган ҳолларда у билан илгари таниш бўлмаган пора берувчининг мансабдор шахсга пора берган хонадоннинг аҳволи тўғрисида тўғри ва тўлиқ маълумот бериши ҳам унинг кўрсатмаларининг ҳаққоний эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, мансабдор шахснинг ўзига пора таклиф қилинганлиги тўғрисидаги кўрсатмаси далил ҳисобланса, кейинчалик текшириш мақсадида бу таклифнинг барча ҳолатлари қайд этилиши, бу ҳолат бошқа шахс томонидан ҳам тасдиқланиши мумкинлиги аниқланиши керак.

Пора берилиши билан боғлиқ барча ҳолатларнинг атрофлича ойдинлаштирилиши пора олиш ва бериш фактини тасдиқлаш ёки инкор қилинишига асос бўлиши мумкин.

Тергов учун пора берувчи, олувчи ва воситачилар ўзаро ёлғон кўргазма беришга келишиб олган ҳолда, порахўрлик фактини инкор қилиши катта қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолларда объектив далиллардан, хусусан, мансабдор шахсга қимматбаҳо буюм ёки мулкнинг берилиши, пора учун амалга оширилган ҳаракатлар расмийлаштирилиши қайд этилган ҳужжатлар ва бошқалардан оқилона фойдаланилмоғи лозим.

Тергов экспериментининг сифатли ва процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши, бу жараёнда аудио-видео аппаратлар имкониятларидан самарали фойдаланилиши тўпланган далилларнинг ошишидан ташқари уларнинг ишончлилигини ҳам таъминлайди.

6-§. ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Халқимизда «Нон ризқу рўзимиз», «Нон ҳам нон, ноннинг увоғи ҳам нон, деган ибора ва ҳикматлар мавжуд бўлиб, бу сўзларнинг замирида нон азалдан инсон учун энг керакли азиз ва улугъ неъмат бўлиб келган-лиги ифодаланган.

Биламизки, нон дон маҳсулотларидан олинади ва айниқса, ҳозирги кунда дон жаҳон миқёсида стратегик маҳсулотга айланиб қолди.

Жаҳон оммавий-ахборот воситалари тарқатаётган хабарлардан кўринадики, иқлимнинг ўзгариб бориши ва бошқа омиллар таъсирида дунё бўйича дон, айнан буғдой етиштириш йилдан-йилга камайиб бормоқда, жумладан, 2007 йилда жаҳон бўйича ўтган йилларга қараганда жами 800 миллион тонна кам дон етиштирилган. Шу сабабли ҳам дон ва дон маҳсулотларининг нархи дунё бўйича йилдан-йилга кескинлик билан ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда дон нархи нефть, газ ва пахта каби стратегик маҳсулотлар нархи билан деярли тенглашиб қолди.

Бу ҳолатлардан табиийки, мамлакатимиз ҳам холи эмас, шу сабабли донли экинлар экиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларга ишлов беришда агротехник қоидаларни такомиллаштириш, уруғчиликда янги, сара ва серҳосил дон навларини яратиш, ердан имкон даражасида кўп ҳосил етиштириш жиддий масала сифатида қаралмоқда.

Юқорида қайд этилганлар мамлакатимизда етиштирилган дон маҳсулотларини исроф қилмаслик, йўқотилишига йўл қўймаслик, тежаш ҳамда бу соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Дон маҳсулотларини талон-тарож қилиш жиноятларининг объекти дон (арпа, буғдой, жўхори, гуруч) ва дон маҳсулотлари (ун, крупа, ем) ҳисобланади.

Одатда, бундай жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилади ва бу жараёнда жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланган бўлади.

Жиноятнинг оддий кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин:

— баъзи ҳолларда дон етиштирувчи фермерлар жиноий гуруҳ томонидан жиноятга жалб қилиниб, улардан ҳужжатсиз, норасмий равишда дон маҳсулотлари арзонга олиниб, қимматга сотилади ёки уларга доннинг ўзи ва тайёр дон маҳсулотлари сотилади. Ҳужжатсиз олинган дон кейинчалик қимматида дон ҳолатида ёки дон маҳсулоти ҳолатида сотилади;

— фермерлар томонидан етиштирилган ва қабул қилиш пунктларига келтирилган доннинг ифлосланиш даражаси ва намлиги сунъий равишда ортиқча кўрсатилади ва тарозида кам ўлчаш билан ортиқча дон яратилади. Элеваторда бу ортиқча дон ҳисоботдан яширилади ва тегирмон ходимлари билан келишилиб, ўғирланган маҳсулот қайта ишланади. У ун, крупа ва ем тариқасида савдо ташкилотларига ҳужжатсиз ўтказилади ва сотиб юборилади.

Бу жараёнларда кунига бир маротаба шу усулни амалга ошириш учун қалбаки ҳужжатлар тайёрланади ва жараён тугаллангач улар йўқ қилиб ташланади, шу сабабли бу жиноятларни фош этиш ҳам анча мураккаб бўлади.

Дон ва дон маҳсулотларини талон-тарож қилиш белгилари, ортиқча дон яратиш ва бу маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлади.

Ортиқча дон яратиш билан талон-тарож қилиш белгилари:

1. Элеваторда қасддан бузуқ тарозидан фойдаланиш.
2. Дон топширувчи билан элеватор тарозибони кўлидаги ҳужжатларда келтирилган дон вазнининг фарқли бўлиши.
3. Омборхона ва тегирмонда ортиқча дон борлиги.
4. Дон сифатини ўрнатилган қоида ва меъёрлар асосида аниқланмаслиги.
5. Лаборатория анализида қабул қилинган доннинг сифатини аниқлаш усулининг бузилиши (намунани нотўғри танлаш, намунани нотўғри усулда синаш).
6. Носоз лаборатория ускунасидан фойдаланиш.
7. Дон топширувчининг бир хилдаги донларининг турли қабул пунктларидаги текшириш натижалари турлича бўлиши.
8. Дон чиқиндилари ҳисобдан чиқарилмаган бўлса-да, шундай чиқарилганлиги тўғрисида ҳужжат тузиш.
9. Дон қуриштиш бўйича ҳужжатларни қалбакилиги.
10. Элеватор ва тегирмонларда донни, дон маҳсулотларини жўнатиш бўйича барча жараёнларнинг ҳисоботларда кўрсатилмаслиги.
11. Донни тозалашда сунъий равишда чиқиндилар ҳажмини кўп кўрсатиш.
12. Дон маҳсулоти сифатининг у бўйича ҳужжатдагиларга тўғри келмаслиги.

Талон-тарожнинг маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ белгилари:

1. Кирим ҳужжатларини элеватор ва тегирмонлардаги вазн бўйича журнал ва лаборатория ҳужжатларидан фарқ қилиши.

2. Тегирмон ва элеваторда ўлчов натижалари, текшириш, намуна олиш ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қалбакилиги.

3. Ҳайдовчилардан дон қабул қилиш бўйича товар-транспорт юк хатлари (накладнойлари)да моддий жавобгар шахсларнинг имзолари қалбакилиги.

4. Дон топширувчида донни элеватор ёки тегирмонга олиб борилганлиги тўғрисидаги транспорт ва юклаш-тушириш ҳужжатларининг йўқлиги ёки қалбакилиги.

5. Дон олиб борган автомашина оғирлиги ва кузови ҳажмининг қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга тўғри келмаслиги.

6. Дон топширувчининг қўлида дон топширган куни уни қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг бўлмаслиги (тегирмон ва элеваторда бўлгани ҳолда).

7. Тайёрловчиларда дон сотиб олганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар борлиги.

8. Жўнатилган барча дон вазнининг транспорт ҳужжатлари бўйича (фактура) чиқарилган дон оғирлиги билан фарқи.

9. Фактура ва юк хати (накладной)да дон оғирлиги ва саналарининг ўчирилганлиги ёки тўғрилانганлиги.

10. Доннинг ҳужжатсиз чиқарилганлиги.

11. Тегирмон ва элеваторда қатъий ҳисобда турадиган махсус ҳужжатларнинг етишмаслиги (фактура, юк хати (накладной), рухсатнома).

12. Дон маҳсулотларининг ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар асосида чиқарилиши.

13. Пункт ва тегирмонда ишлатилган рухсатномаларнинг (ҳисобга олиш журналида қайд этилган) мавжуд эмаслиги.

14. Қопларда дон жўнатиладиган жойларда қопларнинг камомоди.

15. Новвойхона ва дўконларда ҳисобдан яширилган нон маҳсулотлари ва ун борлиги.

16. Бирор шахсда катта миқдорда дон борлиги.

17. Бир элеватор ёки омборхонадан турли жойларга турли сифатли дон юборилганлиги.

18. Дўкон ва новвойхонадаги унларнинг сифати ҳужжатдагидан фарқ қилиши.

19. Тегирмон ва омборхоналарда унларнинг тури ўзгартирилиши.

20. Битта ҳужжат билан дон маҳсулотларининг бир неча бор жўнатилиши.

21. Архивдан олинган ёки муддати тугаган ҳужжатлар билан дон маҳсулотларининг чиқарилганлиги.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг бир нечасининг аниқланиши талон-тарож жинояти усулини кўрсатади, биттасининг аниқланиши эса талон-тарож жинояти содир этилганлигини кўрсатади.

Терговни дастлабки босқичида ташкил этиш

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан терговни қуйидагича ташкил этиш лозим:

1. Жиноят иш материалларини ўрганган ҳолда, аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни белгилаш ва терговни режалаштириш.

2. Солиқ, ички ишлар ва департамент идоралари орқали жиноятга тааллуқли қўшимча маълумотлар тўплаш.

3. Жиноят содир этилган ва у билан боғлиқ объектларнинг фаолият тартиблари, режими, юритиладиган ҳужжатлар, уларга қўйиладиган талаблар бўйича меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.

4. Талон-тарож ҳодисасини аниқлаш ва исботлаш.

5. Жиноят давом этишининг олдини олиш.

6. Ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар, маҳсулотлар ва бошқалар йўқолишининг олдини олиш.

7. Етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш.

Талон-тарож ҳодисасини аниқлаш бўйича ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида, унинг манбаи ярагилганлиги, сотилганлиги ва изи яширилганлиги, барча усул ва жиноий ҳолат (эпизод)лар ойдинланштирилмоғи зарур.

Терговнинг дастлабки босқичида тафтиш ва хатлов (инвентаризация) ташкил этиш ҳамда ҳужжатларни йиғиш ва текшириш, яъни тинтув, ҳужжатларни олиш, кўздан кечириш, сўроқ ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш лозимдир.

Бу ўринда хатлов (инвентаризация) ўтказилишида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

– уни кутилмаган ҳолатда ўтказиш;

– дон ва дон маҳсулотларининг миқдори ва сифатини улар бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилган ҳолда ўтказиш;

– жиноят объектларининг йўқотилиши, кўчирилиши, ҳужжатларнинг расмийлаштирилиб қўйилишининг олдини олиш.

Хатлов (инвентаризация) бир вақтнинг ўзида донни, тайёр маҳсулотларни ва чиқинди маҳсулотларни сақлаш омборхоналарида, шунингдек, қатъий ҳисобот бланкалари, қоплар ва бошқа идишлар

бўйича ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Унинг натижасида дон ёки тайёр маҳсулотлар бошқа жойларга юборилганлиги аниқланса, ўша жойларда ҳам хатлов ўтказилиши керак.

Дон ва дон маҳсулотларининг қабул қилиш пунктлари, элеватор ва тегирмонларда талон-тарож қилинганлигини аниқлаш учун жиноятчилар томонидан қабул қилинган ва қилинаётган доннинг ва маҳсулотнинг миқдори, ҳажми, сони ва сифатини аниқлаш усул, тартиб ва қоидаларининг, шунингдек, транспорт ва харажат ҳужжатларининг расмийлаштирилишининг тўғрилигини аниқлаш мақсадида тегишли мутахассислар қатнашувида назорат ўлчовлари ва текширувлар ўтказилиши ҳамда уларнинг натижаларини сифатли расмийлаштирилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, тегирмонда донни ун ҳолига келтириш жараёни (янчиш) ҳолатлари аудитор ва эксперт-технологлар ёрдамида аниқланиши мумкин. Бунда текшириш жараёнида фойдаланилган асбоб-ускуналарнинг тавсифи, уларнинг иш жараёни билан боғлиқ барча ҳолатлар баённомада тўла ва аниқ акс эттирилмоғи лозим.

Талон-тарож қилишнинг усулига қараб, сотиб олиш ёки қабул қилиш, транспортга оид ва юклаш-тушириш, сақлаш, қайта ишлаш, маҳсулот жўнатиш тўғрисидаги ҳужжатлар олинмоғи лозим.

Олинган ҳужжатлар бўйича сўроқлар жараёнида улардаги мавжуд маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиши (масалан, дон ёки маҳсулот топширганми ёки олганми, улар учун ун ёки пул олганми) аниқланиши керак.

Ҳужжатларнинг шубҳалилари аниқланса, улар бўйича хатшунослик ва бошқа экспертизалар тайинланмоғи керак.

Ҳужжатларда қайд қилинган ҳолатлар бажарилишининг объектив имкониятларини текшириш билан унинг қалбакилигини аниқлаш мумкин. Масалан, номига қвитанция ёзилган шахсда дон ва дон маҳсулоти умуман бўлмаганлиги, у тузилган куни шу шахс бошқа жойда бўлганлиги ва ҳоказолар.

Талон-тарож манбаини аниқлаш

Дон қабул қилиш пунктлари ва тегирмонлардаги талон-тарожнинг манбаини аниқлашда, улардаги ходимлар ҳисобидаги, яратилган ҳисобдан ташқари ва жиноий шерикларидан келган дон ва дон маҳсулотлари ўғирланиши мумкинлиги назарга олинishi керак.

Ҳисобдан ташқари захира яратишнинг ҳар бир жараёнда ўзига хос усуллари мавжуд бўлади.

Масалан, келган дон ёки дон маҳсулотларини қабул қилишда миқдори камайтириб ёзилади, кам эканлиги тўғрисида далолатнома

тузилади, муайян қисми кирим қилинмайди, тарози кам кўрсатадиган ҳолга келтирилади ва сифати атайин пасайтирилади.

Дон ёки дон маҳсулотларини сақлашда эса уларни қайта ишланганлиги тўғрисида қалбаки далолатнома тузилади ва табиий чиқим миқдори нотўғри кўрсатилади.

Дон ёки дон маҳсулотларини янчиш жараёнида улар ҳужжатдагидан кам жўнатилади, жўнатишганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар тузилади, автомат тарозилар кўрсаткичлари ошириб қўйилади ва жўнатиладиганларининг сифати ошириб кўрсатилади.

Дон ва дон маҳсулотлари қабул қилинганидан сўнг қуритилиши ва тозаланиши жараёнларида вазни табиий равишда камаяди, бу ҳақида далолатнома тузилади ҳамда унда дон ва дон маҳсулотларининг шу жараёнгача бўлган вазни ва сифати, чиққан чиқинди, яроқсиз маҳсулотларнинг сони, сифати кўрсатилади.

Жинойтчилар бу жараён натижалари тўғрисида қалбаки ҳужжатлар, яъни, қуритилган, тозаланганларининг вазнини кўпайтириш, сифатини пасайтириш, намлик ва ифлосланиш даражасини ошириш, шу жараёндан сўнг сифатини ошириш, шу жараёнлар амалга оширилмаса-да, унга кўп дон сарф бўлганлиги тўғрисида далолатномалар тузиш йўли билан талон-тарожга замин яратадилар.

Бундай далолатнома тузилганидан сўнг шу жараёндан сўнг олинishi керак бўлган миқдордаги чиқинди (ем ва бошқалар) камомати юзага келади ва уни ёпиш учун кераксизлиги тўғрисида бошқа далолатнома тузадилар, бундан ташқари, чиқиндилар фақат қоғозда «жўнатилади ва сотилади».

Шу сабабли ҳам терговда шу жараёнлар қайд этиладиган барча ҳужжатлар ва журналлар синчковлик билан ўрганилиши керак.

Сақлаш давомида ҳисобдан ташқари захира яратишда дон ёки маҳсулотларининг сақлаш муддати асоссиз узайтирилади, атайин донни сочилган ва очикда ҳолда ёмон жойда сақланганлиги қайд этилади, вазни камаймаса-да, табиий камайиш меъёри қўлланилиб, белгиланган меъёрдан ошиқча ҳисобдан чиқарилади.

Жинойтчилар ортиқча маҳсулот яратиш ва ўзлаштириш мақсадида, келган доннинг сифатини паст қилиб (намлиги, ифлослиги ва зарарли нарсалар аралашмасини атайин ошириб) кўрсатадилар, чиққан ун фоизини пасайтирадилар (98 ўрнига 95 фоиз кўрсатилади) ва ун олувчини алдаб навини юқори қилиб кўрсатадилар.

Технологик жараёни такомиллаштириб, доннинг чиқиндига чиқиши ва йўқотилишини камайитириш натижасида қоидаларда белгиланганидан кўп ун олинади ва бу ишлаб чиқариш тежамкорлиги дейилади.

Мазкур ўзига хос жараёндан фойдаланилиб, тежамкорликни атайин кам қилиб (аслида 0,52 фоизни 32 фоиз) қилиб кўрсатилади ва шу йўл билан юзлаб тонна ун ўзлаштирилади.

Одатда дон қайта ишлаб чиқаришни енгиллатиш учун намланади ва натижада вазни ошади ҳамда фарқи кирим қилинади.


Жинойтчилар донни меъёридан кўп намлайдилар ва олинган ортиқча унни кирим қилмайдилар, шунингдек, тарозиларнинг кўрсаткичларини сунъий равишда оширадилар.

Ўғирланган дон маҳсулотларининг сотилишини аниқлаш

Жинойтчилар турли жараёнлардаги қонунсиз ҳаракатлар туфайли ҳисобдан ортиқча дон маҳсулотларини пайдо қилгач, ўзлари тўғридан-тўғри ёки бошқалар орқали сотадилар.

Қуйидаги схемаларда ўғирланган дон маҳсулотларини сотиш йўллари кўрсатилган.

Ўғирланган дон ва дон маҳсулотларини сотиш йўллари



Ўғирланган дон маҳсулотларини сотиш йўл ва усулларининг ўзаро алоқадорлиги

Дон қабул қилиш пункти

Ўзлари сотадиган 1.Келти- ради 2.Чиқа- ради	Тайёрлов идоралари 1. Кўшиб ёзиш. 2.Маҳсу- лотларни хужжатсиз чиқариш. 3.Маҳсу- лотларни хужжат- дагидан сизда товарсиз белги қўйиш. 2.Маҳ- сулот- ларни хужжат- сиз	Савдо ташқилот- лари. 1.Маҳсу- лотларни хужжатсиз чиқариш. 2.Хуж- жатларда кўрсат- илгандан кўп	Тегирмонлар. 1. Донни хужжатсиз чиқариш. 2. Донни хужжатсиз кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 3. Хужжат- ларни қалба- килаштириш. 4. Чиқа- риладиган маҳсулотларни сифат кўрсат- кичларини пасайтириш. 5. Автомат тарозиларни қўрсатувчи рақамларни кам қилиб кўрсатиш. 6. Тегирмонга транзит билан келган донни	Сотиш базалари. 1.Маҳсу- лотни хужжатсиз кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 2.Хуж- жатларни қалбаки- лаштириш. 3.Чиқа- риладиган маҳсулот- ларни сифат кўрсаткич- ларини пасайти- риш. 4.Товар- сиз “қай- тариш”.	Дон алмаш- тириш пунктлари. 1. Кўшиб ёзиш. 2.Маҳсу- лотларни хужжат- сиз чиқариш 3.Чиқа- риладиган маҳсу- лотларни сифат кўрсат- кичларини пасай- тириш.	Нон заводлари ва қайта ишлаш корхона- лари. 1. Маҳсу- лотларни хужжатсиз чиқариш. 2. Хужжат- ларда кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 3. Хуж- жатларни қалбаки- лаштириш. 4. Чиқари- ладиган маҳсу- лотларни сифат кўрсаткич- ларини пасайти- риш.	Хўжаликлар ва ширкатлар. 1. Кўшиб ёзиш. 2.Маҳсу- лотларни хужжат- сиз чиқариш. 3.Хуж- жатларда кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 4.Хуж- жатларни қалбаки- лаштириш. 5.Чиқа- риладиган маҳсулот- ларни сифат кўрсаткич- ларини пасайти- риш.	Элеватор- лар, нон комбинат- лари. 1. Маҳсу- лотларни хужжатсиз чиқариш. 2. Хуж- жатларда кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 3. Хуж- жатларни қалбаки- лаштириш. 4. Чиқа- риладиган маҳсулот- ларни сифат кўрсаткич- ларини пасайти- риш.	Пунктга маҳсу- лотни топ- ширувчи ва олувчи хусусий шахслар. 1.Қўшиб ёзиш. 2.Маҳ- сулот- ларни хужжат- сиз чиқариш. 3.Хуж- жатларда кўрсатил- гандан кўп чиқариш. 4.Хуж- жатларни қалбаки- лаштириш. 5.Чиқа- риладиган маҳсулот- ларни сифат кўрсаткич- ларини пасайти- риш.
--	--	--	---	---	---	---	---	--	---

	кўп чиқа- риш.	кўрсат- кичларини пасай- тириш.	5. То- варсиз “қайтариш”.	фактура қилмаслик. 7. Товарсиз “қайтариш”.			риш. 5. Транзит билан келган маҳсулотларни фактура қилмаслик. 6. Товарсиз “қайтариш”.	кичларини пасай- тириш.	5. Сифат кўрсаткич- ларини оши- риш, ҳужжатга юк жўнатиш- маганлиги тўғрисидаги асоссиз диққатни қабул қилиш	маҳ- сулот- ларни сифат- кўрсат- кич- ларини пасай- тириш. 5. Маҳ- сулот- ларни олиш учун ҳужжатлар бериш.
--	----------------------	--	---------------------------------	---	--	--	---	-------------------------------	---	--

Топшириладиган дон вазнига қўшиб ёзишни аниқлаш

Вазнига қўшиб ёзиш дон топширувчи ёки бевосита жиноят иштирокчисидан қабул қилинадиган доннинг оғирлиги тўғрисидаги маълумотларга асоссиз равишда қўшимча оғирлик қўшиб ёзиш ва унинг номига товарсиз кирим ҳужжатлари ёзилишида кўринади. Шундай ҳужжатлар асосида топширувчи ўзининг масъулиятида бўлган донни ҳақиқий топширганидан кўра кўп топширилганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжат тўлғазади.

Бунинг натижасида унда ортиқча дон юзага келади ва ўзлаштирилади.

Дон оғирлигига қўшиб ёзиш кўпинча моддий жавобгар шахслар (омбор мудир, қабул қилувчилар) ёки тарозибонлар, шунингдек, айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари томонидан содир этилади.

Бу жиноятларни аниқлашда омбор ҳудуди ва келиб-кетувчи йўллар кўздан кечирилиши мақсадга мувофиқ. Агарда дон жўнатилганлигини кўрсатувчи аломатлар ва транспорт излари мавжуд бўлмаса, дон келтирилмаганлигини ҳамда юк хати (накладной) товарсиз эканлигидан далолат беради.

Бу жиноятни аниқлаш ва фош этишда ҳужжатлар (лаборатория ҳужжатлари, тарози ҳужжатлари, топшириш-қабул қилиш юк хати — накладнойлари)ни ўз вақтида олиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан терговнинг тўла ва ҳар томонлама бўлишини таъминлаш

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларининг тўла ва ҳар томонлама бўлишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолатларнинг аниқланиши зарур бўлади:

1. Транзит билан келтирилган донни иштирокчиларга фактура қилинмаслик ҳолатларини аниқлаш.

2. Ҳайдовчиларга ташиш учун берилган маҳсулотларни қабул қилинганлиги тўғрисида товарсиз белгилар қуйилганлигини аниқлаш.

3. Қайта ишлаш корхонасидан тайёр маҳсулотнинг пунктга ҳужжатларда кўрсатилганидан кам келтирилганлигини аниқлаш.

4. Маҳсулотларнинг ҳужжатсиз чиқарилишини аниқлаш.

5. Маҳсулотларни ҳужжатларда кўрсатилганидан кўп миқдорда чиқарилишини аниқлаш.

6. Харажат ҳужжатларини сохталаштириш орқали ўғирланган маҳсулотлар сотилишини аниқлаш.

7. Чиқариладиган доннинг сифат кўрсаткичларини пасайтириш йўли билан ўзлаштиришни аниқлаш.

8. Донни қайта ишлашдан олинган маҳсулот чиқаришда нави тўғрисидаги маълумотларни пасайтириш орқали ўзлаштиришни аниқлаш.

9. Жиноят иштирокчиларига дон маҳсулотларини олишга ҳужжатлар бериш йўли билан ўзлаштиришни аниқлаш.

10. Ўғирланган дон маҳсулотларининг аҳолига сотилишини аниқлаш.

Мазкур тоифадаги жиноят ишларини тергов қилишда бир қатор турдаги, жумладан, бухгалтерия, хатшунослик, криминалистик, техник, агротехник ва бошқа экспертизалар тайинланади.

Буларнинг айримларига тўхталиб ўтиладиган бўлса, уларни тайинлаш билан айнан қуйидаги ҳолатларга ойдинлик киритилиши мумкин:

Бухгалтерия экспертизаси тайинлашда:

- дон маҳсулотлари камомоди даври, сабаблари ва ҳажмини аниқлаш;
- дон маҳсулотларининг ҳисобга олинмаган захирасини яратиш ҳолатини аниқлаш;

- ўғирланган дон маҳсулотларини сотиш ҳолатларини аниқлаш;

- айбланувчиларнинг ҳаракати билан етказилган зарар миқдорини аниқлаш;

- дон маҳсулотларини талон-тарож қилишга йўл очиб берган шарт-шароитларни ва бартараф этиш йўллари аниқлаш.

Техник экспертизаси тайинлашда:

- дон маҳсулотларини қабул қилиш ва чиқаришда захира яратиш ва ўғирланганини сотиш ҳолатларини аниқлаш;

- дон маҳсулотларини сақлашда захира пайдо қилиш ҳолатини аниқлаш;

- дон янчиш (қайта ишлаш, помола) жараёнида захира яратиш ҳолатларини аниқлаш.

Агротехник экспертизаси тайинлашда:

- дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

- дон маҳсулотларининг келиб чиқиш манбаини аниқлаш;

- дон маҳсулотларининг табиий йўқотиш йўли билан асоссиз ҳисобдан чиқарилишини аниқлаш.

Бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида уларнинг содир этилиши сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бундай жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Донни етиштирувчи ҳўжаликларда уни ўриш, йиғиш, сақлаш, жўнатиш ва топшириш жараёнларида.

2. Донни пункт ва қайта ишлаш корхоналарида қабул қилиш жараёнларида.

3. Дон маҳсулотларини сақлаш жараёнида.

4. Донни тегирмонда қайта ишлаш жараёнида.

5. Тегирмон ва пунктдан маҳсулотни жўнатиш жараёнида.

Тергов натижасига кўра, аниқланган ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритилган ҳолда; терговчининг ўзи унинг муҳокамасида қатнашиб, ўзи томонидан бу масалада аниқланган ҳолатлар юзасидан атрофлича маълумот бериши мақсадга мувофиқдир.

7-§. АВТОТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Жиноят иши қўзғатиш

Автотранспортдан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш одатда транспорт воситаси ҳаракати давомида юзага келган муайян ҳодиса, аниқроқ қилиб айтганда, ЖКнинг 266-моддасида кўрсатилган оқибат сифатида намоён бўлади ва криминалистик адабиётда бу ҳодиса автотранспорт ҳодисаси деб аталади.

Ҳаётда эса, автотранспорт ҳодисаси деб транспорт воситаси ҳаракати жараёнида турли сабабларга кўра содир бўладиган транспорт, кишилар, мулк билан боғлиқ ҳолатлар тушунилади. Аслида бундай қараладиган бўлса, транспорт воситаси ҳаракати давомида рўй берадиган автомашинанинг бузилишини ҳам транспорт ҳодисаси деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, ҳаракат хавфсизлиги ва унинг жиноий-ҳуқуқий муҳофазаси нуқтаи назаридан автотранспорт ҳодисасига фақатгина, аниқ йўл шароитида автотранспорт воситасининг ҳаракати жараёнида келиб чиқадиган, кишиларнинг жароҳатланиши ёки ўлимига, жиддий моддий зарар етказилишига ёки қонунда белгиланган бошқа оқибатларни келтириб чиқарган ҳодисаларгина киради.

Автотранспортдан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳақидаги жиноят ишлари ҳар бир автотранспорт ҳодисаси бўйича эмас, балки қилмишда тегишли қоидаларнинг бузилиш аломатлари ва унинг оғир оқибат келтириб чиқариши мавжуд бўлгандагина, яъни кишиларнинг оғир даражада жароҳатланиши ёки ўлими ёхуд автотранспорт воситасига жиддий зиён етказилгандагина қўзғатилади.

ЖПКнинг 322-моддасида жиноят иши қўзғатишнинг умумий сабаб ва асослари белгиланган бўлиб, ЖКнинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноятлар учун одатда ички ишлар органларига автокорхоналардан, фуқаролардан ва мансабдор шахслардан, жамоатчиликдан, ҳокимият вакилидан ҳамда тиббий муассасалардан келиб тушган хабар ва аризалар сабаб бўлади.

Бундай ҳодисалар юзасидан қилмишда жиноят аломатлари мавжуд бўлган ва бундай қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда жиноят иши қўзғатилади.

Шу сабабли ҳам жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилишда, ЖКнинг 266-моддаси диспозициясида белгиланган автотранспортдан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини жиноий бузиш аломатларини кўрсатувчи аниқ маълумотларга эга бўлиниши зарур.

Бундай маълумотларнинг старлилиги ҳар бир ҳолат юзасидан суриштирувчи ва терговчи томонидан аниқланади.

Бундай қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда жиноят иши қўзғатилади.

Истисно қилувчи ҳолатларга эса қуйидагилар киради:

- 1) жиноят таркиби ва ҳодисасининг мавжуд эмаслиги;
- 2) йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг вафот этганлиги;
- 3) қоидани бузиш охириги зарурат ҳолатида юз берган бўлса, бунда таъкидлаш жоизки, охириги зарурат ҳолати кўпинча тергов ўтказилиши жараёнида аниқланади.

Ҳодиса тўғрисидаги ариза ва хабар одатда, дастлаб йўл ҳаракати хавфсизлиги (ЙХХ) органларининг навбатчилик қисми ва мансабдор шахсларига келиб тушади ва улар биринчи бўлиб бу ҳодисаларга эътибор қаратадилар. Шунинг учун ҳам бундай тоифадаги жиноят ишлари юзасидан терговнинг тўла ва ҳар томонлама бўлишининг таъминланиши учун имкон даражасида бу жараёнга терговчининг эртароқ жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли ҳам идоравий кўрсатмаларда ЙХХ ходимларига оғир оқибатларга олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари бўйича дарҳол терговчига хабар қилиши шарт қилиб қўйилган.

Бундай ҳолатларда терговчи дарҳол ҳодиса содир бўлган жойга етиб бориши ва жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилмоғи лозим.

Фуқароларнинг оғир жароҳатланиши ва ўлимига олиб келган автотранспортдан фойдаланиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳодисалари юзасидан бошқа ҳеч қандай қўшимча маълумотларсиз дарҳол жиноят иши қўзғатилиши керак. Бундай бошқа ҳолатларда эса суриштирув ҳаракатлари ўтказилгач, старли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина жиноят иши қўзғатилади.

Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари

Дастлабки тергов ҳаракатлари деганда, иш ҳолатидан келиб чиқилган ҳолда жиноят иши қўзғатилиши биланоқ режалаштириш ва тез ҳамда сифатли терговни таъминлаш учун зарур маълумотларни олиш мақсадида ўтказилиши тақозо қилинадиган процессуал ҳаракатлар тушунилади. Бундай ҳаракат жиноят-процессуал кодексида кўзда тутилган ҳар қандай тергов ҳаракатлари бўлиши мумкин.

Бу тоифадаги жиноят ишлари учун дастлабки тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари қуйидагилардан иборатдир:

- а) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- б) автотранспорт воситасини кўздан кечириш;
- в) ҳайдовчини ушлаб қўйиш;
- г) ҳайдовчини (баъзан, жабрланувчини ҳам) тиббий кўрикдан ёки суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш;
- д) гувоҳлар, жабрланувчилар ва ҳайдовчиларни сўроқ қилиш;
- е) жабрланувчига нисбатан суд-тиббий экспертизаси тайинлаш;
- ж) ҳодиса жойидан қочиб кетган ҳайдовчи ёки автотранспорт воситасини қидириш;
- з) ҳодиса гувоҳи бўлган шахсларни аниқлаш.

Айрим ҳолларда шахсни ёки автотранспорт воситасини таниб олиш учун кўрсатиш, вазият ва ҳодиса ҳолатини тиклаш ҳам шундай тергов ҳаракатлари ҳисобланади.

Ҳодиса содир бўлган жойни ва транспорт воситасини кўздан кечириш

Бу тоифадаги жиноят ишлари юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида ва сифатли кўздан кечириш ўта муҳим ҳисобланади.

Чунки, ҳодисадан сўнг дарҳол бу тергов ҳаракатининг ўтказилиши вазиятни тўла аниқлаш ва тўғри баҳолаш, ҳодиса механизми, оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлиш, шу ерда бўлган тергов учун аҳамиятли излар, нарсалар, буюмларни аниқлаш, қайд этиш ва ашёвий далил сифатида олиш имконини беради.

Автотранспорт воситасини кўздан кечириш дастлабки мураккаб тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади ва унинг ўтказилиши бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Биринчидан, ҳодиса одатда автотранспорт воситалари ҳаракати узлуксиз ва тиғиз бўлиб турган йўл ёки кўчада содир бўлади, бу эса йўл ҳаракатини тезда изга солиб юборилишини тақозо этади. Шу сабабли ҳам имкон даражасида автотранспорт воситаси тезда кўздан кечирилмоғи ва йўл ҳаракати жуда қисқа муддатда ўз маромига солинмоғи лозим.

Иккинчидан, ҳодиса жойида вазият ва шароит (масалан, ёмғир, шамол, қоронғилик тушиши, тиғиз ҳаракат оқибатида автотранспорт воситасини йўл устида ёки кўчада узоқ туриб қолиши мумкин эмаслиги ва ҳоказо) жуда тез ўзгариб боради ва шу сабабли бу ҳаракат тезда ўтказилишини талаб қилади.

Бу ҳолатлар, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жой ва автотранспорт воситасини кўздан кечириш мураккаблиги (автомашинани, йўлни,

кўчани, жасадни ва бошқа ҳолатларни текшириш ва қайд этиш) терговчидан тез ва унумли ишлашни ҳамда криминалистик техника ва техник воситалардан самарали фойдаланишни зарурат қилиб қўяди.

Одатда бу жараёнда мутахассислар ҳам қатнашадилар ва шу муносабат билан терговчи уларнинг ўрнини тўғри аниқлаб, ишини тартибли ташкил этиши лозим бўлади.

Бу тергов ҳаракатини 3 та, яъни тайёргарлик, текшириш ва якунловчи босқичга бўлиш мумкин. Тайёргарликда ҳодиса жойига етиб борилгунча ва бевосита кўздан кечириш бошлангунига қадар бўлган ҳаракатлар тушунилади. Текширишда эса шу жойни ва у ердаги ҳодисага алоқодар бўлиши мумкин бўлган жой ва нарсалар кўздан кечирилади. Якунлашда эса аниқланган ҳолатлар расмийлаштирилади, яъни ашёвий далиллар ўраб олинади, схемалар чизилади, видео ва фотосуратга олинади ҳамда баённома тузилади.

Терговчи кўздан кечиришгача шу жойнинг қаердалигини, ҳодиса қачон содир бўлганлигини, аҳволини билиши, вазиятни ўзгартирмасдан сақланиши учун қўриқланишини ташкил этиши, унда иштирок этиши шарт бўлган мутахассислар доирасини белгилаши лозим.

Бунда терговчи ҳодиса жойида унга алоқаси бўлмаса-да, қизиқувчи ва жабрланувчига ёрдам бериш мақсадида ҳаракат қилган шахслар томонидан излар босилиб, йўқотилиш имконияти катта эканлигини, йўл ҳаракатида бошқа айланиб ўтиш йўли бўлмаса, йўл ёки кўчанинг бир қисми бўшатилиб, йўлга солиниши заруриятини ҳисобга олиши керак.

Амалиётда терговчи билан ЙХХ ходимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиши натижасида, ЙХХ инспекторлари томонидан терговчи етиб келгунига қадар бу масалаларда тегишли ишлар, жумладан, иш учун аҳамиятли бўлган шу жойдаги ҳолатларни (тормоз излари ва бошқа изларни ўлчаш, схемасини чизиш, жойни қўриқланишини ташкил этиб, аҳволни ўзгартирмасдан сақлаб туриш, автомашина ва жабрланувчиларнинг турган жойини белгилаб қўйиш ва бошқалар) имкон даражасида қайд этиш чоралари қўрилади.

Кўздан кечиришни бошлашдан олдин терговчи унда қатнашиши шарт бўлган шахсларнинг (эксперт-автотехник, йўлдан фойдаланиш бўйича муҳандис, суд-тиббий эксперти ёки врач, жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари ва бошқалар) тезда етиб келиш чораларини кўриши зарур.

Терговчи ҳодиса жойига етиб келиши биланоқ қуйидагиларни амалга ошириши талаб этилади:

1) жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ташкил этилмаган бўлса, тезда ташкил этиш;

2) ҳодиса жойи кўриқланмаган бўлса, уни ташкиллаштириш ва алоқаси бўлмаган шахсларни у ердан чиқариб юбориш;

3) олдин етиб келган ички ишлар ходимлари, гувоҳлар, жабрланувчилардан ҳодиса ҳолати ва вазиятнинг қандай бўлганлигини аниқлаш;

4) шу жойнинг чегарасини аниқлаш ва кўздан кечиришни режалаштириш;

5) ҳолисларни танлаш, уларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига у ҳақида тушунча бериш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириш.

Йўлнинг кўздан кечириладиган қисми чегарасини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у вазиятдан, излар ва ашёвий далилларнинг жойлашган ҳудуддан ва ҳодисанинг содир этилиши механизмидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилади.

Агарда ҳодиса жойида унинг иштирокчилари ва автотранспорт воситаси бўлса чегарани белгилаш осонлашади, улар йўқ бўлса, одатда чегаранинг бошланиш жойи сифатида шу жойга яқин бўлган чорраҳа ва йўл ҳаракатининг огоҳлантирувчи белгилар яхши кўринадиган жойидан белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳодиса жойидаги автотранспорт воситасининг айрим қисмлари йўқ бўлса (фаралари, эмблемаси, ён томонидаги ойналари ва бошқалар) йўлнинг ҳаракатланувчи қисмининг атрофлари ҳам кўздан кечирилиши керак.

Йўлнинг муайян қисмини автотранспорт воситалари қатнови учун очиш лозим бўлган ҳолларда айнан шу қисмини биринчи навбатда кўздан кечириш керак.

Амалиётда эса, одатда кўздан кечириш кўпинча ҳодиса марказидан (жабрланувчи уриб юборилган жой, тўқнашув жойидан) бошланиб, ҳаракатнинг қарама-қарши томонига қарата давом эттирилади.

Тўқнашувда бир транспорт воситасининг ўз йўналишидан чап томонга, яъни қарама-қарши ҳаракат йўлига чиқиб кетганлиги аниқ кўриниб турган бўлса, кўздан кечиришни шу транспорт воситасининг излари жойлашган ердан бошлаш лозим.

Агарда ҳайдовчи автотранспорт воситасида ҳодиса жойидан қочиб кетган ёки бошқа бир сабаб билан кетиб қолган бўлса, кўздан кечиришни бир вақтнинг ўзида марказдан ва ЙХХ ходимлари ёрдамида шу автотранспорт воситасининг ҳодиса жойидан чиқиб кетиши йўналишидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Кўздан кечириш давомида ҳодиса жойидаги ҳар бир ҳолат ва нарсалар синчковлик билан текширилиши ва улардаги барча белгилар баённомала тўла қайд этилиши шарт.

Йўлнинг ҳодиса содир бўлган қисмини кўздан кечириш

Ҳодиса содир бўлган жойдаги йўл ва кўчанинг қисмларини кўздан кечиришда терговчи автотраспорт ҳодисасининг характери, унинг оқибатлари, сабаблари ва ҳодиса содир бўлишига имкон берган шарт-шариотларга баҳо бериш мумкин бўладиган излар ва ашёвий далилларга, шунингдек, ҳодиса рўй берган йўлнинг аҳволига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Энг аввало, йўлнинг қисми ва унга яқин жойлар умумий кўздан кечирилиши керак. Кўзга ташланмайдиган излар ва ашёвий далилларга байроқча ва шунга ўхшаш нарсалар билан белги қўйиб чиқилиши лозим. Айни пайтда ҳодиса жойининг умумий аҳволи фотосуратга олиниши ёки видеотасвирга туширилиши мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг терговчи шу жойдаги ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни атрофлича кўздан кечириши зарур. Биринчи навбатда, айтиқса, ҳайдовчи шу жойдан яширинган бўлса, унинг автомашинаси гилдирак излари чуқур текширилиши керак, чунки бунда автомашина айнан қайси томонга қараб кетганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Масалан, гилдиракнинг эркин тебраниши излари автотранспорт воситасининг русуми, унинг алоҳида хусусиятлар (шинадаги ёриқлар ва бошқа белгилар, протектордаги изларнинг йўқлиги ёки яхши босилмасдан қолганлиги) автотранспорт воситасининг йўналиши ва ҳаракат тезлиги ҳақида хулосага келишга имкон беради. Изларнинг кенглиги, шина кўриниши ва протектор расмлари орқали тегишли маълумотлар билан солиштирган ҳолда автомашинанинг русуми, типи ва моделини аниқлаш мумкин.

Тормоз изларининг узунлиги, ботиқлиги ва бошқа белгилари асосида эса автомашинанинг ўзига хос томонлари ва ҳаракат тезлиги аниқланади.

Йўл ёки кўчанинг қисмида қон излари ва бошқа шунга тааллуқли из ва нарсаларнинг топилиши эса автомашина жабрланувчини айнан қайси жойда уриб юборганлиги тўғрисида халоса чиқаришга асос бўлади, чунки кўпинча бундай ҳолда автомашина уриб юборган жабрланувчи шу жойдан анча масофага улоқтириб юборилиши мумкин.

Шунингдек, тўқнашув содир бўлган жой автомашиналардан тўкилган тупроқ ва унинг излари, радиатордан сув ва бензобакдан бензин оққан жойлар, қартердан эса мой оққан жойлар орқали аниқланади.

Кўздан кечиришда, шунингдек, йўл ва кўчанинг ҳамда улардаги ҳаракат шароитларини аниқлаш ва қайд қилиш зарур бўлади. Уларга йўлнинг ҳаракат қисми ва ундаги бир томонлама ҳаракат йўналиши полосалари нима билан қопланганлиги (бетон, асфальт, шағал, қум) ва

аҳволи, қиялиги ва эгрилиги, кюветнинг чуқурлиги ва кенглиги, йўл ҳаракатини тартибга солувчи ва огоҳлантирувчи белгиларнинг мавжудлиги, аҳволи ва улардаги кўрсатувчи белгилар ҳамда амал қилиш масофалари, пиёдалар учун ўтиш йўли, ҳаракатнинг тартибга солиш усуллари, ёритилиш аҳволи, уларнинг ҳодиса айнан содир бўлган жойга нисбатан масофаси, кўринишнинг аҳволи, қатновнинг узлуксизлиги ва об-ҳавонинг аҳволи кабилар киради.

Бу ҳолатларнинг бирортаси қайд этилмаслиги ёки тўла ҳамда тўғри қайд этилмаслиги ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракат қондаси бузилганлиги ҳақида тўғри хулоса чиқарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жасадни кўздан кечириш

Ҳодиса жойидан топилган жасаднинг кўздан кечирилиши ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг муҳим бир қисми бўлиб, унда суд-тиббий экспертнинг қатнашуви шарт ҳисобланади.

Жасадни атрофлича кўздан кечиришда унинг умумий кўриниши, қандай ҳолатда ётганлиги, кийимларининг аҳволи, автотранспорт воситасига, филдиракнинг излари, атрофдаги буюм ва нарсаларга, йўл ва унинг ёнидаги нарсаларга нисбатан жойлашувининг аниқланиши ҳамда тўғри қайд этилиши ҳодисанинг механизмини аниқлаш, унинг айрим ҳолатларини тиклаш ҳамда жасаднинг жойи ўзгарганлигини ойдинлаштириш имконини беради.

Жасаднинг ҳолати, топилган жойи, унинг атрофидаги излар ва ашёвий далиллар асосида автотранспорт воситасининг ҳаракат йўналиши ва айрим ҳолларда автомашинанинг русуми ва бошқа ўзига хосликлари ҳақида хулосага келиш мумкин.

Масалан, ҳодиса жойидан фара синиқлари, судраш излари, қон, йиртилган пойафзал, автомашина қанотларидан тўкилган тупроқ ва бошқаларнинг жасад ёнидан ва яқинидан топилиши уни автомашина юриб кетишида уриб юборганлигини кўрсатади.

Жасадни кўздан кечириш, унинг кийимлари, пойафзали ва танасининг очиқ жойларидан бошланиб, кейин танасининг ёпиқ жойлари кўздан кечирилади.

Кийимларини кўздан кечиришда автомашина протекторининг расмлари ва бошқа қисмлари, мойлаш материаллари излари, бўёқлар, судралиш, металл зарралари, йиртилган жойлари борлигига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Амалиётда қасддан одам ўлдириш ва бошқа оғир жиноятлар содир этилганида жабрланувчининг ўлимига йўл-транспорт ҳодисаси сабаб

бўлгандек қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиш (инсценировка) ҳодисалари учраб туради. Бунда қотиллик қурбони бўлган шахснинг ўлиmidан сўнг унинг жасадига атайин автомашина қисми билан жароҳат етказилади ёки жасадда айрим кийимлари бўлмайди.

Шу сабабли ҳам жасаднинг сифатли кўздан кечирилиши у чиндан ҳам автортранспорт ҳодисасининг қурбони ёки бошқа жиноятнинг қурбони бўлганлигини аниқлашда муҳим ўрин тутати.

Транспорт воситасини кўздан кечириш

Транспорт воситасини кўздан кечириш ҳодисанинг сабаби ва механизмини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган изларни топиш, шунингдек, уларнинг техник ҳолати, жароҳатлари ва моддий зарарни ойдинлаштириш мақсадида ўтказилади.

Бунда фақатгина кўриниб турган излар ва жароҳатларни қайд этиш билан эмас, балки эксплуатация амалиётининг махсус усул ва услубларини қўллаш билан ҳаракат хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи тизим ва механизмларидаги яширин носозликларини аниқлаш учун кўздан кечиришда мутахассис-автотехник, лозим топилган ҳолларда изларни текшириш учун трассолог эксперт, ҳайдовчини ва автохўжаликларнинг автотранспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахсларнинг иштироки мақсадга мувофиқдир.

Автотранспорт воситасини текшириш икки босқичдан, яъни уни ташқи ва техник ҳолатини кўздан кечиришдан иборат бўлади.

Автотранспортни ташқи кўздан кечиришда фақатгина излар ва жароҳатланган жойларига, шу билан бирга, айрим қисмларининг йўқлигига ва ортиқча нарса ва буюмларнинг мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Автотранспортнинг техник ҳолатини кўздан кечиришда, унинг тизим ва агрегатларлари, ҳаракат хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи — бошқариш рули, тормоз тизими, ёритиш ва оғоҳлантирувчи асбоблари, юриш қисмларининг аҳволига эътибор қаратилмоғи лозим.

Автотранспорт воситасининг техник ҳолатига баҳо бериш йўл ҳаракати қоидалари, техник эксплуатация қоидалари ва айрим транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича техник йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Кўздан кечириш натижалари баённомада қайд этилиши билан бирга, унга ҳодиса содир бўлган жойнинг масштабли схемаси илова қилиниши зарур ҳисобланади.

Гумонланувчи ҳайдовчиларни ушлаш ва гувоҳлантириш

Автотранспорт ҳодисаларини муваффақиятли тергов қилиш учун ҳодиса содир этилишига алоқадор бўлган ҳайдовчиларни ушлаш ва гувоҳлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. ЖПКнинг 221-моддасига асосан ҳайдовчи қуйидаги ҳолатларда ушланиши мумкин:

а) агарда ҳайдовчи ҳодиса жойида бевосита жиноят содир этишда ёки у содир этилганидан сўнг ушланган бўлса;

б) агарда жиноят содир этилишининг гувоҳи бўлган шахс ёки жабрланувчи унинг ўзини, исм-шарифини ва автомашинаси русуми ҳамда рақамини кўрсатиб турган бўлса;

в) агарда транспорт воситасида жиноятнинг яққол излари кўриниб турган бўлса (қон, сочлар ва бошқалар) ёки ҳодисага шу автотранспорт воситасининг алоқадорлигини кўрсатувчи (масалан, протекторнинг ўзига хос белгилари олинган излар билан тўғри келиши) бошқа маълумотлар мавжуд бўлса;

г) агарда ҳайдовчи ҳодиса жойидан қочмоқчи бўлса ёки унинг шахси аниқланмаган бўлса.

Ҳайдовчини ушлашнинг тактик усули бошқа тоифадаги жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчини ушлашдан фақат бир жиҳатини, яъни ҳайдовчи автотранспорт воситасида қочиб кетганида, уни тезда ушлашга қаратилган таъқиб қилишни назарга олмаганда деярли фарқ қилмайди. Бундай ҳолатда таъқиб одатда йўл-ҳаракат хизмати инспекторлари, айрим ҳолларда эса бевосита терговчи томонидан, рация ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиб, ЙХХ инспекторлари, постлар ва назорат-текшириш пунктларига тегишли топшириқлар бериш билан амалга оширилади.

Бунда шуни инобатга олиш керакки, ҳайдовчини ушлаш, айниқса, у маст ҳолда бўлса ёки бошқа бир оғир жиноят содир этиб, қочиб юрган бўлса катта хавф туғдиради, чунки у автомашинада катта тезликда ҳаракатланади ва имкони борича ўз ихтиёри билан тўхтамасликка ҳаракат қилади, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида таъқиб этувчига қарата автомашинасини бошқариб юбориши мумкин. Шу сабабли ҳам таъқиб тажрибали ЙХХ инспекторларидан иборат бўлган гуруҳлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлади.

Ушланган ҳайдовчилар дарҳол унинг аҳволи, мастлиги, касаллиги ва чарчаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилиб, гувоҳлантирилмоғи зарур, чунки бу ҳолатлар унинг жиноят содир этилишига нима сабабчи бўлганлигини аниқлашдан ташқари, содир этган жинояти учун жазо тайинланишида суд томонидан ҳам назарга олинади.

Ҳайдовчининг мастлиги одатда ЙХХ инспекторлари томонидан махсус мосламалар орқали аниқланади, агарда унда мастлик аломатлари

кўринса ёки бу масалани тўла аниқлаш имкони бўлмаса, тегишли тиббий муассасага қони ва сийдиги таҳлилларда аниқлаш учун юборилади.

Ҳайдовчи, жабрланувчи ва ҳодиса гувоҳларини дастлабки сўроқ қилиш

Ҳодиса содир бўлиши ҳолатлари ҳақида қимматли маълумотларни ўз вақтида ўтказилган сўроқлар натижасида олиш мумкин.

Агарда гувоҳ, жабрланувчи ва ҳайдовчи ҳодиса содир бўлган жойда бўлса, имкон даражасида уларни шу ернинг ўзида сўроқ қилиш самарали бўлади, чунки улар бевосита ҳодиса жойида хотиралари янги пайти ўзига маълум ҳолатларни аниқ, тўғри ва тўла баён қилишлари мумкин ҳамда кўргазмалари билан боғлиқ ҳолатларни шу жойнинг ўзида кўрсатиб бериш имконига ҳам эга бўладилар.

Агарда ҳайдовчи ҳодиса жойидан қочиб кетган бўлса, гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда имкон даражасида автомашинанинг барча ўзига хос белгиларини (русуми, модели, давлат рақами, ранги, умумий аҳволи, қўшимча мосламалари ва ёритиш асбоблари, моторининг товуши, ичидаги йўловчилар сони ва бошқаларни) аниқлаш чораларини кўриши керак.

Одатда бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб, пиёда йўловчилар, бошқа автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари, йўловчилар, шу жойга яқин жойлашган уйларда яшовчи ва савдо нуқталарида ишловчилар, шунингдек, постда турган ички ишлар ходимлари бўлиши мумкин. Терговчи уларни сўроқ қилиш жараёнида, дастлабки суҳбат орқали ҳодисани айнан ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни аниқлаш ва биринчи навбатда сўроқ қилиш чораларини кўрмоғи зарур.

Шу билан бирга терговчи ҳайдовчининг таниши, йўловчиси ва қариндоши бўлган гувоҳларнинг берган кўргазмаларига баҳо беришида танқидий кўз билан қараши лозим бўлади, чунки уларнинг атайин ҳодиса ҳолатини аслидан бошқача тарзда баён қилиш эҳтимоли каттадир.

Жабрланувчини сўроқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак, чунки ҳодиса ҳолатини унданда яхши биладиган киши бўлмайди, шу сабабли ҳам у пухта режалаштирилган ҳолда ҳодиса билан ҳар бир ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида атрофлича ва синчковлик билан сўроқ қилиниши керак.

Ҳайдовчи одатда гувоҳ ёки гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилинади, бунда гумонланувчини сўроқ қилиш анчагина мураккаб

ҳисобланади, чунки у терговчига қараганда автотранспорт билан боғлиқ ҳолатларни яхшироқ билиши мумкин, шу сабабли ҳам уни сўроқ қилишда аввало ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини, айниқса, автотранспорт воситасини кўздан кечириш қисмини ўрганиб, чуқур таҳлил қилмоғи керак ҳамда автомашинанинг аҳволи тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши даркор. Бундай сўроқда автотехник-мутахассиснинг иштироки катта самара бериши мумкин.

Ҳайдовчини сўроқ қилишда қуйидагилар аниқланиши зарур бўлади: соғлигининг аҳволи ва сўнгги марта қачон, шу билан бирга нима сабабдан тиббий кўрикдан ўтганлиги, ҳайдовчилик стажи, ҳодиса бўлган кунидаги хронологик тафсилотлар, автомашинанинг гараждан чиқишдаги аҳволи, агарда носоз бўлса, унинг сабаби, автомашина кимнинг рухсати билан автопаркдан чиқарилганлиги, автомашинада кимлар бўлганлиги, йўл аҳволини тўла назорат қилиши учун қандай тўсиқлар бўлганлиги ва бошқалар.

Олиб қўйиш

Автотранспорт ҳодисалари юзасидан жиноят ишлари бўйича терговнинг дастлабки босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатларига ЖПКнинг 163-моддасида кўзда тутилган олиб қўйиш жабрланувчининг кийимлари, транспорт воситасининг алоҳида механизмлари, эҳтиёт қисмлари ва деталлари, ҳужжатларнинг олиб қўйилишида кўринади. Уларга эса ўтказилган кўздан кечириш ва сўроқлар асос бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, йўл варақаси, унинг шахсини тавсифловчи маълумотларни ўзида мужассамлантирган шахсий карточкаси, тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги ва яшаш жойи бўйича юритиладиган поликлиникадаги тиббий ҳужжатлар, илгари йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳужжатлар олиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Жабрланувчининг кийимлари ҳам тезда олиб қўйилиши ва криминалистик-техник воситалар ёрдамида кўздан кечирилмоғи лозим, чунки уларда қон излари, бўёқлар, йиртилган жойлари ва бошқалар мавжуд бўлиши, вақт ва шароит таъсирида ёки қариндошларига бериб юборилиши натижасида улардаги жароҳат, из, хусусият ва белгилар ўзгариши ёки йўқолиши мумкин.

Булардан ташқари, тегишли жойлардан, масалан, автоҳўжаликдан автомашинанинг техник ҳолатини кўрсатувчи барча ҳужжатлар ҳам заруратига қараб олиниши керак.

Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент ўтказиш

ЖПКнинг талабларига мувофиқ, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент ўтказиш ҳодиса содир бўлган жойда воқеанинг ҳолати ва вазиятнинг қандай бўлганлигини текшириш ва гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг сўроқлари натижалари ҳамда кўздан кечириш ва ўтказилган бошқа тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида амалга оширилади. Шунингдек, бунда иш учун аҳамиятли бўлган янги маълумотлар ҳам олиниши мумкин.

Амалиётдан маълумки, одатда автотранспорт ҳодисаларининг тергов қилинишида кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент ўтказиш қуйидаги имкониятларни аниқлаш учун ўтказилади:

1) бирор ҳодиса ёки ҳолатли кузатиш ва қабул қилиш, масалан, ҳайдовчи учун кўриш ва кўриниш шароитини, пиёда йўловчи учун яқинлашиб келаётган автомашинани кўриш ва шовқинини эшитишни, гувоҳнинг эса автомашина пиёдани уриб юборишини кўриши мумкинлигини аниқлаш;

2) қандайдир ҳаракатнинг содир қилиниши, масалан, автомашинани тормоз билан тўхтатиб, тўқнашувнинг олдини олиниши, маълум бир масофанинг меъёрий бир вақт мобайнида йўл шароитидан келиб чиқилган ҳолда автомашинада босиб ўтилиши, муайян йўл шароитида автомашина тезлигининг қанчалик оширилиши, ётган шахс устидан автомашина унга жароҳат етказмасдан босиб ўтиб кетиши мумкинлигини;

3) ҳайдовчининг кўзини қарама-қарши йўналишдаги автомашина чироқларининг қамаштириши, йўлдаги аҳвол автомашинанинг йўналишидан ҳайдовчи ихтиёрисиз чиқиб кетиши ва қияликда турган автомашинанинг ўзидан-ўзи юриб кетиши мумкинлигини;

4) автотранспорт ҳодисасининг алоҳида ҳолатларини (изларнинг пайдо бўлиш жараёнини, уриб юборилиш пайтида жабрланувчи ва автомашинанинг ҳамда тўқнашув пайтида автомашиналарнинг ўзаро жойлашувини), ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқаришдаги маҳоратини, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг муайян масофадан туриб ҳаракатдаги автомашинанинг тезлигини аниқлай олиши мумкинлигини.

Эксперимент ўтказилишида техника хавфсизлиги ва йўл қоидаларига риоя қилиниши керак, шахсларнинг ва ҳаракатнинг хавфсизлигига хавф солувчи техник носоз ёки тўла мосланмаган автотранспорт воситаларида эксперимент ўтказилиши мумкин эмас.

Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент ўтказишдан аввал терговчи уни ўтказишдан мақсадини, тартибини, шароитини, кимлар қатнашишини ва уларнинг бажарадиган ишини аниқ белгилаб олиши, шунингдек, бунда зарур бўладиган турли белгиларни ўзи билан олиши ва хавфсизлик чораларини кўриши лозим.

Бу жараёнларда имкон борида ҳайдовчи ва жабрланувчиларнинг қатнашиши мақсадга мувофиқдир.

Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент ўтказиш натижаларини терговчи иккита нуқтаи назардан баҳолаши мумкин:

а) муайян ҳолат ва шароитда шу ҳодиса ёки ҳолат юз бериши мумкин ёки мумкин эмас;

б) аниқланган ҳолат қай даражада тергов қилинаётган ҳодисага тааллуқлилиги, у ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидабини бузиш фактини тасдиқлаши ёки инкор этиши.

Экспертизалар тайинлаш

Йўл ҳаракати қоидабини ва автотранспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятлари юзасидан кўпинча суд-тиббий, трассологик ва автотехник экспертизалари тайинланади.

Суд-тиббий экспертизаси тайинланишида жабрланувчига етказилган жароҳатнинг вақти, оғирлик даражаси, хусусияти, пайдо бўлиш механизми, ўлим сабаблари ва вақти, ҳодиса пайтида унинг қандай ҳолатда (ётган, турган, ўтирган ва ҳоказолар) бўлганлиги, шу ҳодиса содир бўлишига таъсир қилиши мумкин бўлган жисмоний нуқсони ёки касаллигининг мавжудлигини аниқлаш мақсад қилиб қўйилади.

Автотехник экспертиза транспорт воситаси ва унинг айрим қисмларининг техник ҳолати, носозлик характери ва унинг юзага келиш вақти ҳамда сабаблари, автотранспорт воситасининг агрегатлари ва механизмларининг иш режими ўзидан-ўзи ўзгариб қолиши мумкинлиги ва унинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири, автотранспорт воситасининг носозлигини оддий текширишда аниқлаш мумкинлиги, ҳодиса билан носозликлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, ҳодиса арафасида ва пайтида автотранспортнинг ҳаракат тезлиги, муайян йўл ва об-ҳаво шароитида ҳайдовчи автотранспорт воситасини тўхтатиш ёки маневр қилиш билан ҳодисанинг олдини олиш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, «Йўл ҳаракати қоидалари» ва «Автотранспортдан техник фойдаланиш қоидалари»нинг ҳайдовчи томонидан бузилганлиги ёки бузилмаганлиги тўғрисида зарур маълумотларни олиш мақсадида тайинланади.

Трассологик экспертиза

Трассологик экспертиза объектларнинг излари бўйича ўзига хос аломатларини ташқи кўринишининг ўхшашлиги, автотранспорт воситасининг ҳодиса арафасида ва ҳодиса пайтида йўлнинг қатнов қисмидаги вазияти, унинг ҳаракати йўналиши, излар пайдо бўлишининг механизми ва бошқаларни аниқлаш мақсадида тайинланади. Унинг объекти бўлиб, транспорт излари бўлган турли нарсалар, шина излари протектори ёки қўйма шаклида олингани ва уларнинг масштабли фотосурати, транспортнинг алоҳида қисмлари, транспорт воситасидаги излар ҳисобланади.

Айбланувчини сўроқ қилиш

Айбланувчини муваффақиятли сўроқ қилиш жиноят иши бўйича тўпланган далилларнинг тўлалигига, терговчининг улардан оқилона фойдалана олишига ва сўроқ қилишга атрофлича тайёргарлик кўрганлигига боғлиқ бўлади. Айбланувчи техник масалаларни яхши тушунадиган ва жиноят иши тақдирдан манфаатдор бўлган шахс сифатида, кўпинча ўзининг ҳақиқий ҳолатини тўғри баён қилган кўргазмасига зид равишда, ҳодиса сабаби тўғрисида ҳақиқатга яқин бўлган ва ўзи учун қулай бўлган гумонларни тўқиб чиқаради.

Шунинг учун ҳам терговчи уни сўроқ қилишга жиддий тайёrlаниши, бунда махсус техник адабиётларни ўрганиши ва бу масалаларни яхши билувчи мутахассислар маслаҳатини олиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса терговчига сўроқ жараёнида аниқланиши лозим бўлган масалаларни тўғри қўйиш ва айбланувчининг важлари асоссизлиги ҳамда кўргазмалари ёлғон эканлигини фош этишида ёрдам беради.

Агарда ҳодисанинг сабаби транспорт воситасининг яширин кўринишдаги дефекти сифатидаги техник носозлиги бўлса, сўроқда иштирок этиш учун автотехник экспертни ёки транспортдан фойдаланиш бўйича муҳандисни таклиф этиш зарур.

Айбланувчи ўз айбига икромлик билдирмаган ҳолатларда унга айбдорлигини исботловчи далиллар кўрсатилиши керак. Аммо, унга ҳодиса ҳолати тўғрисида билдиришдан олдин уни олдинги кўрсатмаларини рад этувчи мавжуд далиллар билан таништириш зарур, чунки барча ҳолат ўзига маълум бўлган ноҳолис айбланувчи улардан иш ҳолатини чалкаштириш ҳамда терговни чалғитиш мақсадида фойдаланиши мумкин.

Айбланувчининг кўргазмасига баҳо беришда унинг шахсига оид маълумотларни, жумладан, реакциясининг тезлигини, диққат-этибо-

рининг барқарорлигини, табиатининг етуклигини ва шахсий интизомини ҳисобга олиш керак.

Терговчи бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиши давомида, бундай жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратувчи шарт-шароитларни ҳам атрофлича ўрганиши ва тергов натижаси юзасидан уларни бартараф этишга қаратилган тақдимномалар киритмоғи лозим. Бунда эса, мазкур тоифадаги жиноятлар содир бўлишига кўпинча, ҳайдовчилар томонидан йўл, автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва йўловчиларни ташиш қоидаларининг бузилиши, йўловчилар томонидан йўл қоидаларининг бузилиши, енгил транспорт воситалари (велосипед, мотоцикл, мопед) ҳайдовчилари ва йўловчилар томонидан транспортдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, автокорхоналарда транспортдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, автотранспорт воситаларининг сифатсиз таъмирланиши ва рейсга носоз транспорт воситасининг чиқарилиши, автйўлларнинг ёмон аҳволдалиги, йўлларни таъмирлаш қоидаларининг бузилиши сабаб бўлишига алоҳида эътибор қаратмоғи керак.

8-§. ТЕМИР ЙЎЛ ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИ ҲОДИСАЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Темир йўл транспорти

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик жамияти раиси буйруғи билан тасдиқланган «Поезд ва маневр ишларида ҳаракат хавфсизлигини бузишларни квалификация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом (кўрсатма, буйруқ)га мувофиқ, махсус текширув талаб қиладиган поезд ҳаракатлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ҳодисанинг жиддийлик даражаси бўйича қуйидаги уч турга бўлинади:

Тўқнашув: а) келиб чиққан оқибатларининг ҳажмидан қатъи назар пассажир поездларнинг ағдарилиши ва бошқа поезд ёки ҳаракатдаги состав билан тўқнашуви; б) юк поездларининг юк поездлари ва ҳаракатдаги состав билан перегонлар ва станциялардаги барча тўқнашувлар, ҳаракатланувчи составнинг маневрда, жиҳозлашда (экипировка), депо йўлларида ва бошқа ҳаракатларда ағдарилиши ва тўқнашуви, агарда буларнинг натижасида; кишилар қурбон (ўлганлар ва жароҳатланганлар) бўлсалар ёки локомотив ва вагонларнинг заводда таъмирланишига ёки жиҳоздан чиқарилишига, ёхуд жиддий бузилишларга ва поездлар қатновининг бир соат ёки ундан кўп муддатга тўхтаб қолишига олиб келса.

Ҳалокат: юк поездларининг юк поездлари ва ҳаракатдаги состав билан перегонлар ва станциялардаги тўқнашувлар, юк поездларидаги ҳаракатланувчи составнинг перегон ва станцияларда ағдарилиши, ҳаракатланувчи составнинг маневрда, депо йўлларида жиҳозлашда (экипировка) ва бошқа ҳаракатлардаги ағдарилиши ва тўқнашуви, агарда буларнинг натижасида; 1-бандда кўрсатилган оқибатларга олиб келмаган бўлса, аммо уларнинг натижасида ҳаракатланувчи составга жароҳат (локомотивлар учун кўтарма таъмирланиш, вагонлар учун депо таъмирланиши) етказилган бўлса.

Махсус ҳисобдаги яроқсизликлар: банд бўлган йўлга поездни қабул қилиш; банд бўлган перегонга поездни жўнатиш; тайёр бўлмаган маршрутга поездни қабул қилиш ва жўнатиш; тақиқловчи сигнал ва охириги столбикдан ўтиб кетиш; стрелкани поезд остига ўтказиш; вагонларнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш маршрути ҳамда перегонга кетиб қолиши; ҳаракат йўлида юкларнинг тўкилиб қолиши;

асос бўйни ва бандажнинг синиши; автотранспортлар, ўзи юрар транспорт ва бошқа машиналар, йўл вагончалари, уй ҳайвонлари ва бегона нарсаларни уриб юборилиши; ҳаракатланувчи составнинг афдарилиши ва тўқнашуви, темир йўлда ҳаракатни бир соатдан кўп муддатга тўла тўхташига олиб келган ҳаракатни тартибга солувчи механизмларнинг носозлиги ва ишдан чиқиши; пассажир поездда алмаштирилишга сабаб бўлувчи локомотивнинг бузилиши; ишларни амалга оширишда ҳаракатнинг бир соатдан кўп муддатга тўхтаб қолишига олиб келган поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган участкани огоҳлантирувчи белгилар билан ўраб қўйилмаганлиги.

Юқорида қайд этилган барча ҳодисалар юзасидан идоравий (хизмат) текшируви ўтказилиши шарт.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қўшма кўрсатмаси (буйруғи, йўриқнома, низом)га кўра, тўқнашув ва ҳалокатлар юзасидан идоравий (хизмат) текширувини темир йўллар бошлиғи, ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўл ревизори ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўл бўлинмаси ревизори томонидан прокуратура органининг ходими иштирокида ўтказилади. Бу ҳақида юқорида қайд этилган шахслар томонидан ҳодиса содир бўлганидан сўнг 48 соат ичида акт (хулоса) тузилади ва имзоланади.

Идоравий (хизмат) текширувда иштирок этувчи прокурор қуйидагиларнинг аниқланишига эътибор қаратиши лозим:

- а) содир бўлган тўқнашув (ҳалокат) ҳолатлари;
- б) тўқнашув (ҳалокат) сабаблари;
- в) тўқнашув (ҳалокат) оқибатлари;
- г) тўқнашув (ҳалокат) содир бўлишида айбдор шахс (шахслар) ва улардан ҳар бирининг аниқ айби;
- д) ходимнинг айби билан тўқнашув (ҳалокат) содир бўлган ҳўжалик қисми ишида ташкилий-техник ва бошқа камчиликлар;
- е) ишида камчиликка йўл қўйган бошлиқлар ва масъул шахслар.

Барча тўқнашув (ҳалокат)ларда аниқланиши шарт: аниқ вақти ва жойи, ҳаракатда бўлган локомотивларнинг рақамлари, машинист ва ёрдамчиларининг исми-шарифи, поезднинг категорияси ва рақами, асосининг сони ва оғирлиги, бош кондукторнинг исми-шарифи. Шунингдек, тўқнашув (ҳалокат)нинг оқибатларини кенгроқ ёритилиши учун ўлганлар, оғир ва енгил жароҳат олганларнинг сони, ҳаракатланувчи состав сони, ҳисобдан чиқариладиган инвентарлар, йўл ҳаракатининг тўла ва қисман тўхтаб қолиш муддати ойдинлаштирилиши зарур.

Идоравий (хизмат) текшируви акти уч қисмдан иборат бўлади: Биринчисида, тўқнашув (ҳалокат) ҳолати ва унга алоқадар шахсларнинг ҳаракати баён қилинади. Иккинчисида, назорат маълумотлари шу

қисмдаги барча масалалар юзасидан савол ва унга жавоблар шаклидан иборат бўлиши керак. Учинчисида, уни ўтказган шахсларнинг хулосаси бўлиб, бунда ҳодисанинг сабаблари ва алоҳида шахсларнинг ҳаракатлари кенг ёритилиши керак.

«Ўзбекистон Темир йўллари» ДАЖнинг кўрсатмасига асосан ҳар бир тўқнашув (ҳалокат) юзасидан у содир этилганидан 15 кун ичида тўла текшириб бўлиниши шарт. Шу муносабат билан темир йўл бошлиқлари ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўл ревизорлари «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖнинг ҳаракат хавфсизлиги бўйича бош ревизорига идоровий (хизмат) текширувининг барча материалларини юбормоғи шарт.

Мазкур материалларда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- 1) идоровий (хизмат) текшируви акти;
- 2) ҳаракат хавфсизлиги бўйича йўл ревизорининг тўқнашув (ҳалокат) сабаблари ҳақидаги техник хулосаси;
- 3) агар вагонларга жароҳат етказилган бўлса, барча реквизитлари тўлдирилган ҳолда ВУ-25 шаклидаги техник актлар;
- 4) таъмирлаш тури кўрсатилган ҳолда локомотив жароҳатлари ҳақида акт;
- 5) йўл ва тўқнашув (ҳалокат) натижасида пайдо бўлган жароҳатларни кўздан кечириш, шунингдек, содир бўлган бузилиш, синиш, жароҳат ва бошқаларнинг бартарф этилиши учун амалга оширилган ишлар ва уларнинг баҳоси ҳақида акт;
- 6) тўқнашув (ҳалокат) содир бўлган участкада поездлар ҳаракати жадвали бажарилиши ксеронусхаси, поездларнинг тўхтаб туриши ҳақидаги темир йўл ҳаракати бўлими бошлиғи муҳри билан тасдиқланган маълумотлар;
- 7) асли қаерда сақланаётганлиги кўрсатилган ҳолда тезликни ўлчовчи ленталарнинг шарҳи;
- 8) автотормоз ҳақида маълумот;
- 9) тўқнашув (ҳалокат)ни текшириш натижалари бўйича тезкор мажлис баённомаси ва темир йўл бошлиғи буйруғи;
- 10) ҳодисага алоқадор шахсларнинг тушунтириш хатлари ва уларга нисбатан тавсифномалар;
- 11) тўқнашув (ҳалокат)нинг сабабларини аниқланишининг тўғрилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, тўқнашув (ҳалокат) жойининг, йўлнинг бузилган жойини, ҳаракатланувчи составнинг ва бошқаларнинг фотосурати.

Таъкидлаш жоизки, бундай ҳодисалар юзасидан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, дастлабки барча ҳужжатларнинг асли тергов органларига ўтказилади.

Ҳаво флоти

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Давлат акциядорлик жамияти томонидан амалга киритилган «Ҳаво флотида учиш ҳодисаларини турлари ва фуқаролик авиациясида унга сабаб бўлувчи омилларни текшириш тартиби тўғрисида»ги Низомда учиш ҳодисалари қуйидаги турлари белгиланган: 1. Фалокат. 2. Ҳалокат.3. Бузилиш.

Фалокат бўлиб, самолётнинг синиши ёки парчаланишида экипаж аъзолари ва пассажирлар ўлимига олиб келган, шунингдек, учиш ҳодисасидан сўнг 10 кун ичида унинг натижасида олган жароҳати сабабли кишиларнинг ўлими юз бериши ҳодисаси ҳисобланади. Шунингдек, фалокатга самолётнинг бортидаги кишилар билан бирга бедарак йўқолиб, уни қидириш тўхтатилган ҳолатлар ҳам киради.

Ҳалокат бўлиб, экипаж ва пассажирларнинг ўлимига олиб келмаган самолётнинг тўла парчаланиши, шунингдек, самолётнинг тиклаш мумкин бўлмайдиган ва тиклаш мақсадга мувофиқ бўлмайдиган даражада синишига олиб келган учиш ҳодисаси ҳисобланади.

Бузилишлар бўлиб, самолёт олган жароҳатлар таъмирлаш билан бартараф қилиниши мумкин бўлган ёки таъмирлаш мумкин бўлмаган ва янгиси билан алмаштирилишига олиб келган учиш ҳодисалари ҳисобланади.

Низомга кўра, самолётнинг бортида бўлган кишиларни қутқариш шароитида, имкониятсизлик натижасида зарарсиз мажбурий қўниши ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли эвакуация қилиш (самолётнинг сувга, ботқоқлика, тоққа, ўрмонга қўниши)дан самолётнинг йўқотилиши бузилиш ҳисобланмайди. Бундай ҳолатлар **фавқулодда ҳодиса** ҳисобланади.

Учиш ҳодисалари юзасидан идоравий (хизмат) текшируви дарҳол бошланиши керак ва унинг сабаблари ҳар томонлама ўрганилган ҳамда тўла оидинлаштирилган, шу ҳодисага айбдор шахслар аниқланган ва шундай ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганидан сўнггина тугалланган ҳисобланади. Агарда идоравий (хизмат) текширувида ҳодисанинг ҳақиқий сабаблари очилмаган бўлса, қайта текшириш тайинланади.

Бундай ҳодисалар юзасидан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, дастлабки барча ҳужжатларнинг асли ҳудудий прокурорга ўтказилади.

Фалокат, ҳалокат ва самолётнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан ўтказилган идоравий (хизмат) текшируви юзасидан белгиланган тартибда текширув акти тузилади.

Бу актга қуйидагилар илова қилинади:

- а) техник акти;
- б) тиббий карточка;

г) самолёт (вертолёт) билан ҳодисада жароҳатланган пассажирларнинг рўйхати;

д) учувчи учун об-ҳаво бюллетени;

е) яқин масофада жойлашган метеостанция кузатуви бўйича ҳақиқий об-ҳаво шароити ҳақида маълумот ва бошқа зарур маълумотлар.

Темирйўл транспорти ҳодисаси ва учиш ҳодисаси юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни ва транспортни кўздан кечиришнинг айрим усул ва услубиятлари

Фалокат ва ҳалокатлар жойининг малакали кўздан кечириш мутахассислар иштирокида ҳамда тегишли бўлган ўлчаш асбоблари ва махсус ускуналар мавжуд бўлган тақдирдагина таъминланиши мумкин. Ҳалокат ва фалокат содир бўлган жойга ҳамиша махсус тиклаш поезди юборилади ва ундаги махсус шкафта муҳрланган ҳолда ўлчов асбоб-ускуналарининг тўла комплекти мавжуд бўлади.

Ҳодиса жойида ўша жойдаги мутахассис ва ходимларнинг ўлчов асбоб ва ускуналаридан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Малакали кўздан кечиришни таъминланиши мақсадида уни ўтказиш учун бир қатор услубий тавсиялар қўллаш лозим бўлади.

1. Ҳодиса содир бўлган жойга етиб келиш биланок умумий тушунчага эга бўлиш учун аҳвол билан танишиб чиқиш керак.

Бунда мутахассис иштирокида тегишли тушунтиришлар бериб бориши лозим. Танишиб чиқиш давомида ҳодисадан сўнг кўздан кечиришга қадар ўтган вақт мобайнида тиклаш ва бошқа мақсадларда айнан нималар, нима мақсадда ва қандай тартибда, кимнинг рухсати, топшириғи асосида, кимлар томонидан, қандай ёрдамчи мосламалар қўлланилган ҳолда ўзгарганлиги ёки ўзгартирилганлиги аниқланиши зарур ҳамда бу масалалар юзасидан шу жараёнларга раҳбарлик қилган масъул шахснинг тушунтириши махсус актда қайд этилиши керак.

Шундан сўнг терговчи ёки процессуал ҳаракатни амалга оширувчи прокурор ҳодисанинг аниқ ёки ҳақиқатга яқин бўлган сабабларини аниқлаб, йўлни, ҳаракатланувчи составни ва шу кабиларни синчковлик билан кўздан кечиришга ва қайд этишга киришиши лозим.

Ҳодисанинг қандай характерда бўлишидан қатъи назар дарҳол қуйидагилар кўздан кечирилиши керак:

а) ишлатилганлиги ва қизиш аҳволини аниқлаш учун тўхтатиш колодкалари;

б) рельсдан чиқиб кетган локомотивни бошқариш асбоблари;

в) локомотив ва вагонларнинг стопкранлари ва пастки кранлари;

г) йўлнинг тиклаш ишлари олиб борилаётган қисмлари (чунки тиклаш давомида вазият ва ҳолат тез ўзгариши мумкин);

д) қатновни тартибга солувчи огоҳлантирувчи ва кўрсатувчи махсус мосламалар.

2. Локомотив (электровоз, тепловоз, паровоз)ни кўздан кечириш қуйидаги саволларга ойдинлик киритиши керак:

а) сигналлар билан жиҳозланганлиги ва уларнинг аҳволи;

б) прожекторнинг аҳволи ва унинг олдиндаги йўлни ёритишга қодирлиги;

в) ҳуштакнинг яроқлилиги;

г) тўхтатиш ускуналари ва бошқариш асбобларининг ҳолати ва аҳволи;

д) машинистларнинг йўл, сигнал, белгиларни кўришини ва эши-тишини қийинлаштирувчи носозликлар мавжудлиги;

е) поезд ҳаракатининг тезлиги;

ж) юриш қисмларининг аҳволи.

3. Рельсдан биринчи бўлиб чиқиб кетган вагонлар биринчи навбатда, иккинчи навбатда эса бош вагон кўздан кечирилиши ҳамда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши керак:

а) колесоларнинг жуфтликларига;

б) тўхтатиш мосламаларига;

в) тортиш занжирлари ва зарбланувчи асбоблар.

4. Колесолар жуфтлигини кўздан кечиришда эски ёриқ ва синиқ жойлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

5. Синган асосни кўздан кечиришда аниқланиши керак: а) подшипник, букс, мойлаш ва бошқаларнинг аҳволи; б) букс бармоқлари ва рессорларнинг аҳволи; в) вагоннинг қўтариш кучига асос, бўйин мувофиқлиги ва уларнинг ҳажми; г) юк оғирлигидан келиб чиқилган ҳолда асосга тушган оғирлик ва унинг вагонлар бўйича тақсимланиши; д) асосга, уни тайёрловчи томонидан қўйилган белгилар.

6. Синган ёки ёрилган бандажни кўздан кечириш ҳалокатга ёрилиш сабаб бўлганми ёки унинг оқибатими деган саволга жавоб беради.

Занжирли, тягали ва зарбли ускуналарни кўздан кечиришда уларнинг носозлигини аломатлар мавжудлигига эътибор қаратилмоғи керак ҳамда деталлардаги ёриқлар ва бошқа носозликлар фотосуратга олинishi шарт.

7. Тўқнашувларни тергов қилишда тележкалар, рессор кронштейнлари, колесо, кузов, цестерналар аҳволини атрофлича кўздан кечириш ва қайд қилиш катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам уларда бирор носозлик ёки жароҳат аниқланган тақдирда рақами, йўл номланиши, қаердан чиқиб қаерга бораётганлиги, қачон ва қандай турдаги таъмирдан чиққанлиги аниқ қайд этилиши керак.

8. Кўздан кечиришда поезд қандай сигналлаштирилганлигига, юк тўғри юкланганлигига ва юк тўғри тиркалганлигига эътибор қаратилиши лозим.

9. Туқнашувда тўхтатиш мосламалари ва ускуналари сифатли кўздан кечирилмоғи зарур. Бунда қуйидаги масалалар ҳал этилиши учун маълумотларга эга бўлинади:

а) локомотив ёки кондукторлар бригадалари поездни ўз вақтида тўхтатиб туқнашув ёки ҳалокатнинг олдини олиш ва унинг оқибати зарарини камайтириш имконига эга эдими?

б) машинист (ёки кондукторлар бригадаси) ишга солган стоп-краннинг иш натижаси қачон, қандай бўлган, нима сабабдан у етарли даражада ҳаракат қилмаган?

10. Локомотив светофорлари, автостоплар, уларнинг ҳаракати тўғрилигини аниқлаш учун кўздан кечирилади.

Бунда кўздан кечирилиши керак:

а) механик ва бошқа кранларнинг дастаси ва уларнинг ҳолати; б) автотормоз йўлига ҳаво ҳайдовчи насос қандай босимда юриш регуляторини тартибга солган;

в) қумдонлар;

г) ҳаво манометри (у шундан сўнг олиниши, маҳкам ёпиб, ўралиши ва экспертизага юборилиши керак).

11. Йўлнинг ҳодиса содир бўлган, унча ва ундан сўнгги жойлари (камида 500 метрдан) кўздан кечирилиши керак. Энг аввало бузилган жой кўздан кечирилиши лозим ва унда текширилиши керак:

а) рельсларнинг бош қисми ички қирралари ўртасидаги йўл кенглиги;

б) рельсларнинг техник эксплуатация қилиш қоидаларига мувофиқ равишда жойлашганлиги;

в) рельслар, мустаҳкамлагичлар, шпал, балласт, шунингдек, тупроқ дамбаси ва сунъий қурилмаларнинг аҳволи.

12. Сигнал берувчи, марказлаштирувчи ва ажратувчи мосламаларнинг кўздан кечиришда аниқланиши керак:

а) поезд ҳаракатланаётганида қандай сигналлар берилган;

б) мосламаларнинг техник эксплуатация қоидалари талабларига жавоб бериши;

в) ҳалокатга учраган поезд юрган пайтида мосламалардан тўғри фойдаланилганлиги.

Учиш ҳодисалари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Терговчи ҳодиса содир бўлган жойга етиб келгач, кўздан кечиришни бошлашдан олдин аввало самолёт экипажи аъзолари ва пассажирларни топиши ҳамда шахсини аниқлаши, шундан сўнг эса, уларнинг саломатлик аҳволи йўл қўядиган бўлса, улардан ҳодиса ҳолатини аниқлаши керак. Агарда учиш ҳодисаси аэродромда содир бўлган бўлса, учиш раҳбари ёки учиш бўйича навбатчи ва аэродромда навбатчилиқни амалга оширган бошқа масъул ва мансабдор шахсларни, шунингдек, ҳодиса гувоҳларини қисқача сўраши керак. Бу сўровлар имкон даражасида овоз ёзиш ва тасвирга тушириш аудиовидео аппаратларда қайд этилиши лозим.

Шундан сўнг мутахассис иштирокида умумий аҳвол билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўрнатилган тартибга кўра, учиш ҳодисасидан сўнг, дарҳол махсус идоравий комиссия ҳодиса жойига етиб келиб, ҳодиса юзасидан хизмат (идоравий) текшириш ўтказишга киришади. Бу текширув ўтказилишидан қатъи назар, терговчи мутахассислар иштирокида ва ҳолислар қатнашувида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиради.

Авиация фалокатини кўздан кечириш:

а) самолётни ерга қўниши ёки қулаб тушиш жойини ва унинг атрофларини кўздан кечириш;

б) экипаж аъзолари ва пассажирларнинг жасадларини кўздан кечириш;

в) самолёт қисмларидаги жароҳатларни кўздан кечиришдан иборат бўлади.

Самолёт қулаб тушган (қўнган) жойни ва унинг атрофини кўздан кечириш

Авиация фалокатида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос томони бўлиб, кўздан кечирилиши лозим бўлган ҳудуднинг катталиги ҳисобланади. Чунки, авиация фалокати вақтида самолёт(вертолёт)нинг алоҳида қисмлари анча катта масофага учиб кетади ва ерга тушади. Уларнинг жойлашуви ва турлари кўпинча авиафалокатнинг сабабларини аниқланишига ёрдам беради ва шу сабабли кўздан кечиришда унинг сочилиб кетиб, ерга тушган қисмларини топиш муҳим ҳисобланади.

Самолёт қулаб тушган (қўнган) жойни ва унинг атрофини кўздан кечириш ўзига хосликларга эга бўлиб, қуйидагилар:

- а) самолёт аэродромдан учиш пайтида;
- б) унинг қўнишида;
- в) учиш пайтида содир бўлганлиги аниқланади.

Терговчи самолёт қулаб тушган жойга етиб келиб, дастлаб самолёт ва жасадларни, шундан сўнг кўтарилиш ва учиш чизиғи йўналиши бўйича учиш-қўниш қаторлари ва унга туташган ҳудудларни кўздан кечириши тавсия этилади. Бу ҳақда баённома тузишда аниқланган ва топилган нарсалар ва изларни тавсифлашни кўтарилиш чизиғи ёки тасаввурдаги учиш чизиғи ёки энг яхшиси муайян ҳаракатсиз белгилар (ориентир) билан боғлаш лозим.

Кўтарилиш-учиш қатори (полоса)ни кўздан кечиришда нималарга эътибор қаратилмоғи керак?

Энг аввало, грунтнинг (бетон, қаттиқ ёки юмшоқ грунт, бостирилган қор, чимли қоплама, нотеисликлар, чуқурликлар, грунт ювилиб кетилмаганми ва бошқалар) табиати ва сифатига.

Самолётнинг ердан узилиш нуқтаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу сабабли уни қолган излар орқали излаб топиш керак. Кўтарилиш чизиғи бўйича дарахтлар, электр узатиш симлари, алоқа симлари, антенналар, деворлар ва бошқалар.

Баённомада тўсиқларнинг аэродром юзасидан баланлиги албатта қайд этилиши керак. Агарда уларда излар мавжуд бўлса, уларни синчковлик билан баён қилиниб, қайд этилиши ва имкони бўлса, излар ашёвий далил сифатида олинмоғи зарур. Агарда тўсиқ (хашак ёки сомон уюми, тутун чиқадиған труба) вайрон қилинган бўлса, зарба теккан жойни, тўсиқ қайси томонга йиқилганлигини ва улар қанчалик узоққа чўзилганлигини аниқлаш чоралари кўрилиши керак

Қўниш (қулаб тушиш) жойида самолёт қисмларининг биринчи ерга тегишидан унинг тўла тўхтаганигача бўлган изларни топиш ва қайд қилиш керак. Излар синчковлик билан атрофлича баён қилиниши ва суратга олинishi, зарур ҳолларда уларнинг гипсли қуймалари олинмоғи керак. Алоҳида таъкидлаш жоизки, баённомада грунт қайси йўналиш бўйича отиб юборилганлиги, бурчакларининг чуқурлиги, кенлиги ва пайдо бўлган қияликлар қайд этилиши шарт. Чунки, бу маълумотлар экспертлар самолётнинг йиқилиш бурчагини аниқлашида зарур бўлади.

Агарда самолёт парчаланган ва унинг синган қисмлари сочилиб кетган бўлса, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинадиган схемада уларнинг шу жойдаги жойлашуви ва муайян ориентирга боғланиши қайд қилинади. Схемада майдон чизилиб, унда сочилиб кетган қисмларнинг ҳажми кўрсатилади, самолёт ёниб кетган ёки портлаб кетган бўлса, баённома ва схемада ёниш ва портлаш излари ҳам ориентирга боғланган ҳолда аниқ қайд этилиши керак.

Самолёт аэродромга қўниши пайтида учиш ҳодисаси рўй берган ҳолларда кўздан кечириш самолётни, унинг қолдиқларини, жасадларни кўздан кечиришдан бошланиб, кейин аэродромга келиш йўллари ва самолётнинг қўниш чизиги бўйича йиқилишидан тўла тўхтаганига қадар излари билан тугалланади.

Кўздан кечириш билан учиш майдони ҳажми ойдинлаштирилиши ва аниқланиши керак: учиш-қўниш қаторидаги ва аслида самолёт қўнган жойдаги грунтнинг аҳволи, аэродром юзасининг чўккан жойлари, «Т» шаклидаги қўниш белгиси, нисбатан учиш майдони юзасига самолёт оёғининг тегиш излари; аэродромнинг қўниш белгилари билан жиҳозланганлиги; самолёт қўнганидан сўнг юрган излари ва унинг масофаси текширилиши керак. Шунингдек, самолётнинг муддатидан олдин пасайиши излари — электр узатгич ва алоқа симлари, жароҳат етказилган столбалар, дарахтларнинг кесилган юқори қисмлари ва бошқалар аниқланиши керак.

Аэродромдан узоқда, йўлда ёки маршрутда содир бўлган авиация фалокатларида самолёт қолдиқлари, жасадлар ва самолёт қўнган (йиқилиб тушган) ҳудуд синчковлик билан атрофлича кўздан кечирилиши керак.

Агар самолёт ҳавода парчалана бошлаган бўлса, дарҳол самолёт учишини аниқ йўналишини аниқлаш чоралари кўрилиши, кейин эса аслидаги учиш чизиги тагидаги ҳудудлар кўздан кечирилиши керак. Агарда самолёт учишининг аниқ йўналишини аниқлаш мумкин бўлмаса, самолёт йиқилган жойдан атрофи 8—10 км радиусдаги ҳудуд кўздан кечирилиши керак. Агарда парчаланиш ва жароҳатлар самолёт йиқилиш (қўниш) пайтида етказилган бўлса, фақатгина шу жойларгина кўздан кечирилади.

Терговчи самолёт йиқилиб тушган ва унга туташ жойларни кўздан кечиришда қайд қилиши шарт: а) самолётнинг асосий қисмларининг қолдиқларини жойи; б) қолдиқлари эгаллаган жой, майдоннинг ҳажми ва шакллари; в) самолётдан тушган нарсаларнинг жойлашуви, ёниш ва портлаш излари.

Агар авиаҳалокат тоғлик жойда рўй берган бўлса, қайд этилиши лозим:

- а) қияликларнинг нишаблиги;
- б) жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги;
- в) қўниш майдони катталиги.

Аэродромдан ташқарида юз берган учиш ҳодисаларини кўздан кечиришда тўлалигича қайд этилиши керак;

- а) ҳодиса ўрмонда ёки ўсимликларсиз жойда содир бўлганлиги;
- б) тупроқ рельефи; тошлоқ, қоратупроқ, тупроқли жой, тошлар билан қопланган жой, қумлик, балчиқ ва ҳоказолар;

в) ўсимликлар билан қопланган ер, айнан — ўрмон, яйлов, ва бошқалар. Агар ўрмон бўлса, баргли, аралаш ва бошқаларда.

Жасадни кўздан кечириш

Жасадларни кўздан кечириш учун суд-тиббий эксперти ва тажрибали учувчи таклиф этилмоғи керак. Терговчи ҳар бир жасаднинг самолёт кабинасида ва пассажирлар салоидаги ўриндиқда қандай ҳолатда турганлигини қайд этиб, уларнинг самолётнинг айрим қисмларига нисбатан жойлашуви аниқ ёзилиши керак.

Баённомада экипаж аъзоларининг ва пассажирларнинг соатларининг кўрсаткичлари тўғри қайд этилиши лозим, бу эса ҳалокат қачон содир бўлганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш учун терговчи таниб олиш учун керак бўладиган ашёвий далилларни топиш чораларини кўриши керак, шундай чоралардан бири, жасадларни атрофлича кўздан кечириш билан уларнинг танасидаги ўзига хос бўлган белгиларини (холлари, ҳаётлигидаги ампутациялар, жарроҳлик излари, татуировка, тиш қопламалари ва бошқалар) ва кийимларини баённомада қайд этиши ва суратга ҳамда видео тасвирга олиши лозим.

Агар жасадлар самолётдан ташқарида бўлса, жасад топилган жой ва унинг ҳолати самолёт ёки унинг қолдиқлари ҳамда қисмларига нисбатан жойлашуви аниқ қайд этилиши лозим.

Ҳаво транспортининг қисмларини кўздан кечириш

Бу кўздан кечириш одатда мутахассислар, яъни, авиация техник мутахассислигига эга бўлган инженерлар иштирокида ўтказилади.

Самолёт турган жойни ўзгартириш ёки унинг турли қисмларига тегинишдан аввал бошқариш ускуналари, ўт олдириш асбоблари, ёқилғи билан таъминланиши, газ сектори, барограф ёзувлари ва бошқа кўрсаткичларнинг аҳволини аниқлаш ва қайд этиш керак.

Баландликни ўлчовчи барометр фойдали бирор нарса бермаслиги мумкин, аммо, ускунанинг қуйи қисмида жойлашган лимбанинг кўрсаткичлари жиддий аҳамиятга эгадир. Чунки, учиш пайтида лимба атмосфера босими меъёрий ҳолатида ўрнатилади, самолёт экипажи томонидан диспетчерлик пунктдан қўниш шароити, жумладан, аэродромдаги атмосфера босими тўғрисида маълумот олади ҳамда шунга мувофиқ равишда баландликни ўлчовчи барометр лимбини тегишли режимга ўрнатади. Агарда шундай қилинмаса, асбоблар баландликни нотўғри кўрсатади ва оқибатда ҳалокат содир бўлади.

Кўздан кечириш баённомасида терговчи мутахассис ёрдамида самолётнинг бошқарув асбобларини кўздан кечирганлиги аниқ қайд этилиши керак. Бунда, шасси, чиқиш люклари, кабина фонарлари ва бошқа механизмларининг аҳволи кўрсатилиши шарт. Шунингдек, ёқилғининг, мойларининг, тўхтатиш суюқлигининг бак ва гидротизимларда бор-йўқлиги ва мавжуд ҳажми тўла аниқланиши, қайд этилиши ҳамда ҳар биридан махсус идишларга намуналар олиниши керак.

Агар ҳалокатга учраган самолётга юк ортилган бўлса, уларнинг нималиги ва қандай ҳолда жойлаштирилганлиги ҳамда маҳкамланганлиги, самолётнинг айнан қайси қисмига жойланганлиги аниқланиши, қайд этилиши ва тузилган схемада акс эттирилиши лозим.

Бундай ҳолатда самолётнинг борт ва хизматчилари(командир, штурман, бортрадиост, бортинженер, бортмеханик)нинг барча ҳужжатлари олиниши шарт, бундан ташқари, самолёт, қисмлари ва юқларининг турли хил фотосуратлари ва схемалари баённомага илова қилиниши зарур.

Авиаҳалокатлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кўп куч талаб қиладиган жуда мураккаб жараён бўлганидан, бу тергов ҳаракатини бир неча тажрибали терговчилар ҳамда мутахассислар иштирокидаги махсус тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Ҳужжатларни олиб қўйиш

Ҳодисадан сўнг дарҳол авиация ҳужжатлари олиб қўйилиши керак ва терговчи бу ҳодиса юзасидан идоравий (хизмат) текшируви ўтказётган комиссияга талаб қилган ҳужжатларининг ксеронусхасини бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодексининг 63-моддасига мувофиқ парвозни бажариш учун ҳаво кемасида қўйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- а) ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома;
- б) ҳаво кемасининг парвозга яроқлилиги тўғрисида гувоҳнома;
- в) кема дафтарлари;
- г) мазкур турдаги ҳаво кемасида парвоз қилиш чоғида ишлатиладиган қўлланма;

д) авиация маъмурияти назарда тутган бошқа ҳужжатлар.

Булардан ташқари бортда парвоз учун топшириқ, навигация (парвоз) карталари, пассажирларнинг рўйхати, почта ва юқларнинг ҳужжатлари ва бошқалар бўлиши керак.

Булардан ташқари, ҳалокатга учраган самолёт билан боғлиқ бўлган бошқа аэропортлар, парвозни белгиловчи, йўналтирувчи ва тартибга солувчи станция ва бошқа кузатиш пунктларидаги ҳужжатлар, радиоалмашувлар амалга оширган ҳаво кемаларидаги радиоёзувлар ҳам дарҳол олинishi ёки кўздан кечирилиши, эшитилиши ҳамда натижалари баённомаларда қайд этилиши керак.

Кўпинча ҳалокат ва фалокатларга сабаб бўладиган об-ҳаво шароити тўғрисида маълумот берган барча метеостанция ва бошқа хизматлардаги шунга тегишли ҳужжатлар кўздан кечирилиши ва баённомаларда натижалари жуда аниқлик билан қайд этилиши керак, чунки маълум сабабларга кўра, бу ҳужжатларни олиб қўйиш мумкин бўлмайди.

Тергов ҳаракатларининг ўтказилишидаги ўзига хос томонлари Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш

Темир йўл ва ҳаво транспорти ҳодисалари ҳақидаги жиноят ишлари бўйича гувоҳ тариқасида турли хил шахсларни сўроқ қилишга тўғри келади. Булар пиёдалар, ички ишлар органлари ходимлари, тиббий муассасаларнинг ходимлари, ҳодиса жойига яқин жойда ишлаётган транспорт ташкилотлари ва бошқалардир. Шу сабабли ҳам имкон даражасида ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни биринчи навбатда ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзида сўроқ қилишга ҳаракат қилиниши лозим. Бундай ҳолатда уларда янги хотиралар ва таассуротлар таъсирида ҳодисанинг икир-чикиригача кўрсатиб бериш имконияти юқори бўлади.

Бунда, ҳодисадан сўнг дастлаб ҳодиса жойига етиб келган ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатган ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган юмушларни бажарган кишиларни гувоҳ тариқасида тезда сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ, шундагина ҳодиса содир бўлган жойда объектларнинг ҳодисадан сўнг ҳеч нарсага тегилмасдан, ўзгартирилмасдан ва йиғиштирилмасдан дастлабки аниқ ҳолати қандай бўлганлиги аниқланади.

Гувоҳларнинг кўргазмаларига бошқа гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг, гумон қилинувчиларнинг кўргазмалари, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатлари натижалари билан таққосланган ҳолда баҳо берилиши лозим.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда темир йўл ва ҳаво транспортининг макети, схемалар ва ҳодиса жойида олинган фотосуратлардан фойдаланиш самарали бўлади. Улар ҳодисани аниқ қаерда ва қандай ҳолатда содир бўлганлигини баён қиладилар.

Темир йўл ҳодисаларида жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш қуйидагиларни аниқлашга қаратилиши керак:

а) ҳодисанинг сабаби ва бевосита айбдорларини;
б) ҳодиса содир бўлишига олиб келган ишларни ташкил этилишидаги камчиликларни;

в) ҳодиса билан фаолияти боғлиқ бўлган ходимларнинг шахсини аниқлаш ва уларнинг хизмат вазифаларини бажаришга муносабати.

Поездларнинг тўқнашуви ва фалокатларда вагонларнинг бош конструкторлари ва проводниклар, пассажирлар, станцияларнинг навбатчилари, электромеханиклар, огоҳлантирувчи воситаларга хизмат кўрсатувчи ва бошқа ходимлар гувоҳ бўладилар. Муайян бир ҳолатга ойдинлик киритилишида гувоҳларнинг бирор сабаб ёки таъсир остида нотўғри гапираётганини аниқлаш учун уларнинг кўргазмаларини бири-бири билан таққослаш масалага ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда қарама-қаршиликлар ва уларнинг сабаблари аниқланади.

Ҳаво кемалари парвози билан боғлиқ ҳодисаларнинг асосий гувоҳлари бўлиб:

а) ҳодисага учраган самолёт(вертолёт)нинг экипаж аъзолари;

б) аэропорт хизматининг шахсий таркиби;

в) ҳодисага учраган ҳаво кемасида бўлган пассажирлар;

г) ҳодисага гувоҳ бўлган бошқа шахслар ҳисобланадилар.

Айбланувчини сўроқ қилиш

Айбланувчини муваффақиятли сўроқ қилиш аввало терговчининг тайёрлигига, далилларнинг мукамал ва ишончли эканлигига боғлиқ бўлади. Терговчи айбланувчи билан руҳий алоқани қанчалик яхши йўлга қўйгани ҳам катта аҳамиятга эга.

Сўроқ шундай тузилиши ва амалга оширилиши керакки, унда айбланувчи қадамба-қадам терговга ҳодисанинг барча ҳолатлари тўла маълум эканлигига ишониши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида масъул ходимлар ўзларининг ва бошқа ходимларнинг нотўғри ҳаракатлари ҳақида очиқча гапирадилар, шу боис кўргазмалар шу жойнинг ўзида тасдиқланиши осон кечади. Шу сабабли ҳам имкон даражасида гувоҳларни тезда аниқлаш ва сўроқ қилиш, уларни сўроқ қилишда аудио-видеотехникалардан фойдаланиш зарурдир.

Суд-техник экспертизаси тайинлаш ва ўтказиш

Тергов жараёнида терговчида турли сабабларга кўра, ҳодисанинг сабаблари тўғрисидаги идоравий (хизмат) текшируви хулосаларнинг тўғрилигига шубҳа пайдо бўлса, ҳодисанинг сабаблари тўла аниқланмаган

бўлса, айрим муҳим техник масалаларда ҳулоса берган мутахассисларнинг фикрлари бири-бирига зид бўлса ёки илмий-амалий жиҳатдан ишончли бўлмаса техник экспертизалар тайинланади.

Поездлар тўқнашуви терговиди юзага келадиган ва ҳал қилиниши махсус билим талаб қиладиган масалалар жумласига темир йўл ускуналарининг аҳволи ва нотўғри ҳаракати, мансабдор шахслар томонидан белгиланган қоидаларнинг бузилиши киради.

Аниқланган бузуқликларнинг характери, уларнинг ҳодисада алоқаси, бузуқликларнинг келиб чиқиш вақти ва сабаблари, ҳодисага қадар бузуқликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имкониятларини а ойдинлик киритиш мақсадида экспертиза ўтказилади.

Экспертлар ҳал қилишлари учун уларнинг олдига қуйидаги масалалар қўйилиши мумкин:

- а) ҳодисанинг бевосита сабаблари ҳақида;
- б) экипаж аъзолари, паровоз бригадаси, мансабдор ва масъул шахсларнинг топшириқни бажаришда вазиятнинг мураккаблиги ҳақида ўзларининг касбий тайёргарлиги ва малакасидан чиқиб келган ҳолда ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлиги ва тўғрилиги ҳақида;
- в) темир йўл ва ҳаво кемаларининг қисмлари ва деталлари тайёрланган материалнинг сифати ҳақида;
- г) юкларнинг тўғри юкланганлиги ҳақида;
- д) аэродромнинг муайян типдаги самолёт (вертолёт)лардан фойдаланиш учун яроқлилиги ҳақида ва ҳоказолар.

Таъкидлаш лозимки, асосий техник экспертизалар: темир йўл транспортида — поездни бошқаришнинг тўғрилиги ва тормоз йўлини аниқлаш; авиацияда эса — техник-парвоз экспертизалари ҳисобланади.

9-§. БОСҚИНЧИЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Талончилик (ЖКнинг 166-моддаси) — ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-тарож қилиш, босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси) — ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, содир этилади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятлари кўпинча аввалдан тайёргарлик кўрилган ҳолда, шунингдек, аввалдан тайёргарликсиз ҳам амалга оширилади. Тайёргарлик кўрилган ҳолда содир этилишининг хусусияти бир гуруҳ шахсларнинг ёки уюшган жиноий гуруҳнинг олдиндан жиноят содир этиш учун жиноий тил бириктирганлигида ифодаланади.

Бундай жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўришга қатнашчиларни танлаш; жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш; қурол ва буюмларни, уларнинг ўрнини босувчи воситаларни тайёрлаш; жабрланувчиларнинг қаршилигини синдириш учун махсус воситаларни сотиб олиш; жиноят объектига етиб бориш ва у ердан тезда ғойиб бўлиш, ҳодиса жойидан олинган нарсаларни ташиш учун автотранспорт воситаларини тайёрлаш; ўғирланган нарса ва буюмларни сақлаш жойини белгилаш, уларни сотиш ҳамда унинг учун шахсларни танлаш; ташқи кўринишларни яшириш учун воситаларни тайёрлаш, қатнашчи ва иштирокчилар учун шароит яратиш; ҳужум қилиш объектини ва жиноятчилар ҳаракат қиладиган вазият ҳамда шароитни (муайян шахсда қимматбаҳо нарса ва буюмлар мавжудлигини ҳамда уларнинг сақлаш жойини аниқлаш, жабрланувчининг турмуш тарзини ва оила аъзоларининг кун тартибини ойдинлаштириш, корхона, ташкилот ва муассасанинг иш тартиби, ходимларнинг ҳаракат йўллари ва у ернинг қўриқланиш шароитларини аниқлаш) ўрганиш; жиноят содир қилишнинг қулай вақтини ва ҳодиса жойидан тезда ва сездирмасдан хавфсиз чиқиб кетиш йўлларини танлаш киради.

Бундай жиноятларни содир этиш усуллари асосида жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ётади. Зўрлик жиноятчилар томонидан жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг қаршилигини синдириш, қиммат-

баҳо нарса ва буюмларнинг турган жойини аниқлаш, жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишининг олдини олиш ёки кечиктириш мақсадларида ишлатилади.

Талончиликда жисмоний зўрлик ишлатиш, уриш, жароҳатлар етказиш (шилиниш, қонталаш), қўл-оёғини қайириш ва боғлаб қўйиш, жанговар усуллар қўллаш билан жисмоний азоб бериш, оёғидан чалиб йиқитиш, ҳаракат (оғзига латта тикиб қўйиш, скотч билан ёпиб қўйиш) ва ҳаракатланиш (жабрланувчини бирор нарсага боғлаб қўйиш) чеклаб қўйишликда намоён бўлади.

Босқинчилик талончиликдан фарқли равишда ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, содир этилади. Амалиётда азоблашнинг шафқатсиз, яъни қўплаб излари қоладиган, баъзида из қолдирмаса-да, аммо ҳаёти учун хавfli оқибат келтириб чиқарадиган тан жароҳатлари етказиш ҳолатлари мавжуд. Бу жиноят гуруҳ томонидан содир этилганида, жиноятчилар сон жиҳатдан устунлиги оқибатида шундай усуллар билан жабрланувчиларнинг қаршиликларини синдирадилар.

Шундай бўлса-да, талончилик ва босқинчиликни содир этишга хос бўлган усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) қочиш — ўзганинг мулкини очикчасига талон-тарож қилиш бўлиб, бунда жиноятчи жабрланувчида бўлган тақинчоқ ва буюмларни (сирга, соат, кулон, браслет, ожерлье, занжир, бош кийими) олиб, тортиб олиб ёки қўлидаги олиб юрадиган буюмларини (сумка, зонт, портъмане, фотоаппарат, видеокамера ва бошқалар) тортиб олиб, қочиш ёки авто ва мототранспорт воситаси ёрдамида ҳодиса жойидан зудлик билан яшриниш;

б) жисмоний ва руҳий куч ишлатиш;

в) амалда қаршилик кўрсата олмайдиган шахсларни (касал, ногирон, маст ҳолда) талаш, улардан тортиб олиш;

г) ўқ отар ёки совуқ қуролдан фойдаланиш;

д) жабрланувчининг организмига, ҳаёти учун хавfli бўлган кучли таъсир кўрсатувчи воситани киритиш.

Таҳлиллардан кўринишича, босқинчилик усулларида, уй-жой, биноларга қонунсиз кирилган ҳолда ҳужум қилиб жиноят содир этилиши: таниши, турли хил хизматларнинг ходими сифатида кирилган ҳолда — 50 фоизгача, бинога эркин кириш орқали — 20 фоизгача, дераза ойналарини олиб қўйиш билан — 20 фоизгача, кириш эшигини синдириш билан — 7 фоизгача ва бошқа усуллар 5—7 фоизгача ташкил этишини кўрсатган.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларининг содир этилиш усуллариининг барчасига хос бўлган қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

1. Бу жиноятларнинг кўпчилик ҳолларда жабрланувчилар учун қўйилмаганда, яъни улар қаршилик кўрсата олмайдиган, бировни ёрдамга чақира олмайдиган ва қочиб кета олмайдиган ҳолатда бўлганда содир этилиши. Бунинг учун жиноятчилар ўзларининг бўлажак қурбонларини танлагач, уни кузатув остига оладилар, ўзларича ҳужум қилиш қулай бўлган жойгача кузатиб борадилар. Бунда улар ўзларига бошқалар эътиборини туширмасликка, кишилар ичидан ажралиб турмасликка ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолларда жиноятчилар бўлажак қурбонларининг ишончига кириб, унинг ҳушёрлигини ва эҳтиёткорлигини сўсайтирадилар ҳамда шундан сўнг ҳужум қиладилар.

2. Жиноятнинг қисқа муддат ичида содир этилиши. Жиноятчилар жиноят содир этишгач зудлик билан шу жойдан, кишилар ичига аралашиб кетиш, жамоат транспортида, дарахтзорларда, уй-жойлар орасига кириш билан яширинишга ҳаракат қиладилар.

Талончилик ва босқинчиликни яшириш усуллари унинг содир этиш босқичларига боғлиқ бўлиб, ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

а) ташқи кўринишини яшириш (бошига чулки кийиб олиш, ниқоб тақиб олиш, фақат кўзлари кўраоладиган жойлари очилган телпак ёки шунга ўхшаш бош кийимни кийиб олиш, кўзойнак тақиб олиш, таниб олишни қийинлаштириш мақсадида юзини пардозлаш);

б) Жабрланувчи(лар)ни қалғитиш мақсадида бошқа исмлар ва лақаблардан фойдаланиш. Терговни қалғитиш мақсадида атайин нотўғри маълумотни ошкор қилиш, бегона шахсга тегишли ҳужжатларни ташлаб кетиш;

в) транспорт воситаларидан ҳодиса жойидан тезда яшириниш мақсадида фойдаланиш;

г) ҳодиса жойида жиноят изларини йўқотиш;

д) жиноят қуролларини, воситаларини, ҳужжатларни, кийимларни, ниқобдан фойдаланган нарсаларни, транспортни ва бошқаларни яшириб қўйиш;

е) олинган буюм ва нарсаларни жиноятчилар учун хавфсиз жойга ўтказиш, қўчириш;

ж) ўғирланган буюм ва нарсаларни тезда сотиш;

з) ташқи кўринишларини ўзгартириши;

и) терговда нотўғри кўрсатувлар бериш ёки ундан бош тортиш;

к) ёлғон алибилар яратиш, терговда шу вақтда бошқа жойларда бўлганлиги ва жиноят содир этиши мумкин эмаслиги тўғрисида фикр уйғотиш;

л) терговга бошқача қарама-қаршилик қилиш, жумладан, жабрланувчи ва гувоҳларни алдаш, кўндириш, сотиб олиш, қўрқитиш, жисмоний куч ишлатиш, мулкни нобуд қилиш, яқинларини олиб қочиш ва бошқалар.

Талончилик ва босқинчиликни содир этиш вақти ва жойлари ҳақида маълумотлар.

Жиноятчилар томонидан жиноят жойининг танланиши бир қатор ҳолатларга (жиноий тажовуз предмети, куннинг вақти, кишиларнинг камлиги, ҳодиса жойидан тезда яшириниши, таъқиб қилинишининг қийинлиги ва бошқалар) боғлиқ бўлади. Бундай жойлар қишлоқларга қараганда, шаҳар ва қўрғонларда анча кўп содир этилади.

Бундай жиноятлар аксарият темир йўл вокзаллари, поездлар, шаҳар атрофига қатновчи электр поездлар, корхона ва муассасаларнинг офислари, шахсий автомашиналар, ўз уйининг подъезди, шаҳар кўчалари ва хиёбонлари, автобекатларда содир этилади.

Тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга оширилишида ёрдам берувчи тахлилий маълумотлар талончилик ва босқинчиликнинг 45 фоизи ҳодиса жойи атрофларида яшовчи вояга етмаганлар ёки улар иштирокида содир этилишини, 25 фоиз ҳолатларда жабрланувчилар қўшни ёки ҳодиса жойидан унча узоқда бўлмаган кишилар эканлигини, кўпгина ҳолларда жабрланувчи ва жиноятчи(лар) бири-бирини танишлигини кўрсатади.

Кўпчилик ҳолатларда кўчалардаги талончилик ва босқинчилик қоронғи пайтида содир этилади, бунга эса бу вақтда қаршилиқ кўрсатиши мумкин бўлган кишиларнинг ва гувоҳларнинг кўп бўлмаслиги сабаб бўлади.

Хонадонларга ҳужум қилиш аксинча, кундуз пайтида кўпроқ содир этилади, бунга эса шу пайтда оила аъзоларининг кўпчилиги уйларида бўлмаслиги сабаб бўлади. Банк, заргарлик магазинлари, молиявий муассасаларга ҳужум эса кўпинча тушлик арафасида ёки иш вақти тугаши арафасида содир этилади, чунки ўша пайтда мурожаат қилувчилар, харидорлар кам бўлади.

Талончилик ва босқинчилик содир этилиши дам олиш ва байрам кунлари ҳамда ҳафтанинг жума кунлари кўпайиши кузатилган.

Талончилик ва босқинчиликни тергов қилишининг дастлабки босқичи

Талончилик ва босқинчилик ҳақида хабар олиниши билан аввало терговчи, унга эса шу ҳудуд ички ишлар органлари навбатчилик қисми дарҳол ҳодиса содир бўлган жойни тўла аниқлаш, ўша жойни қўриқланишини ташкил этиш ва тезкор-қидирув гуруҳи тезда етиб бориши чораларини кўришлари шарт. Шу билан бир қаторда жиноятчилар ҳодиса жойидан жуда узоққа кетишининг олдини олиш,

уларни ушлаш ва жабрланувчининг аризасини олиш, сўроқ қилиш юзасидан комплекс чоралар ҳам кўрилиши керак.

Бу тоифадаги жиноят ишлари тергов қилинишида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши керак:

1. Талончилик ва босқинчилик ҳақиқатан ҳам қачон ва қаерда содир этилгани.

2. Жиноятни содир этиш усули қандайлиги.

3. Талончилик ва босқинчилик ҳамда уни содир этган шахслар ҳақида терговда маълумот бериши мумкин бўлган шахслар доираси қандайлиги.

4. Жиноятни ким содир этган, агарда гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, унинг таркибига кимлар кирган ва ҳар бирининг ҳаракатлари айнан нималардан иборат, улар иш ва яшаш жойларидан қандай тавсифланадилар.

5. Жабрланувчи ким (моддий аҳволи, хулқ-атвори), жиноятнинг жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги учун оқибати қандай эканлиги.

6. Жиноят натижасида нима олиб кетилган, у кимга тегишли, ҳозирда қаерда ва қаерларда сотилиши мумкин;

7. Жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш учун қандай чоралар кўрилиши лозимлиги.

8. Жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар, шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари.

Терговнинг дастлабки босқичида талончилик ва босқинчиликни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳажмига қараб, қуйидаги типик тергов вазиятлари юзага келиши мумкин:

1. Жиноят содир этган шахс шу жойда жиноят устида ёки у содир этилганидан сўнг дарҳол ушланган. Бу ҳолатда гумонланувчи шахсни ушлаш, шахсий тинтув қилиш ва сўроқ қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчини сўроқ қилиш ва гувоҳлантириш, ушланганнинг яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш, олинган ашёвий далилларни кўздан кечириш ва жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатиш, экспертизалар тайинлаш, гувоҳларни аниқлаш ва сўроқ қилиш.

2. Жиноятчи ўғирланган нарса ва буюмларни сотишда ушланган. Бунда муҳим тергов ҳаракати бўлиб ушланганни тинтув қилиш ва сўроқ қилиш, уни ва ундан олинган нарса ва буюмларни жабрлануви ва гувоҳларга таниб олиш учун кўрсатиш, ушланганнинг яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш ҳисобланади.

3. Жиноятчини танийдиган ва ўғирланган нарса ва буюмларни сотаётган ёки сотиб олган шахс ушланган. Бу ҳолатда шу шахсни шахсий тинтув ва сўроқ қилиш, ушланган жойни кўздан кечириш, ушланганнинг

яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш, олинган ашёвий далилларни кўздан кечириш ва жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатиш, унинг алоқаларини аниқлаш ва олинган нарса-буюмларни таниб олиш, кўрсатиш, зарур ҳолларда почта-телеграф жўнатмаларига арест солиш. Жиноятчи аниқланганидан сўнг эса, биринчи ҳолатдаги тергов ҳаракатларини амалга ошириш.

4. Жиноятчи аниқ, аммо у яширинган ва қаердалиги аниқ эмас. Бундай ҳолатда вақт муҳим аҳамият касб этади, шу сабабли терговчи ва тезкор ходимларнинг ҳаракатлари кечиктириб бўлмаслиги ва жабрланувчи ҳамда гувоҳларни қисқача сўроқ қилиш билан ҳужум қилувчиларнинг сони, уларнинг ўзига хос белгилари, ташқи кўриниши, алоҳида белгилари, олиб кетилган нарса ва буюмлар ҳамда уларнинг ўзига хос белгилари тўғрисида излов ахборотлари тўплашга қаратилмоғи лозим. Суриштирув органларига жиноятчилар ва ўғирланган нарсалар тўғрисида маълумот берилиб, уларни ушлаш юзасидан топшириқ юборилиши керак.

5. Жиноятчи номаълум, аммо у ҳақда тўла бўлмаган маълумотларгина (ташқи кўриниши, кийимлари, исми, лақаби, доимий пайдо бўладиган жойи) аниқ. Бундай ҳолатда терговни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва жабрланувчи ҳамда гувоҳларни сўроқ қилишдан бошлаш керак. Бир вақтнинг ўзида «қизиғида» жиноятчиларнинг таъқиб қилиш ва ушлаш, жумладан, улар кетиши мумкин бўлган йўллари беркитиш, ҳар бир уй ва хонадонларни кўриб чиқишга қаратилган комплекс тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш лозим. Қўшни ҳудудларга жиноят ва жиноятчилар тўғрисида ориентировкалар юбориш, жиноятчиларнинг фотороботларини тузиш ва ўхшаш жиноятларни аниқлаб, текшириш. Жиноятчи аниқланганидан сўнг эса, биринчи ҳолатдаги тергов ҳаракатларини амалга ошириш.

6. Жиноятчи ноаниқ, аммо у ҳақида жуда кам маълумотлар мавжуд. Бу вазият анча мураккаб ва муаммоли ҳисобланади. Бунда юқорида санаб ўтилган вазиятлардаги ҳаракатлар тўғри келмайди. Шундай бўлса-да, маълумот ва ахборот кам бўлган ҳолатда вазиятдан унумли фойдаланиш учун қуйидагилар амалга оширилиши керак:

1. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечришда топилиб, олинган ашёвий далиллар излари ва қисмлари, шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган маълумотларидан имкон даражасида самарали фойдаланиш.

2. Жабрланувчи ва гувоҳлар ўз кўрсатмаларида кўрсатаётган барча шахсларни ҳодиса ҳолати юзасидан сўроқ қилиш.

3. Жиноят содир этилган кун, унинг арафаси ёки ундан оз вақт ўтганидан сўнг шу атрофда ёки қўшни ҳудудларда шунга ўхшаш

жиноятлар содир этилганми-йўқми аниқланиши керак. Агарда содир этилган бўлса, зудлик билан жиноят иш(лар)ини ўрганиш лозим. Бунда жиноят содир этилишининг вақти, жойи, усули, жиноятчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ўхшашлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу билан жиноятлар айнан бир шахс ёки гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги ҳамда улар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлинади.

4. Жиноят содир этилган жойга яқин яшовчи, тўсатдан бойиб қолган, яшаш тарзи ўзгарган шахсларни аниқлаш ва жиноятга алоқадорлигини текшириш чоралари кўрилиши керак. Бундан ташқари, шу жойларда жиноят содир этилган вақтларда бегона одам пайдо бўлиб қолганлиги (масалан, қариндошлариникига, танишиникига меҳмон бўлиб ёки хизмат сафари билан келганлар) ва уларнинг хулқи шубҳали бўлган ҳолатлар ҳам атрофлича текширилиши керак.

5. Жиноятчи ҳужум қилиш пайтида қаршилиқ туфайли жароҳат олганлиги, олиши мумкинлиги аниқланган ҳолатлар бўйича шу атрофларда жойлашган тиббий муассасаларда ёки шу атрофда яшовчи тиббий ходимлар томонидан жиноят содир этган шахсга олган тан жароҳати бўйича тиббий ёрдам кўрсатилган бўлиши мумкинлиги ҳам атрофлича текширилиши зарур.

6. Жиноят содир этилган вақтда, одатда шу жойдан доимий юрувчи ва шу куни юриши мумкин бўлган шахслар аниқланиши ҳамда жиноий ҳодиса юзасидан сўроқ қилиниши керак.

7. Жиноят содир этилган куни, унинг арафаси ёки ундан оз вақт ўтганидан сўнг шу атрофда ҳужум учраган, аммо мурожаат қилмаган шахслар бўлиши мумкинлиги, тиббий муассасалар орқали, жамоатчилик жалб қилинган ҳолда ва «Тез ёрдам» тиббий хизмати ёрдамида текширилиши ва шундай шахслар аниқланса, сўроқ қилиниши лозим.

8. Ҳодиса жойидан жиноятчилар томонидан ўғирлаб олиб кетилган нарса ва буюмлар сотиш учун олиб чиқилган жойлар (бозорлар, қаровсиз жойлар, комиссия дўконлар, ломбардлар, сотиб олиш пунктлари, соат тузатадиган устахоналар, қўл юки сақланадиган сақлаш камералари ва хоналари) аниқланиб, текширилиши даркор.

9. Агарда жиноятчилар ҳодиса жойидан автотранспорт воситаларида яширингани тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, жиноят содир этилган кун ва вақтдан келиб чиққан ҳолда йўл-патруль хизмати ёрдамида самарали фойдаланиб, қайси ДАН постидан айнан қайси вақтларда шу автомашина қайси томонга қараб ўтиб кетиши мумкинлиги асос қилиб олиниб, ҳамкорликда тегишли тезкор ишлар ташкил этилмоғи лозим.

10. Жиноят ва у содир этилишида фойдаланилган қурол, қўл ва оёқ излари, шунингдек, содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ҳолатлар

ҳисоби юритиладиган ички ишлар органларидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда, жабрланувчиларга жиноятчиларнинг фотосуратлари мавжуд бўлган фотоальбомлар ва видеоёзувлар кўрсатилиши, жиноят содир этилган жойга яқин яшовчи жиноятга мойил бўлган, муқаддам шундай жиноятлар учун судланиб чиққан ва яқинда жазо ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларнинг жиноятга алоқодорлиги текширилиши, ҳодиса жойидан олинган бармоқ изларининг дактолоскопик карталари ички ишлар органларидаги дактокарталар билан топилган ўқ ва гильзаларнинг илгари содир этилган жиноятлар бўйича топилган ўқ ва гильзалар билан картотекалар орқали солиштирилиши жиноятни фош этилишида муҳим аҳамият касб этади.

11. Оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш ижобий натижа бериши мумкин.

12. Жиноятчилар тўпланиши мумкин бўлган жойларга тезкор-қидирув гуруҳлари билан бирга жиноятчиларни таниб қолган жабрланувчи ва гувоҳларнинг юборилиши ҳам жиноятни фош этишга ёрдам беради.

13. Суриштирув органларига мазмунли ёзма топшириқлар берилган ҳолда уларни сифатли ижро этилишини таъминланиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Терговнинг дастлабки босқичида талончилик ва босқинчилик жиноятлари юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар, жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, тўпланган дастлабки тезкор маълумотлар асосида, жиноятни фош этишга қаратилган қуйидаги гумонлар илгари сурилиши ва текширилиши лозим:

1. Жиноят жабрланувчи маълум қилган ҳолатларда содир этилган:

а) жабрланувчини яхши танийдиган шахслар томонидан;

б) жабрланувчи танимайдиган, аммо у яшайдиган жойга яқин жойда яшовчи шахс иштирокида;

в) жабрланувчини танимайдиган ва бошқа ҳудудларда яшовчи шахслар томонидан содир этилган.

2. Аризачи маълум қилган ҳодиса юз берган, аммо унда бошқа (масалан, безорилик) жинояти аломатлари мавжуд.

3. Талончилик ва босқинчилик жинояти содир этилган, аммо, жабрланувчи онгли равишда ёки виждонан адашиб, ҳолатни бузиб кўрсатаётганидек ҳолатда эмас, бошқача ҳолатда содир этилган.

4. Жиноят содир этилмаган, фақат талончилик ва босқинчиликни инсценировка қилиш ҳолати бор.

Барча илгари сурилган гумонларни текшириш учун, терговнинг дастлабки босқичида қуйидаги тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш

Талончилик ва босқинчилик ҳолатлари юзасидан жабрланувчидан тушунтириш хати олинishi биланоқ, жиноят иши кўзғатилмасдан ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда умумий асосларда амалга ошириладиган ҳаракатларга қўшимча равишда, кинолог хизматидан фойдаланиш яхши самара бериши мумкинлиги, жиноятчи(лар) жиноят содир бўлган жойга келиши ва у ердан кетиши мумкин бўлган ҳудудлар, ҳодиса содир бўлган жой атрофидаги пана (жиноятчилар кўпинча жабрланувчини пойлаб турадиган) жойлар, автотранспорт воситалари тўхтаб турган жойлар, уйнинг подъезди (сигарета қолдиқлари ва бошқалар бўлиши мумкин), оёқ кийим излари ва қўл-бармоқ излари қолиши мумкин бўлган жойлар алоҳида эътибор қаратилган ҳолда кўздан кечирилиши зарур. Чунки, бу жойларда жиноятчилар ўз изларини қолдиришдан ташқари, жиноятга алоқадор турли нарса ва буюмларни ташлаб ёки тушириб қолдиришлари мумкин.

Сўроқ қилиш

Биринчи навбатда бундай жиноятлар бўйича жабрланувчи сўроқ қилинади, аммо, ҳодисадан сўнг руҳий жиҳатдан аҳволи меъёрида бўлмаслиги (қўрқув туйғуси, стресс, ваҳима) мумкин, шу сабабли имкон даражасида унга ёрдам (тиббий, психологик) кўрсатилиши ва шундан сўнг сўроқ қилиниши мумкин.

Бунда қуйидагиларни аниқлашга эътибор қаратилиши керак:

1. Жиноят содир этилган жой ва вақти.
 2. Жабрланувчи шу жойда бўлиб қолиш сабаблари.
 3. Жиноятчиларнинг сони, жинси, миллати, ташқи белгилари, кийимлари, транспорт воситаси, нималар билан қуролланишгани, улар ишлатган исмлар, сўзлар, лақаблар, сўзлашув шевалари ва ҳ.к.
 4. Ҳодисанинг ривожланиш жараёнлари.
 5. Жабрланувчи учун жиноят оқибатлари.
 6. Кимлар ҳодисани кўрганликлари.
 7. Жабрланувчи жиноятчи(лар)ни илгари кўрган ва таниганлиги.
 8. Жиноятчилар олиб кетган буюм ва нарсаларнинг тўлиқ кўринишлари, ҳужжатлари ва уларнинг мавжудлиги.
 9. Жиноятчилар қандай тарзда қаршилик кўрсатгани ва уларга тан жароҳати етказганлиги (айнан танасининг қайси жойига ва қандай тарзда).
- Жиноят фош этилганидан сўнг тергов ҳаракатлари умумий тартибда ўтказилади ва бунда қуйидаги тергов вазияти юзага келиши мумкин:

1. Жиноятчи аниқланган, жабрланувчи ва гувоҳлар маълум, уларнинг кўрсатмалари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд эмас.

2. Жиноятчи аниқланган, жабрланувчи ва гувоҳлар маълум, улар тўғри кўрсатмалар берган. Айбланувчилар барча иштирокчиларни айтмаяптилар ва нотўғри кўрсатма бераяптилар.

3. Жиноятчи аниқланган, жабрланувчи маълум, гувоҳлар, жиноятнинг барча қатнашчилари ҳамда барча жиноятларнинг ҳолатлари аниқланмаган.

Кейинги икки ҳолатда тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари изчиллик билан фаол ва самарали ташкил этилиши керак. Тергов ҳаракатлари тўла ва синчковлик билан жиноят ишидаги аниқланган ҳолатлар ҳамда тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда тузилган режа асосида сифатли ўтказилиши лозим.

Айбланувчини сўроқ қилишда айрим ҳолларда улар айбига тўлиқ иқрор бўладилар, аммо айни пайтда бошқа шундай жиноятлар ёки уларданда оғир жиноятлар (қасддан одам ўлдириш ва бошқалар) содир этганлигини яшириб, жиноят учун жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилишлари ҳам мумкин.

Шундай бўлса-да, айбланувчиларни сўроқ қилишда қуйидагилар аниқланиши шарт:

1) жиноий гуруҳ ташкил этилишининг ташаббускори ким;
2) гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалар қандай тақсимланган;
3) гуруҳ томонидан илгари яна қандай жиноятлар содир этилган;
4) гумонланувчи ёки айбланувчи айнан қандай вазифаларни бажарган;

5) жабрланувчининг мол-мулки тўғрисида ким маълумот берган;
6) жиноят содир қилинадиган объектни ва вазиятни ким ўрганган;
7) жиноят содир этиш арафасида жиноятчилар нима ишларни амалга оширдилар;

8) гиёҳвандлик моддаси ва спиртли ичимликларни қардан олдилар ва кимлар истеъмол қилдилар;

9) қурол, восита ва ниқобларни қардан олганлар;

10) ҳодиса жойига қандай кирдилар;

11) ким ва қандай тан жароҳатлари етказган;

12) руҳий тазйиқ айнан нималарда ифодаланади;

13) қайси йўллар билан ҳодиса жойидан кетганлар;

14) ўғирланган буюм ва нарсаларни қандай тақсимлаб олганлар.

Таниб олиш ва юзлаштириш тергов ҳаракатлари жабрланувчи ва гувоҳлар ўзларига ишонган ҳолларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

10-§. ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш (ЖКнинг 169-моддаси) энг кўп содир этиладиган ғараз мақсадли жиноят ҳисобланади.

Ўз хусусиятига кўра, ўғриликлар жуда турлича бўлади, яъни хонадондан, давлат объектларидан (турли идора ва муассасаларнинг бинолари, омборхоналар ва бошқалар), дўконлардан, киссавурлик, транспорт воситаларидан (велосипед, мотоцикл, автомашина, катер, лодка ва бошқалар) ва бевосита уларнинг ўзларини ўғирлаш ва ҳоказолар. Аммо, амалиётдан маълумки, ўғриликларнинг ҳар учтадан биттаси хонадондан ўғрилик ҳисобланади.

Ўғрилик содир этилганлиги тўғрисида хабарлар одатда фуқаролардан, корхона ва муассаса раҳбарларидан, уй-жой мулкдорлар ширкати (УЖМШ) ходимларидан келиб тушади.

Бу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш усул ва услубиятларига тўхталишдан олдин унинг содир этилиши билан боғлиқ айрим жиҳатлар тўғрисида тушунтириш бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўғриликка тайёргарлик кўришга киради:

1) танлаш, иштирокчиларни (25 фоиз ўғирлик жиноятлари гуруҳ шахслар томонидан содир этилади), шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлган шахсларни, ўғирланган нарса ва буюмларни сотиш йўлини биладиганларни, автотранспортга эга бўлганларни, ўғирланганларни сақлаш учун жойларни, муайян кўникмага эга бўлган шахсларни (масалан, автотранспортни аҳволи ва рангини ўзгартириш);

2) жиноий тажовуз объектини (хонадон, дала ҳовли, ҳовли-жой, транспорт воситалари, кишилар, юридик шахслар ва ҳ.к.) танлаш ва улар тўғрисида маълумотлар йиғиш, ўғирланган нарса ва буюмларни (автотранспорт, рангли металл, хомашё, товарлар, тайёр маҳсулотлар ва бошқалар) сақлаш жойларини аниқлаш;

3) техник воситаларни (радиоаппаратура, телефон, калит, асбоб-ускуналар) сотиб олиш, автотранспорт, махсус мосламаларни тайёрлаш;

4) ўғирланганларни сақлаш ва яшириш жойларини, сотиш йўллари, ўғирланганларни расмий сифатида кўрсатиш учун ҳужжатларни излаш ва танлаш. Масалан, автотранспорт воситаси ўғирланганидан сўнг уни сотиш ёки ундан фойдаланиш учун олдиндан ишончнома бланкалари, ҳисоб маълумоти ва бошқа ҳужжатлар тайёрланади.

Ўғриликларни содир этиш усуллари иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин: бино, тураржой, бошқа ўғирланган нарсаларни сақловчи жойларга қонунсиз кириш билан боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган усуллар.

Амалиётдан кўринишича, 60 фоиздан кўпроқ ўғриликлар техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўсиқларни бузиш йўли билан кириш орқали, 30 фоиздан кўпроғи тураржойга эркин кириш йўли билан содир этилади.

Ўғриликларнинг бино, тураржой, бошқа ўғирланган нарсаларни сақловчи жойларга қонунсиз кириш билан боғлиқ эмас усуллари, автомашиналарни, дипломат, сумка, чемодан, киссавурлик, буюмлардан олиб қўйиш, дўконлардан ўғирлик, жамоат жойларида маст кишиларни нарса ва буюмларини олиб қўйиш киради.

Ўғриликлар изи кўпгина ҳолларда жиноятчининг жиноят содир этилган жойдан кетиб қолиши, жиноят қуролини йўқотилиши, ўғирланганларни тезда сотиб юборилиши, хавф туғилган ҳолатларда ўғирланганлардан тезда халос бўлиш йўли билан яширилади.

Ўғриликлар содир этилишининг излари сифатида ҳодиса содир бўлган жойдаги лифт, перила, эшик, дераза, нарса, буюм, асбоб-ускуналар, аппаратлар ва бошқаларда қолдириладиган бармоқ излари, пластилин зарралари, оёқ излари, майда заррачаларнинг турли қатламлари ҳисобланади.

Ўғирлик жиноятларини содир этиш жойлари бўлиб, асосан хонадонлар, ҳовли-жойлар, юридик шахсларнинг офислари, автомашина, меҳмонхона, вокзал, поезд, жамоат фойдаланиш жойлари (кўча, гардероб, ечиниш хонаси, хизмат хонаси) ҳисобланади.

Хонадонлардан содир этилган ўғриликларнинг объектини 30 фоиздан кўпроғи кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлашганлари бўлган, хонадонларга ўғриликларнинг асосий кўпчилиги кундуз пайти (соат 8 дан 16 гача) содир этилади.

Бундай жиноий тажовузларнинг предмети бўлиб, жуда кўп ҳолларда пул, қимматбаҳо нарса ва буюмлар ҳисобланади.

Ўғирлик жинояти содир этганларнинг аксарияти 18-45 ёшлардаги эркаклар бўлиб, 60 фоиздан кўпроғи доимий даромад манбаига эга

бўлмаган шахслар ва уларнинг 25 фоизи муқаддам судланганлардир.

Типик тергов вазиятлари ва дастлабки тергов ҳаракатларининг услуби

Ўғриликларни тергов қилишнинг бошланғич босқичларига хос бўлган тергов вазиятлари:

1) жиноий ҳолат тўғрисида тўлиқ ахборот ва жиноят содир этган шахслар ҳақида аниқ маълумотлар етарли даражада мавжуд;

2) жиноий ҳолат тўғрисида ва жиноят содир этган шахслар ҳақида маълумотлар нисбатан даражада мавжуд;

3) жиноий ҳолат тўғрисида ахборот ва жиноят содир этган шахслар ҳақида маълумотлар етарли даражада мавжуд эмас.

Буларнинг учинчиси тергов учун анча мураккаб ҳисобланади, шу сабабли ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида ва сифатли кўздан кечирилиши, терговнинг дастлабки босқичиданоқ ички ишлар органларининг куч, имконият ва воситаларидан комплекс тарзда муваффақиятли ҳамда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда ҳодиса содир бўлган жойнинг терговчи, жиноят-қидирув бўлимининг тезкор ходимлари, эксперт-криминалист, хизмат-қидирув ити билан кинолог, шу ҳудудга бириктирилган жиноят қидирув бўлими (ЖҚБ) тезкор ходими профилактика инспекторидан иборат тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи томонидан сифатли кўздан кечирилиши, айти пайтда шу тергов ҳаракатида аниқланган ҳолатлар, жиноят объекти, жабрланувчининг шахси ва бошқа ҳолатлар инобатга олинган ҳолда бир вақтнинг ўзида тегишли тезкор-қидирув ишларининг фаол ташкил этилиши жиноятни фош этишнинг асоси ҳисобланади.

Чунки, кўздан кечириш жараёнида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқилган ҳолда жиноят содир этган шахсларнинг тажрибаси, муайян касб эгаси бўлиши мумкинлиги, жиноятни содир этишда фойдаланган асбоб-ускуналар ва бошқа муҳим ҳолатлар тўғрисида хулосалар чиқаришга ҳамда зарур тергов гумонларини илгари суришга асос бўлади. Шу сабабли терговчи кўздан кечириш давомида ўзига маълум бўлган ҳолатлар ва чиқарган хулосалари асосида ЖҚБ тезкор ходимларига жиноят фош этишга қаратилган аниқ топшириқлар бериши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойга етиб келиниши биланоқ, тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи аъзолари ҳодиса гувоҳларини, улардан қайси бири айнан кимларни ва нималарни кўрганликларини, вазият тақозо этадиган бўлса, «иссиқ излари» бўйича жиноятчиларни таъқиб қилиш чораларини кўриши керак.

Терговчи, ҳодиса содир бўлган жойдаги вазият тўғрисида тушунчага эга бўлгач, кўздан кечиришни амалга оширишнинг босқичларини

белгилайди ҳамда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш лозимлигини белгилайди: жиноятчи бинога қандай қилиб кирган; у қандай нарса ва буюмларга қўл теккизган; ҳодиса содир бўлган жойда қандай излар қолдирган, у шу жойдан бирор нарсада ёки ўзидаги кийимларида нималарни олиб кетган бўлиши мумкин (ўғирланган буюмлар, буёқ излари, майда заррачалар ва бошқалар); жиноятчининг ўзига хос белгиларини (касби, ёши, тажрибаси, маълумоти, жинси, муқаддам судланганлиги) кўрсатувчи аломатлар мавжудлиги; жиноятчи айнан қайси томондан келган ва қайси томонга қараб кетганлиги; жиноятчиларнинг сони; улар ўғирланган нарса ёки буюмлар қаердалиги тўғрисида илгаридан билган-билмагани. Терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш экан мана шу саволларга биратўла жавоб ҳам излаши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойда тураржой ва бинога кирилган жой (эшик, дераза) ва у ердаги пул ва қимматбаҳо нарсалар сақланадиган шкаф, сеф ва бошқалар жиноят қуроллари ва уларнинг изларини аниқлаш мақсадида жуда синчковлик билан кўздан кечирилиши керак. Бундан ташқари, фақатгина ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзинигина кўздан кечириш билан чекланмасдан, унинг атрофлари (оёқ ва автомашина изларини, жиноятчилар тушириб қолдирган ёки ташлаб юборган нарсаларни, сигарета қолдиқларини топиш, келган ва кетган йўлларини аниқлаш мақсадида) ҳам кўздан кечириш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёни видеотасвирга олиниши, суратга туширилиши ҳамда у ердан йўқолган нарса ва буюмларга тегишли бўлган ҳужжатлар, қутилар, ёрлиқлар ва бошқалар олиниши керак.

Терговнинг дастлабки босқичида ўтказиладиган комплекс тергов ҳаракатларида жабрланувчи ва моддий жавобгар шахсни сўроқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Уларни сўроқ қилишда қуйидаги ҳолатларни тўла аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- ўғрилиқ унга қачон ва қандай ҳолатда маълум бўлган;
- ўғирланган нарса ва буюмларни охириги маротаба қачон кўрган эди;
- нарса ва буюмларни ўғирланганлигини қачон аниқлаган;
- ўғирланган нарса ва буюмларнинг ўзига хос белгилари, сони, миқдори ва суммаси ҳамда жиноятдан сўнг бир қисми, бўлаги уйида ёки бинода қолганлиги;
- ўғирланган нарса ва буюмларнинг ҳужжатлари мавжуд бўлганлиги ва жиноятдан сўнг уларнинг бор-йўқлиги;
- ўғирланган нарса ва буюмларнинг сақланиш жойлари ва бу тўғрисида ўзидан бошқа яна кимлар билишлиги;

— ўғирланган нарса ва буюмларни сақланишини ҳимоя қилиш чораларини кўрилганлиги (сейфда, калити қаерда ва ҳ.к.).

— оила аъзоларидан ташқари бошқа шахслар (дугона, ўртоқ, қўшни ва бошқалар) ва қариндошлари уйида катта миқдордаги пул, қимматбаҳо нарса ва буюмлар сақланиши ва улар турган жой тўғрисида маълумотга эга бўлганми;

— жиноятни содир этганликда бирорта шахсдан гумон қиладими ва нималарга асосланиб;

— эшик ва дарвозаларнинг қанча калити бор ва улар кимларда туради;

— жиноят содир этилганига қадар охириги маротаба хонадонига, уйига ва офисига ким келган эди, нотаниш бўлса қандай кўринишда (буйи, ёши, ташқи кўриниши ва ҳ.к.) бўлган;

— корхонанинг иш тартиби, режими қандай;

— йўқолган нарса ва буюмлар сақланадиган жойга кимлар киришга ҳақи ва кимлар кириш имкониятига эга;

— объектнинг қуриқланиш тартиби қандай;

— корхонада шубҳали ва тасодифий шахслар ишлайдими ва шундай шахслардан кейинги вақтларда ишдан бўшаб кетганлари борми.

Ўғрилик жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар, жабрланувчи ва унинг оиласи тўғрисидаги маълумотлар, жиноят содир этилган жойнинг ўзига хос томонлари, тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида тўпланган маълумотлар ва далиллар асосида жиноятни фош этиш юзасидан қўйидаги гумонларни илгари суриш ва текшириш мумкин бўлади:

1. Жиноят содир этилган жойга қўшни ва яқин жойлашган худудларда яшовчи ва ишловчи шахслар (муқаддам судланганлар, жиноятга мойил шахслар, яқинда жазо ўташ жойидан қайтиб келганлар, оила аъзоларининг дўстлари ва танишлар) томонидан содир этилган.

2. Жиноят мулки ўғирланган оиланинг аъзолари билан бирга ишловчи, ўқувчи ва яхши таниш бўлган шахслар томонидан содир этилган.

3. Жиноят жабрланувчининг қариндошлари томонидан содир этилган.

4. Жиноят «гастролёр» жиноятчилар томонидан содир этилган.

5. Жиноят илгари шундай жиноят содир этганлиги учун судланиб чиққан шахслар томонидан содир этилган.

6. Жиноят бошқа бир жиноят изини яшириш мақсадида содир этилган.

7. Жиноят аслида содир этилмаган ҳолда муайян бир мақсад кўзланган ҳолда жабрланувчи ёки мулкдор томонидан инсценировка қилинган.

Ўғрилиқ жиноятларининг барча турлари бўйича ҳам умумий бўлган ишлар ташкил этишдаги қуйидаги йўналишларни кўрсатиш мумкин:

1. Жиноят содир этилишига гумондор бўлган ёки жиноий тажовуз предметиға алоқадор бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг шахси, турмуш тарзини ўрганиш (бунда шундай жиноятлар кўпинча жиноят объекти тўғрисида маълумот берувчи шахс, яъни «наводчик» ёрдамида содир этилиши таъкидланган ҳолда уни, шунингдек, жиноят ташкилотчиларини ва иштирокчиларини аниқлашга имкон беради).

2. Ўғирланган нарса ва буюмларни излаш.

3. Шундай жиноятлар такроран содир этилишининг олдини олишни ташкил этиш.

4. Шу жиноят арафасида ва ундан кўп ўтмасдан содир этилган шунга ўхшаш жиноятларни содир этган шахслар ушбу жиноятни ҳам содир этган бўлиши мумкинлиги юзасидан, шунингдек, ушланган ва қамоққа олинган, судланган шахслар билан тегишли тезкор тадбирларни амалга ошириш.

5. Ҳеч қерда ишламайдиган ва муқим яшамайдиган шахсларнинг алоқадорлигини текшириш.

6. Жиноятчиларни уларнинг ўзига хос аломатлари ва белгилари асосида аниқлаш (фоторобот, жиноятчилар суратлари мавжуд фотоальбомлар ва бошқалар).

7. Тезкор-қидирув маълумотлар бериши мумкин бўлган манбаалардан фаол фойдаланиш.

8. Илгари шунга ўхшаш усуллар билан содир этилган ва фош этилмасдан қолаётган жиноятларга оид жиноят ва тезкор-қидирув ишларини ўрганиш ҳамда гумонланувчи тўғрисида маълумотлар тўплаш.

9. Ҳодиса содир бўлган жойдан топилиб, олинган қўл ва бармоқ изларини дактилокартотека орқали солиштириш билан жиноятчиларни аниқлаш.

Бу ўринда ўғрилиқ жиноятларининг кўп содир этилиши ва фош этилиши даражаси нисбатан юқори эмаслигини назарга олган ҳолда шу ҳудудда ва қўшни ҳудудларда содир этилган ва фош этилмасдан қолган ўғирликларга оид жиноят ишларини атрофлича ўрганиб, ундаги маълумотларни тизимга солиш кўпгина ҳолларда жиноятни фош этилишини таъминлаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги вертикал жадвалга солиш лозим:

1) тартиб рақами;

2) жиноят ишининг рақами, қўзғатилган (тўхтатилган) вақти ва моддаси;

3) қилмишнинг хусусияти;

4) жиноят содир этилган аниқ жой;

5) жиноят содир этилган аниқ вақт (йил, ой, кун, соат, минут, ҳафтанинг куни);

6) жабрланувчи ҳақида тўлиқ маълумот;

7) етказилган зарар тўғрисида маълумотлар (ўғирланган нарса ва буюмлар рўйхати, ўзига хос белгилари);

8) жиноятчиларнинг сони ва уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумотлар;

9) гумонланган шахслар сони;

10) олинган излар ва ашёвий далиллар ҳақида маълумотлар;

11) жиноят ишининг қаердалиги ва у бўйича қабул қилинган процессуал қарор;

12) тергов учун аҳамиятли бошқа маълумотлар.

Бу маълумотларнинг таҳлил қилиниб солиштирилиши ёки электро-ҳисоблаш механизми таҳлили натижалари асосида аниқлаш мумкин: жиноят фаолият ҳудудларини; жиноятчиларнинг аниқ сони ва уларнинг ташқи кўринишларини; жиноят содир этилиш вақтларини, усулларини; жиноятчиларнинг бошқа ҳудудлардан шу ҳудудга келиш вақтларини, мавсумини; ўғирланганларни сотиш йўллари ва жойларни; жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни.

Бу ҳолатлар эса тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари қатъий режа асосида мақсад сари аниқ йўналтириш имконини беради.

Жиноят фош этилганидан сўнг амалга оширилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Гумонланувчи содир этган ва содир этиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар бўйича атрофлича сўроқ қилиш ҳамда унда шу жиноятни кимлар билан содир этганлиги. Уни содир этиш фикри кимдан чиққанлиги, қандай тайёргарлик кўрилганлиги, бунда ва жиноят содир этилишида кимлар айнан қандай ҳаракат қилганлиги, жиноят жойига қандай қилиб ва қандай тартибда кирилганлиги, у ерда айнан қаерлардан нималар топилганлиги ва олинганлиги, қандай қилиб шу жойдан чиқиб кетилганлиги, қаерга олиб борилганлиги, ўғирланганлар кимлар ўртасида ва қандай тақсимланганлиги, ўғирланганлар кейин сотилганлиги ёки берилганлиги ёхуд сақланаётганлиги (қасрда) аниқланиши керак.

2. Гумонланувчининг яшаш ва ишлаш жойлари, у сўроқда ашёвий далиллар масаласида кўрсатган жойлар ҳамда ўғирланганларни берган шахсларнинг ўзи, яшаш ва иш жойларида дарҳол тинтув ўтказилмоғи лозим. Бунда топилган барча нарсалар (телефон рақамлари, нарса ва буюмларнинг ҳужжатлари, ёзув дафтарчалари ҳамда улардаги ёзувлар, режалар, схемалар ва бошқалар) эътибордан четда қолмаслиги керак.

3. Гувоҳларни сўроқ қилиш, зарур бўлса уларга жиноятчиларни таниб олиш учун кўрсатиш ва юзлаштириш, кўрсатмаларини жойида текшириш, тергов эксперименти ўтказиш.

4. Жабрланувчига нарсa ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш ва бу жараёни видеотасвирга олиш.

5. Судга оид экспертизалар тайинлаш.

6. Фуқаролик даъвоси миқдорини аниқлаш.

7. Жиноятчининг шахсини чуқур ўрганиш, унинг бошқа жиноятларга алоқадорлигини текшириш.

8. Жиноятчидан олинган ва тинтувда топилган ушбу жиноятга алоқадор бўлмаган нарсa ва буюмларнинг келиб чиқишини, улар бошқа жиноятлар содир этилишида ўғирланган бўлиши мумкинлигини аниқлаш.

11-§. ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш (ЖКнинг 168-моддаси), жиноятчилик тизимида одатда 3-4 фоизни ташкил этса-да, сўнгги йилларда салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

ЖКнинг 168-моддаси диспозициясидан келиб чиқилган ҳолда, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилади.

Амалиётда алдаш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишнинг қўплаб усуллари мавжуд.

Алдаш — бу қасддан ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатиш, онгли равишда ёлғон маълумот бериб чалғитиш, атайин жабрланувчини, у ўз эркига кўра мулкига бўлган ҳуқуқини фирибгарга беришга ундаш мақсадида муайян ҳолат, воқеаларга нисбатан тушунчасини адаштириш йўли билан шакллантириш ҳисобланади.

Алдаш — бу фақатгина ёлғон маълумотни етказиш эмас. У жабрланувчида музокара предмети тўғрисида ёлғон тушунча пайдо қилиш мақсадида ахборот ва маълумотларни бузиб кўрсатиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бундай усулларга атайин муайян маълумот ҳақида айтмасдан уни етказмаслик; муайян қатъий ҳолатларгагина диққатини жалб қилиш; маълум ва аниқ бўлган ҳақиқий маълумотларни қисман бузиб кўрсатилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишда, жиноятчи мақсади йўлида мулк эгаси билан ўзи ўртасидаги алоҳида ишончли муносабатдан фойдаланади. Таъкидлаш лозимки, давлат органлари ва юридик шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар билан муносабатлардаги фирибгарлик усули жиддий фарқ қилади.

Давлат органлари ва юридик шахсларга нисбатан фирибгарлик усулига кирилади:

1. Ташкилотга қалбаки ҳужжат тақдим қилиш йўли билан мулкни эгаллаш, масалан, меҳнат шартномаси бўйича гўёки ишларнинг бажа-

рилганлиги тўғрисида акт; моддий қимматликларни олишга ишончнома; банк кредити олиш учун кафолат хати; нафақа тайинлаш учун зарур бўлган муайян иш стажи ёки ўртача иш ҳақини гуёки тасдиқловчи маълумотнома.

2. Тегишли ишларни бажармасдан туриб, ундан фойдаланишни кўзлаб меҳнат шартномаси бўйича аванс олиш.

3. Кредит ташкилотлари томонидан тегишли активлар билан таъминланмаган вексел, чек, кафолат хати бериш.

4. Қандайдир моддий фойда олиш, енгилликка эга бўлиш учун асосларнинг йўқолганлигини яшириш.

5. Бухгалтерлик ҳисобининг автоматлаштириш компьютер дастурига, ўтказилган ва ҳақиқий ҳисобланган суммалар ўртасидаги фарқни кейинчалик ўзлаштириш мақсадида ўзгартиришлар киритиш.

6. Халқаро тўлов тизими пластик расчёт карталарини, кейинчалик пул, товар ва хизматларга тўлов ҳамда бошқаларни кўчириш билан олиб қўйиш мақсадида қалбақлаштириш.

Жисмоний шахсларга нисбатан фирибгарлик усулига киради:

1. Жиноятчи томонидан бошқа нарсани (масалан, аудиотехника қутисига гиштни солиб) сотиладиган қимматбаҳо буюм сифатида тақдим этиш.

2. Шиша ёки рангли металлдан тайёрланган буюмни қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тош сифатида сотиш.

3. Пул купюраларини майдалаш ёки сотиб олинadиган буюм учун тўловда фирибгар томонидан майда пулларни ёки бошқа шунга ўхшаш нарсани катта миқдордаги пул сифатида (кукла) кўрсатиш.

4. Нархини атайин тушириб, кейинчалик фойдасини бўлиб олиш йўли билан ўзганинг мулкани эгаллаш.

5. Карта ва ангуш ўйинларида кўзбўямачилик (шулерлик) усуллари қўллаш.

6. Бирор объектни сотиб олишда ёрдам кўрсатиш баҳонасида пул ва қимматликларни олиш.

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими хизмат либосидан у ёки бу қимматликларни эгаллаш мақсадида ёлғон тинтув ўтказишда фойдаланиш.

8. Топиб олинган ёки бошқа йўл билан қўлга киритилган пластик ҳисоб карточкаларидан қонуний эгаси сифатида фойдаланиш.

9. Молия-кредит фаолиятини амалга оширувчи ташкилот сифатида акциялари бўйича жуда юқори дивидендлар ваъда қилиб, кейинчалик ўзлаштириш мақсадида фуқароларнинг пул маблағларини жалб қилиш (пирамидалар).

10. Фолибларни ўзларига тегишли кишилардан аввалдан белгилаб қўйган ҳолда катта мукофот ва қимматбаҳо совринлар қўйиб,

билетларини кўп миқдорда фуқароларга сотиш билан турли хил лотерея, конкурслар ташкил этиш.

11. Интернет сетида фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш.

Фирибгарликларнинг содир этиш жойи жиноятчилар томонидан унинг содир этиш усулига қараб танланади. Бундай жойлар вокзал, бозор, комиссия дўкон, юридик шахсларнинг офислари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Фирибгарликда бошқа жиноятлар каби жиноят излари кўп бўлмайди, шундай бўлса-да улар жиноятчилар алдаш учун фойдаланадиган тилхат, буюм, ҳужжат ва компьютер хотиралари шаклида бўлиши ҳамда уларда фирибгарнинг ёзуви, бармоқ излари ва имзолари қолиши мумкин.

Фирибгарлар, одатда, ёши улғайган, ҳийлагар ва топқир ақлга, жабрланувчиларни ўзига жалб қила олиш, қаратиш қобилиятига ва руҳий усулига эга бўладилар. Улар ўзлари тўғрисида атрофдагиларда яхши таассурот қолдириш йўллари биладилар ҳамда турли соҳаларда муайян касбий тушунча, билимларга эга бўладилар. Кўпчилик ҳолатларда улар яқка ўзи ҳаракат қилади, гуруҳ бўлиб фирибгарлик содир этишда гуруҳ аъзоларининг вазифалари аниқ тақсимланган бўлиб, уларни жинойи профессионализм ва аниқлик билан бажарадилар.

Жабрланувчиларнинг шахсига тўхталса, таъкидлаш керакки, улар фирибгарлик содир этилиши йўллари тўғрисида тушунчага эга бўлмайдиган, ҳаддан ташқари содда ва ишонувчан, бирор нарсанинг моҳиятини чуқур тушуна олмайдиган бефарқ, кўпинча очкўз, қизғанчиқ, меҳнат қилмасдан фойда ва манфаатга эга бўлишга интилувчан кишилардир. Айрим ҳолларда жабрланувчиларнинг шу салбий томонларидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланган фирибгарлар қурбони бўлсалар-да, ўзларининг бундай хулқларидан уялиб, содир этилган жиноят тўғрисида тегишли давлат органларига бу ҳақда хабар бермайдилар.

Фирибгарликни тергов қилишнинг дастлабки босқичининг ўзига хос томонлари

Фирибгарлик тўғрисида жиноят ишлари асосан жабрланувчиларнинг (фуқаролар, корхона, ташкилот, муассаса, банк, тижорат тизимлари), шунингдек, фирибгарлик аломатлари бевосита аниқланиши натижалари юзасидан қўзғатилади.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва шу жиноятнинг ўзига хос томонларидан келиб чиқилган ҳолда, фирибгарликни тергов қилишда куйидагилар аниқланиши керак:

– фирибгарлик содир этилганми;

– у кимга нисбатан содир этилган, жабрланувчи шахси тўғрисида маълумотлар;

– фирибгарликка тайёргарлик кўриш ҳаракатлари нималардан иборат;

– жиноятнинг содир этилиш жойи, вақти, йўли (усули), гувоҳлар ва шохидларнинг мавжудлиги;

– алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш нималарда кўринади, томонлар ўртасидаги муносабатлар фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятга эга эмасми;

– жиноятчи қўллаган техник воситалар, уларнинг тайёрланган жойи, вақти ва усули;

– жиноий мақсадга эришиш учун фойдаланилган воситаларнинг олиш манбаи;

– фирибгарлик предмети, жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар миқдори;

– ахборот ва молиявий ҳужжатларнинг қалбакиликдан ҳимояланиш воситалари ҳақидаги маълумотлар манбаи;

– жиноятчи шахси ҳақида маълумотлар, агарда жиноят гуруҳ бўлиб содир этилган бўлса — уларнинг таркиби, ҳар бир иштирокчининг вазифаси.

Бу ҳолатлар фирибгарликнинг аниқ ҳодисасига боғлиқ бўлиб, аниқлаштирилиши ва уларга қўшимчалар киритилиши мумкин.

Терговнинг дастлабки босқичида икки тергов вазиятдан бири юзага келади:

Биринчиси, фирибгарлик тўғрисида жиноят ишлари қўзғатилишига жабрланувчиларнинг (фуқаролар, корхона, ташкилот, муассаса, банк, тижорат тизимлари), алдаш йўли билан номаълум шахс томонидан уларнинг моддий қимматликлари эгалланганлиги ҳақидаги аризалари асос бўлган.

Иккинчи вазиятда эса, бир таниш шахс томонидан ҳақиқийлиги шубҳа уйғотувчи ҳужжатларнинг муайян моддий манфаатларни кўзлаб тақдим этилишидир. Масалан, муаллифлик гонорарини олиш учун ишончнома, товар-моддий бойликларни омборхонадан олиш учун накладной ва бошқалар.

Биринчи вазиятда, тергов жиноятни содир этган шахсни аниқлашга қаратилса, иккинчисида фирибгарлик содир этишда гумонланган аниқ бир шахсдан, унинг айбини аниқлаш ва исботлашга қаратилган бўлади.

Фирибгарликка оид жиноят ишлари юзасидан, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишида олинган маълумотлар асосида тергов гумонлари илгари

сурилади. Терговнинг бошланғич босқичида қуйидаги гумонлар илгари сурилиши мумкин:

1. Жиноят аризачи маълум қилган ҳолатларда содир этилган.

2. Фирибгарлик юз бермаган, аризачи фуқаровий-ҳуқуқий характердаги муносабатлар натижасида зарар кўрганлигига нисбатан виждонан адашмоқда.

3. Фирибгарлик юз бермаган, аризачи қасддан ёлғон маълумот бермоқда (фирибгарликни инсценировка қилиш).

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг мазмуни ва кетма-кетлиги, жиноятчининг бевосита ўзи ёки юридик шахс номидан ҳаракат қилганлиги билан боғлиқ ҳолда жиддий фарқ қилади.

Чунончи, агарда жиноятчи бевосита ўзи ҳаракат қилган бўлса, терговнинг бошланғич этапида терговчининг ҳаракатлари қуйидаги тарзда бўлади.

Биринчидан, мулкни эгаллаш жойи, вақти, усули аниқланади ҳамда бунинг учун зарур бўлади:

1. Жабрланувчини жиноят содир этиш ҳолатлари юзасидан атрофлича сўроқ қилиш, бунда жиноятчиларнинг хулқи ва характерини ойдинлаштириш, алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш нимада намоён бўлганлигини аниқлаш, фирибгарлар сони, уларнинг ташқи кўринишлари, бир-бирларини қандай чақирганликлари, жабрланувчи қимматликлар мавжудлигини нималар тасдиқлаши мумкинлиги, жиноят содир этилишида жиноятчи томонидан қандай буюмлар, нарсалар, ҳужжатлар ва бошқалардан фойдаланилганлиги.

2. Жабрланувчига жиноятчи томонидан берилган буюмлар, нарсалар, ҳужжатлар ва бошқаларнинг жойини аниқлаш. Агарда улар жабрланувчида бўлса, уларни олиб қўйиш, кўздан кечириш, жиноят ишига ашёвий далил сифатида қўшиш.

3. Ҳодиса содир бўлган жойни жиноятчи шу ерда бўлганлигини кўрсатувчи изларни ва унга тегишли нарсаларни топиш мақсадида кўздан кечириш.

4. Жиноятнинг гувоҳларини аниқлаш ва сўроқ қилиш.

5. Иш юзасидан олинган ҳужжатлар, излар, моддалар бўйича техник-криминалистик, хатшунослик, кимёвий, трасологик, майда заррачалар бўйича ва бошқа экспертизалар ўтказиш.

Иккинчидан, фирибгарларнинг шахсини аниқлаш учун:

1. Жабрланувчидан аниқланган жиноятчининг ташқи кўриниши асосида уни қидириш ва ушлаш ҳақида суриштирув органига топшириқ бериш, пост-патрул хизмати ва қўшни ички ишлар органларига ориентировкалар юбориш.

2. Суриштирув органига ички ишлар органларида жиноятчилар (фирибгарлар) суратлари мавжуд бўлган фотоальбомни жабрланувчига кўрсатиш юзасидан топшириқ бериш.

3. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида жиноятчини ва унинг қаерда эканлигини аниқлашда фойдаланиш.

Учинчидан, фирибгарларнинг айбдорлигини исботлаш учун:

1. Гумонланувчини, унинг терговдан яширинишини, тергов ҳалақит бериши, ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар, нарса ва буюмларни йўқотишини олдини олиш мақсадида ушлаш.

2. Жиноятчи ушланган жойни, у ташлаб юборишга улгурган ёки қасддан қолдирган ҳужжатлар, нарса ва буюмларни топиш мақсадида кўздан кечириш.

3. Ушланган шахсни тинтув қилиш, унинг яшаш жойи ва ўғирланган ҳужжатлар, нарса ва буюмлар сақланиши мумкин бўлган жойларда тинтув ўтказиш.

4. Топилган ҳужжатлар, нарса ва буюмларни кўздан кечириш ва ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиш.

5. Гумонланувчи(лар)ни сўроқ қилиш.

6. Жабрланувчига гумонланувчи(лар)ни ва у(лар)дан олинган ҳужжатлар, нарса ва буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш.

7. Турли хил судга оид экспертизалар тайинлаш учун намуналар олиш.

Агарда, жиноятчилар юридик шахс номидан ҳаракат қилган бўлсалар, терговчининг терговнинг бошланғич этапидаги ҳаракатлари қуйидагича бўлади:

Биринчидан, фирибгарлар номидан ҳаракат қилган юридик шахснинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва бунинг учун:

1) ҳокимият ва солиқ идораларидан юридик шахснинг расман қайд этилганлиги ва фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш;

2) юридик шахснинг расмий ва амалдаги манзилларидан унинг таъсис этилиши ҳақидаги ва фаолиятини тартибга солувчи бошқа расмий ҳужжатларни олиб қўйиш.

Иккинчидан, шу юридик шахс вакилларининг жабрланувчи тараф билан алоқаларини аниқлаш ва бунинг учун:

1) жабрланган тарафдан ушбу юридик шахс билан бўлган барча муносабатларга доир ҳужжатларни олиб қўйиш;

2) жиноятчилар ўзларини вакили деб ҳаракат қилган юридик шахснинг раҳбарлари, моддий-жавобгар ва бухгалтерия ходимларини шу шахслар ва уларнинг ҳаракатлари юзасидан сўроқ қилиш.

Учинчидан, жиноят ҳодисаси ва унинг содир этилиш усулини аниқлаш. Бунинг учун зарур:

1) жабрланган фирманинг раҳбари ва бош бухгалтерини, жиноятчилар номидан ҳаракат қилган юридик шахс билан шартномалари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида сўроқ қилиш, бундай шартномалар мавжуд бўлса уларни олиб қўйиш; сўроқларда шартнома предмети, товарлар юкланганлиги ва жўнатилганлиги, улар учун тўловлар келиб тушганлиги, қанча миқдорда зарар етказилганлиги, ҳисоб-китоб тартиблари, шартнома айнан ким билан тузилганлиги ва унинг ташқи кўриниши ойдинлаштирилиши лозим;

2) гувоҳларни, яъни, товарларни юклаган ишчиларни, қоровулларни ва омборхона ходимларини сўроқ қилиш;

3) омборхонада юритиладиган ҳужжатларни олиб қўйиш;

4) товарлар юкланган автомашиналарни ва уларнинг хайдовчиларини аниқлаш юзасидан топшириқлар бериш ҳамда улар аниқланган тақдирда ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиш;

5) фирибгарлар номидан ҳаракат қилган юридик шахснинг штамп, бланка, муҳр андозаларини (отгиск) ва раҳбари имзоси намуналарини солиштириш учун олиш;

6) шартномалар бўйича штамп, муҳр, имзоларни қалбакилаштириш усулини аниқлаш мақсадида криминалистик-техник экспертиза ўтказиш.

Тўртинчидан, фирибгарларнинг шахсини аниқлаш учун:

1) жабрланган фирма номидан шартнома тузган ходимларни, фирибгарларнинг ташқи кўринишлари ва бошқа белгилари юзасидан сўроқ қилиш;

2) жабрланган фирма ходимлари ҳам фирибгарлар билан жиноий тил бириктирган бўлиши мумкинлигини текшириш юзасидан тезкор топшириқ бериш;

3) ички ишлар органларига юридик шахс номидан ҳаракат қилиб юрган шахсларни аниқлаш ва ушлаш юзасидан топшириқ бериш;

4) ушланган тақдирда уларни шахсий тинтув қилиш, гувоҳлар ва жабрланган фирма вакилларига таниб олиш учун кўрсатиш;

5) ўғирланган ҳужжатлар, нарса ва буюмларни сақланиши мумкин бўлган жойларда тинтувлар ўтказиш;

6) жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш ва фуқаровий даъво таъминланиши учун тинтувлар ўтказиш;

7) гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш.

Фирибгарликка оид жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларининг ўзига хос услублари

Фирибгарликка оид жиноят ишлари бўйича кўздан кечиришнинг объекти бўлиб, фирибгарлик тайёрланиши ва содир этилишида

фойдаланилган турли хил нарса, буюм ва ҳужжатлар ҳамда ҳодиса содир бўлган жой ҳисобланади.

Ҳодиса содир бўлган жой қоидага қўра, пул ва бошқа қимматли нарсалар берилган жой; пул ёки ясама буюм, қиммат нарсалар арзони билан алмаштириб қўйилган ҳолдаги олди-сотди амалга оширилган жойлар; карта ва ангуш ўйинларида кўзбўямачилик содир этилган жойлар; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари сифатида тинтув ўтказилган жойлар; қалбаки ҳужжатлар асосида пул ва қимматбаҳо буюм ва нарсалар олинган жойлар; қонунсиз олинган товарлар автотранспорт воситаларига юкланган жойлар ҳисобланади.

Фирибгарлик тўғрисида ариза олинганидан сўнг ҳодиса содир бўлган жойларда имкон даражасида тезроқ тинтув ўтказиш чоралари кўрилиши керак.

Пул, ясама буюм (кукла) ва бошқа нарсалар берилган ҳамда карта ва ангуш ўйинларида кўзбўямачилик содир этилган жойларни кўздан кечиришда қўл, оёқ, транспорт воситалари изларини топиш учун зарур чоралар кўрилиши лозим. Ҳодиса содир бўлган жойда ейилган озиқ-овқат қолдиқларида тиш излари, сигарета қолдиқлари ва фирибгарлар тушиб қолдирган ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Булардан ташқари, фирибгарлик йўли билан олинган пулларнинг олинishi ва кейинги ҳаракатини ўзида акс эттирувчи (шартномалар, объектларни топшириш-олиш актлари, накладнойлар, кредит авизолари, фирма, банк ва бошқаларни ташкил этиш таъсис ҳужжатлари) бошқа ҳужжатлар ҳам кўздан кечирилиши лозим.

Пластик карточкалар ва компьютерларни кўздан кечиришда бу соҳалар бўйича мутахассислар қатнашуви лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилишда энг аввало фирибгарнинг шахси ҳақида кўпроқ маълумот олиш зарур бўлади, бунинг учун эса қуйидаги ҳолатлар аниқланиши керак:

1) жабрланувчи фирибгар билан танишми, қачон ва қандай ҳолатда танишган, ким уларни таништирган ёки кимнинг қатнашувида;

2) фирибгар ўзини ким деб танитган ва бирор ҳужжатни кўрсатганми;

3) жиноятчининг ташқи кўриниши ва ўзига хос белгилари қандай (ёши, бўйи, ориқ-семизлиги, сочи, татуировкаси, холи, юриши, қадини тутиши ва ҳ.к.), сўзлашиш манераси, шеваси, нотабий сўзларни гаплашишда ишлатиши, устидаги, бошидаги ва оёғидаги кийимлари қандайлиги;

4) жиноят қаерда, қачон ва қайси усул билан содир этилганлиги; агар жиноят гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, ҳар бирининг ҳаракатлари, ўзаро нималар тўғрисида гаплашганликлари;

5) жиноятчи қандай транспорт воситасидан фойдаланган, унинг давлат белгилари, ранги ва русуми, жамоат транспорти бўлса қўшимча равишда қайси маршрут бўйича юриши ва бошқалар;

6) жабрланувчига етказилган зарарнинг характери ва миқдори;

7) жиноятчига берилган пул ва бошқа нарсалар солинган буюмларнинг тури ва аҳволи;

8) жабрланувчи қачон, қандай ҳолатда ва қаерда ўзи алданганлигини билган, кимга бу ҳақда айтган.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда аниқланадиган масалалар муайян жиноий ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Фирибгарликда гумон қилинувчини сўроқ қилиш муайян мураккабликларга эга бўлади. Бу эса, жиноятчининг тажрибалилиги, унинг вазиятни тўғри баҳолай олган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятига эга эканлиги, содир этадиган ҳар бир жиноий ҳаракатининг фош этилиши мумкинлигини англаб олдиндан шундай ҳолатда айнан нима қилиши кераклигини режалаштириб юриши билан изоҳланади. Фирибгар ўзининг шахси тўғрисида имкон қадар кам маълумот беришга, судланганлигини яширишга, ўзи ва атрофидагилар ҳақида ёлғон маълумотлар беришга ҳаракат қилади, шу муносабат билан унинг шахсини тўла аниқлаш учун барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва транспорт ички ишлар бошқармалари ҳамда ички ишлар вазирлиги ахборот марказларидан тегишли ахборотлар олиниши зарур.

Кўпинча фирибгар бирор шахсдан пул, қимматбаҳо нарса ҳамда буюмлар олганлигини инкор этмасдан, аслида қарз учун ёки бирор масаласини ҳал этишда ёрдам бериш учун олганлигини кўрсатади. Шу сабабли унинг ҳар бир важи тергов жараёнида зарур тергов ҳаракатларини (таниб олиш, юзлаштириш ва ҳ.к.) сифатли ўтказиш, тегишли ҳолатларни аниқлаш, маълумотлар тўплаш ва далиллар билан ишончли тарзда инкор этилиши керак.

Фирибгарликка оид жиноят ишлари юзасидан жабрланувчи ва гувоҳларга жиноятчини таниб олиш учун кўрсатишда, унинг ўта топқирлиги ва ҳушёрлигини ҳамда қобилиятидан фойдаланиб жабрланувчи ва гувоҳларни чалғитиши, вазиятни ўз фойдасига буриб юбориши мумкин бўлган саволлар бериши, руҳий босим ўтказиши мумкинлиги назарда тутилиши керак. Шу сабабли айрим ҳолатларда олдин фотосуратини таниб олиш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноятчининг кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати жиноят иши юзасидан тергов давомида юзага келган ҳолатни, қарама-қаршиликни бошқа йўл билан

бартараф қилиш имконияти йўқ бўлган ҳоллардагина ўтказиш мумкин.

Фирибгар ўзи содир этган жиноятларга иқрорлик билдирган ҳолатларда тергов эксперименти ўтказиш мумкин, бунда унинг муайян кўникма, тажриба, қобилият ва тушунчага эга эканлиги текширилади. Масалан, унинг бирор қалбаки ҳужжатни тайёрлай олиши, пул ёки буюмни ясама шаклини (кукла) тайёрлаши, карта ва ангуш ўйинларида кўзбўямачилик (шулерлик) усулини қўллай олиши, ҳисоб пластик карточкаларни қалбакилаштириши ва компьютердан фойдалана олишини эксперимент ўтказиш билан текшириш мумкин.

12-§. ФАВҚУЛОДДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Жаҳон миқёсида XX аср охири ва ҳозирги асримизда фавқулоддаги вазиятларнинг анча кўпайганлиги, шу жумладан, фавқулоддаги шароитларда ўта оғир ва оғир жиноятлар, жумладан террористик актлар ва экстремистик ҳаракатлар содир этилишининг ошганлиги кузатилмоқда.

Буларга мисол тариқасида, ўзини бундай ҳолатлардан истисно деб билувчи АҚШдек қудратли давлатда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган ва жаҳонни ларзага солган кенг қўламдаги террористик актлар, шунингдек, сўнгги йилларда, Англия, Ҳиндистон, Покистон, Ироқ, Ливан, Миср, Испания, Россия ва бошқа бир қатор давлатларда содир этилган бундай ҳаракатлар инсоният учун жуда катта хавф туғдирмоқда.

Халқимизнинг собиқ шўро даврида ўзининг азалий олижаноб қадриятларидан маҳрум этилганлиги, маънавиятимиз ва маданиятимиз шаклланишининг асоси бўлган муқаддас ислом динидан узоқлаштирилганлиги оқибатида диний билим ва саводимиз ҳамда тушунчаларимиз жуда юзаки даражада бўлиб қолганлигидан фойдаланган, ислом дини ниқоби остидаги ғараз ниятли диний экстремистик ва террористик ташкилот ва оқимлар томонидан мамлакатимизда ҳам бир қатор экстремистик ҳаракатлар ва террористик актлар содир этилди.

Бу ҳолатларда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фавқулодда ҳолатларда ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришларига тўғри келди.

Фавқулоддаги шароит — одатий вазиятнинг маромида кўзда тутилмаган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик фаолияти ҳамда ижтимоий-сиёсий, жамоат тартибини қўриқлаш ва жиноятчиликка қарши кураш жабҳаларида турли шаклларда намоён бўлувчи одатдаги тартиб ва меъёрлардан чекиниш ҳисобланиб, ўз навбатида бундай шароитлар фавқулодда чоралар кўрилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, жиноий характердаги фавқулоддаги вазиятларда, юзага келган вазиятга адекват тарздаги ҳуқуқий режим, яъни, фавқулодда ҳолат жорий қилинишининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган.

Жиноий характердаги фавқулоддаги ҳолатларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцион тузумини куч билан ўзгартиришга уриниш, ҳокимиятни босиб ёки эгаллаб олиш, қуролли исён кўтариш, оммавий тартибсизликлар, террористик актлар, алоҳида ҳудудлар ёки алоҳида муҳим объектларни эгаллаб олиш, қонунсиз қуролли тузилмаларни тузишга тайёргарлик кўриш ёки уларнинг фаолият кўрсатиши, куч ишлатиш билан фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига, давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий бошқарув органларининг меъёрий фаолиятига бевосита хавф солувчи миллатлараро, диний ва ҳудудий низоларни келтириб чиқариш сингари ҳодисалар киради.

Фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг предмети турли хил бўлиб, у шундай шароит юзага келишига сабаб бўлган муайян ҳолат билан боғлиқ бўлади.

Чунончи, оммавий тартибсизликларда одатда, жамоат тартибини бузган, оммавий тартибсизликлар, вандализм, миллий ва ирқий тенгликни бузиш, миллий, ирқий ва диний низоларни кўзғатиш, конституцион тузумни куч билан ўзгартиришга чақириш, ноқонуний қуролли тузилмалар ташкил этиш, алоқа йўллари ва автотранспорт воситаларини яроқсиз ҳолга келтиришдан иборат гуруҳ ҳаракатлари тергов қилинади. Бунинг давомида кўпчилик ҳолатларда умумий жиноятчилик кўринишлари, яъни, қотиллик, номусга тегиш, ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва бошқалар ҳам содир этилади.

Конституцион тузумини куч билан ўзгартиришга уриниш жиноятини тергов қилишда терговчилар, у билан боғлиқ бўлган давлатга хиёнат қилиш, ҳокимиятни куч билан эгаллаб олиш, терроризм, қўпоровчилик, шунингдек, давлат хизмати манфаатларига қарши жиноятларга ҳам тўқнаш келади.

Агарда фавқулодда шароитлар катта фалокатлар натижасида юзага келган бўлса, турли ишларни бажаришда хавфсизлик қоидаларини бузишдан иборат бўлган мансабдорлик характеридаги жиноятлари (хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, мансаб ваколатларидан ташқарига чиқиш), эпидемия ва эпизоотия ҳодисаларида эса, эпидемияга қарши кураш мақсадида ўрнатилган қоидаларни, ветеринария қоидаларини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳолатлари тергов қилинади.

Бундай жиноятларнинг криминалистик тавсифи фавқулоддаги шароитлар билан боғлиқлиги сабабли, улар учун умумий бўлган бир қатор хусусиятлар мавжудлигида намоён бўлади. Улардан кўрсатиш мумкин: 1) муайян ҳолатлардан қатъи назар содир этилган жиноятлар учун умумий бўлган аломатлар; 2) аниқ бир фавқулоддаги шароит билан белгиланадиган, у ёки бу жиноятларга хос бўлган, умумийлик кам

бўлган аломатлар; 3) алоҳида жиноятларга (қотиллик, номусга тегиш, ўғрилик, талончилик ва бошқалар) хос бўлган, анъанавий криминалистик аломатлар. Бу аломатларнинг терговчилар томонидан яхши ўрганилиши, улар томонидан тергов гуруҳ раҳбари ёки аъзоси сифатида бундай жиноятларга оид ишлар юзасидан терговни тўғри ташкил этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Барча жиноятлар учун умумий бўлган, фавқулодда шароитларда тергов қилишнинг предмети ташкил этувчи белгилардан, содир этилган жиноятларнинг кўплиги; уларнинг оғир оқибатлар келтириб чиқариши; уларга фақатгина алоҳида шахсларгина эмас, балки айрим ташкилот, оқим ва йўналишларнинг ҳам алоқадорлиги.

Биринчи аломат тавсифланар экан, тергов предмети бўлиб, фавқулодда шароитларда содир этилган бир ёки бир неча жиноятлар бўлиб қолмаслигини таъкиллаш мумкин. Бу ерда уларнинг тури беҳисоб бўлиб, қисқа вақт ичида содир этилиб, бутун бир минтақалар ва юзлаб, минглаб жиноий ҳаракатларни қамраб олиши мумкин.

Жиноятларнинг у ёки бу алоҳида гуруҳи хос бўлган криминалистик аломатлар, уларда содир этилган муайян фавқулодда ҳолатларга боғлиқ бўлади. Мувофиқ равишда, оммавий тартибсизликларда улар бир аломатлар, конституцион тузумни куч билан ўзгатиришга уринишда бошқа ва эпидемия, эпизоотияларда учинчи аломатлар билан тавсифланади.

Ҳозирги шароитларда кенгроқ тарқалган, масалан, оммавий тартибсизликларда содир этилган жиноят, қуйидаги умумий аломатлар билан тавсифланади: оммавий тартибсизликларнинг бошқа жиноятлар билан боғлиқлиги; тартибсизликларни сабаблари, келиб чиқишига шарт-шароит яратган омилар; тартибсизликларнинг юзага келишини кўрсатувчи белгилар; жиноятларнинг алоҳида субъектларининг шахси ва бедодликларни содир этган оломоннинг тавсифи; қуролли тўда; оммавий тартибсизликларнинг бошланиш ва давом этиш схемаси; унинг давомида жиноятлар содир этиш механизми; оломоннинг ҳужум объектлари; жиноятларнинг изини яшириш усуллари.

Жумладан, оммавий тартибсизликлар давомида содир этилган бошқа жиноятлар билан унинг алоқаси айнан бир хил бўлмайди, у фақатгина содир этиш субъекти, жойи, вақти бирлиги бўйича кузатилиши мумкин. Айрим ҳолларда, масалан, оммавий тартибсизлик қатнашчилари бузиб ташлаш, вайрон қилиш, ёқиш жараёнларида уйларда бўлган аёллар ва гўдакларни қасддан ўлдириш, номусига тегиш, кўзига кўринган нарсаларни олиб кетиш, тақинчоқларини ечиб олиш жиноятларини ҳам содир этадилар.

Оммавий тартибсизликларнинг сабаби бўлиб турли хил тасодифий қасддан ёки қасдсиз ҳолатларда содир этилган ҳаракатлар, юзага келган

таранг вазиятда кўпчиликда кескин қабул қилиниб, салбий муносабатни пайдо қилади. Бу ички ишлар органи ходими томонидан қонун доирасида, асосли равишда ўқотар қуролидан фойдаланиш бўлиши ва аксинча, давлат идораси томонидан бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ёлғон ахборот берилиши ҳам бўлиши мумкин.

Оммавий тартибсизликлар бошланишининг типик схемаси қуйидагилардан иборат бўлади. Одатда, қандайдир омил юзага чиқади, у жиноий элементлар томонидан тартибсизликларни қўзғаш учун фойдаланилади. Сабаб пайдо бўлгач одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланадилар ва юз берган ҳодисани маҳокама қилишиб, фикр алмашадилар. Бу эса ўтиб кетувчилар ва қизиқувчан «ҳангоматалаблар» эътиборини тортади, тўда йиғилади ва тезликда кенгая боради. Миш-мишлар кўпаяди, шу ерда ифвогар ва ташкилотчилар пайдо бўлади. Улар тўпланган оломонни бедодликларга чақириб, ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини ўтказадилар. Кўпчилик тўпланган жойда халойиқ бўлиб ўтаётганларни тўғри тушуниш у ёқда турсин, ҳаттоки, эшитиш ёки кўриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлади, шундай пайтда арзимас баҳона ҳам оломонни қонунсиз ҳаракатлар содир этишига туртки бўлади.

Бундан кейинги воқеалар ривож ил ташкилотчиларнинг фаоллигига боғлиқ бўлади, улар очиқчасига оломонни бошқаради ёки чақириқлар билан чиқиб, сездирмасдан, панадан туриб раҳбарлик қиладилар.

Бирор «жўяли» сабаб пайдо бўлганидан сўнг, юқорида қайд этилганидек, «тайёр ҳолга келтирилган» оломон тош, таёқ, бошқа қўлга илинган ва махсус мосламалар ҳамда воситалар билан қуролланган ҳолда оммавий тартибсизликларни ва у билан боғлиқ жиноятларни содир этишни бошлайдилар.

Фавқулоддаги жиноятлар терговини ташкил этиш

Амалиётда фавқулоддаги шароитларда содир этилган жиноятлар терговини ташкил этишнинг 4 та шакли мавжуд:

- 1) улар билан маҳаллий тергов органлари шуғулланаётганида, жиноятларни тергов қилишнинг одатдаги тартибини жорий қилиш;
- 2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг марказий маҳкамаларининг тергов кучларидан фойдаланиш;
- 3) ҳудудий тергов органларининг кучларини шошилиш тарзда жалб қилиш;
- 4) кенг қўламда ва тезкорлик билан ҳаракат қилувчи махсус тергов гуруҳи (бригадаси) ташкил этиш.

Бу шаклларнинг барчаси амалиётда кенг синалган бўлиб, фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятларни тергов қилишда тўртинчи шакл самарали ҳисобланади. Амалиётда бу шакл, тергов жараёнида кўплаб суриштирув ва тезкор-қидирув ишлари ҳамда талбирлари турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир қатор тармоқлари томонидан комплекс тарзда амалга оширилиши муносабати билан тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи ҳам деб аталади.

Фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятларни тергов қилиш учун махсус тергов гуруҳини ташкил этиш жараёни ўзида бир қатор элементларни мужассамлаштирган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) фавқулоддаги шароитларда содир этилган жиноятларни тергов қилиш учун махсус тергов гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2) қарорни расмий равишда барча ижрочиларга етказиш;

3) ҳудудий тергов маҳкамаларида терговчиларни ажратиш ва уларни фавқулоддаги шароитлардаги ҳаракатларга тайёрлаш;

4) гуруҳга жалб қилинган терговчиларнинг тергов гуруҳи (тергов ўтказиладиган жойга) ихтиёрига етиб келиши;

5) терговчиларни бир жойга тўплаш ва уларга вазиятни ва ундан келиб чиқадиган вазифа ҳамда мақсадларни тушунтириш;

6) тергов гуруҳи ташкил этилганлигини расмийлаштириш;

7) тергов гуруҳи таркибида таркибий тармоқ ва тизимларни шакллантириш;

8) терговчиларни таркибий тармоқ ва тизимларга тақсимлаш;

9) ҳар бир таркибий тармоқ ва тизим ҳамда ҳар бир терговчига муайян йўналиш (гумон, эпизод) ёки ҳудуд (участка, зона) бўйича ишларни белгилаш;

10) амалга оширилган ишларнинг аҳволини назорат қилиб бориш, янги вазифаларни белгилаш ва бошқа масалаларни ҳал этиб бориш тартибини белгилаш.

Тергов гуруҳи таркибида ташкил этилган тармоқ ва тизимларга тергов гуруҳи олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқилган ҳолда, тергов қилинаётган ҳолатнинг мураккаблиги, ҳолатлар сони, ҳудуднинг катталиги, иш ҳажми ва кўламнинг катта-кичиклиги ва тергов гуруҳи аъзоларининг сонига қараб турли йўналишдаги аниқ вазифалар қўйилиши мумкин. Масалан, тармоқ ва тизимларга тақсимланиши мумкин: ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш; ашёвий далилларни ва улар юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларни тўплаш ҳамда уларни таҳлил қилган ҳолда тақдирини ҳал этиш; судга оид экспертизалар тайинлаш, ўтказиш ва хулосаларни баҳолаш; жиноят содир этилишининг сабаблари ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни

ўрганиш, бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриш; гувоҳларни аниқлаш ва терговга жалб қилиш; тўпланган ахборотлар, маълумотлар, далиллар ва аниқланган ҳолатларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш (ахборот маркази); тергов ва суддан яширинган жиноятчиларни қидириш; алоҳида ҳолатларни тергов қилиш; судга айблов хулосаси билан юборилган ишнинг эпизодлари бўйича давлат айбловини қўллаб-қувватлаш; тергов гуруҳи ишини криминалистик техника, илмий-техник воситалар билан ва бошқа материал-техник жиҳатдан таъминлаш.

Фавқулодда содир этилган жиноят ҳолатларини исботлаш. одатий фаолиятдаги кўпгина умумийликка эга, масалан, жиноятнинг у ёки бу томонларини исботлаш учун бу ерда ҳам уни содир этган шахснинг ҳаракатларини; қотилликда ёки оғир тан жароҳати етказишда зарбалар бериш, ўғирликда мулкни эгаллаб олишни аниқлаштириш ва ҳ.к. Шундай бўлса-да унинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

Бунда фақатгина жиноий ҳаракатнинг ўзигагина эмас, унинг содир этилишидаги шароитларни тўла аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, оммавий тартибсизликларни исботлаш учун, уч босқичли умумийлик ҳолатларини аниқлаш зарур бўлади:

- 1) оммавий тартибсизликлар муайян бир минтақада ёки аҳоли пунктида тарқалганлигини кўрсатувчи умумий вазият;
- 2) оммавий тартибсизликларнинг алоҳида ҳолатлари (эпизодлари);
- 3) оммавий тартибсизликларнинг алоҳида ҳолатлари (эпизодлари) давомида шахс томонидан бевосита бажарилган аниқ ҳаракатлар.

Умумий вазият ҳақидаги маълумот оммавий тартибсизликлар муайян бир минтақада ёки аҳоли пунктида бўлиб ўтганлигини тавсифлайди. Улар оммавий тартибсизликларнинг бошланиш ва тугаши, уни сабаблари, йўналиши ва содир этилишининг усуллари, оқибатлари, етказилган моддий зарар миқдори, ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрган фавқулоддаги чоралар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлантиради.

Иккинчи гуруҳдаги маълумотлар, айбланувчи қатнашган алоҳида ҳолатга (ҳолатларга) ва унга эълон қилинган айбловга тааллуқли бўлади. Улар ўзида жиноий ҳолат кечган вақти ва аниқ жойи, оломоннинг сони ва таркиби, уларнинг қуролланиши, ҳужум объекти, оммавий тартибсизликлар намоён қилувчи ҳаракатлар йиғиндиси тўғрисидаги маълумотларни мужассамлантиради.

Учинчи гуруҳ маълумотлари эса, оммавий тартибсизликларнинг тергов қилинаётган ҳолати (эпизоди) давомида шахс томонидан амалга оширилган аниқ ҳаракатларга тааллуқли бўлади.

Оммавий тартибсизликларнинг ҳар учала гуруҳ ҳолатларини фақат биргаликдаги йиғиндиси содир этилган жиноят манзараси тўғрисида аниқ хулосага келишга асос бўлади.

Амалиётда учраб турадиган, бундай тартибдан чекиниш, ҳақиқий ҳодиса ҳолатини бузиб кўрсатилишига, қилмишни нотўғри малакалашга ва тўғри ҳуқуқий баҳо берилмаслигига олиб келади. Масалан, оммавий тартибсизликларда қатнашган бир шахснинг фақат ўзи содир этган ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо бериладиган бўлса, у кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликка ўхшайди, аммо, содир этилган оммавий тартибсизликлар жараёнида у сафида бўлган оломон томонидан содир этилган умумий жиноий ҳаракатларнинг йиғинди оқибатларига қараб ҳуқуқий баҳо бериладиган бўлса, унинг ҳаракатлари ўта оғир оқибатлар келтириб чиқарганлиги кўринади.

Фавқулодда содир этилган жиноятларни дастлабки ва кейинги босқичларининг ўзига хослиги

Фавқулодда шароитлар келтириб чиқарувчи оммавий тартибсизликлар ва бошқа жиноят ҳолатлари жуда аниқ бўлади. Шу сабабли у бўйича жиноят иши, шу тўғрисида хабар олинishi биланок, дарҳол, одатдаги тартиб бўйича текширишлар ўтказилмасдан, ҳолатлар ҳисобга олинмасдан ва қайд этилмасдан ҳам кўзғатилади.

Бунда бир минтақадаги шундай жиноий ҳолатлар юзасидан битта жиноят иши кўзғатилади.

Оммавий тартибсизликлар бўйича жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги қарорда, бу ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий квалификацияси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244-моддаси билан белгиланиб, қарорда бошқа моддалар билан квалификация қилиш талаб этилмайди.

Жиноят иши кўзғатилганидан сўнг оммавий тартибсизликлар ва унинг давомида содир этилган бошқа жиноятлар юзасидан бошланғич маълумотларни тўплашга қаратилган ишлар ташкил этилади ҳамда шу мақсадда алоҳида тергов гуруҳи ташкил этилади.

Фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятлар юзасидан бошланғич хабар, маълумот ва материаллар умумий қоидаларга мувофиқ қайд этилади ва ҳисобга қўйилади. Ариза, хабар ва бошқа ахборотларни қонунда белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда қайд этилиб, ҳисобга олинishi, кейинчалик улар бўйича тушунмовчиликлар келиб чиқиши ҳамда тақдири тўғрисида ҳужжатли ва асосли жавоб бериш имконини беради.

Фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятлар юзасидан бошланғич хабар, маълумот ва материаллар умумий қоидаларга мувофиқ

қайд этилиб, ҳисобга қўйилгач, улар юзасидан ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текшириш ўтказилмасдан, дарҳол бу ҳолатлар терговини амалга ошираётган махсус тергов гуруҳига юборилиши лозим.

Фавқулодда шароитларда содир этилган жиноятлар юзасидан бевосита тергов гуруҳига келиб тушган бошланғич хабар, маълумот ва материаллар умумий қондаларга мувофиқ қайд этилиши ва ҳисобга қўйилиши учун ҳудудий ички ишлар, прокуратура ва МХХ органларига юборилиши шарт эмас. Чунки, тергов гуруҳи марказлашган бўйсунуш асосида ўзи мустақил равишда уларнинг ҳисобини махсус юритилган расмий журналларда қайд этиб боради. Бунинг замирида асосан, тергов сирини сақлаш ётади, чунки, тергов гуруҳига келиб тушган кўпгина бошланғич хабар, маълумот ва материалларда оммавий тартибсизликларда мансабдор шахслар ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам алоқадорлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин.

Фавқулодда шароитларда содир этилган оммавий тартибсизликлар ва бошқа жиноятлар бўйича тергов гуруҳига келиб тушган хабар, маълумот ва материаллар марказлашган тартибда қайд этилганидан сўнг, тегишлилиги бўйича шундай ҳолатлар юзасидан тергов ўтказаётган ҳудудий тергов гуруҳларига юборилади.

Фавқулодда шароитларда содир этилган оммавий тартибсизликлар ва бошқа жиноятлар бўйича тергов гуруҳи терговнинг бошланғич босқичида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳаракат қилади:

1) жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

2) ҳарбий тадбирлар ўтказилишида терговчиларнинг ҳаракатлари;

3) излов-қидирув ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

4) аниқ жиноят ҳолатлари бўйича ишни ташкил этиш.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари фавқулодда шароитларда содир этилган оммавий тартибсизликлар бартараф этилиб, вазият барқарорлашганидан сўнг, бунинг учун шароитлар етарли даражада таъминлангач ўтказилиши керак.

Ҳарбий тадбирлар ўтказилишида тергов ҳаракатлари оммавий тартибсизликлар давом этаётган ва ҳарбийлар томонидан уларни тўхтатиш ва батараф этиш шароитида амалга оширилади. Булар кескин чегараланган бўлиб, ҳолатларни суратга олиш ва видеотасвирга туширишдан иборат бўлиши мумкин.

Излов-қидирув тадбирлари, қурол-яроғларни, жиноят қуролларини, оммавий тартибсизликларда талаб олиб кетилган мулкларни аниқлаш ва олиш, бедарак йўқолган шахсларни, гўрковларни ва оммавий тартибсизликлар қурбонларини ҳисобга олинмасдан кўмилган жойларини

қидиришга қаратилган бўлиб, шу ҳудудда вазият барқарорлашганидан сўнг ташкил этилади.

Аниқ жиноят ҳолатлари бўйича ишлар кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тугашига қадар, муайян шахснинг оммавий тартибсизликлар ва бошқа жиноятлар содир этишдаги фаол қатнашувини узил-кесил исботловчи маълумот олинганидан сўнг ташкил этилади.

Тергов гуруҳи, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қанчалик мураккаб ва кенг кўламда бўлмасин, ишларни бир вақтнинг ўзида барча йўналишлар бўйича ташкил этиши керак.

Фавқулодда шароитларда содир этилган оммавий тартибсизликлар ва бошқа жиноятлар бўйича бошланғич тергов ҳаракатлари сифатида қуйидагилар ўтказилади: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, жабрланувчиларни гувоҳлантириш, тинтув, гумонланувчини ушлаш ва сўроқ қилиш, судга оид экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш, таниб олиш учун кўрса-тиш.

Қуйида уларнинг баъзи ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш. Фавқулодда шароитларга хос бўлган тарзда кўздан кечирилиши лозим бўлган жойлар сонининг кўплиги билан ажралиб туради, бунда тергов гуруҳи раҳбари бундай жойларни ҳисобга олинишини ташкил этади, уларнинг кўздан кечирилишини схемаси, графигини тузади, кетма-кетлигини кучни тўғри тақсимлаш ва муҳимлиги нуқтаи назаридан белгилайди.

Агар кўздан кечириш шу жойни таъмирлаш ёки бошқа зарур иш амалга оширилиши талаб қилинадиган ҳолат билан бир вақтга тўғри келса, шу ишларни амалга ошираётган раҳбар билан муддатлар келишиб олинади.

Агар кўздан кечириш бўйича ишлар узоқроқ давом этадиган бўлса (айрим ҳолларда ҳафтаб), жиноят изларини сақланишини таъминлаш чоралари дарҳол кўрилиши лозим. Тегишли объектларга кириш жойлари маҳкамланиб, ёпилиши ва муҳрланиши ҳамда шу ҳудуд учун масъул бўлган махсус тайинланган маҳаллий ҳокимият ёки ички ишлар органлари мансабдор шахсларига топширилиши керак, айти пайтда фуқаролар рухсатсиз бу ерда пайдо бўлиш, биноларга кириш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирилиши керак.

Бундай вазиятларда жабрланувчилар ва гувоҳлар иштирокида ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечириш самарали ҳисобланади. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойларнинг турли ҳолатларда суратга олиниши ва видеотасвирга туширилиши шарт ҳисобланади.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш ўша жойда юзага келган вазиятга боғлиқ бўлиб, тергов гуруҳи учун белгиланган хизмат хона-

ларида, ҳодиса содир бўлган жойда, фуқаролар эвакуация қилинган жойларда амалга оширилади.

Бунда оммавий тартибсизликларда қатнашган бири-бирига қарши бўлган икки гуруҳ аъзоларини бир вақтда ва бир жойга сўроқ қилиш учун чақириш, олиб келиш ва куттириб қўйиш мумкин эмас. Айрим ҳолларда уларни кўриқлаш чоралари ҳам кўрилмоғи керак.

Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш учун тергов гуруҳи томонидан етарли билим, малака ва тажрибага эга бўлган терговчилардан иборат махсус гуруҳчалар ташкил этилиши (ҳолатлар, ҳудудлар бўйича), улар ҳолатлар назарга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ва аниқланиши лозим бўлган масалалар қайд этилган рўйхат ва сўровномаларга, шу ҳолатларга тааллуқли видеотасвирлар ва овозлар ёзилган кассета, дисклар ҳамда уларни кўриш ва эшитиш ускуналари, суратларга эга бўлишлари лозим.

Сўроқ жараёнида аниқланиши лозим бўлган масалалар сўроқ қилинувчининг ҳодиса содир бўлган жойда бўлиш сабаблари, бериши мумкин бўлган кўрсатмаси предметиға боғлиқ бўлади.

Шундай бўлса-да уларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: тартибсизликлар қатнашчисининг аниқ ҳаракатлари (ўч олишга чақириқ, қичқириш, шиорлар, ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчиларга қаршилиқ кўрсатиш ва ҳ.к.), уларнинг қуроллари, уша жойда маҳаллий ҳокимият ва маъмурий идоралар раҳбарлари ва ходимларининг борлиги ҳамда уларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари, ички ишлар органлари ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳаракатлари, транспорт воситаларининг ҳаракатлари ва бошқалар. Ички ишлар органлари ва ҳарбий хизматчилар раҳбарият томонидан оммавий тартибсизликлар давомида қандай тартиб ва мазмунда топшириқ, буйруқ ва командалар берилганлиги, ўзларининг сони, қуролланиши ва улардан фойдаланганликлари, кийимлари, ҳаракат маршрутлари, оломоннинг ҳаракатлари масалаларида сўроқ қилиниши мумкин.

Терговнинг бошланғич этапида оммавий тартибсизликларда қатнашганлиги ҳақида далил тўплаш ва изларини аниқлаш мақсадида оммавий тартибсизликлар пайтида ушланган шахсларни; фавқулодда ҳолат даврида ҳуқуқий режимни бузган шахсларни; оммавий тартибсизликларнинг олдини олишда тан жароҳати олган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимларини гувоҳлантиришдан ўтказиш ташкил этилиши керак.

Фавқулодда шароитлардаги оммавий тартибсизликларда қатнашган, жиноят содир этган ва шу сабабли қидирилаётган шахсларни таниб олиш учун, юзага келган ҳолат назарга олинган ҳолда одатда оммавий

тартибсизлик ҳолатлари ва уларда қатнашган шахслар олинган суратлар, видеотасвирлар ёрдамида, шунингдек, оммавий тартибсизликлар жойида ушланган шахслар таниб олишлик учун жабрланувчилар ва гувоҳларга кўрсатилади.

Фавқулодда шароитларда ҳарбий тадбирлар ўтказилишида терговчиларнинг ҳаракатлари — тергов гуруҳининг ҳарбий қисмлар билан ҳамкорлиги ҳисобланади. Бундай ҳолатларда терговчилар амалга ошириладиган тергов ҳаракатининг мақсади ва уни ўтказиш шароитидан келиб чиқилган ҳолда ҳарбий опреция ўтказилишидан мақсад назарга олинган ҳолда бўйсунувчи характерда бўлади.

Бундай операциялар (оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва батараф этиш) давомида махсус тергов гуруҳининг аъзолари қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- а) оммавий тартибсизликлар ҳолатларини кузатишни ташкил этиш;
- б) оломон ва уларнинг лидерлари хулқи ва ҳаракатларини, ҳарбий қисмларнинг ҳаракатларини кино-видео ва фототасвирга олиш, овоз ёзиш билан ҳужжатлаштириш, баённомалар тузиш;
- в) оммавий тартибсизликлар пайтида ушланган шахслар билан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- г) оммавий тартибсизликлар қатнашчилари чиқариб юборилган ва ҳарбий тадбирлар ўтказилган жойларни кўздан кечириш;
- д) ҳарбий тадбирлар тугагач, оммавий тартибсизликларни олдини олишда тан жароҳати олган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимларини гувоҳлантиришдан ўтказиш;
- е) ҳарбий операция ўтказилишида оператив штаб ишида қатнашиб, унинг ташкил этилиши ва бошқарилиши билан боғлиқ ҳолатларни ҳужжатлаштириш.

Излов-қидирув тадбирлари терговчи томонидан ташкил этилади ва шундай тадбирларни амалга оширувчи гуруҳ раҳбари томонидан бошқарилади, булар қаторига кўча, боғ, бино, иншоот, ертўла, майдон, чордоқ, ташландиқ бинолар, корхона, ташкилот ва муассасаларда қурол-яроғларни, жиноят қуролларини, портловчи ускуналар, ёқувчи воситалар, ёнувчи моддалар, оммавий тартибсизликларда талаб олиб кетилган мулкларни аниқлаш ва олиш, бедарак йўқолган шахсларни, гўрковларни ва оммавий тартибсизликлар қурбонларини ҳисобга олинмасдан кўмилган жойларни қидиришга қаратилган бўлиб, шу ҳудудда вазият барқарорлашганидан сўнг ташкил этилади.

Терговнинг бошланғич босқичида ўтказилган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари натижасида тўпланган ҳужжатлар, аниқланган ҳолатлар, олинган маълумотлар ва тўпланган далиллар тергов

гуруҳи раҳбарияти ва махсус ташкилий-таҳлилий гуруҳ (ахборот маркази) томонидан чуқур таҳлил қилиниб, ҳар бир ҳолатга баҳо берилган ҳолда, унинг натижалари асосида фавқулодда шароитлардаги оммавий тартибсизликлар юзасидан кенг қамровли ҳамкорликдаги тергов ва тезкор-қидирув режаси ишлаб чиқилади ҳамда тергов ҳаракатлари шу режа асосида изчиллик билан босқичма-босқич давом эттирилади.

Шундан сўнг, терговнинг муайян босқичларида қайд этилган режа бўйича амалга оширилган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари натижалари асосида режага тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда янгиланиб борилади.

Фавқулодда шароитлардаги оммавий тартибсизликлар ва унинг давомида содир этилган бошқа жиноятларга оид қўзғатилган жиноят иши юзасидан амалга оширилган тергов давомида тўлиқ тергов қилинган ҳолатлар (эпизодлар) бўйича айбланувчи(лар)га нисбатан қисми, асосий жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган ҳолда айблов ҳулосаси билан тамомланиб, мазмунан кўриб чиқишлик учун тегишли судларга юборилади.

Алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят ишида, у бўйича айбланган шахснинг айбини исботловчи ҳужжатлардан ташқари, асосий жиноят ишидан қуйидаги ҳужжатлар ксеронусхаси олиниб, қўшилган бўлиши шарт: жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор, шу ҳолат (эпизод) бўйича жиноят иши қўзғатиш ва уни асосий жиноят ишига бирлаштириш тўғрисидаги қарорлар, тергов гуруҳи раҳбарининг жиноят ишини ўз иш юритувига олганлиги ва терговга киришганлиги тўғрисидаги қарор, махсус тергов гуруҳи тузиш тўғрисидаги қарор, тергов ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тўғрисидаги қарор.

Тергов гуруҳи штабида судга ёки алоҳида иш юритувга ажратилиб, бошқа тергов органига юборилган жиноят ишлари юзасидан махсус журнал ва назорат ишлари юритилиши ҳамда назорат ишларида шу жиноят ишлари юзасидан терговда ёки суд томонидан қабул қилинган қарор ҳамда ҳукм нусхалари бўлиши лозим.

13-§. ПОРТЛОВЧИ УСКУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Портловчи ускуналар деганда портлаш хусусиятига эга, одамларни йўқотиш ва уларга зарар етказиш, турли хил объектларни йўқотиш ва вайрон қилиш учун мўлжалланган ва махсус тайёрланган ҳамда портлаш воситалари билан бирлаштирилган, портловчи модда зарядидан иборат бўлган, бир маротаба қўлланиладиган техник ускуна тушунилади.

Ҳар қандай портловчи ускуна қўидаги белгилар йиғиндисига эга бўлади; бир маротаба ишлатилади, портлаш кучи энергиясидан фойдаланилади, ягона конструкцияда, одамларни йўқотиш ва уларга зарар етказиш, турли хил объектларни йўқотиш ва вайрон қилиш учун мўлжалланади.

Портловчи ускуналар ҳар хил асосларга кўра турларга бўлинади.

Тайёрланиш усулига қараб портловчи ускуналар икки хил бўлади: саноат йўли билан ва қўлда тайёрланган.

Саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускуналар – бу, саноат йўли билан меъёрий-техник ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тайёрланган ускуналардир. Буларга ўқ-дори ва имитация воситалари киради. Ишлатилиш мақсади бўйича саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускуналар ҳарбий ва ҳўжалик учун мўлжалланган бўлади.

Қўлда тайёрланган портловчи ускуналар бўлиб, саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускуналарга қараганда, ҳеч бўлмаганда унинг конструкциясидаги бирорта элементи қўлда тайёрланган бўлади. Конструкциясига кўра, улар саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускунани эслатади.

Қўлда тайёрланган портловчи ускуна бажарилишида саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускунага конструкциясидаги элементларнинг киритилиши даражасига қараб: саноат йўли билан тайёрланган портловчи ускунанинг тўлиқ, баъзи ва айрим элементларидан фойдаланган ҳолда ҳамда тўлиғича қўлда тайёрланганларга бўлинади.

Портловчи ускуналарнинг бир қатор бошқа турлари ҳам мавжуд. Хусусан, кучига қараб катта кучдаги (250 грамм тортил эквивалентидаги массали заряд); ўртача кучдаги (100 дан 250 грамм тортил эквивалентидан кўпроқ массали заряд); кичик кучдаги (50 дан 100 грамм тортил

эквиваленти массали заряд). Турли хил портловчи моддаларнинг портлаш хусусиятини солиштириб баҳолаш учун «тротилли эквивалент» тушунчаси фойдаланилади. У эса, муайян миқдордаги тротилнинг портлаш кучи, солиштириладиган портловчи модда портлашининг кучи билан мувофиқ бўлади.

Механизмининг ҳаракатга келтирилиши бўйича портловчи ускуналар механик, электрик, ўт очиш, химик ва комбинациялашганларга бўлинади.

Портловчи ускуналар ҳаракат муддатига кўра: секинлаштирилган ҳаракат (олдидан белгиланган вақт оралиғида, яъни, бир неча минутдан бир неча кунгача вақт тугаши билан ишлаб кетади); қисқа муддатга секинлаштирилган ҳаракат (ҳаракати секинлашувчи 3 секунддан 10 секундгача); лаҳзалик ҳаракат (турли кўринишдаги ташқи таъсирлар остида тегинилганидан, тротилганидан, симнинг узилишидан сўнг ишлаб кетадиган; аралаш типдаги (ерга текканида ёки тўсиққа келиб урилганида босиш механизмининг ишлаб кетишидан сўнг секундлар ичида).

Бошқарилиш даражасига қараб портловчи ускуналар: бошқариладиган (мосламалар, симлар, радио орқали), бошқарилмайдиган, яъни, сезгир элементга таъсир кўрсатилишидан ишлаб кетадиганларга (улар ҳам 2 хил бўлади: мўлжалга текканида ишлаб кетувчи, учиб кетишида мўлжалга тегмаса-да муайян муддат ўтганидан сўнг ишлаб кетувчи) ажратилади.

Ҳар қандай портловчи ускуна асосий ва қўшимча элементлардан ташкил топган бўлиб, асосийсига портловчи моддаларнинг заряди ва таъсирланувчи воситаси киради. Уларсиз портлаш амалга ошмайди.

Портловчи моддалар қўлланиш усулига қараб таъсирланувчи, бризантли, улоқтириладиган ва пиротехник таркиблиларга бўлинади.

Таъсирланувчи портловчи моддалар ташқи таъсирга (зарбага, ишқаланишга, олов таъсирига, босилишга) сезгирлик хусусиятига эга.

Бризант портловчи моддалар кучлироқ бўлса-да, ташқи таъсирга сезгирлиги камроқ бўлади.

Улоқтирувчи портловчи моддалар — бу, одатдаги шароитларда портловчига айланувчи асосий шакли ёниш натижасида детонация берадиган моддалар ҳисобланади.

Пиротехник таркибли портловчи моддалар тутунли, ёритувчи ёки товушли самара берувчи яратишга мўлжалланган бўлади.

Криминал портлашларни тергов қилишнинг бошланғич босқичлари

Криминал портлашларни тергов қилишнинг бошланғич босқичларида учта типик тергов вазият юзага келиши мумкин: 1) портлатиш билан қўрқитиш тўғрисида хабар келиб тушган, аммо портловчи ускунанинг ўзи топилмаган; 2) портлаш юз берган; 3) портловчи ускуна ҳисобланадиган жиҳоз топилган.

Бу тергов вазиятларини ҳал қилишлик учун зарур бўлган асосий йўналишлар қуйидагилардир:

Биринчи тергов вазиятида, яъни, портлатиш билан қўрқитиш тўғрисида хабар келиб тушган, аммо портловчи ускунанинг ўзи топилмаган ҳолатда зарур бўлади:

1) дастлаб қўрқитишнинг хавфлилик даражасига, унинг амалга оширилиши қанчалик ҳақиқатга яқинлигига баҳо бериш, бунда ҳисобга олиниши керак: қўрқитиш кимга (нимага) қарши қаратилганлигига, унинг мазмуни ва шаклига, ташқи таъсирларга, воқеаларга, неча маротаба такрорланаётганлигига, илгари юз берган ва амалга оширилган воқеага ўхшашлигига, амалга оширилиш имкониятларининг мавжудлигига, нотаниш предметларнинг мавжудлигига ва хабар келиб тушишининг бошқа ҳолатларига;

2) қўрқитиш сабаби, террористларнинг талаблари, улар ким, қаердан қўнғироқ қилмоқдалар, яна қўнғироқ қиладиларми-йўқми эканлиги ойдинлаштирилиши керак;

3) қўрқитиш объекти билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва агар террорист портлатиш вақтини аниқ айтмаган бўлса, объектдаги ходимларни дарҳол эвакуация қилиш;

4) келиб тушган ахборотларни (ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин) ҳар томонлама таҳлил қилиш. Буларда муаллифлар ким бўлиши мумкинлиги, ёзув ким томонидан ва қачон бажарилганлиги, уларда турли хил изларнинг мавжудлиги атрофлича текширилиб, таҳлил қилиниши керак, аммо объект имкон даражасида бузилмасдан асл ҳолича сақланиши даркор.

Шунингдек, оғзаки хабарда уни тўла, ташқи бирор таъсирсиз ва ўртада пауза бўлса ҳам ўзгартирмасдан ёзиб олиш чоралари кўрилиши, таҳлил жараёнида хабар берган шахснинг жинси, миллати, ёши, психологик портрети, касби, саводи даражаси, лаҳжаси, шеvasи аниқланиши керак.

Портлаш ҳақидаги қўрқитиш тўғрисидаги хабар ва хавф даражаси таҳлил қилинганидан сўнг шу жойга тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи тегишли мутахассислар билан биргаликда юборилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга қадар портлаш юз берган тақдирда унинг зарар етказиш факторини камайтириш мақсадида хавф солинган объектдаги газ, электр энергияси ва сув таъминоти манбалари узиб қўйилиши керак.

Ушбу объектни кўздан кечиришни ташкил этишда, «ташқаридан ичкарига, пастдан юқорига» тамойили қўлланилиб, қоида бўйича қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим: объектнинг ташқи томони, бинога кириш жойлари, жамоат жойлари (фойе, коридор, ҳожатхона, гардероб), пиллапоялар ва лифтлар, ертўлалар, объектнинг ички хоналари.

Бевосита портлатиш ускунасини излаш билан фақатгина сапёрлар ва инспектор-кинологлар разведка ва портлатиш ускунасини изловчи техник воситалардан (миноискатель, металлоискатель, виброфонлар, стетоскоплар, портловчи моддаларнинг парларини аниқловчи-детекторлар, химик аэрозоллар, линиясиз радиолокаторлар, металл бўлмаган таёқчалар, фонендоскоплар, кабелоискателлар) уйғунлашгани шарт бўлгани ҳолда фойдаланиши зарур.

Объектни кўздан кечиришда шубҳали предметлар (маиший мақсадда ишлатиладиган, қўлда олиб юрилувчи нарсалар, автомашиналар ва бошқалар) аниқланиши лозим. Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади: топилган эгасиз дипломат, сумка, сетка, портфель, чемодан, ўроғлик нарсалар, қутилар ва ҳ.к; ташлаб кетилган автомашиналар; топилган предметларнинг ноодатий жойлашуви; предметларда унга хос бўлмаган элементларнинг мавжудлиги; предметларга сим ва шнурлар уланган бўлиб, бирор нарса тегиб кетиши учун мослаштирилганлиги, предметлардаги соат механизмларининг товушлари, портловчи ускунага ўхшаш белгили предметлар.

Агар портловчи ускуна топилмаса, қўрқитиш тўғрисида кўрсатилган муддат тугашига 15–20 минут қолганида объектдан барча кишилар чиқиб кетишлари шарт.

Иккинчи тергов вазиятида, яъни, портлаш юз берганлиги тўғрисида хабар олинishi биланоқ, тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи раҳбари унинг барча аъзолари тўпланишини таъминлаши, керакли мутахассисларни таклиф қилиши, портлаш юз берган жой ҳолати бузилмасдан сақланиши чораларини кўриши лозим.

Мутахассислар сифатида криминалистлар, сапёрлар, кинологлар, фавқулодда ҳодисалар бўйича хизмат ходимлари, ёнғин, коммунал хизмат ходимлари, жабрланганларга врачлар ва суд-тиббий экспертлари чақрилиши керак.

Бевосита портлаш жойини кўздан кечириш қуйидаги тартибда ўтказилиши зарур:

1) портлаш такрорланишини бартараф этиш (сапёрлар амалга оширади);
2) ҳодиса содир бўлган жойни суратга олиш ва видеотасвирга тушириш;

3) авария-таъмирлаш ишларини ўтказиш, жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни эвакуация қилиш (тегишли кучлар томонидан);

4) ҳодиса содир бўлган жойнинг режа ва схемасини тузиш (терговчи ва криминалистлар томонидан);

5) қўл, бармоқ, оёқ ва автотранспорт изларини аниқлаш, қайд қилиш ва олиш;

6) тезкор ходимлар ва портлаш бўйича мутахассис томонидан портлашнинг аниқ вақти, сони, характерлари (ҳажми, аланга ранги, тутун булутчалари, товуш ва ҳидлар), жўр бўлган портлашлар тўғрисида жабрланувчилар, гувоҳларни сўраш;

7) жиноятчилар кетиб қолиши мумкин бўлган йўналиш ва жойларни, уларни турган жойида қўлга олиш мақсадида аниқлаш;

8) бевосита портлаш содир бўлган жойни кўздан кечириш, ашёвий далилларни топиш ва олиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини тузиш.

Бевосита портлаш содир бўлган жойни кўздан кечириш босқичма-босқич, марказдан узоқлашган зоналар бўйича ўтказилади. Портлаш марказида пайдо бўлган чуқурлик размери ва шакли қайд этилади, қазилади ва тупроқни элакдан ўтказиш билан портловчи ускунанинг майда фрагментлари йиғилади, тупроқдан намуна, портлашнинг бризант ва термик излари бўлган предметлар олинади. Шу жойни турли кўринишларда суратларга олинади.

Биринчи зонада (радиус 2–5 метр), портлаш ҳаракати излари бўлган предметлар, портловчи ускуна фрагментлари сочилиш излари изланади, портловчи модданинг портламай қолган зарралари ва уларнинг қобиклари терилади.

Иккинчи зонада (радиус 10–20 метр), портлашнинг фугас ҳаракати излари бўлган предметлар, портловчи ускуна фрагментларини сочилиш излари изланади, тупроқдан намуна ва портлаш ҳаракати таъсир этмаган предметларнинг намуналари олинади.

Учинчи зонада (радиус 100–200 метр), портлашнинг фугас таъсири излари бўлган предметлар, портловчи ускуна фрагментлари йиғилади.

Учинчи тергов вазиятида, портловчи ускуна бўлиши мумкин бўлган предмет топилганида, кишилар ўлими билан боғлиқ бўлган таваккалчиликнинг оқибатини минимум даражасига келтириш, ҳаттоки жиноят излари сақланиши зарарига бўлса-да, ундан воз кечиш ишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Портлашдан ҳимоя воситаси бўлган сапёрлар етиб келганига қадар, қўл остида бўлган портловчи ускуналарни зарарсизлантиришга мўлжалланган ҳамда мослашган махсус техника (контейнерлар, майдалагичлар, рентген аппаратлари ва бошқалар) қўллаш чоғида зарур бўлади:

1) хавфли зонадан (радиус 300 метр) одамларни чиқариш ва милиция ходимлари томонидан ўраб олинишини таъминлаш;

2) портлаш хавфи бўлган предмет турган жойни портлашни бартараф этувчи воситалар билан ҳимоялаш;

3) ёнғинни ўчириш воситаларини тайёр ҳолга келтириб қўйиш;

4) одамлар кирмаслиги учун ўраб олинган жойдан ташқарисида, портлатиш тўғрисида қўрқитган шахсларни ва уларнинг ёрдамчиларини аниқлаш мақсадида яширин равишда видеотасвирга ва суратга олишни ташкил этиш.

Кўздан кечиришда предметга мутахассис бўлмаган шахсларни қўл тегизишига, уларни жойини ўзгартириш, бинони ёруғлик ҳолатини ўзгатирилишига йўл қўймаслик.

Портлаш хавфи бўлган предметни зарарсизлантириш шунга расмий рухсати бўлган мутахассис томонидангина амалга оширилиши мумкин.

Зарарсизлантирилган портловчи ускуналар махсус хизматларда бўладиган махсус контейнерлардагина сақланиши, олиб кетилиши мумкин.

Тергов қатнашчиларининг эҳтиёт чоралари

Криминал портлашларни тергов қилишнинг муҳим ўзига хос томони мавжуд бўлиб, портловчи ускуналарни топиш ва зарарсизлантириш, шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказишда, биринчи навбатда портлаш жойини кўздан кечириш ва портлаш хавфи бўлган предметларни олишда мутасадди идоралар ходимларининг ҳалок бўлиши ва жароҳатланиши ҳолатлари юз бериши ҳисобланади.

Кўпчилик ходимларда портловчи ускуналар билан ишлаш бўйича тажриба ва билим етишмаслиги, энг оддий техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш нотўғри ташкил этилгани бундай ҳолга сабаб бўлади. Бундай ҳолатларни истисно қилиш учун, тергов ҳаракатлари ўтказилишида тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи қатнашчилари имкон даражасида эҳтиёткорлик, ҳушёрлик кўрсатишлари, портлаш ишлари бўйича мутахассислардан фойдаланишлари ва бир қатор тавсияларга таянишлари ҳамда риоя қилишлари лозим бўлади.

1. Тергов ва тезкор-қидирув гуруҳининг портловчи ускуналардан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўйича

ҳаракатларининг муваффақиятли бўлиши, ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришга қанчалик даражада тайёргарликларига боғлиқ бўлади. Бу тайёргарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ички ишлар ва прокуратура органлари навбатчилик қисмлари ва раҳбариятида портловчи ускуналарни аниқлаш ва зарарсизлантиришга ихтисослашган ходимларнинг (шу жумладан МХХ ва мудофаа вазирлиги мутахассислари) рўйхатлари (манзили ва телефонлари билан) мавжуд бўлиши;

б) ҳодиса содир бўлган жойга бундай воқеа ва ҳодисалар бўйича муайян тажриба ва билимга эга бўлган ходимлардан иборат бўлган тергов ва тезкор-қидирув гуруҳини юбориш;

в) гуруҳ қатнашчиларини махсус кийим-бош, ёритиш техникалари, химоя воситалари ва портлаш ускуналари билан ишлаш учун махсус воситалар, изларни аниқлаш ва уларни қайд этиш, суратга, видеотасвирга олиш ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш;

г) портловчи ускуналар ёки уларнинг фрагментларини жойлаштириш, шунингдек, олиб кетиш учун портлашдан химояланган контейнерларнинг мавжудлиги;

д) текшириладиган ҳудуднинг йирик масштабли картаси мавжудлиги;

е) портлаш хавфи бўлган объектларга жалб қилинган ходимларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича билимга эга бўлиши.

2. Тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи таркибига мустақкам асаб тизимига эга бўлмаган, масъулиятсиз, вазифасига совуққонлик билан қаровчи, юзага келган вазиятни тезкорлик билан баҳолай олмайдиган, масъулиятсиз ва энг тўғри қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлмаган, шунингдек, мунтазам дори-дармон қабул қилиб турадиган касаллиги бўлган ходимларни киритиш мумкин эмас.

3. Портловчи ускуналар билан ишларни амалга оширувчи тергов ва тезкор-қидирув гуруҳининг қатнашчилари зарур ахборотларни бериб туришлари ва олишлари учун зарур бўлган алоқа воситалари билан таъминланиши лозим.

4. Тергов ва тезкор-қидирув гуруҳининг аъзолари ваколатига минадан тозалаш, зарарсизлантириш, портлаш ускунасини излаш кирмаслиги керак. Улар тергов ҳаракатларини ўтказишда, ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар тегишли хизмат ходимлари томонидан тўла бартараф этилган бўлиши, фавқулодда бирор ҳодиса юз берган тақдирда ҳам уларга ва кишиларга жароҳат етказилишини олдини олиш чоралари етарли даражада кўрилган бўлиши шарт.

5. Тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида объект миналаштирилганлиги ҳақида хабар олинса, объектни излаш, топиш, зарарсизлантириш, кўздан кечириш ва минадан тозалаш учун мутахассис сапёрлар

жалб қилиниши зарур. Сапёрнинг ёзма рухсатисиз тергов ҳаракатларини ўтказиш қатъиян ман этилади.

6. Тергов ва тезкор-қидирув гуруҳининг аъзолари портлаш жойини кўздан кечиришда биринчи портлаш жойида портламай қолган портлаш ускунаси бўлиши ва қайта портлаш юз бериши, шунингдек, заҳарловчи, заҳарли ва радиоактив моддалар бўлиши мумкинлигини истисно қилмасликлари лозим.

7. Агар сапёр рухсатисиз портлатиш хавфи мавжуд бўлса, портловчи ускуна жойида суратга олинishi ва видеотасвирга туширилиши билан чекланилиши лозим. Агар секинлашган портловчи ускуна механизмлари мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисида шубҳа уйғонса, ҳеч қандай тергов ҳаракати ўтказилмасдан фақатгина улар портлатилгач ёки зарарсизлан-тирилгач тергов ҳаракати давом эттирилиши керак.

8. Тергов ҳаракатларини амалга оширишда портлаш хавфи бўлган предметларни, улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга бериш ва ишлашлари учун рухсат бериш мумкин эмас.

9. Портлаш хавфи бўлган предметлар мустаҳкам, герметик хусусиятга эга, ташиш учун қулай бўлган мосламали идишларга жойлаштирилиши, ташқарисидан юмшоқ материал билан қопланиши, қаттиқ механик таъсир этмайдиган ҳолда бўлиши шарт.

10. Портлаш ускуналари қимирламайдиган қилиб ўрнатилган идишлар ёки улар портлаш учун хавфсиз контейнерларга солинган ҳолда қуролли қўриқчилар кузатувида ташилиши керак.

11. Портлаш хавфи бўлган ашёвий далиллар, экспертиза текширувидан ва эксперт-криминалистика бўлими раҳбарининг расмий рухсатидан сўнггина йўқ қилиниши мумкин.

Уларнинг йўқ қилинганлиги тўғрисидаги акт ва бошқа ҳужжатлар жиноят ишига қўшиб қўйилиши лозим.

14-§. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

Вояга етмаганларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг ўтказиладиган бошланғич тергов ҳаракатларининг тизими ва кетма-кетлиги қандай жиноят содир этилганлиги ва тергов қилинаётганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, вояга етмаган шахс ўғрилик жинояти содир этган бўлса, демак, тергов ҳаракатларининг тизими ва кетма-кетлиги ўғрилик жиноятларини, агарда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган бўлса, бундай жиноятни тергов қилиш усул ва услубиятига мувофиқ равишда тергов ҳаракатлари амалга оширилади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича, айнан қандай жиноят содир этганлигидан келиб чиқилган ҳолда шу жиноятларни тергов қилиш усуллари қўлланилади.

Аммо, бу борада айрим тергов ҳаракатларининг ўтказиш усулининг қуйидаги ўзига хос томонлари мавжуддир.

Вояга етмаганлар томонидан ёки уларнинг иштирок этганлиги тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлганида, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, уларнинг иштирокини тасдиқлаши мумкин бўлган бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ҳодиса содир бўлган жойда кичик размерли оёқ кийим изларининг борлиги жиноят содир этилишида вояга етмаган шахс иштирок этганлигини кўрсатади.

2. Мулк сақланадиган хонадан ўғрилик содир этилган ҳолда, унга очилган кичик тешик орқали кирилганлиги вояга етмаганлар иштирокини тасдиқлайди.

3. Ўғирлик содир этилган дўкон ва шунга ўхшаш объектлардан вояга етмаганларнигина қизиқтирган нарса ва буюмларнинг ҳам олиб кетилганлиги бу жиноятда вояга етмаган шахс иштирок этганлигидан далолат беради.

4. Ҳодиса содир бўлган жойда детектив кинофильм ёки китоблардаги машҳур персонажларнинг ҳаракатларини такрорлаш изларини кўрсатувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

5. Жиноятчилар томонидан девор ёки бошқа нарсада қолдирилган ёзувларга қараб, у бўйи паст, яъни вояга етмаган жиноятчи томонидан амалга оширилганлигини кўрсатади.

6. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганлиги аниқланган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойда автотранспорт воситасининг ёки катта размердаги оёқнинг изи борлиги, жиноят содир этишда катта ёшдаги жиноятчи ҳам иштирок этганлигини кўрсатади.

Бу ҳолатлар тергов давомида жиноятни фош этиш ва тергов ҳаракатлари ўтказилиши юзасидан тергов гумонларини тўғри илгари суриш имконини беради.

Вояга етмаган жиноятчи қатнашувида ўтказиладиган тинтувда, у тажрибасизлиги ва ёшидан келиб чиққан ҳолда катталарга қараганда ўзини ишончли тута олмайди, сўзларини оҳанги, кўз қарашлари, довдираб қолиши ва бошқа шунга ўхшаш нотабий ҳаракатлари билан қидирилаётган шахсининг турган жойини қаердалигини сездириб қўяди. Бундан ташқари, одатда вояга етмаганлар жиноят фош этилиши мумкинлиги ва ашёвий далиллар ўзидан, яшаш ва ўқиш жойидан топилиши мумкинлигини онгли равишда тўла тасаввур эта олмайди ва табиийки, уларни яшириш чораларини кўрмайди. Шу сабабли тинтувда саргузаштларини ёзиб борадиган кундалик ёки бошқа ёзувлар, ашёвий далиллар, шунингдек, уларнинг шахсини тасдиқловчи, кўрсатувчи ва тавсифловчи бошқа нарсалар ҳам топилиши амалиётда кўп кузатилади.

Вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишнинг ўзига хос томонлари шундаки, кўпчилик ҳолатларда содир этилган жиноятлар бўйича жабрланувчи ҳам, жиноятчи ҳам вояга етмаган бўлади, бунда уларнинг ёши ва психологик ўзига хосликларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишдан олдин унга пухта тайёргарлик кўрилиши лозим ва бунда сўроқ қилинувчининг дунёқараши қай даражада ривожланганлиги, унинг қизиқишлари доираси (хоббиси), қандай йўл тутилганида у билан яқин «контакт» ўрнатиш мумкинлиги аниқланиши ҳамда бу ҳолатлардан сўроқда самарали фойдаланишлик лозим бўлади.

15 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс сўроқ қилинадиган бўлса, уни вояга етмаган, кўниккан шароитларда, масалан, мактабда ёки оила даврасида ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 15 ёшдан ошганларни хизмат хонасида расмий вазиятда сўроқ қилиш кўпроқ самара беради.

Вояга етмаганлар ўзларининг танишлари ва жиноятда иштирок этган тенгқурларига нисбатан тўғри кўрсатма беришни хоҳламайдилар, чунки уларда дўстлик, сотқинлик ва шунга ўхшаш ўзини «эркакларча тутиш» руҳияти кучли бўлади. Бундан ташқари, уларнинг табиати оғир, шахсини ёмон томондан кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, шу ҳолатлари унга

таъкидланиб, танқид қилинса, улардан шу ҳолатда тўғри кўрсатма олиш амримаҳол бўлади. Бундай ҳолларда терговчи сўроқ қилинувчининг қизиқишлари доираси (хоббиси), табиати ва бошқа жиҳатларини назарга олган ҳолда у билан яқин ишчанлик ва ишончлилиқ муносабатини юзага келтириши, инсонга адолатлилиқ, холислиқ ва тўғрисўзлиқ яхши зийнат сифатида хослиги таъкидланиши ҳамда ҳақиқатнинг аниқланиши аввало ўзи учун, қолаверса у қарши кўрсатма бериши мумкин бўлган шахс учун ҳам яхши бўлиши онгига сингдирилиши лозим. Шунда бундай вояга етмагандан тўғри кўрсатма олиш мумкин бўлади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, вояга етмаган ота-онаси ва қариндошлари, ўқувчи ва тарбиячилари ҳузурида обрўси тўкилишидан қўрқиб, ўзига маълум бўлган барча ҳолатларни айтмаслиги мумкин, шу сабабли терговчи бундай ҳолатларда уларни айнан кимлар иштирокида сўроқ қилиш кутилган самарани бериши мумкинлигини тўғри ҳал этиши керак.

Сўроқ қилинадиган вояга етмаганлар ҳаёт чиғириқларидан ўтмаганлиги ва бундай ҳолатларга тушиб юрмаганлиги сабабли жуда эмоционал, яъни, кучли руҳий босим остида бўлади. Терговчи эса усталик билан уларни шу ҳолатдан чиқариши керак.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда уларни ҳаммавақт ҳам кўрган, эшитган ҳолатларини тўғри қабул қилиш ва айтиб, тасвирлаб бериш ҳолатида бўлмайди. Бундан ташқари, улар воқеа ва ҳолатларни ўзларича фантазиялаштиришга мойил бўладилар. Бу ҳолатлар эса терговчидан уларни сўроқ қилишда тўғри усулни танлашни тақозо этади ва бунда сўроқ қилиш аниқ саволлар бериш билан аниқ жавоблар олиш шаклида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бирор воқеа, ҳодиса ва ҳолат юзасидан вояга етмаганларни сўроқ қилиш имкон даражасида кечиктирмасдан ўтказилиши чоралари кўрилиши керак, чунки улар учун эсидан чиқариб қўйиш хос ҳисобланади. Бундан ташқари, уларга манфаатдор тарафлардан салбий таъсир кўрсатилиши ва тазйиқ ўтказилиши ҳам мумкин.

Сўроқ қилиш баённомасини тўлдиришда, вояга етмаганлар турумушда ишлатиладиган айрим расмий сўзларни, шунингдек, ҳуқуқий терминларни маъносини тушунмайдилар. Шу сабабли баённома вояга етмаганлар томонидан айтилган сўзлар кескин тўғриланмасдан имкон даражасида уларнинг ўзлари яхши тушунадиган ва англайдиган тарзда расмийлаштирилиши керак. Бунда, айрим сўзлар ва терминларсиз ҳолатни баён қилиш имкони бўлмаса, вояга етмаганларга уларнинг мазмунини ва маъноси тўла ёритилиб берилиши зарур.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда, одатда педагоглар қатнашадилар, шу сабабли сўроқдан олдин унда иштирок этувчи педагогга сўроқ

предмети бўлган воқеа, ҳолат ва ҳодиса баён қилиниши, у эса вазиятни инобатга олган ҳолда сўроқ давомида айнан қандай саволлар берилиши ҳамда саволлар қай тарзда қўйилишини белгилаб олиши лозим бўлади, чунки у бу масалаларда махсус кўникма ва тажрибага эгадир.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишга терговчи алоҳида тайёргарлик кўриши керак, қандай йўл тутилганида у билан яқин «контакт» ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, сўроқ қилинувчининг шахсини чуқур ўрганиш лозим бўлади. Чунки, шундай ҳолда терговчи бўладиган сўроқнинг қандай боришини олдиндан белгилаш, унинг ёлгон кўрсатувларини фош этишга қаратилган тўғри усулни танлаш имконига эга бўлади.

Бундай вазиятда терговчи, вояга етмаганнинг ҳаётий тажрибаси камлигидан фойдаланиб, аввало ўзи ҳақида, қолаверса, сўроқ қилинувчининг ижобий тарафларини мақтаб, унда содир этилган жиноят ҳолатларига нисбатан ўзи ва у кўп маълумотга эга эканлиги тўғрисида таассурот туғдира олиши керак, шунда вояга етмаган бола имкон қадар терговда ўзига маълум ҳолатлар юзасидан тўғри ва мазмунли кўрсатма беради.

Вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг кўпчилик ҳолатларда гуруҳ ёки шундай гуруҳ таркибида содир этилишини назарга олган ҳолда, уларни сўроқ қилишнинг кетма-кетлигини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу вазифани ҳал этишда терговчи ҳисобга олиши лозим:

а) терговда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, терговда тез ва ҳаққоний кўрсатма бериши мумкин бўлган вояга етмаган шахсни аниқлаш ва сўроқ қилиниши;

б) у ёки бу вояга етмаганнинг содир этилган жиноятдаги иштироки даражаси ва унинг исботланганлиги;

в) жиноят содир этилишида вояга етмаганнинг қандай ўрин тутганлиги: у ташкилотчими ёки иккинчи даражали иштирокчими; бундай ҳолатда биринчи навбатда иккинчи даражали иштирокчининг сўроқ қилиниши;

г) вояга етмаган айбланувчилардан бирининг гуруҳда «лидер»лигини кўрсатувчи, айти пайтда унга ва гуруҳга муҳолифатда бўлган айбланувчи бор-йўқлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлигига; «лидер» энг сўнггида сўроқ қилиниши.

Терговчи шуни ҳам ёдда тутиши керакки, сўроқда вояга етмаганнинг ота-онаси ва унга яқин кишиларнинг обрўсини тўкиш билан боғлиқ бўлган ахлоққа зид турмуш тарзини аниқлашга қаратилган масалаларни ойдинлаштириш борасидаги савол-жавобларда ахлоқий-этик нуқтаи назардан ёндашиши шарт. Энг маъқули, уларнинг

ўзи гапирмаса ёки ташббус кўрсатмаса бу масалалар тўғрисида индамасликдир.

Вояга етмаганларга оид жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ичида уларга нисбатан суд-психологик экспертизаси тайинлаш ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. У, агар терговда вояга етмаганнинг интеллектуал ва иродавий муносабатларда, шу ёшдагиларга нисбатан анча кам ривожланганлигини ҳамда шу сабабли ўзининг ҳаракатларининг оқибати ва аҳамиятини тўлиқ англаб етмаганлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлгандагина тайинланади. Шу муносабат билан унга нисбатан унчага ўтказилган суд-психиатрик экспертизасининг хулосалари катта аҳамиятга эга, чунки унда вояга етмаган ақли расо, деб топилган бўлса-да, ақлий ривожланиш жиҳатдан муайян даражада орқада қолганлиги қайд этилган бўлади.

Бундай экспертиза тайинланганда, эксперт-психолог олдида ҳал қилиниши учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

1. Вояга етмаганнинг ақлий ривожланиш даражаси ёшига мувофиқми?

2. Мазкур шахснинг тафаккур тарзи айнан қайси ёшдаги шахснинг ақлий ривожланиш даражасига мувофиқ келади?

3. Психология ва педагогика маълумотлари асосида, вояга етмаган ақлий ривожланиш даражаси ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ижтимоий хавфли ҳаракатининг моҳиятини тўла англаб етмаганлиги тўғрисида хулосага келиш мумкинми?

4. Вояга етмаганда, шахсининг у ёки бу томонлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги юзага келган аниқ бир вазиятда ўзининг ҳаракатларини бошқара олиш имкониятига эга бўлмаслиги ёки уни қийинлаштириши мумкинми?

5. Мазкур вояга етмаган муайян фактларни тўғри қабул қилиш ва ўз кўрсатмаларида уларни тўғри баён қилиб бериш қобилиятига эгами?

Вояга етмаганлар содир этган жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик ва психологик томонлари

Вояга етмаган шахсиятининг психологик ўзига хослиги баъзи тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари танлашга бевосита таъсир кўрсатади. Буларга киради:

1) кайфиятини ўзгарувчанлиги, бетгачопарлиги ва қизиққонлигини келтириб чиқарувчи ҳис-туйғуларининг юқорилиги. Ўсмир ўзининг ҳис-туйғуларини лозим даражада жиловлай ва ҳаракатларини тўла бошқара олмайди. Ўзининг ҳаракатларида ўсмир ақлга эмас, кўпинча ҳис-туйғуга асосланади;

2) ҳаётий тажрибанинг камлиги туфайли намоён бўлади: аниқ бир вазиятни нотўғри баҳолашда; жамиятга зид турмуш тарзли шахсларни намуна сифатида қабул қилиб, уларга ўхшашга ҳаракат қилишида; ботирлик, кўрқоқлик, дўстлик ва улғайганлик тушунчаларининг нотўғри талқин қилишда;

3) ўз атрофидаги шахсларнинг фикрига алоҳида аҳамият бериши, бошқаларнинг, айниқса, катталарнинг ҳулқини ўзлаштириш ва уларга ўхшашга ҳаракат қилиш; ваъдалар, ишонтиришлар, кўндиришлар ва кўрқитишларга таъсирчанлиги; булар эса, ўсмирни ўз обрўсини атрофидагилар ўртасида туширишдан кўрқиб, ўзи ҳеч қачон содир этиши мумкин бўлмаган ҳаракатлар содир этишига бошлаши мумкин;

4) ўзининг кучи ва жисмоний имкониятларини ортиқча баҳолаб юбориши;

Вояга етмаганлар жиноятининг криминалистик ўзига хослиги қуйидаги асосий белгилари билан характерланади:

Биринчидан, жиноий тажовуз предметининг ўзига хослиги. Буларга аудио-видео техникалар, компьютерлар, уяли телефонлар, спорт товарлари, соатлар, модадаги кийимлар, тақинчоқлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Амалиётда кўпгина ҳолларда улар ҳодиса жойидан қимматбаҳо нарса ва буюмлар, антиквариат, картиналар ва бошқаларга тегмасдан ҳам юқорида қайд этилганларни олиб чиқиб кетганликлари маълум.

Иккинчидан, жиноятни содир этишнинг ўзига хос вақти ва жойи. Кўпинча уларнинг вақтларини қандай ва кимлар билан ўтказиши ота-оналари томонидан назорат қилиниши сабабли, улар жиноятларни ҳам ота-онаси уйида эмас ва бошқа иш билан машғул бўлган пайтларда, подъезд, кафе-бар, ҳовли, ертўлалар, боғлар, кечки клублар ва компьютер ўйнаш мумкин бўлган жойларда содир этадилар.

Учинчидан, жиноят содир этиш усулининг ўзига хослиги; улар аксарият жиноятларни гуруҳ бўлиб содир этиши, ҳаракатларининг мантиқсизлиги, ўқиган ва кўрган кинофильмларидаги машҳур персонажларга ўхшашга ҳаракат қилишлари, жинояти фош этилмаган бўлса, қаторасига яна шундай ҳаракатларни содир этиши, жиноят изини йўқотишга ҳаракат қилмаслиги билан характерланади.

Тўртинчидан, жиноят орқасида қўлга киритилган нарса ва буюмларни яшириш ва сотишда яшаш манзилларига яқин жойлардан фойдаланишлари ва ҳамда қилган ишларидан мақтанишлари.

Булардан ташқари, вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилишда бир қатор ўзига хос тамойиллар ва талаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар жиноят-процессуал қонунчиликда қатъий белгилаб қўйилган.

15-§. ФОШ ЭТИЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

Содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мақсадлари қаторида содир этилган ҳар бир жиноятни тез ва тўла фош этиш, жиноят содир этган ҳар бир шахс ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб беришини таъминлаш туради. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олишда бу тамойил алоҳида аҳамият касб этади.

Статистик рақамлардан маълум бўлишича, содир этилган жиноятларнинг 10 фоизига яқин қисми фош этилмасдан қолади. Бу эса, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидалари ва шаклланган яшаш меъёрларига зид равишда ҳамда уларни менсимасликдир. Айрим ҳолларда бир неча бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар муқаррар жазодан қутулиб қолмоқда, бу улар ҳар дақиқада яна оғир жиноят содир этиши мумкин демакдир. Шу сабабли ҳам содир этилган ҳар бир жиноятни фош этиш ва жиноятчини одил судлов қаршисида жавоб беришга мажбур этиш катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Амалиётдан кўринадики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳар бир содир этилган жиноятни фош этиш борасида тегишли чоралар кўрилса-да, бир қатор омиллар таъсирида уларнинг муайян қисми фош этилмасдан қолади. Бундай ҳолатда эса, жиноят ишлари тўхтатилади, аммо бу жиноятни фош этишга қаратилган ишлар тўхтатилади дегани эмас, аксинча, жиноят иши тўхтатилса-да, жиноятни фош этиш бўйича ишлар тўхтовсиз ва маълум бир тизим асосида сифатли ва самарали олиб борилиши ва пировардида барча жиноятларнинг фош этилишига эришилмоғи керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина ҳолларда жиноят содир этилганидан сўнг дастлабки ўн кунлар, айрим ҳолларда бир неча ой давомида уни фош этишга қаратилган ишлар фаол ва ташаббускорлик билан олиб борилади, қизиғида у фош этилмагач, маълум вақт ўтганидан сўнг бу йўналишдаги ишлар сусайтириб юборилади. Жиноят иши жиноятни содир этган шахс аниқланмаганлиги сабабли тўхтатилганидан

сўнг эса тергов ва тезкор-қидирув ишлари кўпгина ҳолларда номигагина, жуда юзаки ўтказилади, уларнинг устидан прокурор назорати ҳам лозим даражада таъминламайди. Буларнинг оқибатида ва бошқа бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, шу жиноятни фош этиш борасида ишлар изчиллик билан фаол, маълум бир тизим ва қатъий режа асосида олиб борилмасдан қолади, бунда тасодифга умид боғланиб, жиноятни фош этилишига сабаб бўлувчи бирор ҳолат юз бериши кутилади, афсуски, бу ҳолат кўпинча, шу жиноятни содир этган шахс бошқа бир жиноятни содир этиши оқибатида содир бўлади.

Шу муносабат билан, жиноят содир этган шахс аниқланмаганлиги сабабли терговни тўхтатиш тартиби, тергов тўхтатилганидан сўнг жиноятни фош этиш юзасидан пировардида самара берадиган қандай ишлар терговчи ва суриштирув органлари томонидан амалга оширилмоғи зарурлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Жиноятчи аниқланмаганлиги сабабли терговни тўхтатишнинг процессуал тартиби

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасида белгилаб қўйилганки, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаси жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир

ЖПКнинг 321-моддаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят иши қўзғатишини мажбурий қилиб қўйилган.

Қонуннинг жиноятларни тез ва тўла фош этиши, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши, жиноят содир бўлишига имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан талабларини муваффақиятли бажариш энг аввало терговчининг малакаси, ўз ишини суриштирув органи билан ҳамкорликда тўғри ташкил этиши, жамоатчилик ёрдамида самарали фойдаланишига боғлиқ бўлади.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, оддий тилда айтганда «эски» жиноятларни, яъни, жиноятчилар аниқланмаганлиги сабабли тергови тўхтатилган олдинги йилларда содир этилган жиноятларни фош этиш анча қийиндир.

Кўплаб, турли хил оғир ва ўта оғир жиноятларга оид бўлган ва фош этилмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилган жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жиноятларнинг аксарияти гарчи кечаси,

гувоҳларсиз содир этилган бўлса-да, содир этилиши усулига қараб фош этилиши нуқтаи-назаридан жуда мураккаб ҳисобланмайди.

Ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат, жабрланувчига етказилган жароҳатларнинг характери ва терговда тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, жиноятчилар жиноят содир этишда шўшма-шўшарлик билан ҳаракат қиладилар ва жиноятнинг изларини йўқотишнинг яшириш чораларини кўрмайдилар ёки бундай чораларни ўқувсизлик билан амалга оширадилар. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда шундай чораларни кўрсалар-да, ўз иродаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш усулини, жиноятчиларнинг шахсларини тавсифловчи моддий изларни ҳодиса содир бўлган жойда қолдирадилар.

Тергов жараёнида жиноятни содир этган шахснинг аниқланмасдан қолинишига, кўпинча, тергов органлари ишидаги жиддий камчиликлар; тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг мақсад сари аниқ йўналтирилган ҳолда самарали ташкил этилиши ва амалга оширилиши таъминланмаслиги, муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини (масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш) сифатсиз ва юзаки ўтказилиши, барча ҳақиқатга яқин бўлган гумонларнинг илгари сурилмаслиги ва уларнинг ҳар бирини бир вақтнинг ўзида атрофлича текширилишини таъминлай оладиган тергов ва тезкор-қидирув талбирларининг белгиланмай тўлиқ текширилмаслиги, тергов ва суриштирув органи ўртасида ишчан ва яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлади.

Шундай қилиб, «ёски» жиноятларни, яъни, жиноятчилар аниқланмаганлиги сабабли тергови тўхтатилган олдинги йилларда содир этилган жиноятларни фош этиш терговчиларнинг ва суриштирув органи ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, уларнинг иш услуби ва шаклини такомиллаштириш, фан-техниканинг илғор ютуқларини кенг ва самарали қўллаш, қонун талабларини оғишмай ва аниқ бажариш билан чамбарчас боғлиқдир.

Процессуал қонунда, дастлабки тергов уч ой муддатда тамомланиши (ЖПКнинг 351-моддаси) белгилаб қўйилган бўлиб, ишни айблов ҳулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокураторга топширилган ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган куни тергов тамомланган ҳисобланади.

Агар тергов жараёнида жиноятчининг шахсини аниқлаш имконияти бўлмаса, жиноят иши юритувида бўлган терговчи ёки суриштирув органи жиноятни фош этишга қаратилган ишларни давом эттиришга мажбурдир. Фақатгина, жиноятни содир этган шахсни аниқлаш учун барча зарур ва мумкин бўлган тергов ҳаракатлари ўтказилганидан

сўнггина жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ЖПКнинг 367-моддасига асосан тўхтатилиши мумкин.

Бунда таъкидлаш жоизки, қонунда белгиланган уч ойлик дастлабки тергов муддати тугаганидан сўнг, жиноят ишини жиноятни содир этган шахс аниқланмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатиш ЖПКда кўзда тутилмаган, аммо амалиётда бундай ҳолларга кўпинча қонунсиз равишда йўл қўйилади.

Аслида эса, қонунда, тергов жараёнида жиноятни содир этган шахсни аниқлаш юзасидан далилларни тўплаш бўйича зарур ва мумкин бўлган барча тергов ҳаракатлари ўтказилган тақдирдагина дастлабки терговни тўхтатиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Демак, қонунда белгиланган уч ойлик дастлабки тергов муддатида жиноят содир этган шахсни аниқлаш ёки жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи аниқ бир шахс ёки шахсларни шу жиноятни содир этганлиги учун айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун тўпланган далиллар етарли бўлмаган ҳамда жиноятни фош этиш ёки гумон қилинувчи шахснинг айбини исботлаш учун далиллар тўплаш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда, терговчи ЖПКнинг 351-моддаси тартибида жиноят иши юзасидан дастлабки тергов муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан уни узайтириш ваколатига эга бўлган прокурорга мурожаат қилиши керак.

Жиноятни содир этган шахсни аниқлашга қаратилган барча зарур ва мумкин бўлган тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилганидан сўнг ҳам жиноят фош этилмаган тақдирда терговчи ўзининг асослантирилган қарори билан жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Бу қарорда у чиқарилган вақти ва жойи, уни чиқарган ходимнинг лавозими ва исми-шарифи, жиноят иши бўйича дастлабки тергов қандай сабабларга кўра тўхтатилганлиги ва қарор қабул қилишга асослар кўрсатилади. Қарорнинг резолютив қисмида эса, қайси суриштирув органига жиноятни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш топширилганлиги ҳам кўрсатилади. Қарор нухаси прокурорга ва суриштирув органи раҳбарига юборилади.

Терговчи дастлабки тергов ҳаракатларини тўхтатганидан сўнг, ЖПКнинг 367 ва 370-моддалари талабларига кўра, шахсан ўзи ва суриштирув органи орқали жиноят содир этган шахс ёки шахсларни аниқлаш юзасидан зарур бўлган чора-тадбирларни кўриши шарт. Аммо, амалиётда кўпинча ҳаракатдан шу асосларда тўхтатилган жиноят ишлари бўйича қонун билан терговчига шарт қилиб қўйилган бу вазифа тўғри талқин этилмайди ва бунинг оқибатида дастлабки тергов тўхтатилгач, тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари мунтазам, сифатли ва самарали олиб борилмасдан қолади.

Жиноятни фош этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда, терговчи томонидан унга тайёргарлик кўриш, ташкил этиш ва йўналиш берувчи маълумотларни тўплаш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳаракатлар қаторига муассаса, ташкилот ва шахслардан турли маълумотлар олиш, иш юзасидан гувоҳларни аниқлаш, содир этилиш усули ўхшаш бўлган ҳукм чиққан, тўхтатилган, тугатилган жиноят ишларини ва маҳкумларнинг шахсий ишларини ўрганиш, терговчини қизиқтирган масалалар юзасидан турли сўровномалар юбориш ва уларга жавоблар олишни киритиш мумкин.

Тажрибадан маълумки, терговчи томонидан бундай маълумотлар олиш ва таҳлил қилиш тергов қилинаётган ҳолатни янада тўлиқ ойдинлаштириш ва жиноятчининг шахси тўғрисида кенгроқ тушунчага эга бўлиш имкониятини беради, бу эса ўз навбатида тергов ва тезкор-қидирув гумонларини тўғри илгари суришни ҳамда тезкор-қидирув ишларини фаол, тез ва тўхтовсиз олиб борилишини таъминлайди.

Терговчининг жиноятни фош этиш бўйича бевосита тегишли чора-тадбирларни кўриши шартлиги, унинг бу ишда суриштирув органларининг тезкор-қидирув имкониятларидан кенг фойдаланишини истисно этмайди.

Терговчи ҳаракатдан тўхтатилган бундай жиноят ишлари бўйича суриштирув органига турли хил тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар бериши, уларнинг бажарилиш муддатларини белгилаши ва бажарилган ишлар юзасидан ахборот ва маълумотлар талаб қилиши мумкин.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноят содир этган шахсларни кўрсатувчи янги маълумотлар олинса ёки тергов ҳаракати ўтказиш зарурияти пайдо бўлса, терговчи ўзининг асослантирилган қарори билан жиноят иши юзасидан ЖПКнинг 371-моддасига қўлланилган ҳолда дастлабки терговни қайта тиклаши лозим. Бу қарорда жиноят ишини тўхтатиш ва терговни қайта тиклаш учун асос бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Тергов қайта тикланган жиноят ишлари бўйича тергов муддати назорат олиб борувчи прокурор томонидан ЖПКнинг 351-моддасига мувофиқ, бир ойлик муддатга белгиланди ва кейинги тергов муддатларини узайтириш ЖПКнинг шу моддаси талаблари асосида амалга оширилади.

Айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли тўхтатилган жиноят иши ЖКнинг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгач, тугатилиши лозим.

Жиноятни фош этиш бўйича ишларни ташкил этиш

Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, жиноят содир этган шахс аниқланмаганлиги сабабли тергов тўхтатилган, яъни, «эски» жиноятларни муваффақиятли фош этиш ва тергов қилишнинг асосий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилишида қонуний-ликка қатъий риоя қилиш;

б) тергов ҳаракатлари ва суриштирув органларининг тезкор-қидирув тадбирларини оқилона уйғунлаштириш;

в) терговни тўғри ташкил этиш, суриштирув органи томонидан терговчининг жиноятни фош этиш юзасидан берган кўрсатма ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

г) терговни синчковлик билан ва пухта режалаштириш, тергов ва тезкор-қидирув гумонларини чуқур ишлаб чиқиш ва текшириш;

д) жиноятни фош этиш ва жиноятчини қидиришда жамоатчиликни кенг жалб қилиш ҳамда унинг кучидан унумли фойдаланиш;

е) ҳодиса содир бўлган жойни ва бошқа объектларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатлари жараёнида криминалистик техника ҳамда илмий-техник воситалардан оқилона фойдаланиш;

ж) криминалистик, судга оид тиббий ҳамда бошқа экспертлар имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланиш.

Тажибадан маълумки, айрим жиноятларнинг тезда фош этилмаслигига тезкор-қидирув ишларида тергов алоҳида ҳолда ташкил этилиши ва амалга оширилиши сабаб бўлади. Терговчи билан суриштирув органларининг ишида яқин ва ишчан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши масаласининг аҳамияти фош этилмасдан қолинаётган «эски» ишлар бўйича алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Чунки, бундай жиноятларни фош этиш қийин бўлиб, терговчи ва суриштирув органидан ҳамкорликдаги катта кучни талаб қилади. Шу сабабли унинг баъзи муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда тергов ва суриштирув органининг ваколатлари аниқ равишда бири-биридан ажратилиб, белгилаб қўйилган. ЖПКнинг 339–343-моддаларига мувофиқ, ички ишлар органлари ва суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш мақсадида зарур бўлган тезкор-қидирув чораларни кўриш вазифалари юклатилган.

Бунда, фақатгина суриштирув органлари ваколатига кирувчи ва процессуал шаклда бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган тезкор чораларни тергов ҳаракатлари билан уйғунлашган ва суриштирув органи сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг процессуал

томонидан боғлиқ бўлган қидирув ҳаракатларидан фарқлаш лозим бўлади.

Жиноят-процессуал қонунчиликда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилганидек, жиноят содир этган шахслар аниқланмаган ҳолатларда, суриштирув органлари жиноятни фош этиш юзасидан зарур бўлган тезкор-қидирув ишларини давом эттиради ва унинг натижалари тўғрисида терговчини мунтазам хабардор қилиб туради, борди-ю бевосита жиноятни фош этиш билан боғлиқ маълумотга эга бўлинса, терговчига дарҳол бу ҳақда хабар бериш керак. Жиноятчининг шахсини аниқлаш учун зарур бўлган тезкор-қидирув чораларини қандай тарзда амалга оширилишини ички ишлар органларининг ўзи аниқ ҳолатдан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Терговчи ички ишлар органларининг тезкор фаолиятига аралашishi ва уларнинг тадбирлари ҳақида ахборот талаб қилиши мумкин эмас. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, терговчи иш юритувидаги жиноят ишлари юзасидан процессуал ҳаракатлар фақатгина терговчининг топшириғи асосидагина ўтказилиши мумкин. Шундай зарурат пайдо бўлганида ички ишлар органлари ходимлари бу ҳақда терговчини хабардор қилишлари шарт, шундан сўнг терговчи процессуал ҳаракатнинг мақсадга мувофиқлигини, уларнинг ўтказилиш вақти, жойи ва тартибини ҳал қилади.

Тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, фош этилмаган жиноят юзасидан терговчи ва суриштирув органи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакли самарали ҳисобланади:

- қонунда белгиланган тергов муддатида жиноятни содир этган шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда бу йўналишдаги тадбирларни узлуксиз давом эттириш учун ички ишлар органлари ходимларини терговчига ёрдам бериш учун ажратиш;

- жиноят ва тезкор-қидирув ишларини биргаликда ўрганиш ва натижаларини идоралараро тезкор йиғилишда муҳокама қилиб, амалга ошириладиган тергов ва тезкор-қидирув йўналишларини белгилаш;

- терговчи ва ички ишлар органлари ходимларининг ҳодиса содир бўлган жойга дастлабки, қўшимча, қайта кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун биргаликда чиқиши;

- гумон қилинувчиларнинг шахсини, уларнинг турмуш тарзини ва жиноий алоқаларини биргаликда ўрганиш;

- биргаликда гумонларни илгари суриш, тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишнинг келишилган режаларини ишлаб чиқиш;

- амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида доимий ахборотлар алмашинувини таъминлаш.

Терговнинг дастлабки босқичиданоқ терговчи жиноят ишидаги мавжуд маълумотлар ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда,

суриштирув органи ходимларини қачон, қайси масалада, қандай куч билан ва қандай шаклда ўзига ёрдам бериши учун жалб қилиши лозимлигини ҳал қилиши керак. Бунда, ўзаро ҳамкорлик имкон даражасида эртароқ бошланиши, у узлуксиз равишда ва жиноят тўла фош этилганига қадар давом эттирилишига алоҳида аҳамият берилади.

Фош этилмаган ва тергови мураккаб бўлган, кенг қўламли тергов ва тезкор-қидирув ишларини тез ва самарали ўтказиш талаб қилинадиган жиноятлар бўйича махсус тергов ва тезкор-қидирув гуруҳининг ташкил этилиши амалиётда ўзини оқлаган. Тергов гуруҳининг процессуал томонлари ЖПКнинг 354–356-моддаларида тўла кўрсатилган.

Бундай гуруҳлар таркибига етарли малака ва тажрибага эга бўлган ходимлар жалб қилинган ҳолда, улар ўртасида амалга оширилиши лозим бўлган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказилишининг тўғри тақсимланиши катта аҳамиятга эга.

Амалиёт кўрсатадики, бу гуруҳлар таркибидаги ходимларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда, ҳар бир кичик гуруҳга алоҳида бир гумонни ёки йўналишни тез, сифатли ва самарали равишда тўла текширилишини юклаш, ўз навбатида кичик гуруҳнинг ҳар бир аъзосига унинг тажриба ва малакасини назарга олган ҳолда аниқ бир йўналишдаги тергов ёки тезкор-қидирув ишларини ўтказишни юклаш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, бундай ҳолларда гуруҳ раҳбари ҳар кун ёки муайян вақтда барча гуруҳ аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказиб, унда ходимдан ишлаб чиқилган режалар асосида белгиланган тадбир ёки тадбирларни қай тарзда бажарганлиги, натижаси ва яна қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги ахборотини тинглаб, шу тарзда гуруҳ аъзоларининг ахборотларини таҳлил қилиб, қайси гумон ва йўналиш бўйича қайси кичик гуруҳ ҳамда уларнинг аъзолари айнан қандай вазифаларни қайси муддатда ва тартибда бажариши лозимлигини белгилайди ҳамда бу жараён жиноят фош этилганига қадар давом эттирилади.

Жиноят содир этган шахсларнинг аниқланмаган жиноят ишлари бўйича терговнинг ўзига хос томонлари

Узоқ муддат давомида аниқланмаган жиноятларни тергов қилиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ ва бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бундай «эски» жиноятларни фош этилишини қийинлаштирувчи ҳолатларга одатда:

- а) жиноятни муқаддам содир этилганлиги;

б) терговнинг бошланғич босқичида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ва у билан боғлиқ бўлган терговнинг тўла ва ҳар томонлама олиб борилмаганлиги;

в) тергов ўтказилишини мураккаблаштирган салбий ҳолатлар (жиноятчи томонидан жиноят содир этилиши ва унинг изларининг йўқотишда ўта ярамас усул қўлланилиши, жабрланувчининг ўлганлиги, жиноят ҳақида жуда кеч маълум бўлганлиги ёки кеч хабар берилганлиги, қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича жабрланувчининг жасади топилмаганлиги ва бошқалар).

Бундай жиноятларни фош этишда терговчининг оқилона йўл тутиш қобилиятини ишга солган ҳолда унгача ўтказилган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида тўпланган далил-маълумотларни, аниқланган ҳолатларни жой-жойига қўйган ҳолда тўғри баҳолаш ҳамда кейинги тергов йўналишини белгилаб олиш муҳим ўрин тутди. Жиноятчи аниқланмаганлиги учун тергов тўхтатилишига сабаб бўлган аниқ ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда терговчи фаолиятини дастлабки терговнинг хато ва камчиликларини тўлдириш ва бартараф этиш, янги далиллар тўплаш, илгари сурилган гумонларни қайтадан ўта синчковлик билан текшириб чиқиш ва янгиларини илгари сурган ҳолда текширишга йўналтирилади.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи ва жиноятчининг шахси аниқланмаган ҳолатларда гумонларни илгари суришда ўта хушёрлик ва сезгирлик талаб этилади. Бундай шароит, майда бўлакларга бўлинган жасаднинг бир қисми ёки фақат скелети топилганда юзага келиши мумкин.

Бундай шароитда терговчи ва суриштирув органи терговнинг дастлабки босқичида тўпланган маълумотларни эътиборга олган ҳолда, асосий кучларини жабрланувчининг шахсини аниқлашга қаратишлари керак. Бунинг учун энг аввало, жиноят иши билан бирга шу иш юзасидан сақланаётган ашёвий далиллар (жасад қисми ўралган газмол парчаси, пойафзал, кийимларнинг бўлаклари ва бошқалар) чуқур текширилиши, лозим бўлса таниб олиш учун кўрсатилиши ҳамда экспертизага юборилиши зарур.

Жабрланувчининг шахси, тахминий ёши, бўйи, ўзига хос белгилари ва қачон бўлакланганлиги тўғрисидаги муҳим маълумотларни жасадни суд-тиббий экспертизасидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулосадан олиш мумкин бўлади.

Иш юзасидан мавжуд далиллар атрофлича ўрганилганидан кейинги тергов ва тезкор-қидирув режаси ишлаб чиқилади, гумонлар илгари сурилади, уларни текшириш жараёнида жабрланувчининг шахсини ва жиноятчини аниқлаш борасидаги зарур бўлган тергов ва тезкор-қидирув

ҳаракатлари ўтказилади. Бунда, тажрибадан келиб чиққан ҳолда кўпинча жасадни бўлақларга бўлиш билан содир этилган қотиллик жиноятларини жабрланувчини яхши биладиган, у билан қариндошчилик ва интим муносабатларда бўлган шахслар томонидан содир этилишини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Ўдакларнинг жасади топилганлиги муносабати билан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича гумонларни илгари суришда дастлабки тергов босқичида тўпланган маълумотлар, яъни суд-тиббий экспертизаси ҳулосаси (чақалоқнинг жинси, ёши, ўлим вақти ва сабаби, киндигининг аҳволи ва бошқалар бола тиббий муассасада туғилганлигини кўрсатади), жасад топилган вақт, жой, ҳолат (шаҳар ёки қишлоқнинг ичи ёки чекка қисми, йилнинг фасли, жасадни кўмилганлиги ёки очикдалиги ва бошқалар), ҳодиса жойидан олинган ашёвий далиллар ва излар (жасад ўралган газмол парчаси ёки пеленка, тупроқдаги оёқ изи, қолдирилган буюмлар) жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу маълумотлардан фойдаланган ҳолда терговчи туғруқхоналардан айнан шу фасл, ой, кунларда туғилган шу жинсдаги ўдаклар туғрисида ва ФХДЁдан уларнинг қайд этилишига оид маълумотларни олиш билан жабрланувчининг ота-онаси шахсини аниқлаши ҳам мумкин бўлади.

Жиноятни содир этган шахс аниқланмаган ўғирлик жиноятлари бўйича, ўғирлаб кетилган буюмларнинг сони ва ўзига хос белгиларини синчковлик билан аниқлаш жуда муҳимдир. Амалиётда эса, жиноятчилар ўғирлаган буюмларини чайқов бозорларида ёки уларни доимий равишда сотиб олиш билан шуғулланувчи хусусий кишиларга, айрим ҳолларда бошқа шаҳарларда сотиши орқасидан жиноят фош этилганлиги ҳолатлари кўп.

Бундай жиноят бўйича ҳам ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини терговчи томонидан фақатгина атрофлича ўрганилишигина эмас, балки ҳар бир сатрини таҳлил қилиши ва «нима сабабдан айнан шундай», деган саволга жавоб излаш орқали баҳолаши ҳам жуда муҳимдир.

Бунда терговчи шу баённома мазмунидан аввало тегишли зарур маълумотларни олади ва гумонларни илгари суришига замин яратади. Тергов ҳаракати қанчалик даражада сифатли ўтказилганлигига баҳо берган ҳолда зарур деб топса, криминалистик техника ва илмий техник воситалардан фойдаланади. Тегишли мутахассисларни жалб қилиб, шу жойни ўта синчковлик билан қайта кўздан кечириш туғрисида узил-кесил ҳулосага келади.

Амалиётда айнан ҳодиса содир бўлган жойни қайтадан сифатли кўздан кечириш жиноятни фош этилишига сабаб бўлганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бунда узоқ муддат ўтганлиги сабабли бирор ашёвий далил ёки из топиллиши қийин бўлса-да, терговчи ҳодиса содир бўлган жойни шахсан ўзи кўздан кечириш билан у ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлади ҳамда жиноят ишидаги мавжуд гувоҳ кўргазмаларини ва бошқа ҳолатларни ўрганишда яққол тасаввур ҳосил қилади.

Булардан ташқари, бошқа тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказишда ҳам жиноят иши ҳужжатлари синчковлик билан ўрганилиши, шундай тергов ҳаракати ўтказилишига жиддий тайёргарлик кўрилиши ва унинг режаси тузилиши, бунинг давомида криминалистик техника ва илмий техник воситалардан унумли фойдаланилиши зарур бўлади.

Дастлабки тергов босқичида шу жиноятни содир этганликда гумон қилинган ҳар бир шахс томонидан келтирилган важлар ўта синчковлик билан ҳар томонлама текширилиши керак, чунки ҳар бир инсон каби, терговчи ёки прокурор ҳам ўз дунёқараши, билими, зийраклиги ва қобилияти даражасидан келиб чиққан ҳолда тўпланган далиллар ва аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиб ўзича баҳо беради.

Шу сабабли ҳам терговчи жиноят иши юзасидан тўпланган ҳар бир ҳужжатни синчковлик билан чуқур ўрганиши жараёнида дастлаб тергов олиб борган терговчи илғамаган ёки тўғри баҳолай олмаган, аммо жиноятни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат ва кўргазмаларни топиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фош этилмасдан қолаётган «эски» жиноятларга оид ишлар бўйича терговнинг дастлабки босқичида гумон қилинган шахсларни қайта сўроқ қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, жуда масъул ва мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланади.

Бундай шахслардан тўғри ва тўлақонли кўргазма олиш учун терговчи сўроқ қилишни тактик усуллари ва услубиятини яхши билиши билан бирга унга атрофлича тайёргарлик кўриши ҳам шарт.

Сўроқ қилишни терговчи жиноят иши ҳужжатларини ва жиноят содир қилиши мумкин бўлган шахснинг шахсини чуқур ўрганишдан бошлаши лозим. Бунинг амалга оширишда терговчи ва ички ишлар органининг тезкор ходими жиноят содир қилиниши усулини, гумон қилинувчининг иш, яшаш ва ўқиш жойидаги шахсий ишларини ҳамда турмуш тарзини ўрганиши, унинг алоқаларини аниқлаш ва муқаддам судланган-судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Агар гумон қилинувчи муқаддам судланган бўлса, унга нисбатан жиноят иши суд ёки архивдан, жазо ўтаган муассасадан шахсий иши чақириб олинлиши ва ўрганилиши зарур. Зарур деб топилган тақдирда мазкур шахснинг жазони бирга ўтаган ва сирдош бўлиб юрган шахслар билан муносабатларини ҳам ўрганилишидан ташқари, улар билан

ёзишмалар, сўзлашувлар бўлганми-йўқми аниқланиши ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Гумон қилинувчининг шахси тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлиш терговчига унинг табиати, одатлари, дунёқараши, қизиқиши, хулқи ва бошқа жиҳатлари тўғрисида хулосага келишга, шу асосларда эса уни сўроқ қилиш режасини тўғри ишлаб чиқишга замин яратилади.

Терговчилар фош этилмасдан қолаётган жиноятга содир қилиниш усули ўхшаш бўлган жиноят ишларини ҳам ўрганганлиги ва бунинг натижасида жиноятни фош этиш борасида муҳим маълумотларга эга бўлганлиги ҳолатлари кўп учрайди.

Гумон қилинувчи етарли асослар бўлган ҳолда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган ҳолларда, у дарҳол сўроқ қилиниши керак. Бу эса гумон қилинувчининг янги шароитга кўникиш ва ўзини шу шароитда қандай тутиши юзасидан қулай бўлган хулқ-атвор йўлини танлаб олиш имкониятидан маҳрум этади ҳамда пировардида уни жиноят ҳолати тўғрисида тўғри ва тўлиқ кўргазма олиш имкониятини оширади.

Сўроқ жараёнида терговчи гумон қилинувчининг табиати, одатлари, хулқ-атвори тўғрисида ўзига маълум бўлган ҳолатлардан фойдаланган ҳолда, у билан психологик алоқа ўрнатиши, бунинг учун бирданига жинойий ҳодиса тўғрисида эмас, балки, ҳаётда ва жамиятда шаклланган инсоний муносабатлар, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва бурчи, гуноҳ ва савоб ва бошқа маънавий ҳамда руҳий тушунчалар тўғрисида норасмий суҳбат ўтказиши зарур бўлади. Чунки, у ким бўлмасин, аввало инсон, унда ҳам ҳаёт, оила, бурч, виждон, гуноҳ, мардлик ва охират каби масалаларда ўз қарашлари бўлади. Терговчи эса усталик билан унинг шу нозик нуқтасини топа олиши керак.

Терговчи гумон қилинувчини сўроқ қилиш давомида, у қандай хулқ-атвор йўлини тутган бўлишидан қатъи назар, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни барча икир-чикиригача аниқлашга ҳаракат қилиши керак. Бу жараёнда терговчи ўзини жуда ишончли, гуёки, у томонидан шу жиноят содир этилганлиги тўғрисида етарли далилларга эгадек тутиши, бирорта ҳам у фойдаланиши мумкин бўлган маълумотни бермаслиги керак.

Агарда гумон қилинувчи жиноят содир этганлигини инкор этган тақдирда ҳам унинг ҳолатлар юзасидан кўргазмаларини имкон қадар атрофлича ва тўлиқ бўлишига ҳаракат қилинмоғи лозим, чунки, унинг бу ёлғон важларини текшириш орқали инкор қилиш йўли билан терговчи унга нисбатан руҳий босим ўтказиш учун катта имкониятига эга бўлади.

Булардан ташқари, терговчи жиноят иши юзасидан терговга киришидан олдин жиноят иши ҳужжатларини ўрганишда, иш юзасидан ўтказилган судга оид турли хил экспертизалар тайинлаш ҳақидаги қарорлар, текшириш учун тақдим қилинган материаллар ва экспертизаларнинг хулосаларини ўта синчковлик билан ўрганиб, таҳлил қилиши, хулосаларнинг қанчалик илмий асосланганлигига баҳо бериши, лозим деб топган ҳолларда эса, қўшимча ва қайта судга оид экспертизалар тайинлаши мумкин.

Узоқ вақт давомида фош этилмасдан қолинаётган жиноятлар бўйича тергов ва тезкор-қидирув ишларининг ташкил этилиши, амалга оширилиши ва тўпланган далиллар ҳамда аниқланган ҳолатларга баҳо берилиши устидан прокурор назоратини таъминлашда, прокурорлар бу тоифадаги жиноят ишларининг рўйхати асосида уларни ўрганиш жадвалини тузиб олиши, шошма-шошарликка ва юзакичиликка йўл қўймасдан ҳар бир жиноят юзасидан тезкор-қидирув ишини синчковлик билан атрофлича ўрганиб чиқиши керак.

Шундан сўнг, ўрганиш натижаси асосида жиноят ва тезкор-қидирув ишлари юзасидан жиноятни фош этишда ижобий натижа берувчи аниқ тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш бўйича мазмунли ва асослантирилган кўрсатма бериши лозим. Бу кўрсатмаларнинг тўла ва сифатли даражада бажарилиши прокурор томонидан алоҳида назоратга олинмоғи керак.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Эсанов Малик Ганиевич 1953 йил 5 сентябрда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилиб, 1970 йилда Ургут туманидаги А. Навоий номи ўрта мактабнинг тамомлаган. 1973 йилда Самарқанд шаҳридаги мева-сабзавотчилик техникумининг агрономия факультетини, 1978 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.

1978 йил 8 августда Самарқанд вилоят прокуратурасига ишга қабул қилиниб, Сийб, Самарқанд, Ургут ва Боғишамол туман прокуратураларида, 1985–87 йилларда Навоий шаҳар прокуратурасида терговчи, 1987–88 йилларда Жиззах вилоят прокуратурасининг криминалист-прокурори, 1989–1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг криминалист-прокурори, 1993–1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими бошлиғи, 1998–2001 йилларда Тошкент вилояти, Зангиота туман прокурори, 2001–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлим бошлиғи ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2003–2006 йилларда Тошкент шаҳар, Учтепа туман прокурорининг ўринбосари лавозимларида ишлаб, ҳозирда Тошкент шаҳар прокуратураси хизмат қилиб келмоқда. М. Г. Эсановга 1994 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан “Адлия катта маслаҳатчиси” унвони берилган. 1982, 1988 ва 1991 йилларда Санкт-Петербургдаги прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш институтида тергов соҳаси бўйича малакасини оширган.

У ўз фаолияти жараёнида республика прокуратураси органлари ходимларининг касб-маҳорати ва малакасини оширилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирда республикадаги барча тергов органлари томонидан амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган “Тергов амалиёти” амалий методик қўлланмасига асос солган “Тергов процессуал ҳужжатлари намуналари”, Жиноятларни тергов қилиш усул ва услубиёти», “Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил қилиш”, “Дон ва дон маҳсулотларини талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш услуби”, «Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш ва тергов қилиш услубиёти» ва бошқа бир қатор китоб ва амалий-услубий қўлланмаларнинг муаллифи.

Республикада жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда кўрсатган алоҳида хизматлари учун 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланган. М. Г. Эсанов ҳозирда «Терговчининг процессуал ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда касбий сифатлари» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

Ходжаев Музаффар Рустамович 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, 1992 йилда Юнусобод туманидаги 9-сонли ўрта мактабни тамомлаган. 1998 йилда Тошкент Давлат Юридик институтини, 2009 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетини тугатган.

1998 йилда Тошкент вилояти прокуратураси органларига ишга қабул қилиниб, 1998–1999 йилларда вилоятнинг Чирчиқ шаҳар прокуратурасида, 1999–2000 йилларда Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокуратурасида терговчи лавозимида ишлаган. 2000 йилдан эса Тошкент шаҳар прокуратурасида хизмат қилиб келмоқда.

М. Р. Ходжаев бугунги кунда «Иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг криминалогик тавсифи» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-§. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш.....	6
2-§. Фуқароларнинг бадарак йўқолиб, жабрланувчи топилмаган ҳолатларда қўзғатилган жиноятларини тергов қилиш.....	19
3-§. Номусга тегиш жиноятларини тергов қилиш.....	40
4-§. Мансабдорлик жиноятларини тергов қилиш.....	78
5-§. Порахўрлик жиноятларини тергов қилиш.....	87
6-§. Дон ва дон маҳсулотларини талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш.....	96
7-§. Автотранспорт ҳодисаларини тергов қилиш.....	109
8-§. Темир йўл ва ҳаво транспорти ҳодисаларини тергов қилиш.....	124
9-§. Босқинчилик ва талончилик жиноятларини тергов қилиш.....	139
10-§. Ўғрилиқ жиноятини тергов қилиш.....	149
11-§. Фирибгарлик жиноятларини тергов қилиш.....	157
12-§. Фавқулодда содир этилган жиноятларни тергов қилиш	167
13-§. Портловчи ускуналардан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тергов қилиш.....	179
14-§. Вояга етмаганлар жиноятларини тергов қилиш.....	187
15-§. Фош этилмаган жиноятлар бўйича иш юритиш.....	193
Муаллифлар ҳақида маълумот.....	206

Малик Ганиевич Эсанов
Музаффар Рустамович Ходжаев

ТЕРГОВ

Нашр учун масъуллар *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*

Муҳаррирлар *Муҳиддин Омон, Шойим Бўтаев*
Бадий муҳаррир *Ақром Баҳромов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусахҳихлар *Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

ИБ № 4834

Босишга 08.06.09 й. да рухсат этилди. Бичими 60x84¹/₁₆.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 12,09 шартли босма табоқ.
13,5 нашр тобоғи. Адади 10000 нусха. 178 рақамли буюртма.
57–2009 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: fop_iptd@rambler.ru

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Амалдаги қонунларга биноан муаллифнинг рухсатисиз нусха кўчириш, чоп этиш ва қайта чоп этиш, тарқатиш, сотиш тақиқланади. Қонуннинг ушбу талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.